



SHARQSHUNOSIK
ВОСТОКОВЕДЕНИЕ
ORIENTAL STUDIES



3

2022

ILMIY JURNAL
ISSN 2181-8096



SHARQSHUNOSLIK
ВОСТОКОВЕДЕНИЕ
ORIENTAL STUDIES

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI ILMIY JURNALI

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

SCIENTIFIC JOURNAL OF THE TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF ORIENTAL STUDIES

№ 3, 2022



Журнал Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси
рўйхатидан қайта ўтган (№ 02-0053, 26.09.2014 й.) – ISSN 2181 – 8096

Бош муҳаррир – Рихсиева Гулчехра Шавкатовна
филология фанлари номзоди, доцент

Таҳрир хайъати

Д. Сайфуллаев	<i>тарих фанлар доктори, доцент (бош муҳаррир ўринбосари)</i>
Д. Мухиддинова	<i>филология фанлари доктори (масъул котиб)</i>
А. Маннонов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Р. Ходжаева	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Ш. Шомусаров	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Қ. Омонов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
У. Мухибова	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Х. Хамидов	<i>филология фанлари доктори, доцент</i>
Б. Абдухалимов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
А. Ходжаев	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
М. Исҳоқов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
А. Дониёров	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
Х. Файзиев	<i>тарих фанлари номзоди, доцент</i>
Р. Жумаев	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
Н. Абдуллаев	<i>сиёсий фанлар доктори, доцент</i>
Ш. Ёвқочев	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
А. Ваҳобов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Р. Абдуллаев	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
И. Мавланов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Д. Пўлатова	<i>фалсафа фанлари номзоди, профессор</i>
Р. Баҳодиров	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Э. Иззетова	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Г. Глизон	<i>АҚШнинг New Mexico университети профессори</i>
А. Шоназарова	<i>АҚШнинг Колумбия университети профессори</i>
Оно Масаки	<i>Япониянинг Цукуба университети профессори</i>
Ли Джи Ин	<i>Корея Республикасининг Ханжук чет тиллар университети профессори</i>
В. Месаамед	<i>Исроилнинг Қуддус университети профессори</i>
А. Гурер	<i>Туркиянинг Анқара университети профессори</i>
А. Воробьев	<i>Россия Фанлар академияси, Шарқшунослик институти катта илмий ходими</i>
Г. Авда	<i>Миср Араб Республикасининг Хелвон университети профессори</i>
А. Тохир	<i>Миср Араб Республикасининг “Ал-Ҳивар” сиёсий тадқиқотлар маркази директори</i>
Ли Синьвэй	<i>Хитой Халқ Республикасининг Шэньси университети профессори</i>
Х. Байдемир	<i>Туркиянинг Отатурк университети профессори</i>

Нашрга тайёрловчилар:

Ж. Исмоилов, А. Зиёдов, Л. Хамдамзода, Ҳ. Сулаймонова

Журнал докторлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши
лозим бўлган илмий наشرлар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий
Аттестация Комиссияси томонидан киритилган.

e-mail: nashriyot@tsuos.uz

web-site: www.tsuos.uz



МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ //
LITERATURE STUDIES

<i>Содиқов Қ.</i> «Сюань-Цзан кечмиши» асарига киритилган мактублар қадимги туркий эпистоляр жанрининг классик намуналари сифатида	4
<i>Шомусаров Ш., Мирзамухамедова З.</i> Араб тилида ҳаракат феъллари ҳақида баъзи мулоҳазалар	19
<i>Ҳамидов Х.</i> Бир ҳикоянинг икки таржимаси.....	28
<i>Содиқова Ш., Алламбергенов А.</i> Ижодкор бадий изланишларида талқин, таҳлил ҳамда тасвирнинг ўзига хослиги.....	40
<i>Очилов О.</i> Хитой мумтоз шеърятининг ритмик парадигмаси.....	49
<i>Назарова А.</i> Спужмай Зарёб ҳикояларида сюжет ва гоёвий мазмун уйғунлиги масаласи	55
<i>Болтабоева Ҳ.</i> Турк – ўзбек маърифатчилик адабиётининг назарий асослари	67

МАНБАШУНОСЛИК ВА ТАРИХШУНОСЛИК // ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ
И ИСТОРИОГРАФИЯ // SOURCE STUDIES AND HISTORIOGRAPHY

<i>Алимова Р.</i> Туркистон генерал-губернаторлигидан Кошғарга жўнатилган савдо қарвони хусусида (Архив ҳужжатлари мисолида)	74
<i>Арипова З.</i> Ўрта аср Миср хотин-қизларининг ижтимоий ҳаёти.....	81
<i>Қодиров З.</i> Салжуқийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.....	94
<i>Кобилова Г.</i> Формирование современной корейской культуры	104
<i>Тожиёв Д.</i> Боймирза Ҳайитнинг “Туркистон: Россия ва Хитой оралиғида” китоби муҳим манба сифатида	114
<i>Юсупов И.</i> Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда почта алоқа тизимининг янги босқичга кўтарилиш тарихи	122
<i>Абдухалилова А.</i> Хива хонлигида солиқ ҳисобидан йиғилган маблағларнинг сарф этилишига доир	130

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА СИЁСАТ //
МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ И ПОЛИТИКА //
INTERNATIONAL RELATIONS AND POLITICS

<i>Zang Hongyuan.</i> Problems and prospects of the project of China-Kyrgyzstan-Uzbekistan railway	139
<i>Саидова С.</i> Дунёвий давлатчилик ва унинг ўзига хос жиҳатлари	152

ФАЛСАФА // ФИЛОСОФИЯ // PHILOSOPHY

<i>Ахмедова С.</i> Философско-религиозное обоснование счастья в учениях арабо-мусульманских мыслителей.....	162
<i>Тулеметова Г.</i> Вопросы формирования понятийного аппарата религиозведческой экспертизы.....	172

ИЛМІЙ АХБОРОТ // НАУЧНАЯ ИНФОРМАЦИЯ // SCIENTIFIC INFORMATION

<i>Мирзаев М.</i> Келажакка узанган қардошлик.....	182
--	-----



АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ // LITERARY STUDY

СОДИҚОВ ҚОСИМЖОН

Филология фанлари доктори, профессор, ТДШУ

«Сюань-Цзан кечмиши» асарига киритилган мактублар қадимги туркий эпистоляр жанрининг классик намуналари сифатида

Аннотация. “Сюань-цзан кечмиши” асари қадимги хитой ва турк адабий, маданий алоқаларининг муҳим ва қимматли ёдгорлигидир. Илк ўрта асрларда буддизмнинг Марказий Осиёда ёйилиши туркий халқлар билан Шарқ халқлари ўртасидаги маданий, адабий ва тил алоқаларини ривожлантириб юборди. Асар ана шу даврларда хитой тилидан қадимги туркий тилга таржима қилинди. Унинг таржимони Сингқу Сели тудун ўз даврининг кўзга кўринган адиби, йирик буддашунос ва хитой тилининг билимдонларидан эди. Таржима жараёнида у туркий тилнинг бор имкониятидан унумли фойдаланди ва ажойиб асарни туркий адабиётга олиб кирди.

Таянч сўз ва иборалар: буддизм, туркий ёдгорликлар, туркий тил; хитой – турк адабий алоқалари; таржима адабиёт; буддизм даври китоби; қадимги турк эпистоляр адабиёти.

Аннотация. “Биография Сюань-цзана” является важным письменным памятником китайской и тюркской литературных и культурных связей древнего периода. Распространение буддизма в Центральном Азии в раннем средневековья дал импульс развитию культурных, литературных и языковых связей между тюркским народом и народов восточных стран. Данное произведение переведено на древнетюркский язык из китайского. Переводчик этой книги Сынгку Сели тутун является видным писателем, крупным ученым в области буддологии и знатком китайского языка. В своем произведений он использовал все лучшие стороны древнетюркского языка и обогатил свою литературу одним уникальным произведением.

Опорные слова и выражения: буддизм, тюркские письменные памятники, древнетюркский язык; китайско-тюркские литературные связи; переводная литература; буддийская книга; древнетюркская эпистолярная литература.

Abstract. The biography of Suan-tsang is an important and valuable work of ancient Chinese and Turkish literary and cultural relations. In the early middle Ages, the spread of Buddhism in Central Asia developed cultural, literary and linguistic relations between the Turkic peoples and the peoples of the East. The work was translated from Chinese into ancient Turkic during those times. His translator, Singqu Seli Tudun, was a prominent writer of his time, a great Buddhist scholar and scholar of the Chinese language. In the process of translation, he took full advantage of the Turkic language and introduced the wonderful work to Turkic literature.



Keywords and expressions: *Buddhism, Turkic manuscripts, Turkic language; Sino-Turkic literary relations; translation literature; a book of the Buddhist period, Old Turkic epistolary literature.*

Кириш. Туркологияда X асрда яшаб ўтган таниқли тилмоч, адиб ва буддашунос Сингку Сели (~Шингку Шели) тудунгнинг тавғач, яъни хитой тилидан қадимги туркий тилга таржима қилинган учта асари маълум: «Altun öñlög yaruq yaltrıqlıy qopta kötrülmiş nom eligi», яъни «Олтун тусли, ёруғлик таратувчи ҳамма нарсадан буюк бўлган тождор нўм»; қисқартирилган оти «Олтун тусли ёруғ» («Altun öñlög yaruq» = «Suvarṇaprabhāsa sūtra»); «Сюань-цзан кечмиши» («Tsi-in-čün kavi nom bitig») ҳамда «Вужуд ва кўнгилни кўриш китоби» («Et-özüg köñlög körmäk atlıy nom bitig») (Содиков 2008, 65–69).

«Сюань-цзан кечмиши» асари тарих китоби бўлуви билан бирга, буддизм даври хитой – турк адабий алоқалари, қадимги турк таржима адабиётининг ўта қадрли ва тенги йўқ ёдгорлигидир.

Асарнинг тўлиқ оти: «Bodisatv tayto Samtso ačariniñ yoriğün uqıtmaq atlıy Tsi-in čün tigmä kavi nom bitig» (СЦ.VI.1.2–4). Бу «Бўдисатв тайтў Самтсў устознинг йўриғларини баён этувчи Тси-ин-чун дея аталган кави (яъни эпик) нўм битиг» деган маънони англатади.

Сарлавҳада асар *kavi nom bitig* деб аталаётир. Бу ўринда *kavi* (<санскр. *kāvya*) – «эпос, эпик асар» деган маънони беради; *nom* атамаси суғдча *nwt*, яъни «дин қонуни; диний таълимот» сўзидан олинган; *nom bitig* – «ақоид китоби»дир.

Муаллиф *kavi* атамасини Ғарб эллари хотираларига бағишланган мемуарига нисбатан ҳам қўллаган. Мана ўша жумла: *Kögügi ellär ödigi bir kavi qılzun der.* – «Ғарб эллари хотиралари ҳақида бир эпик асар ёзсин деб» (СЦ.VI.25.18–19).

«Сюань-цзан кечмиши» асари *ıduq nom erdini*, яъни «кутлуғ нўм жавоҳир» сифати билан ҳам аталган (СЦ.V.87.20).

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда буддизмнинг ёйилиши Шарқ халқларининг маданий ва адабий алоқалари, Шарқ тилларининг ўзаро таъсирини таъминлаб берди; халқнинг ижтимоий-тарихий, маданий, адабий ҳаётида катта бурилиш ясади. Турк-будда адабиётида таржимачилик ниҳоятда ривожланди: санскрит, тохар, суғд тилларидан йирик будда ёдгорликлари – нўм битиглар, сутралар, хотиралар, будда қиссалари, шастарлар қадимги туркий тилга таржима қилинди. Будда асарлари аввалига санскритчадан, кейинчалик уларнинг тохарча, суғдча ва хитой тилларидаги версияларидан ўгирилган. Шу вазият тақозоси билан ўқимишли турк кишилари орасидан йирик буддашунослар, қадимги Шарқ тилларининг билимдонлари, таниқли шарқшунослар етишиб чикди. Сингку Сели тудунг ўша замонда шуҳрат топган ана шундай буддашунос ва таржимонлардан эди.



Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг исломдан бурунги тарихини ўрганишда қадимги хитой манбалари, айниқса, хитойлик сайёҳларнинг ўлкамизга қилган саёҳатлари асосида битилган эсдаликлар катта аҳамиятга эга. Ана шундай эсдаликлардан бири фанда «Сюань-цзан кечмиши» номи билан машхур. Илк ўрта асрлар тарихига бағишланган тадқиқотларда бу асарга тез-тез мурожаат қиладилар.

«Сюань-цзан кечмиши»нинг ҳам хитойча, ҳам қадимги туркий тилдаги версиялари бўлган. Туркий версияси бундан минг йил муқаддам Кучу уйғур давлатида «Тси-ин-чун кави нўм битиг» номи билан таржима қилинган. Ушбу обида бизгача ягона қўлёзма нусхада етиб келган бўлиб, у уйғур хатидадир. Лекин қўлёзма ҳозир бўлақларга бўлинган ҳолда Париж, Пекин, Санкт-Петербургда сақланмоқда. Аниқлашларича, қўлёзма китоб бир жойдан топилган, кейинчалик ҳар хил йўллар билан турли қўлёзма фондларига тарқаб кетган. Жумладан, Санкт-Петербургдаги Россия Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари институти (аввалги Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими) фондида сақланаётган бўлаги асарнинг 5-, 6-, 8-, 10- бўлимлари бўлиб, сайёҳнинг Ҳиндистондан ўз юртига қайтиши ва ҳаётининг сўнгги чоғларига бағишланган (*қаранг:* Тугушева 1991). Тарқаб кетган учала қўлёзмани бир ерга йиғса, тўлиқ бир асар юзага келади.

«Сюань-цзан кечмиши» тан сулоласи даврида яшаб ўтган нўмчи сайёҳ Сюань-цзаннинг муқаддас сафари тўғрисидаги мемуар бўлиб, ўзида ўнлаб афсона ва ривоятларни, буддизм фалсафаси, қадимги Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий турмушига, улар яшаган ўлкаларнинг географияси, тарихига тегишли маълумотларни ўзида жамлаган асар.

Милоднинг илк асрларидан бошлаб хитойлик роҳиблар Бурхон (яъни, Будда) яшаб ўтган юртни зиёрат қилиш, шу билан бирга, буддавий йўриқлар, қонун-қоидалар битилган нўм битигларни олиб келиш мақсадида Ғарбга – Ҳиндистонга сафар қила бошладилар. Улар олис юртдан минг азоб билан муқаддас китобларни ўз ўлкаларига келтирганлар. Даврининг машхур буддашуноси, нўмчи ачари Сюань-цзан ана шундай сайёҳлардан эди. У ўн етти йил давомида (629–645 йиллар) бир юз йигирмадан ортиқ мамлакат ва ўлкаларда бўлди. Бурхон туғилган тупроқларга бориб, у ердан олти юз нўм битиг келтирди. Сўнгра теварагига мамлакатдаги буддавий сутра ва шастарларнинг кучли билимдонларини тўплаб, уларни анаткак тилидан тавғаччага таржима қилиш билан шуғулланди. Бу борада у ўз мактабини яратган.

Сюань-цзан буддавий нўм битигларнинг мағзини тушуниш ва уларни шарҳлашда ўзига қадар ўтган олимлардан анча ўзиб кетган эди. Шунинг учун будда рисоаларининг билимдони, улуғ устоз – самтсў ачари номини олган. У муқаддас сафари чоғида кўрган-кечирганларини ҳикоя қилувчи «Ғарб мамлакатлари хотиралари» («*Kirügi ellär ödigi*») номли асар ёзган.

Кейинчалик унинг содиқ шогирди Хуэй-ли (матнда *Xuilip*) унинг асосида устознинг ҳаётига бағишланган «Сюань-цзан кечмиши» асарини ёзди.



Бошқа бир шогирди Ян-цзун (матнда *Xintsuŋ*) эса ана шу хотираларни тўлдириб, асарни адоғига етказди. Асар бешинчи бўлимнинг якунидаги колофонда ана шу хабарларнинг тасдиғи битилган:

Qutluŋ uluŋ Tawŋač elintä üč aŋiliŋ nom ötkürmiš Xuilip tayši üdik alip tawŋač tilintä yaratmiš. – «Қутлуғ улуғ Тавғач элида «Уч хазинали нўм» (=санскр. *Triṣṭaka*)ни шарҳловчи Хуэй-ли устоз тавғач тилида яратмиш».

Xintsuŋ varši atliŋ nomči ačari keŋürmiš. – «Ян-цзун муаллим отли нўмчи устоз уни тўлдирди» (СЦ.V.87.6–11).

Ҳозир фанда «Сюань-цзан кечмиши» деб аталаётган ушбу китоб Хитойда ўша кезлардаёқ шуҳрат топган эди. Турклар орасига буддийликнинг кенг ёйилуви, хитой – турк маданий муносабатлари ва адабий алоқаларнинг таъсирида кейинчалик унинг туркий таржимаси ҳам юзага келди.

Асарни бешбалиқлик Шингқу Шели тудунг тавғач тилидан туркий тилга таржима қилган. Бу ҳақда бешинчи бўлим якунидаги колофонда шундай битилган: *Tawŋač tilintin yana bešbaliqlıŋ Şinŋqu Şeli tutuŋ yaŋirtı türk tilinčä ewirmiš*. – «Тавғач тилидан яна бешбалиқлик Шингқу Шели тутунг қайтадан турк тилига ўгирмиш» (СЦ.V.87.11–14). Ушбу жумлада ишлатилган *ewirdi* сўзи асарга нисбатан қўлланган бўлиб, «ўгирди, таржим қилди» деган маънони билдиради; *tawŋač tili* – «тавғач», яъни «хитой тили»; *türk tili* – ўша кезлардаги «туркий тил»дир.

Сюань-цзаннинг оти матнда *Xuintso* деб берилган (СЦ.VI.27.24). У матн давомида *toyin Xuintso* («роҳиб Сюань-цзан») (СЦ.VI.22.10), *tawŋač toyin* («тавғач роҳиб») деган сифатлар, ўрни билан *Samtso ačari* («Самтсў устоз») унвони билан ҳам тилга олинади (СЦ.V.12.18–19). Сюань-цзаннинг унвони *maxayan nom täŋri* (=санскр. *mahāyānadeva*) ҳам аталган (СЦ.V.23.5). Бу унвоннинг маъноси «махаян нўмларининг тангриси» деганидир.

Буддизм даврида бундайин кишиларни *nomči* ҳам дейилган, бу «будда қонунларининг билимдони; қонунларни йўрувчи, маъносини айтиб берувчи уламо»дир. Ёки «қонунлардан сабоқ берувчи устоз, уламо»ни *nomči ačari* дейилган (СЦ.V.11.23). Бу ерда *ačari* (<санскр. *ācārya*) «ўқитувчи, устоз» маъносида. «Қонунлардан сабоқ берувчи устоз, уламо»ни *nomči baxši* ҳам аталган (СЦ.V.12.18).

Роҳиб Сюань-цзанга ҳиммат кўрсатган ва унинг билан хат ёзишган тавғач ҳукмдори эса *xan* (СЦ.VI.30.21), *tawŋač xani* (СЦ.V.8.1), *täŋri tawŋač xan* (СЦ.VI.35.25), *täŋri elig* (СЦ.VI.24.17) ёки унинг хурматини жойига қўйиб *täŋri eligimiz* (СЦ.VI.26.12), *toquz quwray uluŋ elig*, яъни «тўққиз вилоят [сўзма-сўз. жамоа]нинг улуғ ҳукмдори» (СЦ.VI.30.12) унвонлари билан тилга олинган.

Бу унвонлардаги *täŋri* сўзини Л.Ю. Тугушева русчага «небесный» деб таржима қилган: *täŋri elig* – «небесный правитель» (*қаранг*: Тугушева 1991,238).



Қадимги туркий тилда *tāñri* сўзининг бир нечта маъноси бор: «кўк, осмон»ни *tāñri* дейди; яна «Яратган *Tāñri*».

Масалан, *tügäl bilgä tāñri Burxan* деганда (СЦ.V.16.26) *tāñri* сўзи «худо» маъносида ишлатилган. Чунки турк-буддистлар Буддани *tāñri* деганлар. Ёки: *tāñri Burxan körki-yañi* – «Тангри Бурхон хайкали», яъни «Будда хайкали» (СЦ.VI.24.19–20) сингари.

Лекин *tāñri elig* деганда сўзнинг бошқа бир маъноси мужассам: уни «улуғ; кудратли» деб англамоқ керак, яъни «улуғ; кудратли хукмдор».

«Сюань-цзан кечмиши» асари буддизмнинг махаян мазҳабида битилган асар. Ўша давр туркий ёзма ёдгорликларида махаян мазҳабини *uluḡ kölüñü* (яъни, «улуғ тариқат») (ДЛТ.610) ёки *maxayan* (<санскр. *mahāyāna*) (ДЛТ.338); хинаян мазҳабини эса *kičig kölüñü* (яъни, «кичик тариқат») дейилган (ДТС.610).

«Сюань-цзан кечмиши» асарида бу мазҳабларнинг аталиши шундай:

maxayan (<санскр. *mahāyāna*) – буддизм атамаси; «улуғ тариқат, махаян» (СЦ.VI.22.14). Ёки яна: *kölüñü tözliḡ maxayan* – «кўлинг асосли махаян», яъни «махаян тариқати» (СЦ.VI.22.14); *kölüñü tözliḡ maxayan nom* – «кўлинг асосли махаян таълимоти» (СЦ.VIII.21.5-6).

hīnayan (<санскр. *hīnayāna*) – «кичик тариқат, хинаян» (СЦ.V.11.15).

Асар қўлёзмаси ва буддизм даври китоби

Асар қўлёзмаси потхи китоб шаклидадир.

Потхи китоб ўзининг тайёрланиш усули ва кўриниши билан китобат тарихида алоҳида ажралиб туради. Бундай китоб тури бошлаб қадимги Ҳиндистонда кашф этилган. Потхи китоб бурунги тибет маданиятида ҳам шуҳрат қозонган, аммо хитой китобатчилигида йўқ. Шунинг учун бўлса керак, олимлар бундай китоб тури туркларга Тебетдан келган деб қарайдилар. Шундайми ёки тўғридан-тўғри ҳиндлардан келганми, нима бўлганда ҳам, у турк дунёсига буддизмнинг муқаддас таълимоти, маданияти ва санъати, будда ёзма ёдгорликлари билан бирликда кириб келгани аниқ.

Бурунги ҳиндлар бундай китобни тайёрлашда ашё сифатида пальма япроқларидан фойдаланган. Мухими шундаки, турклар потхи китоб турини ўзлаштиргач, ўз шароити ва географик имкониятидан келиб чиққан ҳолда, пальма япроқлари ўрнига қоғоздан фойдалана бошлади. Бу ишда қоғоз уларга жуда қўл келди.

Будда китобат санъатида потхи анъанаси узоқ асрлар давом этди. Кейинги кезларда китоб тайёрлашнинг янги-янги усуллари ўйлаб топилганига қарамай, турк-будда жамоалари ҳатто XVII юзйилда ҳам потхига тез-тез мурожаат қилиб турганлар. Чунки уларда будда асарларига ҳурмат-эҳтиром ўта кучли бўлиб, диний асарларда классик тил анъаналари билан бир қаторда, қадимги китоб шаклини ҳам сақлаб қолиш муҳим эди.



Потхи китобни тайёрлаш учун аввал унга керакли бўлган бир хил бичимли қоғозлар қирқиб олинган. Сўнг варақлар ўртасига ёки бошроғига, уларнинг ҳар икки ёғидан симметрик ҳолда доирачалар чизиб чиқилган. Матн ўнгдан чапга қараб битилган. Хат бир бошдан ёзиб тушилиб, ҳалиги доирачага келганда, унинг ичи бўш қолдирилган. Варақнинг терс бетидаги матн ҳам худди шундай битилган. Қўлёзма тўлиқ қўлдан чиққач, ичи бўш қолган доирачаларнинг қоқ ўртасидан тешиб чиқилган. Матн битилган варақларни дасталаб туриб, уларнинг тешигидан ипга тизилган. Сўнгра қоғоз бичимидаги иккита пайраха олиб, тахлоғлиқ қоғознинг икки ёғидан қопланган ва тешиқдан ўтказилган тизимчаси унга тугиб қўйилган. Ўз навбатида, бу пайраҳалар мукова вазифасини ҳам ўтаган ва китобни яхши сақлаш имконини берган. Китобни ўқиш керак бўлганда, тизимчасидан бўшатилиб, ўқиб бўлгач, яна тугиб қўйилаверган.

Потхи китобнинг варақлари *patar* деб аталган (ДЛТ.398). Бу сўз санскритча *pattra* сўзидан олинган бўлиб, ҳиндлар пальма япроқлари ва варақни шундай атаганлар. Туркий тилда бу сўз ўзининг иккинчи – «китоб варағи» маъносида қўлланган.

Ҳар қайси варақнинг бош қисмига асар бўлими ва ушбу бўлимнинг тартиб кўрсаткичи ёзиб чиқилган. Ушбу кўрсаткичлар, ўз навбатида, пойгир (погинация, яъни варақларнинг кетма-кетлигини кўрсатувчи белги) вазифасини ўтаган ва китоб варақларини тартибли сақлаш имконини берган.

Потхи китоблардаги тартиб кўрсаткичининг бундай эканлиги бежиз эмас. Сабаби, будда китоблари жамоа орасида тўлиқ шаклда ҳам, бўлимлари айри-айри ҳолда ҳам ёйилган эди. Чамаси, айрим буддистлар асарнинг керакли бўлимини ўзлари учун кўчириб олиб, ундан фойдаланганлар. Шарқ матннавислигида шунга ўхшаш ҳодисани монийлик даври тавбаном-дуоларида ёки ислом мухитида яратилган «Ҳафтияк»да ҳам кузатиш мумкин.

Будда китобатчилигида саҳифаларга безаклар бериш, миниатюралар ишлаш у қадар авж олган эмас. Шунга қарамай, буддизм даври китобат санъатининг ўзига яраша сири бор. Китобларни синчиклаб қузатган кишигина буни англаб етади. Қўлёзма китоблар кўркини, аввало, матннинг хат услуби таъминлаган. Ёзувнинг кўрки, айрим ўринларнинг турли сиёҳларда ажратиб берилгани, ҳатто саҳифа ўртасига чизилган бир, баъзан икки ҳалқали доирачалар ҳам китобни безаб туради.

Буддизм даврида уйғур ёзувининг бир неча хил хат услуби амал қилган. Йирик зодагонлар томонидан буюртма бериб битилган қўлёзмалар, буддизмнинг муқаддас китоблари кўпинча ёзувнинг ўзига яраша классик бир услубда, китобий хатда кўчирилган эди. Бундай матнни битишда учи йирик йўнилган қамиш қаламдан фойдаланилган бўлиб, битгучидан ўта кучли маҳорат талаб қилади.

Буддизм тушунча ва қарашларига кўра, ўлганлар хотирасига атаб диний китоблар кўчиртириш ўта савобли иш саналган. Муқаддас китоблар хонлар, беклар, йирик зодагонларнинг буюртмаси бўйича кўчиртирилган эди. Бахшилар уларни кўчиришда ўзларининг бор маҳоратларини ишга солганлар.



«Сюань-цзан кечмиши» асарининг кўлёмаси бутунича сақланмаган. Варақларининг кўпи йўқолган, айримлари титилиб, унинг бўлақларигина қолган, холос. Кўлёмма кўп фойдаланилганиданми, варақларининг тевараги уринган, баъзи сатрларнинг ёзувини ҳам илғаб бўлмайди. Жумладан, китобнинг Санкт-Петербургда сақланаётган бўлаги ана шундай.

Матн ҳар саҳифада ўнгдан чапга қараб 26 қатордан ёзилган.

Ҳар қайси варақнинг тепароғида, матннинг 5–7-қаторлари оралиғига доирача чизиб, ўртасига тизимча ўтказишга мўлжаллаб тешик тешиб чиқилган. Доиранинг ичи бўш, унга келиб туташган матн ўртада узилиб, кейинги ёғидан давом этиб кетаверади.

Хати қорада, уйғур хатининг классик услубида бўлиб, ўта сулув ва тартибли.

Матнда жумлаларни ажратиш учун ёнма-ён қўш нуқта (.), янги боб, матннинг муҳим бўлақларини ажратиш учун бир-биридан узилган қўш нуқталар (.. ..) кўйиб борилган.

Асар бўлимлари *tegzinč* ёки *ülüş* деб аталган. Масалан, асарнинг олтинчи бўлими *altinč tegzinč* деб бошланган (СЦ.VI.1.5). Ҳар бир варақнинг тепа қисмида берилган тартиб кўрсаткичида эса бўлимлар *ülüş* деб аталган.

VI.6-саҳифанинг бошланишида *altinč ü(lüş)*; VI.8-, 10-саҳифаларнинг бошланишида *altinč ülüš*; VI.16-саҳифанинг бошланишида *alt(inč)*; VI.12-, 14-, 15-, 18-, 38-, 40-, 42-, 44- саҳифаларнинг бошланишида *altinč* сўзи сақланган, холос.

Шунинг сингари, VIII.22-саҳифанинг бошланишида *sekizinč, beš yigirmi*; VIII.18-саҳифанинг бошланишида (*sekisinč*), *üč yigirmi*; VIII.14- саҳифанинг бошланишида *s(ekiz)inč, bir yigirmi*; VIII.10- саҳифанинг бошланишида *sekizinč, to(quz)*; VIII.4-, 8-, 12- саҳифаларининг бошланишида *sekizinč*; VIII.6- саҳифанинг бошланишида *sek(izinč)* сўзигина сақланиб қолган.

Асарнинг ҳар қайси бўлими *Namo but. Namо darm. Namо saң* жумлалари билан бошланиб, шу жумлалар билан тугалланган (СЦ.V.87.19). Бу формуляр буддизмнинг триадаси, яъни уч жавоҳирига – «Будда, будда қонунлари ва будда жамоасига таъзим»ни англатади (<санскр. *Namo Buddhāya. Namо dharmāya. Namо saṃghāya*). «Жавоҳир» қадимги туркий тилда – *erdini*; «уч жавоҳир» – *üč erdini* (=санскр. *triratha*) бўлади (СЦ.VIII.30.8).

Яна асарнинг охирига унинг оти ва нечанчи бўлим тугаётгани ҳам ёзиб қўйилган. Масалан, бешинчи бўлимнинг якуни шундай: «*Bodisatv tayto Samtso ačarininç yoruyin uqitmaq atlüy Tsi-in čün tigmä kavi nom bitig*»; *bišinč ülüš tügädi*. – «Бўдисатв тайтў Самтеў устознинг йўриғларини баён этувчи Тси-ин-чун дея аталган кави (яъни, эпик) нўм битиг»; бешинчи бўлим тугади» (СЦ.V.87.14–18).

Қадимги турклар «китоб»ни *bitig* деганлар. Бу сўзнинг яна бошқа маънолари ҳам бор. Масалан, «Сюань-цзан кечмиши» асарида *bitig* сўзи кенг



ишлатилган бўлиб, у «ёзув; хат, мактуб; китоб; сутра; асар» маъноларини билдиради (қаранг: Тугушева 1991,322).

Бу сўз асарда «хат, мактуб маъносида ҳам кўп ишлатилади; ундан янги сўзлар ҳам ясалган: «илтимоснома»ни *ötüg bitig* (СЦ, VI.22.9); «жавоб хати»ни *yantud bitig* дейди (СЦ, VI.30.22).

Қадимги туркий тилда *bitig* сўзидан олиб, «котиб»ни *bitigči* дейилган. Айни маънода яна *ilimya* сўзи ҳам ишлатилган.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *ilimya* «шоҳ мактубларини турк хати (яъни, уйғур хати) билан ёзувчи котиб»дир (ДЛТ,71).

Юсуф Хос Ҳожиб «котиб» маъносида *bitigči* атамасини ишлатган. Ушбу атама «Қутадғу билиг»да *ilimya* сўзи билан бирга жуфт ҳолда *bitigči-ilimya* деб ҳам қўлланган. Бунда у «хат ёзувчи котиб» деган маънони англатади (Содиқов 2020,178).

Ўтмишда «котиб» маъносида *baxši* сўзи ҳам ишлатилган. Бу сўз манбаларда *baqši~baxši* вариантларида келади. Ушбу атама қадимги турк – будда жамоаларида «устоз, мураббий; муаллим» маъноларида ишлатилган (СЦ, VI.10.18).

Замонасининг хат-саводли, ўқимишли кишиларига нисбатан қўлланган бу сўз кейинчалик туркий тилда ва уйғур хатида битувчи котибларнинг номида сақланиб қолди. Масалан, ўрта асрларда, тўғрироғи, темурийлар замонида уйғур хатида битувчи котиблар отига *baxši* сўзи қўшиб айтилган: *Зайну-л-Обидин бахши, Абду-л-раззоқ бахши* сингари (*ўша жойда*).

«Сюань-цзан кечмиши» асарига киритилган мактублар:

матн тузилиши ва услуби

«Сюань-цзан кечмиши» асарининг олтинчи бўлими (*altinč tågzinč / ülüş*)да роҳиб Сюань-цзаннинг кечмиши хикоя қилинар экан, орада тўртта мактуб берилган. Шулардан биринчи ва иккинчиси роҳибнинг юрт эгаси улуғ тавғачхон (*tägrī tawğaç han*)га йўллаган хати (СЦ, VI.22.10–25.20; СЦ, 25.24–30.19); учинчиси хоннинг ўз қўли билан Сюань-цзанга ёзган жавоб хати (СЦ, VI.30.24–32.4); тўртинчиси роҳибнинг хонга қайта йўллаган хатидир (СЦ, VI.32.9–35.23).

Асарда VII юзийлнинг биринчи ярмида яшаб ўтган тавғач роҳиб Сюань-цзаннинг Ҳиндистонга қилган қутлуғ сафари билан боғлиқ воқеалар акс этган. У чоғлар буддизм Хитойга энди-энди ёйила бошлаган, ҳали она тилида дин йўриғларидан сабоқ бергучи нўм битиглар оз эди. Сюань-цзаннинг истаги Будда ўтган тупроқларни зиёрат қилиш ва қутлуғ нўмларни ўрганиш бўлган. Роҳиб йўл бўйи будда сутра ва шастарларини тўплаб, уларни ўз юртига келтирди. Юртига қайтган Сюань-цзан улуғ хон билан учрашганда Ҳиндистондан келтирган олти юз анаткакча (яъни, санскритча) нўм-сутралардан бир сўз ҳам тавғач тилига ағдарилмагани (*änätkäkdin kelürmiš altı yüz änätkäkčä nomta bir sawı yemä tawğaçça ewrilmäyük*), агар тинч ердан жой ажратилиб изн берилса, роҳиб уларни эл-юрт учун таржима қилишга киришажагини ўтинмиш



эди (СЦ.VI.16.17–17.6). Хон унга ҳиммат кўрсатиб, ёнига олимлардан берди ва келтирган китобларини тавғач тилига ўгиришни буюрди. Ўта машаққатли бўлган бу юмушни хотиржам бажармоқ учун мамлакат кунботаридаги бошкент саналмиш Чунан (*kedinki uluḡ baliḡ tegli Čuu-nan baliḡ*)дан овлоқ ва тинч (*aḡlaḡ amil*) бир ер – Кунгвуғси ибодатхонаси (*Quḡvuḡsi atliḡ saḡram*) ажратилди (СЦ.VI.17.10–15). Таржима тугагач, Сюань-цзан уларни хонга тортиқ қилди. Мактублар уларни хонга топшириш муносабати билан ёзилган.

Сюань-цзан йўллаган биринчи хатда ёзилишича, буддизм инончидаги саккизта тўғри йўлнинг (*sekiz kōni yol = санскр. asta-mārga*) асоси эмгак-азобларни енгиб ўтиш кўпригидир. Бу йўлда маҳаян тариқати (*mḡayaḡn kōlünjü*) юксакликка – нирванга олиб чиққучи шотидир. Улуғ кенгликлар (*uluḡ yazi*)да – тавғач ўлкаларида кимса ҳали буни англаб етмаганди. Мактубда Сюань-цзаннинг сафарга боришдан мақсади, у ерлардан қутлуғ китоблар келтиргани тўғрисида сўз боради. Бу савобли ишлари туфайли у хурмат-эҳтиромга эришди. Кўрсатган ҳиммати, китобларни таржима қилиш учун берган кўмаги учун хатда хонга миннатдорчилик билдирилади; у белгилаган муҳлатдан бурун ишларнинг тугагани маълум қилиниб, таржима қилинган сутра ва шастарларнинг отлари ҳам келтирилади.

Булар эллик саккиз тегзинчдан иборат эди (*bu sekiz altmis tegzinč teginür*). Анаткак тилидан тавғач тилига (яъни, хитойчага) ўгирилган сутра ва шастарларнинг отлари шундай (СЦ.VI.24.8–15):

(1) «*Uluḡ bodisatvlar aḡilīqī sudur*» – «Улуғ бўдисатвлар хазинаси» сутраси (=санскр. «*Bodhisattvapitaka-sūtra*») – бир тегзинч;

(2) «*Altī qarīḡlīḡ darni sudur*» – «Олти қопқали дарни» сутраси (=санскр. «*Sanmukhi-dhāraḡi-sūtra*») – ўн икки тегзинч;

(3) «*Tözün nomuḡ yaltrītdačī atliḡ šastar*» – «Барча нўмларни ялтиратғучи» отли шастар (=санскр. «*Prakaraḡyavaca-śāstra*») – йигирма тегзинч;

(4) «*Esriḡü edimiz Taušij abidarim šastar*» – «Хушёр эгамиз Тайшинг абидарим» шастари (=санскр. «*Mahāyānabhidharma-samyuktasangiti-śāstra*») – ўн олти тегзинч.

Мактубда ёзилишича, отлари санаб ўтилган китобларнинг бари юрт эгасига жўнатилган.

Шунингдек, Сюань-цзан Лоцзинда хон билан учрашганида хон унга Ғарб эллари хотираларини китоб қилиб ёзишни маслаҳат бериб эди. Ҳозир эса китоб яқунланиб, у ҳам хонга йўлланаётгани тўғрисида сўз боради.

Иккинчи хатда хоннинг улуғ ишлари, маърифат йўлида кўрсатаётган саховати мадҳ этилади, унинг ишлари ўзига довур ўтган улуғ кишиларнинг ишлари-ла тенглаштирилади. Роҳиб Сюань-цзаннинг сутра ва шастарларни ўрганиш йўлида Ғарб элларида, тоғу тошларда чеккан эмгак-укубатлари ҳикоя қилинади. Шунингдек, кўлидан янги чиққан «Тан сулоласи давридаги Ғарб эллари хотиралари» («*Tayto xan ödindäki Kirügi ellär ödigi*») китоби тўғрисида ҳам сўз боради (Айтганча, сўз юритаётганимиз – «Сюань-цзан



кечмиши» асари олимнинг ана шу эсдаликлар китоби – мемуари асосида яратилган). Хатда яна таржима қилинган сутра ва шастарларнинг юртда кенг ёйилиши учун хондан кўмак сўралади.

Хоннинг қутлуғ қаламда ўз қўли билан ёзган жавоб битигида (*ïduq bi üzä öz iligin yantud bitig*) Сюань-цзаннинг улуғ ишларни юзага чиқармоқлик истагида сўровсиз йўлга чиққани узрли экани, бунинг билан элга ёруғлик келтирганлиги таъкидланади. Хатда ёзилишича, хон роҳибнинг эсдаликлар китобини ҳам ўқиб чиққан ва уни юқори лавозимга кўтаришга буйруқ берилган.

Охирги – тўртинчи хат хоннинг мактубига жавоб сифатида ёзилган. Унда Сюань-цзан хоннинг улуғ марҳаматига ўз миннатдорчилигини билдиради. Нўм битигларнинг яратилган таржималарига сўз боши (*süü*)ни фақат хонгина ёзишга лойиқ экани, хоннинг бундайин улуғ марҳаматини роҳиб жуда-жуда истаётгани билдирилган.

Мактублар матнда *bitig* (СЦ.VI.32.4), Сюань-цзаннинг хонга йўллаган хатлари эса *ötüg bitig* (СЦ.VI.22.9) ёки *ötüg* (СЦ.VI.35.24) деб берилган. *Ötüg* сўзи *ötün-* («ўтинмак») феъли билан ўзақдош бўлиб, *ötüg bitig* атамаси «ўтинч битиги; ўтиниб ёзилган хат» деган англамда келади. Жавоб хатлари эса *yantud bitig* аталган (СЦ.VI.32.8).

Умуман асарда, бошқа ўринларда ҳам, Сюань-цзан хонга мурожаат қилганда юрт эгасига ҳурмат, юкуниш маъносида *ötündi* («ўтинди»), хон унга бирор сўз айтганда ёки кўрсатма берганда *yarliqadi* ёки *yarliq yarliqadi* дейилади. Бу ҳаракат «ёрлик берди; буюрди» деган маънони англатади. Масалан, тангри хоннинг роҳибга йўллаган хати якунида шундай дейилган: *Samtso açari-ïy taqï örü kötürgükä yarliq yarliqadimiz* («(Биз) улуғ устозни яна юқори даражага кўтаришга ёрлик бердик») (СЦ.VI.31.26–32.4).

Мактублар илк ўрта асрларда хат битиш санъатининг, эпистоляр жанрнинг юксак даражада эканидан белги бериб турибди. Уларнинг тузилиши ўзига хос. Йирик эпик асарнинг таркибида эканлиги, хат мазмуни, тузилиши, мақсади билан боғлиқ айрим маълумотлар хатдан ташқарида – ундан аввал ёки кейин келтирилган. Чунончи, битиглардан аввал муаллиф тилидан *bitigintä sawi bu erür* (СЦ.VI.22.9–10) ~ *bitigintäki sawi bu erür* («битигидаги сўзи / хабари шундай») (СЦ.VI.25.23–24); битиглардан сўнг Сюань-цзан хатидан кейин *tep ötüg idti* («дея илтимос хати йўллади») (СЦ.25.20–21), *tep munilayu bitig idti* («дея ана шундай хат юборди») (СЦ.VI.30.20), *tep munçulayu ötüg idti* («дея ана шундай илтимоснома йўллади») (СЦ.VI.35.23–24); хоннинг хатидан кейин эса *tep munçulayu bitig kelti* («деб ана шундай хат келди») (СЦ.VI.32.3–4) деб таъкидланади. Битиглардан аввал келган жумлалардаги *bu* олмоши шу сатрлардан кейин ўрин олган хатга, битиглардан кейинги жумлалардаги *munilayu*, *munçulayu* («ана шундай») олмоши хатнинг тугаганлигига, унинг ана шу айтилганлардай эканлигига ишора этади. Шунинг сингари таъкидлар туфайли хатларнинг айрим керакли ва анъанавий ички компонентлари тушириб қолдирилган.



Ўтмишда шаклланган мактуб битиш анъанасига кўра, уларнинг охирида санаси хат битувчи тилидан битилиши керак эди. Муҳими, биз сўз юри-таётган мактубларнинг якунида уларнинг ёзилган санаси йўқ. Улар йирик бир асар таркибида бўлгани учун ёзилган йил-ой-куни тўғрисидаги маълумотлар мактуб бошланишидан аввал, хат битувчи (бу ерда роҳиб ва ҳукмдор) эмас, асар муаллифининг тилидан битилган.

Хатларнинг биринчиси кузда, еттинчи ойнинг *хин* ва товушқон кунида битилган бўлиб, хат матни бошланишидан олдинги жумлада бу тўғрида муаллиф тилидан шундай ёзилган: *Küz yetinç ayın xin tawışqan künkä Samtso açarı ewirmişcä sudurlarıy, şastarlarıy tügämişin körzün tep hanqa ida ... ötüg bitig qilti.* – «Куз, еттинчи ойнинг *хин* (ва) товушқон кунида Самтсў устоз ўзи ўгирган сутраларни, шастарларни (уларнинг) тугаганини кўрсин деб хонга йўллади ва (уларга қўшиб) илтимоснома (ҳам) ёзиб юборди» (СЦ.VI.22.4–9).

Иккинчи хатнинг санасини ҳам ундан аввалги гапдан ўқиймиз: *Basa yana ... kün ir qoyn künkä yana (ötün)di.* – «Сўнгра *ир* ва қуён кунида яна илтимоснома йўллади» (СЦ.VI.25.21–23).

Учинчи хатни хон роҳибнинг иккинчи мактубини ўқигандан кейин, унга жавоб тариқасида битган. Мактубнинг йил-ой-куни кўрсатилмаган эса-да, ҳарқалай, унинг ёзилган оралиғи аниқ. Хатдан аввалги жумлада шундай ёзилган: *Bu bitigig хан оқір ідуқ ... üzä öz iligin yantud bitig қілір ідті.* – «Хон бу хатни ўқиб, ўзининг қутлуғ (қалами)да ўз қўллари билан жавоб хати ёзиб юборди» (СЦ.30.21–23).

Сўнги тўртинчи хат хоннинг мактубини олгандан кейин, иккинчи куни унга жавоб тариқасида битилган. Хатнинг санаси тўғрисида ундан аввалги жумлада: *Samtso açarı yana ikinti kün tiy taqıyü künkä yana yantud bitig ідті,* яъни: «Иккинчи куни, *тий* ва товуқ кунида Самтсў устоз яна жавоб хати йўллади» дейилади (СЦ.VI.32.5–8).

Шундай қилиб, тўртала хатда ҳам илк ўрта асрларнинг мактубот жанри учун муҳим бўлган деталлар акс этган.

Битигларни тузилишига кўра уч қисм – кириш, асосий қисм ва хулосага ажратиш мумкин.

Роҳиб Сюань-цзан йўллаган мактубларнинг учалови ҳам *Toyın Xuıntso sawim* («Роҳиб Сюань-цзан сўзим») деган жумла билан бошланган. Ушбу бошлама-унвон учов битигнинг ҳам кириш қисмини ташкил этади. У уч компонентдан тузилган: биринчиси – хат битгучининг даражаси (*toyın*), иккинчиси оти (*Xuıntso*); учинчиси – бошланажак сўзнинг унга тегишлилигини далилловчи қисм (*saw-ım*).

Ана шундай бичимли бошлама-унвон Иккинчи кўк турк хоқонлиғи даврида ўтган Билга хоқоннинг эл-улусга битган ёрлиғида келган (ёрлиқ Билга хоқон битигига киритилган). Унинг ўқилиши (транскрипцияси) шундай: *Täŋri-täg täŋri yaratmıš türk Bilgä qağan sabım.* Ушбу бошламанинг



маъноси шундай бўлади: «Кўкдаи (улуғ) Тангри яратган қудратли Билга хоқон сўзим» (Содиқов 2004,70–72).

Шунингдек, ўрта асрларда битилган турк хонларининг ёрликларида ҳам ана шундай бошлама-унвонлар учрайди. Фақат уларда «ёрлик; сўз» англамидаги қадимги *saw* атамасининг ўрнида *söz* ишлатилган. Жумладан, темурий султонлардан Шохруҳ Мирзо ўз ёрликлари ва расмий хатларини *Šāhruh bahadur sōzum*, султон Умаршайх эса *Sultān Umar šayx bahadur sōzum*, Абу Саид – *Sultān Abu Sa'īd Kōrāgān sōzum* унвонлари билан бошлаган (*қаранг*: Содиқов, Омонов 2010,40–41, 43–64; Содиқов 2018,225–230). Кўринадики, бу борада Сюань-цзаннинг битигларида ҳам мактуб битиш анъаналарига, қоидаларига амал қилинган.

«Сюань-цзан кечмиши» асарида кечган биринчи битигда *Toyin Xuintso sawim* унвонидан сўнг *yemä ešidilür* («аёнки, эшитилурки») кириш сўзи билан асосий қисмга кўчилади (СЦ.VI.22.11). Битиг *Yana öñrä Layki(dä) körüşü teginmištä öz aýiz(in) yarlıqadī erdi, Kırügi ellär ödigi bir kavi qılzun, ter. Anī men bütürüp İdu tegindimiz* («Биз илгари Лоцзинда (хон) билан учрашган чоғимизда ўз оғизлари билан менга Ғарб эллари хотираларини китоб қилиб ёзишимни буюрган эдилар. Уни мен тугаллаб, (у кишига) юборяпмиз») жумлалари билан тугайди (СЦ.VI.25.17–20).

Битигнинг ушбу хулоса қисми икки компонентдан тузилган: Бири – Лоцзиндаги учрашув чоғида хоннинг берган топшириғини эслаш. Унинг кесими узоқ ўтган замон шаклида (*yarlıqadī erdi*). Иккинчиси – китобнинг тугаллангани ҳамда хонга йўлланаётганлигининг таъкиди. Бу жумланинг кесими ҳозирги-келаси замон кўринишида берилган (*İdu tegindimiz*).

Иккинчи битигда унвондан сўнг *istäyü saqinsar* («агар тахмин қилинса; ўйлаб кўрилса») кириш жумласи билан (СЦ.VI.25.25) асосий қисмга кўчилади. Битиг *Yana aýduq balıq sayimizni umunur-biz tükäl körgüsü oqıyusı yoqıña yaruq yaşuq körü yarlıqayaу erdi* («Яна умид қиламизки, буларни кўрмаган ва ўқимаган айри шаҳар ва қишлоқларимизга ёруғлик ҳамда маърифат кириб борғай») жумлалари билан тугайди (СЦ.VI.30.16–19).

Хоннинг ўз қўли билан ёзган жавоб хати мазмунан роҳиб мактубининг давомида туради. Шунинг учун бўлса керак, унда хоннинг бошлама-унвони йўқ. Хат *İdmış bitigin kögür tükäl uqdimiz* («Юборган хатингизни кўриб, тугал уқдик») кириш жумласи билан бошланган (СЦ.VI.30.24–25). Бу унинг кириш қисмидир. Шу жумладан сўнг бирйўла асосий қисмга кўчилади. Мактуб *Biz Kırügi ellär ödigi ... aşıp oqıdimiz. Samtso ačari-iy taqı örü kötürgükä yarlıy yarlıqadimiz* («Биз «Ғарб эллари хотиралари» китобини очиб ўқидик ва улуғ устозни яна юқори даражага кўтаришга ёрлик бердик») деган жумла билан тугайди (СЦ.VI.31.26–32.4). Ушбу хотима икки компонентлидир: Бири – хоннинг Сюань-цзан қаламига мансуб хотиралар китоби билан танишганлиги ва кейингиси – роҳибнинг юқори лавозимга кўтариш тўғрисида кўрсатма берилганлигининг қайди.



Тўртинчи хатда аввал унвон, ундан сўнг *bulu tegindimiz iduq yarliqiy* («кутлуғ ёрлиғни олдик») деган сўзлар билан мақсадга кўчилади (СЦ. VI.32.10–11). Мактуб ушбу кутлуғ асарлар «адашган авомни ўша замоноқ ёруғликка элитгайлар чирмаб ётган ботқоқликлар қаъридан» (*ügmäk ügmäk azqinlar timin-ök ertgäylär adqanuluq toz-tupraqlar ilisintin*), деган тилак-истаклар билан тугайди (СЦ. VI. 35.21–23).

Яна бир белгиси, ушбу хатлар икки ҳукмдор ўртасида эмас, ўқимишли роҳиб ва унга илтифот кўрсатувчи юрт эгаси ўртасида, ўзаро ҳурмат чегарасида битилган. Мактублар ниҳоятда кўтаринки, юксак бир бадийий услубда. Матнда турли бадийий тасвир воситаларидан кенг фойдаланилган. Бадийийлик хат битгучининг мақсадини очишга, фикр таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Бир мисол: Сюань-цзан ўзининг иккинчи хатида тавғаччага ўгирилган нўм битигларга сўз боши ёзишни улуғ хондан ўтиниб эди. Хон эса ўз жавобида камтарлик билан бунга эътироз билдирганди. Бироқ роҳибнинг сўнги хати шу қадар таъсирли, эмоционал, кўркем бир бадийий услубда эдики, бу ўтинч битиги етгани замоноқ тангри тавғачхон уларга сўз боши ёзишга розилик берди (*Bu ötüg tegdüktä täñri tawğaç han yemä temin-ök süü qil'ali taplap*) (СЦ. VI.35.24–27).

Мактублар етук бадийий асар даражасида. Уларни қадимги турк эпистоляр жанрининг сара намуналари қаторида санаш мумкин.

Шу ўринда бир-икки мисол келтирамыз:

Men, Xuintso, ešidmišim, künli ayli kök täñrig yarutu büttürü körkläntürür. Antay erip yana ol yaruqi bölünüp qarïy tüñlüküg yemä yarutar. Ögüzlär köllär yayiz yerig toqilanturur. Antay erip, yana ol suwlar yirilip, säñirlärdä, özlärdä yemä aqar. – «Мен, Хуинтсо, эшитмишим, кун ва ой кўк осмонни ёритиб, борлиқни безар. Шунинг билан бирга, унинг ёруғлиғи бўлиниб, эшик ва тўйнуқлар тирқишини ҳам ёритар. Дарёлар, кўллар кўнғир ерни яшнатур, шунинг билан бирга, унинг сувлари тарқаб, қоя ва унгуларга ҳам оқар» (СЦ. VI.34.15–22).

Битигда тавғачхоннинг таърифи шундай: *Yemä bögülänmäkiḡ küč ködüḡi buluḡsuz yuḡaqsiz erür. Näñ böḡü saqinč bolmayinča anin tözin tükäl uqityali bolmaz.* – «Яна донолик билан йўғрилган амали чексиз-чегарасиздир (*сўзма-сўз*. доно ишларининг томони ва бурчаги йўқ). Унинг таърифини беришга бирор-бир сўз топилмас (*сўзма-сўз*. Бирор-бир донолик бўлмагунча, унинг маъносини тугал уқитиб бўлмас») (СЦ. VI.33.24–27).

Ёки бошқа бир ўринда хоннинг улуғ юришлари, сув йўлларидаги ҳукмронлиги *Teñiz kölüḡ kemi üzä intin qidi'yuḡa ertdi* («У кемада денгиз ва кўлларни кечди (*сўзма сўз*. денгиз ва кўлнинг қарама-қарши қирғоғига ўтди)» дея таърифланади (СЦ. VI.27.14–15).

Сўз юритилаётган нарсалар бадийий сифатлари билан ишлатилади: *kök qaliḡ* (СЦ. VI.26.21) ёки *kök täñri* («кўк осмон») (СЦ. VI.35.6); *yayiz yer* («кўнғир ер») (СЦ. VI.35.7); *yörün bulit* («оқ булут») (СЦ. VI.27.8) сингари.



Битигларда бадийликни таъминлаш мақсадида турли лексик, морфологик, синтактик-стилистик воситалардан кенг фойдаланилган. Жумлаларнинг тузилишида, лексик ва грамматик воситаларнинг танланишида хат йўлловчиларнинг бир-бирига илтифоти, хурмати сезилиб туради. Хат битгучининг хоҳиш-истаклари ҳам силлиқлик билан баён этилади. Масалан, *-zun, -zün* кўшимчаси асарда хоннинг кўрсатмасини билдирганда буйруқ маъносини билдиради: *Anta nom aqartzun, tep tedi* – «Нўмларни ўша ерда (тавғаччага) ағдарсин», – деб айтди (СЦ.VI.17.14–15). Лекин Сюань-цзан хатида ушбу кўшимча истак маъносида келади. Мисолга эътибор қаратинг: *Küsäyü teginür-biz, täñri eligimiz iduq qut öz tutar iduq bi üzä bu nomlarqa bir süü yaratu yarliqap, tütrüm nom tözin ögä küläyü yarliqazun.* – «Истаймизки, буюк элигимиз Идук қут ўзи тутадиган қутлуғ қалами билан ушбу нўмларга бир сўз боши ёзиб, унинг теран маъноларини алқаб, доврўғини ёйсин» (СЦ.VI.25.2–7). Ушбу жумлада *küsäyü teginür-biz* кириш сўзи ҳамда *-zun, -zün* кўшимчаси тилак, истак маъносини шакллантирмакда. Бу кўшимча, айниқса, тилак-дуо билдирилганда кенг учрайди: *yarliqazun* («ёрлиқасин»), *teñ ürlügüq qilzun* («тенг ва абадий қилсин»), *tüz turquluq bolzun* («бардам турадиган бўлсин»), *keñirü yadilzun* («кенг ёйилсин»), *uqulzun* («уқилсин») сингари.

Матнда ўзаро уйғун англамдаги сўзларни жуфтлаш усули ҳам кенг учрайди. Бу усул сўз маъносини кучайтиришга, янги маъно ҳосил қилишга, матн бадийлигини оширишга хизмат қилади (СЦ да): *iş-ködügläri* – «ишлари, амаллари» (VI.24.2); *keçigi-köprügi* – «кўприги» (VI.22.13); *uruñi-tarñi* – «уруғ-авлоди» (VI.29.19); *yalin-oot* – «ялин, чакмоқ» (VI.27.12); *öküñ-telim* – «кўпдан-кўп, талай» (VI.32.11); *elniñ-uluñuñ* – «элнинг-юртнинг» (VI.32.25); *asñi-tusuyi* – «фойдаси» (VI.23.8); *ezüksüz-emgäksiz* – «ёлғон-яшиқсиз-заҳматсиз» (VI.22.15); *yaruq-yaşuq* – «ёруғ-равшан» (VI.30.18-19); *etä-yaratu* – «безаб, яратиб» (VI.24.23-24); *aqiluyorñu* – «кезиб-юрим; саргардон ҳолда» (VI.28.13); *yarutu-yaltritu* – «еритиб-ялтиратиб» (VI.33.17); *körüp-baqip* – «кўриб-боқиб» (VI.25.15); *tayanip-süyänip* – «таяниб-суяниб» (VI.28.8); *yudaçi-aritdaçi* – «халос этгучи, фориф этгучи» (VI.31.8); *yaşutdaçi-yarutdaçi* – «ёритувчи, бахш этувчи» (VI.31.16); *ülüglägäli-teñlagäli* – «ўлчлагани» (VI.31.23) сингари.

Матнда жумлалар, ўрни билан, *istäyü saqinsar* («ўйлаб кўрилса»), *yetä eñtilür* («аёнки, маълумки»), *ançulayu* («шундай қилиб»), *küsäyü teginür-biz* (истаймизки), *umunur-biz* (умид қиламизки) сингари кириш сўз ва жумлалар кенг қўлланилган.

Бажарилган ёки бажарилгучи ишлар тўғрисида хабар берилганда жумлалар бирлик шаклида эмас, этикет доирасида, илтифот ила кўплик шаклида берилди; бунда гапларнинг эгаси *biz*, кесими эса *idu tegindimiz* («юборяпмиз»), *açip oqidimiz* («(китобни) очиб ўқидик»), *yarliq yarliqadimiz* («ёрлик бердик») сингари келади.

Жумлаларнинг тузилишида бадий матнларга хос бўлган инверсия ҳолати ҳам тез-тез кўзга ташланади: *Tidintim birikkäli edgülig sawlarqa. İsig özümün tüz*



tutdum tañdaqı salqım birlä. Küçümin küsünümin teñ kördüm küzgi qurt qoñuz birlä. – «(Роҳатдан) тийиндим бириккали эзгу хабарларга. Ўз тириклигимни тенг тутдим тонгдаги салқин бирла. Куч-қудратимни тенг кўрдим кузги қурт-қўнғиз бирла» (СЦ.VI.28.2–7).

«Сюань-цзан кечмиши» асарига киритилган мактублар туркий бадий эпистоляр жанрининг бизга маълум бўлган энг қадимги, шунинг билан бирга, классик намуналари қаторидадир. Туркий эпистоляр жанр тарихи, келиб чиқиши ва тарихий тараққиётини ўрганганда ушбу битигларни ҳам инобатга олмақлик керак.

Қизиғи шундаки, Сингқу Сели таржималарини асарларнинг асл версияларига чоғиштириб кўрган олимлар улар хитойча матнлардан сўзма-сўз ўгирилмаганини аниқлаганлар. Таъкидлаш жоизки, ушбу таржималарнинг қай бирини олманг, улар таржимоннинг кучли билим эгаси экани, туркий тил имкониятларидан усталик билан фойдалана олгани, қолаверса, унинг истеъдодли сўз устаси, шоир ва ёзувчи ўтганидан далолат беради. Матнлар услуби юксак баҳога даражасида. Англашиладики, таржимон турк ўқувчисига будда ғояларини чуқурроқ сингдириш, матнларни ўқишли қилиш мақсадида асарларнинг ғояси ва мазмунини сақлаган ҳолда, фикрни турклар тасаввурига тўғри келадиган тушунчалар билан берган. Диний-фалсафий атамалар ҳам, матннинг баён услуби, бадий-тасвирий воситалар ҳам – бари шунга бўйсунди. Сингқу Сели уларни қайта ишлаб, мустақил асар даражасига кўтарган. Улар ўзининг бадийлиги, тасвир воситаларининг усталик билан ишлатилгани, баён шаклининг равллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам турк-будда асарларини бадий таржималар деб эмас, балки қадимги турк ёзма адабиётининг сара намуналари сифатида қарамоғимиз керак.

Сингқу Сели асарлари қадимги турк ёзма бадий адабиёти тарихида ўзининг мустақкам ўрнига эга.

Хулоса. Буддизм даври адабиётида таржимачилик ниҳоятда ривожланди: санскрит, тохар, суғд, тилларидан йирик будда ёдгорликлари – нўм битиглар, сутралар, хотиралар, будда қиссалари, шастарлар таржима қилинди. X юзйил хитой таржимашунослик мактабининг бошида турган йирик буддашунос, таржимон ва адиб бешбалиқлик Сингқу Сели (~Шингқу Шели) тудунгдир. Сингқу Сели таржималари бизнинг ҳозирги тушунчамиздаги бир тилдан иккинчи тилга сўзма-сўз ўгирмалар эмас. Уларда асар мазмуни сақлангани ҳолда, баён услуби, бадий тасвир воситалари туркий тил қонун-қоидалари, турк ўқувчиси уқа оладиган кўринишга солиб берилган. Шунга кўра, улар таржималар эмас, туркий асарлар сифатида ўрганилади. Буддизм даври турк адабиётида ушбу асарларнинг ўрни бекиёс.

Буддизм даврида адабий тилда буддавий асарларга хос бўлган ёзма кўтаринки бир услуб шаклланди, буни шартли равишда «сутралар услуби» дейиш мумкин. Бу даврларда диний-фалсафий матнлар услубининг ўлчовлари, қонун-қоидалари ишлаб чиқилди. Ўша даврларнинг диний қонунларни баён этувчи



адабий асарлари – нўм битиглар ана шу услубадир. Муҳими шундаки, қадимги будда матнлари негизида юзага келган ушбу диний матнлар услуби кейинчалик, ўрта асрларда яратилган диний асарларда ҳам, янги бир шакл ва мазмунда давом этди.

Ҳавола қилинаётган асарлар:

ДЛТ – Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи Қ. Содиқов. – Тошкент, 2017.

ДТС – Древнетюркский словарь. – Ленинград, 1969.

СЦ – «Сюань-цзан кечмиши» асарининг Санкт-Петербургдаги Россия Фанлар академиясининг Шарқ кўлёмалари институти фондида сақланаётган бўлаги: Тугушева 1991.

Тугушева 1991 – Л.Ю. Тугушева. Уйгурская версия биографии Сюань-цзана. – Москва, 1991.

Содиқов 2004 – Содиқов Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. – Тошкент, 2004.

Содиқов 2008 – Содиқов Қ. Қадимги турк фалсафаси. – Тошкент, 2008.

Содиқов 2020 – Содиқов Қ. Эски ўзбек ёзма адабий тили. – Тошкент, 2020.

Содиқов, Омонов 2010 – Қ. Содиқов, Қ. Омонов. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. – Тошкент, 2010.

ШОМУСАРОВ ШОРУСТАМ

Филология фанлари доктори, профессор, ТДШУ

МИРЗАМУХАМЕДОВА ЗИЛОЛА

Ўқитувчи, Oriental университети

Араб тилида ҳаракат феъллари ҳақида баъзи мулоҳазалар

Аннотация. Ушбу мақолада араб ва ўзбек тилларида феъл сўз туркуми, унинг тилишунослар томонидан ўрганилиши, ҳар икки тилдаги ҳаракат феълларининг қиёсий лексик-семантик таҳлили қисқача тарзда ёритиб ўтилган. Араб тилидаги ҳаракат феълларининг лексик-семантик муносабатларини ўрганишида, улар ўртасидаги синонимлик, антонимлик каби феъллар маъносига тааллуқли жиҳатларга алоҳида аҳамият бермоқ лозим. Араб тилидаги ҳаракат феъллари орасида полисемантик маъноларни англатувчи феъллар кўп учраб, улар баъзан ўзининг асл маъносида қўлланса, баъзан эса умуман бошқа маъноларда ҳам келади. Ушбу феълларнинг қандай мазмунни ифодалаши эса, уларнинг қандай воқеа ёки ҳолат билан боғланганлигига ҳам қарайди. Феълнинг дастлабки, асл маъноси асосан, субъектнинг оддий ҳолати билан алоқадор бўлса, бошқа маънолари эса унинг эмоционал ҳолатини ифодалашига хизмат қилади. Араб тилида ҳаракат феълларига тааллуқли лексик-семантик муносабатларни ўрганишида, ушбу феълларнинг қайси предлоглар билан бирга келатганлигига ҳам алоҳида аҳамият бермоқ лозим, чунки муайян бир ҳаракат феъли иш-ҳаракат қаратилган объектнинг



жонли ёки жонсиз эканлигига кўра ҳам турфа хил предлогни талаб қилиши мумкин. Синонимлик муносабатларида эса, ҳаракат феъллари иш-ҳаракатнинг қай даражада давом этганлигига, қандай мақсад билан амалга оширилганлигига ёки унинг қандай воситалар ёрдамида бажарилганлиги каби ҳолатларга кўра бир-биридан фарқланади.

Ўзбек тилидаги “келмоқ” ҳаракат феълнинг араб тилида ифодаланишида, ўхшаши ва фарқли жиҳатлар мавжуд эканлиги маълум бўлди. Ўзбек тилида ушбу ҳаракат феълнинг бош семаси анчагина содда кўринишида бўлса-да, мазмунан араб тилидаги “келмоқ” лексемасига деярли мос келади. Ўзбек тилида ушбу феъл ўзи қаратилган объектнинг, асосан, тушум, ўрин-пайт, чиқиши ва жўналиши келишикларида келишини талаб қилса, араб тилида улар тушум келишиги ёки муайян келишик маъносини берувчи предлог билан ифодаланади. Ўзбек тилидаги “келмоқ” феълга хос баъзи маъноларни ифодалашда, уларнинг айнан арабча муқобил вариантини қўллаш лозим бўлса, баъзи ҳолатларда эса ўзбек тилидаги ушбу ҳаракат феълнинг англаган маънолари араб тилида ҳам, айнан “келмоқ” феъли билан ифодаланади, бироқ ушбу ҳолатда араб тилида “келмоқ” маъносини берувчи синоним феъллардан қутилган маънони ифодаловчи айнан бир феълни танлаш лозим.

Таянч сўз ва иборалар: феъл категорияси, феъл замонлари, феъл майллари, феъл семантикаси, араб ва ўзбек тилишунослиги.

Аннотация. В статье кратко описан набор глаголов арабского и узбекского языков, его изучение лингвистами, сравнительный лексико-семантический анализ глаголов действия в обоих языках. При изучении лексико-семантических отношений глаголов действия в арабском языке особое внимание следует уделять аспектам, связанным со значением глаголов, таким как синонимы и антонимы между ними. Среди глаголов действия в арабском языке есть много глаголов, которые имеют многозначные значения, которые иногда используются в исходном значении, а иногда и в других значениях. Значение этих глаголов также зависит от события или ситуации, с которой они связаны. В то время как исходное первоначальное значение глагола в основном связано с нормальным состоянием испытуемого, другие значения служат для выражения его эмоционального состояния. При изучении лексико-семантических отношений, связанных с глаголами действия в арабском языке, особое внимание следует уделять предлогам этих глаголов, поскольку конкретный глагол действия зависит от того, является ли объект, на который направлено действие, одушевленным или неодушевленным. Требуется другой предлог. В синонимичных отношениях глаголы действия различаются по продолжительности действия, с какой целью оно было совершено или с помощью каких средств оно было выполнено.

Есть сходства и различия в выражении глагола «приходить» на узбекском языке в арабском языке. В узбекском языке основная семантика этого глагола действия довольно проста, но по содержанию практически идентична арабской лексеме «приходить». В узбекском языке этот глагол требует, чтобы объект, к которому он направлен, в основном использовался в глаголах инфинитива, места-времени, выхода и направления, тогда как в арабском языке они представлены предлогом, дающим значение инфинитива или определенного союза. При выражении некоторых значений глагола «приходить» в узбекском языке необходимо использовать их арабскую альтернативу, а в некоторых случаях - значения этого глагола в узбекском языке. В арабском языке он также выражается глаголом «приходить», но в этом случае



необходимо выбрать глагол, который выражает ожидаемое значение синонимических глаголов, которые означают «приходить» на арабском языке.

Опорные слова и выражения: категория глагола, времена глагола, наклонения глагола, семантика глагола, арабское и узбекское языкознание.

Abstract. This article briefly describes the set of verbs in Arabic and Uzbek, its study by linguists, comparative lexical-semantic analysis of action verbs in both languages. In the study of the lexical-semantic relations of action verbs in the Arabic language, special attention should be paid to aspects related to the meaning of verbs, such as synonyms and antonyms between them. Among the verbs of action in Arabic, there are many verbs that have polysemantic meanings, and sometimes they are used in their original meaning, and sometimes in other meanings as well. The meaning of these verbs also depends on the event or situation to which they are related. While the original, original meaning of the verb is mainly related to the normal state of the subject, other meanings serve to express his emotional state. In the study of lexical-semantic relations related to action verbs in Arabic, special attention should be paid to which prepositions these verbs come with, because a particular action verb depends on whether the object to which the action is directed is animate or inanimate. may require a different preposition. In synonymous relations, the verbs of action differ according to the extent to which the action lasted, for what purpose it was performed, or by what means it was performed.

There are similarities and differences in the expression of the verb "to come" in Uzbek in Arabic. In Uzbek, the main semantic of this action verb is quite simple, but the content is almost identical to the Arabic lexeme "to come". In Uzbek, this verb requires that the object to which it is directed come mainly in the infinitive, place-time, exit, and direction verbs, while in Arabic they are represented by a preposition giving the meaning of an infinitive or a definite conjunction. In expressing some of the meanings of the verb "to come" in the Uzbek language, it is necessary to use their Arabic alternative, and in some cases, the meanings of this verb in the Uzbek language. In Arabic it is also expressed by the verb "to come", but in this case it is necessary to choose a verb that expresses the expected meaning from the synonymous verbs that mean "to come" in Arabic.

Keywords and expressions: category, nutrients, soft tissue, soft tissue, Arabic and Uzbek linguistics.

Туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилидаги ҳаракат феълларидаги лексик-семантик муносабатларни ўрганишда ушбу феълларнинг синонимлик ва антонимлик хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбек тилидаги ҳаракат феълларининг синонимлик хусусиятлари ўрганилганда, кўп маънони касб этган бир ҳаракат феъли икки ёки ундан ортиқ маънога эга ўзаро синонимик қаторни ташкил этиши мумкинлиги маълум бўлди (*айнимоқ, бузулмоқ*). Ҳаракат феълларининг синонимик қаторига кирувчи сўзлар тушунчанинг белгисини турли даража билан ифодалаш мумкин. Синонимик қатордаги баъзи сўзлар белгини нормал даража билан ифодаласа, баъзилари кучли даражани кўрсатиши, айримлари эса белгини кучсиз даража билан ҳам ифодалаш мумкин (овора қилмоқ, сарсон қилмоқ, саргардон қилмоқ). Шунингдек, ҳаракат феълларининг синонимик хусусиятини ўрганганда, уларнинг эмоционал бўёқдорлигига кўра,



адабий тилга ёки диалектларга хос бўлишига кўра, кўп ёки оз қўлланилишига кўра ўзаро фарқланишини ҳам ҳисобга олиш лозим¹.

Ҳаракат феълларининг антонимлик хусусияти ўрганилганда, улар асосан белгини билдурувчи антоним сўзлардан (сифатлардан, равишлардан) ясалган феъллар бўлиши ойдинлашади (кенгаймоқ – тораймоқ, кўпаймоқ – озаймоқ, секинлашмоқ – тезлашмоқ). Бундан ташқари, антонимлар қарама-қарши ҳаракатни билдирувчи феъллар орасида ҳам мавжудлигини кўрамиз (бормоқ – келмоқ, кирмоқ – чиқмоқ)².

Ўзбек тилидаги феъллар лексик-грамматик хусусиятларига кўра мустакил ва ёрдамчи феълларга бўлинади.

Араб тилшунослигида феъл деганда ҳаракатни ифодалайдиган сўзлар тушунилади. Бундай сўзлар қатъийликни, янгиланиш ҳамда содир бўлишни ифодалайди. Араб тилшунос олимлари феълга шундай таъриф берадилар: “Феъл муайян бир ҳатти-ҳаракатни ифодалаб, ушбу хатти-ҳаракат эгага ёки бирор-бир воқеа-ҳодисага тегишли бўлади”. Доктор Мустафо Жамолиддин шундай дейди: “Фикримча, содир бўлиш ибораси феъл сўзининг рамзий маъносини ифодалайди. Шунингдек, бу ибора янгиланиш, ўзгариш маъносига ҳам бир-мунча яқиндир”.

Машҳур араб тилшуносларидан Ҳифни Носиф ўзининг “Ад-дурус ан-наҳвия” асарида феълга шундай таъриф беради: “Иш-ҳаракат замонни англатувчи ҳар бир сўз феъл деб аталади. Феъл уч қисмга бўлинади: ўтган замон, ҳозирги замон, буйруқ майли. Масалан: ёзди, ёзаяпти, ёз!

Иш-ҳаракатнинг ўтган замонда содир бўлганини англатувчи феъл ўтган замон феъли (феъл мозий) деб аталади.

Иш-ҳаракатнинг ҳозирги-келаси замонда содир бўлганини англатувчи феъл ҳозирги замон (феъл мудориъ) деб аталади. Иш-ҳаракатда талаб буйруқ маъносини англатадиган феъл буйруқ майли (фиълу амрин) деб аталади.

Замонавий араб тилшунослари феълларни маъносига кўра бир неча гуруҳга бўладилар.

1. Бошланиш-макон ва замонга кириш маъносини ифодаловчи феъллар (أفعال الشروع مثل بدأ، شرع، أخذ);
2. Ҳолат-белгини ифодаловчи феъллар (الأفعال المفيدة الألوان و الحالة مثل إسود، إحمرو، أعمى);
3. Касб-ҳунар соҳалари доирасида қўлланувчи феъллар (أفعال المهنة مثل حصد، زرع);
4. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш маъносини ифодаловчи феъллар (الأفعال المفيدة الانتقال من الحالة الواحدة إلى الثانية).

Араб олимларидан Сибавайҳи, Доктор Муҳаммад Довуд, Аҳмад Бериссул каби олимлар феъл ҳамда унинг маъновий гуруҳлари бўйича изланишлар олиб

¹A. Hojiyev O‘zbek tili sinonimlarining izohli lug‘ati. – Toshkent. “O‘qituvchi”, 1974.

²Sh. Rahmatullayev, N. Mamatov, R. Shukurov O‘zbek tili antonimlarning izohli lug‘ti. – Toshkent: “O‘qituvchi”, 1980.



борганлар. Баъзи замонавий араб олимлари ҳаракат феълларининг бир гуруҳини “бодй лангуаге” атамаси билан узвий боғлайдилар. Бунга кўра, инсоннинг айни вақтда содир этаётган хатти-ҳаракатлари юз ифодалари орқали унинг руҳий ҳолати ҳақида ҳам билиб олишимиз мумкин.

Шунингдек, атоқли араб тилшунос олимларидан Доктор Абдул Қодир Ҳусейн асарларида феълнинг араб тилига хос ҳосила боблари феълларининг маъно ва семантик, стилистик ҳамда морфологик жиҳатларини чуқур ёритиб берган.

Шу билан бир қаторда, араб тили балоғат илмининг етук олимлари Абдул Мутаадийс Саидий, Ас-Сайид Аҳмад Алҳашимий, Доктор Шауқий Сайф каби араб тилшунослари араб тили грамматикасида, аввало, феълнинг ўрни ҳақида ва ҳар бир гапнинг асосида феъл туришини, араб тилидаги феълларнинг нозик жиҳатларини, феъл вазнлари, аниқ ва мажҳул даража сифатдошлар, ўрин-жой номлари, қурол-аслаҳа номлар кабиларни изоҳлаганлар.

Араб тилшунослигида феъл деганда ҳаракатни ифодалайдиган сўзлар тушунилиб, бундай сўзлар қатъийликни, янгиланиш ҳамда содир бўлишни ифодалайди. Тилшунослар, асосан, араб тилидаги феъл сўз туркумига анъанавий ёндашган ҳолда, уни морфологик жиҳатдан бафуржа ўрганганлар. Бу мавзуга оид илмий маълумотларда феъллар бошланиш-макон ва замонга кириш маъносини ифодаловчи, ҳолат-белгини ифодаловчи, касб-хунар соҳалари доирасида қўлланувчи, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш маъносини ифодаловчи феълларга бўлинган, холос.

Араб изоҳли луғати - "معجم المعاني الجامع" да *أتى* – келмоқ ҳаракат феълининг 24 та маъноси ифодаланган¹.

- I. *أتى الشخص*² – бирор-бир киши келди. Буни англаган маънолари:
- а) *جاء* маъносида – бир киши бирор-бир яқин жойдан (пиёда) келди.
 - б) *حضر* маъносида – бир киши бирор-бир таклифга биноан келди.
 - в) *وصل* маъносида – бир киши бирор-бир транспорт воситасида келди
 - д) *نزل* ва *حل* маъносида – бир киши келиб ўрнашди.

Масалан; *Ҳисоб кунни эртами-кечми барибир келади*³.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, араб тилидаги ҳаракат феъллари ўзбек тилида бир оз бошқача ифодаланади. Араб тилида келмоқ феъли бир неча синонимлари мавжуд бўлиб, улар восита, вазият, сабабларга кўра биридан фарқланади. Араб тилида биргина феълнинг ўзи кенгайтирган маънони ўз ичига қамраб олса, ўзбек тилида эса, келмоқ феълни бошқа сўзлар билан биргаликда қўллаб, сабаб, вазият, ҳолатларни ифодалаш мумкин.

II. *أتى* феълининг IV боб феъли вазнида келиши :

Бермоқ, ҳосил бермоқ, мевалар бермоқ

(3) *• أعطاه* • – *أتاه الله رزق عميما* – Аллоҳ унга тўлиқ ризқ берди: унга берди

(4) *• ساقها إليه* • – *أتاه النعم* : унга неъматларини берди: унга етказди

¹ <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/> / *أتى*

² <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/> / *أتى*

³ <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/> / *أتى*



(5) أتى به إليه . (5) – у унга тушлигини келтириб берди: уни унга келтириб берди.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, **اتى** келмоқ феъли **ب** предлоги билан биргаликда келганда *олиб келмоқ, келтириб бермоқ* маъносида келади.

а) أتى الزكاة : أداها¹ – закот бермоқ: закотни адо этмоқ .

Араб тилидаги феъл бобларининг маъноларини ўзбек тилидаги феълнинг нисбат ва майл шакллари ифодалайди. **اتى** келмоқ феъли ўзининг асл маъносидан ташқари юқорида кўрсатиб ўтилган маъноларини ҳам билдиради. Шуниси эътиборга моликки, бундай маънолар кўп ҳолларда муайян иборалар таркибида келади. Ўзбек тилида ҳам келмоқ феъли ўзининг хос семасидан ташқари бошқа кўшимча маъноларнинг ҳам ифодаланишини кўриб чиқдик. **اتى** феъли араб тилида қўлланганда, баъзи ҳолатларда ундан кейин воситасиз тўлдирувчи ёки воситали тўлдирувчи келади. Бундай ҳолатда турган сўз бирикмалари ўзбек тилида, асосан, жўналиш ҳамда тушум келишиклари орқали ифодаланади.

III. **اتى** феъли III боб феъли вазнида келганда, ўзбек тилида ярашмоқ, ёндашмоқ, мос келмоқ, рози қилмоқ маъноларини беради. III боб феъли икки киши ўртасида амалга ошган хатти-ҳаракатни билдиради, бироқ **اتى** феъли ишбу бобда келганда хатти-ҳаракатнинг бировга нисбатан ўтказилаётганини, яъни бошқача қилиб айтганда, орттирма нисбатни билдиради. Араб тилида III боб вазнида келган **اتى** феъли воситасиз тўлдирувчи ҳамда **على** предроги билан бирга келса, у ўзбек тилида кимнидир нимагадир “кўндирмоқ, рози қилмоқ” маъноларини ифодлайди.

أتاه على الأمر – уни ишга кўндирди (рози қилди) .

اتى феъли III бобда келганда қуйидаги **طواعه ، جاره ، وافقه** феъллар билан синоним бўлади ва ушбу феъллар барчасининг маъноси “кўндирмоқ, рози қилмоқ” ни билдиради.

وافقه ، سنحت له . أنته الفرصة² – у бу имконга кўнди, унга имкон туғилди².

Шуниси қизиқки, I боб феъли шаклида турган **اتى** келмоқ феъли **على** предлоги билан бирга келса, у ўзбек тилида йўқ қилмоқ, битирмоқ, тугатмоқ, йўқотмоқ, қириб ташламоқ маъносида келади.

IV. **اتى** – “уни олиб келмоқ” маъносида . **اتى** феъли **ب** предлоги билан келганда ўзбек тилида “ниманидир олиб келмоқ” маъносини билдиради ва ушбу феълга **أوصله ، جاء به ، جلبه ، أحضره** феъллари синоним бўла олади. Араб тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам ушбу феъллар умумий битта “олиб келмоқ” маъносини англатса-да, улар қўлланиш ҳолатига кўра бир-бирдан фарқланади. Масалан,

جاء به – уни пиёда олиб келди ёки уни келтирди (пиёда);

جلبه – чет элдан молларни олиб келмоқ;

أحضره – кимнингдир таклифига биноан уни олиб келмоқ;

¹ <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/> / **اتى**

² <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/> / **اتى**



أوصله – уни транспортда келтирди ёки олиб келди ;
 لم يأت بجديد في بحثه – у ўзининг илмий ишида бирор бир янгилик келтирмади;

1) у янги режани келтирди;
 2) у янги режани бажарди
 1 أتى بملاحظة غير متوقعة – у кутилмаган янги фикрни олиб келди;
 V. أتى الصلاة دباراً – намозни қазо қилиб адо этмоқ (ибора);
 أي بعدما فات الوقت – яъни, вақт ўтиб кетганидан кейин намозни адо этмоқ;
 لا يقبل الله صلاة رجل أتى و الصلاة دبار – Аллоҳ ибодатининг вақтини ўтказиб адо этган инсоннинг намозини қабул қилмайди.

Араб тилида أتى келмоқ феъли الصلاة яъни, намоз сўзи билан келганда, адо этмоқ, бажармоқ маъноларини англатади.

VI. أتى الأمر² – ушбу арабча иборанинг ўзбек тилида амр “буйруқ келди” маъносини билдиради ҳамда أتى- келмоқ феълнинг баъзи ҳолатларда قرب ва دنا – яқинлашмоқ, حان – вақти бўлмоқ феъллари билан синоним бўлиб келади. أتى феъли вақтни ифодаловчи сўз билан ёнма-ён келганда, “яқинлашмоқ” деган маънони беради.

حان ، قرب ودنا " أتى أمر الله فلا تستعجلوه " ساعتہ.
 “Аллоҳнинг амри келди (тушди), шошилманглар” унинг вақти-соати келди.

VII. أتى الزكاة : (مصطلحات فقهية) – шунингдек, أتى феъли араб тилидаги баъзи фикхий (юридик) иборалар таркибида ҳам келади, бироқ, бу феъл бундай иборалар таркибида келганда: “келмоқ” маъносини эмас, балки “бермоқ, адо этмоқ” маъноларини билдиради. Масалан, закот бермоқ:

3 أعطاه وأداها – закот бермоқ, закотни адо этмоқ.

VIII. أتى المال : (مصطلحات فقهية) – “пул сарфламоқ” иборасида أتى феъли мутлақо бошқа маънони акс эттиради. Аммо, бу иборанинг асосий маъноси асл маъноси замирида яхшилик қилиш мақсадида пул сарфлаш мазмунини ифодалайди.

أنفق المال – эҳсон қилмоқ.

IX. أتى البهتان – бўҳтон қилмоқ;

الباطل – бўлмаган, йўлғон нарсани гапирмоқ;

الزيف – ёлғон гапирмоқ;

هذا بهتان عظيم (قران) – бу катта бўҳтондир (Нур сураси 16-оят).

Баъзи бир ҳолатларда أتى феъли салбий характерга эга бўлган мавҳум отлар билан келганда, “қилмоқ” маъносини билдиради. Юқоридаги, X ва XI бандларда келтирилган иборалар бунга мисол бўла олади.

X. أتى بالقادورة – жирканч иш қилмоқ;

4 بالفاحشة – фаҳш иш қилмоқ;

¹ <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/أتى/>

² "معجم المعاني الجامع"

³ <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/أتى/>

⁴ <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/أتى/>



- XI. **أتى بالقول الفصل** – ҳал қилувчи гапни айтмоқ (келтирмоқ);
بالحق البين – аниқ, равшан ҳақиқатни келтирмоқ. Ушбу мисоллардан маълум бўладики, **أتى** феъли **ب** предлоги билан келганда, “ниманидир келтирмоқ” маъносини англатади.
- XII. **أتى بأفكار وآراء منطقية** – мантикий ўй-фикрларни келтирмоқ
معقولة, تعتمد على العقل, أي تنتقل من مقدمات إلى نتائج صحيحة¹, яъни бошланғич фикрлардан тўғри натижаларга олиб борадиган мантикий фикрларни билдирмоқ (келтирмоқ) .
- XIII. **أتى بطم** – иборасининг сўзма-сўз таржимаси “катта микдордаги сувни олиб келмоқ” маъносини билдиради, аммо бу инсоннинг ўта ҳайратланганлиги ҳолатига қўлланади.
يعجب عجب² – жуда ҳам ҳайратланмоқ ;
- XIV. **أتى بعتب³** – таъна қилмоқ;
بنقص وفساد – юзига солмоқ (бирор-бир кимсанинг камчиликларини ва ахлоқсизлигини гапирмоқ)
- XV. **أتى بعوراء** – арабча иборанинг сўзма-сўз таржимаси “бир кўзли одамни келтирмоқ” маъносини беради. Бу ибора инсонларга ёқимсиз бўлган нарсаларни гапириш ёки шундай хусусиятга эга бўлган ишларни қилиш маъносини беради.
بكلمة شنيعة, قبيحة, الفعلة الشنعاء – ҳунук ва жирканч гапни гапирмоқ ёки жирканч иш қилмоқ;
- XVI. **أتى بكلام عويص** – чалкаш гапирмоқ;
كلام يصعب فهمه . قضايا عويصة واجه مسألة عويصة. – тушуниш учун қийин бўлган гапларни гапирмоқ, чалкаш муаммолар. У чигал масалага дуч келди.
- XVII. **أتى بمسوغ** – ўринли сабабни келтирмоқ;
بمبرر – оқламоқ (бирор бир нарса ёки нарса воситасида кимнидир оқламоқ);
- XVIII. **أتى بمنكر فاحش** – қайтарилган фахш ишни қилмоқ;
ما يأتي به الانسان من قول أو فعل مخالف للشرع و اوامر الله – инсоннинг Аллоҳ амрларига ҳамда шариатга қарши бирор-бир гапни гапириши ёки бирор-бир ҳатти-ҳаракатни қилиши.
- XIX. **أتى بناموس عجيب** – ажойиб қонунни келтирмоқ (ибора). Ушбу иборада **ناموس** сўзи “ҳийла” ва “топқирлик”, “сиёсат” маъносида келган.
أتى بحيلة – ажойиб сиёсатни ишлатмоқ;
أتى بمهارة. – бор маҳоратини ишга солмоқ;
ظن الجميع أنه سيعود لمعارف ونواميس تقلب الاحجار – барча уни тошларни остин-устин қилиб юборадиган топқирлиги ва таниш-билишларига қайтади, деб ўйлади. Баъзи ҳолларда **أتى** феъли **ب** предлоги ҳамда нутқ фаолияти билан боғлиқ сўзлар **كلام** сўзи билан бирга келганда гапирмоқ маъносини беради.

¹ <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/أتى/>

² <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/أتى/>

³ "معجم المعاني الجامع"



XX. **أتى رجزا**¹ – нопок ишларни қилмоқ. Бу ерда **رجز** (1) Аллох томонидан берилган жазо; 2) ифлослик, нопоклик) сўзи хунук иш маъносида келган.

عملا قبيحا، قذرا – нопок, ёмон ишларни қилмоқ.

XXI. **أتى فعلا فاحشا** – фахш ишни қилмоқ. Бу иборада фахш, хунук бирор-бир ишни қилмоқ ёки ёмон гапларни гапирмоқ.

أتى سينا، قبيحا – ёмон иш қилмоқ;

كلام فاحش لحن فاحش – фахш (ёмон) гапларни гапирмоқ.

XXII. **أتى الرجل** – киши келди.

جاء. يأتيك كل غد بما فيه (مثل). – ҳар бир эртанги кун ўзининг ичидаги нарсалар билан сенга келади.

XXIII. **أتى بالبينة الواضحة**² – аниқ исботни келтирмоқ. Ушбу иборада – “**البينة**”, яъни “исбот” далил, ҳужжат маъносида келган.

الحجة، الدليل – ҳужжат, далилни келтирмоқ

XXIV. **أتى بعمل خبيث**³ – ярамас ишни қилмоқ;

فاسد، كريه، رديء – фисқу фасод, жуда ёмон, ёқимсиз, ножўя иш.

Бундан ташқари, **أتى** – келмоқ феълнинг бир неча синонимлари ҳам мавжуддир. Ушбу синоним феъллар қўлланиш вазиятига кўра, бир-биридан фарқланади. Масалан;

Узоқ жойдан келмоқ – **قدم**

Катта ҳоҳиш билан келмоқ – **اقبل**

Таклифига биноан келмоқ – **حضر**

Бирор бир яхши мақсадда келмоқ – **زار**

Кечқурун (тунда) келмоқ – **طرق**

Кутилмаганда келмоқ – **غشي**

Йўлдаги бирор-бир нарсдан хавотир олиб келмоқ – **وافى**

Сувни захира қилиб олиб қўйиш мақсадида келмоқ – **ورد**

Жамоа билан (гурух бўлиб) келмоқ – **وفد**

Пиёда келмоқ – **جاء**

Машинада келмоқ – **وصل**

Келмоқ – **أتى** феълнинг синонимлари:

أقبل، تم، جاء، جرى، حدث، حصل، حضر، زار، طرق، غشي، قدم، وافى، وافى، ورد، وفد، وقع، حضر، اجتلب، ساق، أقبل، قدم⁴

Шундай қилиб, араб тилидаги ҳаракат феъллари семантик жиҳатдан таҳлил қилинганда, улар орасида полисемантик маъноларни англатувчи феъллар кўплиги аниқланди. Бундай феъллар гапда баъзан ўзининг асл маъносида, баъзан эса умуман бошқа маъноларда ҳам келади. Ушбу феъллар ифодалаётган маъно-мазмун, уларнинг қандай воқеа ёки ҳолат билан боғланганлигига ҳам қарайди.

¹ "معجم المعاني الجامع"

² <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/> / **أتى**

³ <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/> / **أتى**

⁴ <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/> / **أتى**



Феълнинг асл маъноси асосан, субъектнинг оддий ҳолати билан алоқадор бўлса, бошқа маънолари эса унинг эмоционал ҳолатини ифодалашга хизмат қилади. Шунингдек, араб тилида ҳаракат феълларининг қайси предлоглар билан бирга келаётганлигини ҳам алоҳида эътиборга олиш лозим, чунки иш-ҳаракат қаратилган объектнинг жонли ёки жонсиз эканлигига кўра ҳам, ҳаракат феъли ҳар хил предлогларни талаб қилиши мумкин. Синонимлик муносабатларида эса, ҳаракат феъллари иш-ҳаракатнинг қай даражада давом этганлигига, қандай мақсад билан амалга оширилганлигига ёки унинг қандай воситалар ёрдамида бажарилганлиги каби ҳолатларга кўра бир-биридан фарқланади.

Ўзбек ва араб тилларидаги “келмоқ” ҳаракат феъли ўзаро қиёсланганда, ҳар икки тилда ҳам бундай феълларнинг ифодаланишида ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд эканлиги аниқланди. Ўзбек тилида мазкур ҳаракат феълнинг бош семаси анчагина содда кўринишда бўлса-да, мазмунан араб тилидаги “келмоқ” лексемасига деярли мос келади. Ўзбек тилида ушбу феъл ўзи қаратилган объектнинг тушум, ўрин-пайт, чиқиш ва жўналиш келишикларида келишини талаб қилса, араб тилида улар тушум келишиги ёки муайян келишик маъносини берувчи предлог билан ифодаланади. Араб тилида ўзбек тилидаги “келмоқ” феълига хос баъзи маъноларни ифодалашда, уларнинг айнан арабча муқобил вариантини қўллаш лозим бўлса, баъзи ҳолатларда эса ўзбек тилидаги ушбу ҳаракат феълнинг англатган маънолари араб тилида ҳам, айнан шу маъно билан ифодаланади, бироқ ушбу ҳолатда араб тилида “келмоқ” маъносини берувчи синоним феъллардан қутилган маънони ифодаловчи айнан бир феълни танлаш лозим.

ҲАМИДОВ ХАЙРУЛЛА

Филология фанлари доктори, доцент, ТДШУ

Бир ҳикоянинг икки таржимаси

Аннотация. Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб бадий таржима шарофати билан ўзбек миллий адабиёти жаҳон адабиёти дурдоналари билан бойиб боргани каби, ўзбек адабиёти намуналари ҳам бошқа тилларга таржима қилиниб, дунёнинг кўпчиликларида ўз ўқувчиларини топишга улғурди. Жумладан, ўтган салкам ўттиз йил мобайнида Туркияда ўзбек адабиётига бўлган қизиқиш янада кучайди. Қисқа давр ичида ўзбек адабиётининг ўнлаб дурдона асарлари хорижий тиллар, жумладан, қардош турк тилига ўгирилиб, адабиётимиз ихлосмандларига армуғон этилди. Тили, тарихи ва маданияти бир-бирига жуда яқин ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошлиқ ришталари бадий таржима орқали янада мустаҳкамланди. Турк адабиёти хазинаси атоқли ўзбек адилларининг машҳур асарлари билан бойиди. Жумладан, таниқли ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, Ойбекнинг “Навоий” романлари қаторида Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари ҳам туркчага ағдарилиб, нашр этилди.



Бу ўз-ўзидан таржимашунослик фанига катта материал берди. Бадий таржималарни танқидий кўриб чиқиши, уларнинг бадий савияси, сифатини баҳолаш ва таржимон маҳорати қирраларини ўрганиш масалалари кун тартибига қўйилди. Ушбу мақолада Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг туркча таржималарида учрайдиган муаммоли ўринлар кўриб чиқилади ва амалиётда юзага келган муаммоларга қисман ечим изланади. Жумладан, икки қардош тил орасида таржима қилишининг афзалликлари билан бир қаторда ўзига яраша мураккабликлари борлиги, таржимада “сохта эквивалентлар” муаммоси сақланиб қолаётганлиги, ўзбек ва турк тилларининг бир тил оиласига мансублигига қарамай кўпчилик лексик-фразеологик бирликларнинг келиб чиқиши нуқтаи назаридан фарқлиқ касб этиши, бадий асарларни ўғиршида таржимондан ўта эҳтиёткор бўлишни қатъий талаб қилиши зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Таянч сўз ва иборалар: бадий таржима, аслият, контекст, услуб, адабий манера, ўзаро яқин тиллар, сўз танлаш, сохта эквивалент, мақол, фразеологизм.

Аннотация. Благодаря художественному переводу с 90-х годов прошлого века узбекская национальная литература обогатилась шедеврами мировой литературы, а образцы узбекской литературы переводились на языки мира и успели найти своего читателя во многих странах. В частности, за последние тридцать лет возрос интерес к узбекской литературе в Турции. За короткий срок десятки шедевров узбекской литературы были переведены на иностранные языки, в том числе и на братский турецкий язык, и подарены любителям нашей литературы. Узы дружбы и братства между узбекским и турецким народами, язык, история и культура которых очень близки друг другу, еще больше укрепились благодаря художественному переводу. Сокровищница турецкой литературы пополняется самыми известными произведениями узбекских писателей. В частности, среди произведений известного узбекского писателя А.Кадыри «Минувшие дни», «Скорпион из алтаря», Айбека «Навои», были переведены на турецкий язык и опубликованы рассказы Абдуллы Каххара. Это само по себе давало большой материал для науки переводоведения. На повестку дня были поставлены вопросы критического рецензирования художественных переводов, оценки их художественного уровня и качества, изучения переводческого мастерства. В данной статье рассматриваются проблемы в турецких переводах одного рассказа Абдуллы Каххара, изыскивается частичное решение проблем, возникших на практике. В частности, преимущества перевода между двумя родственными языками имеют свои сложности, проблемы, связанные с «ложными эквивалентами» остаются при переводе, несмотря на то, что узбекский и турецкий языки принадлежат к одной языковой семье, подчеркнуто, что это требует от переводчика особой осторожности при переводе художественных произведений.

Опорные слова и выражения: художественный перевод, оригинал, контекст, стиль, литературная манера, родственные языки, выбор слова, «ложный эквивалент», пословица, фразеология.

Abstract. Thanks to literary translation since the 90s of the last century, Uzbek national literature has been enriched with masterpieces of world literature, and samples of Uzbek literature have been translated into other languages and managed to find their readers in many countries of the world. In particular, over the past thirty years, interest in Uzbek literature has increased in Turkey. In a short time, dozens of masterpieces of Uzbek literature were translated into foreign languages, including the fraternal Turkish language, and



presented to lovers of our literature. The bonds of friendship and brotherhood between the Uzbek and Turkish peoples, whose language, history and culture are very close to each other, have been further strengthened thanks to literary translation. The treasury of Turkish literature is replenished with the most famous works of famous Uzbek writers. In particular, among the works of the famous Uzbek writer A. Kadyri "Bygone Days", "Scorpion from the Altar", Abek "Navoi", stories by Abdulla Kahkhar were translated into Turkish and published. This in itself provided great material for the science of translation studies. The issues of critical review of literary translations, evaluation of their artistic level and quality, and the study of translation skills were put on the agenda. This article discusses the problems in Turkish translations of a story by Abdulla Kahkhar, seeks a partial solution to the problems that have arisen in practice. In particular, the advantages of translating between two related languages have their own difficulties, the problems associated with "false equivalents" remain in translation, despite the fact that the Uzbek and Turkish languages belong to the same language family, it is emphasized that this requires the translator to be especially careful when translation of works of art.

Keywords and expressions: *literary translation, original, context, style, literary manner, related languages, word choice, "false equivalent", proverb, phraseology.*

Кириш. Ўзбек адабиёти дурдоналарининг хорижий тилларга таржима қилиниши ва уларнинг жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаши бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Дарҳақиқат, халқлар орасидаги маданий кўприк ҳисобланган бадий таржима айна тил оиласига мансуб, тили, урф-одат, миллий анъаналари бир-бирига яқин ўзбек ва турк халқлари орасидаги дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига кўмак бериб келмоқда. Албатта, бунда таржималарнинг сифати, уларнинг бадий савияси, асл нусхадаги миллий руҳни қайта яратишда таржимон маҳорати муҳим омил ҳисобланади.

Ушбу мақолада атоқли ўзбек адиби Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб "Ўғри" ҳикоясининг туркча таржималарида учрайдиган муаммоли ўринлар кўриб чиқилади ва амалиётда юзага келган муаммоларга қисман ечим изланади. Жумладан, икки қардош тил орасида таржима қилишнинг афзалликлари билан бир қаторда ўзига яраша мураккабликлари борлиги, таржимада "сохта эквивалентлар" муаммоси ҳануз сақланиб қолаётганлиги, ўзбек ва турк тилларининг бир тил оиласига мансублигига қарамай, кўпчилик лексик-фразеологик бирликларнинг келиб чиқиш нуктаи назаридан фарқлик касб этиши бадий асарларни ўгиришда таржимондан ўта эҳтиёткор бўлишни қатъий талаб қилиши зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Мақсад ва вазифалар. Мақоланинг мақсади бадий таржимада муаллиф услубининг қайта яратилиши муаммосини таниқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўғри" ҳикоясининг турк тилига қилинган икки таржимаси асосида кўриб чиқиш, таржима сирасида ижодкорлар диққатидан четда қолган баъзи хусусиятларни таъкидлаш ва баҳоли қудрат тавсиялар беришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун тадқиқот олдида ҳикоя таржимасида сўзларнинг қандай танлангани, ижодкорларнинг бадий тасвир ва ифода воситаларидан қай даражада фойдаланганини кўрсатиш, аслиятда



қўлланилган мақол, матал ва бошқа турли фразеологик бирликларнинг нечоғлиқ ўтирилганлиги, ўзбек ва турк тиллари орасида бадиий таржиманинг осон томонлари ва тилларнинг ўзаро яқинлигидан келиб чиқадиган чигалликларнинг сабабини ёритиш вазифалари қўйилган.

Методлар. Тадқиқотни амалга оширишда тавсифий, таҳлилий ва таҳлилий-қиёсий методлардан фойдаланилди. Дарҳақиқат, ушбу мақола учун материал сифатида олинган “Ўғри” ҳикояси¹ турк тилига икки марта: илк бор 2010 йилда туркиялик ижодкор Филиз Демиржи томонидан², иккинчи марта, орадан бир неча йил ўтиб, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасини турк тилига таржима қилиб танилган муаллим Моҳир Унли томонидан³ таржима қилинган. Қуйида бу икки таржима варианты фаннинг турли нуқтаи назарларидан кўриб чиқилади.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикояси таржимасининг миллийликни акс эттирувчи жиҳатлари предмет сифатида олинган тадқиқот жараёнида аслият ва таржима матни таҳлил қилиниб, қиёсланар экан, ўзбек ва турк тилларининг изоҳли луғати, икки тилли (туркча-ўзбекча, ўзбекча-туркча, туркча-русча ва русча-туркча) ҳамда турли энциклопедик луғатлардан⁴ фойдаланилди. Шунингдек, асарнинг асл нусхасидан келтирилган мисоллар ўзбекча таржимаси билан бирга берилиб, лозим топилган ўринларда муаллиф таклиф этган таржима вариантлари ҳам бериб ўтилди.

Эришилган натижалар: Ўзаро яқин тиллар орасида таржимани амалга ошириш ташқаридан қараганда осондек кўринса-да, тажриба бир талай мураккабликлар борлигини кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, тиллар яқин ёки узоқ бўлишидан қатъий назар, таржима жараёнида ижодкор бирданга икки маданият, икки тилнинг сўз ва образлари устида иш олиб борар экан, ҳар сафар бегона сўзлардан қайси бирини ўгириб, таржима матнига ўтказиш мумкинлиги, агар мумкин бўлса, сўз ёки образ бегона негизда ўз ўрнини топа олиши ҳақида ўйлаб кўриши керак.

Маълумки, ҳар бир тилнинг ўз қонуниятлари бўлади. Бир тилда табиий жаранглаган сўз, ибора, бошқа тилга сўзма-сўз ўтирилганда, жарангсизлашиши, жумла эса оғирлашиб қолиши мумкин. Демак, таржимоннинг қайсидир сўзни ташлаб юбориши, жумлани соддалаштириши ёхуд фикрнинг китобхонга асли-

¹ Қаҳҳор Абдулла; Ҳикоялар. –Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. www.zyouz.com.

² Kahhar A., Hikayeler, Çeviren Filiz Demirci. – Toshkent, “Mumtoz so‘z”, 2010.

³ Kahhar A., Hırsız, Çeviren Mahir Ünlü. <https://www.edebi.net/index.php/edebieserler/komik-f-kralar/44-secilmis-yazilar/3860-abdullah-kahhar-hirsiz-hikaye>.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –М.: “Рус тили”, 1981; Türkçe Sözlük, TDK, 9. Baskı, 1.-2. Ciltler. – Ankara, 1998; Büyük Rusça-Türkçe Sözlük, Moskva, «Russkiy yazık», Multilingual. – İstanbul, 1995; Büyük Türkçe-Rusça Sözlük, Moskva, «Russkiy yazık», 1977, Multilingual. – İstanbul, 1994; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б., «Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати». – Т., 1983.



ят каби тушунарли бўлиши учун ниманидир қўшиши, ҳатто жумлани ортикча безаб юбориши ҳам сир эмас. Бундай вазиятда таржимон муаллиф матнига тузатиш кирита олмайди. Зеро, муаллиф ўз муддаосини текис синтактик ва курук луғат воситалари билан эмас, она тилининг бадий сўз, образ ва мураккаб синтактик қурилмалари воситасида ифодалайди. Таржимон эса муаллиф билан ҳамнафас бўлиши, асарнинг ҳар бир заррасини муаллиф кўзи билан кўриши, уни муаллиф сингари ҳис этиши, тилнинг асосий унсури бўлган сўзни ўз она тилидан излаб топиши керак. Бу борада Ғ.Саломов шундай ёзади: “Бадий адабиёт учун ғоятда муҳим бўлган кўрсаткичлар: бадийлик, образ ва образлилик, мажоз ва мажозийлик – барчаси сўз замирида яширинган бўлади ва сўз орқали реаллашади¹. Дарҳақиқат, бадий таржимада сўзни тўғри танлаш учун санаб ўтилган талабларга амал қилиш лозим. Мисолларга мурожаат қиламиз:

“*Кампир тонг қоронғисида хамир қилгани туриб хўкизидан хабар олди*”. “Ўғри” ҳикояси ана шу жумла билан бошланади.

1-таржима (Ф.Демиржи): *Tan ağarıken yaşlı kadın, hamur yog'urmak üzere kalktığı sırada öküzin yokluğunu fark etti* (сўзма-сўз тескари таржимаси: “*Tong oqarayotganda keksa ayol xamir yo'g'irish uchun turganida ho'kizning yo'qligini sezib qoldi*”).

2-таржима (М.Унли): *Yaşlı kadın sabahleyin alaca karanlıkta hamur yog'urmak için kalktığına öküzinün başına gelenleri öğrendi* (сўзма-сўз тескари таржимаси: “*Keksa ayol erta tong nim qorong'isida xamir yo'g'irish uchun turganida ho'kizining boshiga nimalar kelganini o'rgandi*”).

Иккала таржимада ҳам аслиятдаги мазмун бера олинган. Шунга қарамай, “тонг қоронғиси” бирикмаси 1-таржимада “*tan ağarıken*” (“тонг оқараётганда”) деб, 2-таржимада эса янада аниқлаштирилиб “*sabahleyin alaca karanlıkta*” (“эрта тонг ним қоронғисида”) деб берилган. Бироқ 1-таржимада “хўкизидан хабар олди” бирикмаси “*öküzin yokluğunu fark etti*” (“хўкизнинг йўқлигини сезиб қолди”) шаклида аслиятдаги фикр ривожлантириб берилган. 2-таржимада маъно бошқа томонга “бурилиб” кетган: таржимон “хўкизидан хабар олди” бирикмасини *öküzinün başına gelenleri öğrendi* (хўкизнинг бошига нималар келганини ўрганди) дея ўгириб, ўзича ижод қилмоқчи бўлган. Чунки, бундай ҳолатда китобхон нотўғри фикрга бориши, масалан, “хўкиз ҳаром ўлиб қолган, ёки сўйиб ташлаб кетилган” деб ўйлаши ҳам мумкин.

Маълумки, сўз маъноси контекст ичида очилади. Бадий таржимада муаллиф яратган образлар ва асар сюжетида ташқари, ёзувчининг ижодий шахсияти, услуби, адабий манерасининг қайта яратилиши ҳам талаб этилади. Таржимоннинг истеъдоди муаллиф манерасини ўзида ижодий мужассамлантира олганлигида намоён бўлади.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида мақол ва ибораларнинг ўрни бўлакча. Ҳатто айрим ҳикоялари мақол-эпиграф билан бошланади. Буни “Ўғри” хи-

¹ Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1983. – Б.73.



коюсида ҳам кўриш мумкин. Ҳикоя “*Отнинг ўлими, итнинг байрами*” мақоли билан бошланади. Турк тилида ушбу мақолнинг аниқ эквиваленти бўлмагани учун иккала таржимон ҳам уни бир хил, сўзма-сўз ўгирган: “*Atın ölümü, itin bayramı*”. Бу ерда сўзма-сўз таржима ўзини тўла оқлаган, “бахона”да турк паремиологияси битта мақолга бойиган, дейиш мумкин.

Икки саҳифадан иборат “Ўғри” ҳикоясида фразеологизмларни ҳисобламаганда, ўндан ортиқ мақол, матал ёки мақолга тенг афористик бирикма ишлатилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, ҳикоянинг иккинчи жумласи: “*Dehqonning uyi kuysa kuysin, ho‘kizi yo‘qolmasin*”. Адиб халқ тилидан ўзлаштирган, мазмунан мақолга тенглаша оладиган афористик жумлада ўша даврларда камбағалнинг бор-буди бир хўкиз бўлгани, агар ундан ҳам маҳрум бўлса, ҳоли хароб бўлиши алоҳида таъкидланади. Ушбу мақолни Ф.Демиржи “*Çiftçinin evi yansın yansın öküzü yok olmasın*” шаклида ҳижжалаб ўгирган. Ҳатто ўзбекча “йўқолмоқ” феъли туркчада “кайболмақ” бўлиши, таржимада қўлланилган “ёк олмақ” шакли эса “йўқ бўлиб кетмоқ” эканлигига эътибор бермаган. М.Унли эса жумлани аслиятга мос тарзда ихчам, оҳангдор, Қаҳҳорга ўхшаш услубда талқин қилган: “*Çiftçinin evi yansın, öküzü kaybolmasın*”.

Баъзида турк таржимонлари жумлаларни нафақат сўзма-сўз, ҳижжавий таржима қиладилар, балки ўзбекча мақол ёки иборани тушунмасдан, турли “янги нарса”лар ўйлаб топадиларки, бундай муносабатни оқлаш мумкин эмас. Масалан, ўзбекларнинг машҳур “Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан” мақоли “Ўғри” ҳикоясида жуда ўрнида ишлатилган (Абдулла Қаҳҳор уни қуйидагича берган: *Ўйнашмагин арбоб билан, сени урар ҳар боб билан*). Ҳозирги турк тилида “бир ишни яхши биладиган” маъносидаги “erbar” (ар. erbâb) сўзи (*Her işi erbabından sormalı* – Ҳар қандай ишни устасидан талаб қилиш керак)¹ ва “мавзу, хусус” маъносидаги эскирган “bar” (ар. bâb) сўзи (*Bi bapta malumatım yoktur* – бу борада ҳеч қандай маълумотга эга эмасман)² жуда яхши маълум. Ф.Демиржи машҳур ўзбек мақолини туркчага “*Muhabbetteki yer-bâbla, seni vurur her bâb ile*” деб ўгирган³ (агар у сўзма-сўз тескари таржима қилинса, “Муҳаббатдаги арбоб билан, сени урар ҳар боб билан” бўлади)⁴. Мақол таржимаси турк ўқувчисига тушунарли бўлмаслиги ва турк ўқувчисини чалкаштириши тайин. Агар мақол сўзма-сўз ўгирилса ҳам, турк китобхони мақолнинг маъноси аён бўлар эди. Ҳикоянинг иккинчи таржимасида мақол “*Oynaşma sen yerbar ile, vurur seni her kapıda*” (сўзма-сўз: Ўйнашма сен арбоб билан, сени урар ҳар эшик олдида) деб берилган. Умумлаштириладиган бўлса, таржималарда ўзбек мақоли ўзининг муносиб ифодасини топмаган.

¹ Türkçe Sözlük, TDK, 9. Baskı, 1.-2. Ciltler. – Ankara, 1998. – Б.217.

² Türkçe Sözlük, TDK, 9. Baskı, 1.-2. Ciltler. – Ankara, 1998. – Б.717.

³ Kahhar A., Hikayeler, Çeviren Filiz Demirci. – Toshkent. “Mumtoz so‘z”, 2010. – В.42.

⁴ Turk tilida “muhabbet” so‘zi “muhabbat” va “do‘stona suhbat” ma‘nosida qo‘llaniladi.



Қиёслаш мақсадида “Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан” мақоли Одил Ёқубовнинг “Адолат манзили” романида ҳам бир неча ўринда қўлланилганини таъкидлаш жоиз (Қаранг: 59-, 75- ва 128-бетлар)¹. Романда бир ўринда ушбу мақол “*Her gördüğünüz sarıklıyı hoca, her gördüğünüz sakallıyı babanız zannetmeyin...*”² деб берилган (сўзма-сўз тескари таржимаси: “*Ҳар кўрган саллаликни домла-имом деб, ҳар кўрган соқолликни отам деб ўйламанг*”). Кўриниб турибдики, таржима вариантнинг ўзбекча матндаги мақолга ҳам, контекстга ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ёки яна бир ўринда худди шу мақол “ – *Жон болам! Уришмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан*”³ жумласи таркибида қўлланилган ва туркча таржимада “*Sanım oğlum! Kurduñ ağzına giren bütün çıkmazmış*”⁴ шаклида ўгирилган (сўзма-сўз: “*Жон болам, бўрининг оғзига кирган бутун чиқмас емиш*”). Аслият мазмуни таржимада қисман акс етган.

“Адолат манзили”нинг яна бир саҳифасида мақол қуйидаги кўринишда учрайди: *Олишмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан*⁵. А.Батур уни қуйидагича ўгирган: *Bekçiyle polisten dost, it derisinden post olmaz demişler*⁶ (тескари ўгирилса, “*Қоровул билан полиция ходимидан дўст, ит терисидан нўстин бўлмас*” бўлади). Бу ерда ҳам ўзбекча мақол ишончли берилмаган.

Юқоридаги далиллар турк таржимонлари (Аҳсан Ботур, Филиз Демиржи ва Мохир Унли)нинг ёдларига ўз тилларида машҳур “*Davacın hakimse, yardımcin Allah olsun*” (сўзма-сўз: “Агар даъвоинг қозига нисбатан бўлса, сенга Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ёрдам бера олмайди”, яъни “Додингни худога айт”) ёки “*Usta yanında perende atılmaz*” (сўзма-сўз: “Уста мерган турган жойда парранда отиб бўлмайди”) мақоллари келмагани ёки уларнинг таржима ишига ижодий ёндашмаганликларини кўрсатмоқда.

Юқоридаги фикрларни тасдиқлаш учун О.Ёқубовнинг “Адолат манзили” романида қўлланилган бир мақолни келтириш мақсадга мувофиқ: “*Онанинг ўйнаши қози бўлса дардингни кимга айтасан*”⁷ ушбу мақолнинг том

¹ Ёқубов Одил. Тангланган асарлар. Тўрт жилдлик, 1-жилд. Адолат манзили, роман. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 178 б.

² Yakuboğlu Adil. Adalet Menzili, Türkçesi D.Ahsen Batur, Selenge Yayınları. – İstanbul, 2005. – S.72.

³ Ёқубов Одил. Тангланган асарлар. Тўрт жилдлик, 1-жилд. Адолат манзили, роман. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 75.

⁴ Yakuboğlu Adil. Adalet Menzili, Türkçesi D.Ahsen Batur, Selenge Yayınları. – İstanbul, 2005. – S.93.

⁵ Odil Yoqubov ham o‘zbek xalqi nutqida qoliplashib, bir xil aytiladigan maqolni o‘zicha o‘zgartirib (“o‘ynashmagin” fe‘l shaklini “olishmagin” deb o‘zgartirib) qo‘llagan (B.25).

⁶ Yakuboğlu Adil. Adalet Menzili, Türkçesi D.Ahsen Batur, Selenge Yayınları. – İstanbul, 2005. – S.25.

⁷ Ёқубов Одил. Тангланган асарлар. Тўрт жилдлик, 1-жилд. Адолат манзили, роман. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б.21.



муқобили юқоридаги “Davacın hakimse yardımcın Allah olsun” ҳисобланади. Бироқ Аҳсан Батур уни “*Ananın oynaşı kadı ise derdini kime anlatırsın*” деб сўзма-сўз таржима қилган.

Мақол ёки маталларни таржима қилишда, дастлаб уларнинг образлилиги, миллийлигига эътибор берилади. Ўзбек ва турк тиллари бир оилага мансуб тиллар бўлгани боис уларнинг мақол ва маталларида муштараклик борлигига қарамай, улар орасида баъзи фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд. Бу ҳолат ушбу бирликларнинг шаклланишида миллатнинг характери, дунёқараши, урф-одатлари намоён бўлиши орқали юзага келади. Демак, асар қайси тилдан таржима қилинаётган бўлса, таржимон ўша халқнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, этнографик хусусиятларидан ташқари, мақол ва маталларнинг келиб чиқиши тарихидан ҳам хабардор бўлиш зарур.

Ҳар қандай мақол муайян шарт-шароитда пайдо бўлади ва уларда мужассам образлилик билан контекст ўртасида узвий боғлиқлик бўлади. Масалан, “Ўғри” ҳикоясида *Текинга мушук офтобга чиқмайди* ва *Қуруқ қошиқ оғиз йиртар* мақоллари бор ва турк тилида уларнинг муқобиллари мавжуд эмас. Албатта, уларни ўгириш учун сўзма-сўз таржима усулини қўллашдан бошқа чора қолмайди. Турк таржимони (Ф.Демирси) ҳам биринчи мақолни *Kedi güneşe bedava çıkmaz*¹ деб, иккинчисини – *Kuru kaşık ağız yırtar*² деб ўгирган. Аммо тузилган жумла услуб жиҳатдан ғализ (*Kedi güneşe bedava çıkmaz* – *Мушук бенул офтобга чиқмас*). Яъни, сўзма-сўз таржимадан маъно анлашилиб турган бўлса-да, уни ўрнига тушган деб бўлмайди. Тўғри, туркчада бундай гап бўлмаслиги мумкин. Лекин таржимон турк тилининг мақоллар хазинасини “қовлаштириб” ўгиришга эринган бўлса-да, лоақал ўзи тузган гапнинг ғализ чиққанлигини англаши ва ҳеч бўлмаганда *Kedi bile karşılığını almadan güneşe çıkmaz* деб ўгириши мумкин эди. Иккинчи таржимада М.Унли бу камчиликни тузатган ва мақолни *Kedi bosh yere güneşe çıkar mı?* (*Мушук бекордан бекор офтобга чиқади*) деб ўгирган. Иккинчи мақол иккала таржимада ҳам бир хил, сўзма-сўз берилган: *Kuru kaşık ağız yırtar*. Иккинчи мақолда сўзма-сўз таржима ўзини оқлаган, мазмун турк китобхонига еткази олинган. Бироқ Абдулла Қаҳҳор услуби, сўз ва ибораларнинг ифода қудрати, жумлага хос ширанинг туркча таржималарда кўнгилдагидек акс етмаганини тан олиш керак.

Таъкидлаш керакки, таржимон, аслиятдаги сўзларнинг бадий, услубий, миллий ва эстетик вазифасини ҳисобга олиши, сўзнинг маъносига диққат қилиши даркор, сўзларни айнан “кўчириш” ёки тушириб қолдириш мантиқий узвийлик ҳамда бадийиятга путур еткази.

¹ Kahhar A., Hikayeler, Çeviren Filiz Demirci. –Toshkent, Mumtoz so`z, 2010. – S.42.

² Kahhar A., Hırsız, Çeviren Mahir Ünlü. <https://www.edebi.net/index.php/edebieserler/komik-f-kralar/44-secilmis-yazilar/3860-abdullah-kahhar-hirsiz-hikaye>.



Ўзбек халқи орасида машҳур “*Берганга битта ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз*” мақоли биринчи туркча таржимада “*Verene bir tane çok, alana da on tane azdır*”, иккинчи таржимада “*Verene bir çok, alana on bile az*” деб берилган. Иккала таржима ҳам ишончли чиққан, бироқ иккинчиси қисқа, лўнда бўлгани учун А.Қаҳҳор услубига мос тушган.

Таъкидлангани каби, Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида мақол қийматига эга бир неча афористик жумла кўзга ташланади. Бу адабиётшунослик тадқиқотларида Қаҳҳор фразеологияси, Қаҳҳор услуби деб ном олган. Шундай жумлалардан бири “*Фуқаронинг арзга бориши арбобнинг иззати бўлади*” (1-таржима: *Fakirin arza verishi yerbabinin izzeti olur!* 2-таржима: *Vatandaşın derdini anlatması büyüklerin şerefindedir*) бўлса, иккинчиси – “*Уни бегим дегунча кишининг бели синар экан*” (1-таржима: *Anlaşıldı ki ona bey dedikçe kişinin beli incelirdi.* 2-таржима: *Anlaşıldı ki beyler beyliğini gösterene kadar adamın beli kırılmıştır*) жумлаларидир. Афсуски, иккала туркча таржимада ҳам ўзбекча залворли жумлалар аслиятга муносиб берилмаган.

“Ўғри” ҳикояси фразеологизмларга ҳам бой: *хатга тушмоқ, кўзлари жавдирамоқ, ақл ишонмаслик, кўздан кечирмоқ, умид бағишламоқ, ҳаддан зиёд, пулнинг юзига қарамоқ, бўгинлари бўшашиб кетмоқ, пешонаси иўр, “қозонни сувга ташлаб қўймоқ”, “тепа сочи тикка бўлмоқ”* каби. Мисол учун “*Бир қоп сомон, ўн-ўн бешта хода, бир арава қамиш – уй, ҳўкиз топши учун неча замонлар қозонни сувга ташлаб қўйиши керак бўлади*” жумласида адиб ўз фразеологизмини қўллаган¹. Аслият жумласи 1-таржимада “*Bir kap saman, on on beş tomruk, bir at arabası kamış, işte size bir yev yapılır. Bir öküz almak için kazanı suya kaç vakit salmak gerektiğini biliyordu*” шаклида, 2-таржимада “*Bir çuval saman, on on beş ağaç, bir kağı arabası kamış: Al sana yev. Öküz almak için ne kadar zaman yemeyip, içmeyip biriktirmek gerekiyordu*” шаклида берилган. Биринчи таржимада аслият жумласи шунчаки, сўзма-сўз ўгириб қўйилган. Таржимон “ортиқча” бош қотиришни истамаган. Иккинчи таржимада эса М.Унли ишга ижодий ёндашган, иборани ибора билан бермаган бўлса-да (*қозонни сувга ташлаб қўйиши – yemeyip, içmeyip biriktirmek*), аслият услуби, оҳанг ўз аксини таржимада тўла топган.

Биринчи таржимада “бир қоп сомон” бирикмаси “*bir kap saman*” деб ўгирилган. Таржимон “сохта эквивалент”га алданиб, “қоп” сўзини “кар” (идиш) деб ўгириб қўйган (сомоннинг идишга эмас, қопга солинишини ўйлаб кўрмаган)². Иккинчи таржимада эса “қоп” сўзи “*çuval*” деб тўғри берилган.

¹ Ушбу иборанинг русча муқобили “положить зубы на полки” дир.

² F.Demirci yana bir o‘rinda “soxta ekvivalentlik”ka “aldangan”. Masalan, “ola ho‘kiz” birikmasini “çok iyi bir öküz” (“juda yaxshi ho‘kiz”) deb o‘girgan, ya’ni u o‘zbekcha “ola” so‘zini “a’lo” so‘zi bilan adashtirgan. Shu kabi, M.Unli ham bir o‘rinda o‘xshash xatolikka yo‘l qo‘ygan. U “og‘ilning eshigi” birikmasini “og‘lunin kapısı” (“o‘g‘lining eshigi”) deb ag‘dargan.



Таржима жараёнида синоним ва маънодош сўз, ибораларни танлаш муаллифнинг сўз бойлиги ва бадий маҳоратини намоиш етувчи асосий омиллардан бири саналади. Муаллиф услубида синтаксис, интонация муҳим аҳамиятга эга, уларнинг таржимада тўла сақланмаслиги таъсирни сусайтиради. Таржимон сўз, образ ва жумла интонацияси устида тинимсиз иш олиб бориб, асарни таржима тилида қайта яратишда сўзма-сўз аниқликка берилмасдан, таржима учун ишончли услуб калитини топишга интилмоғи лозим. Аммо аслият интонациясини сақлаш таржимани сўзлар ва тиниш белгилари билан ўгириб қўйиш деган гап эмас. Гап шундаки, ҳеч бир тилнинг ҳатто энг бой луғати ҳам у тилнинг кенг имкониятлари, агар у аслият муаллифи услубига бўйсундирилмас экан, тўлақонли таржима яратилишига кафолат бўла олмайди.

“Ўғри” ҳикоясидан яна бир мисол: *Кечқурун Қобил бобо аминнинг олдига борадиган бўлди. Қуруқ қошиқ оғиз йиртади, аминга қанча пул олиб борса бўлади. Берганга битта ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз. Чол-камтир кенгашиб, шундай қарорга келишди: бу чиқим охирги ва ҳўкизни бўйнидан боғлаб берадиган чиқим, шунинг учун пулнинг юзига қараши ақлдан эмас.*

Бир неча мақол ва ибора қўлланган ушбу парча турк тилига қуйидагича ўгирилган: *Akşama doğru Kabil Dede aminin yanına girebildi. Kuru kaşık ağzı yırtar, amine ne kadar parayla varmalıydı? “Verene bir tane çok, alana da on tane azdır”. Yaşlı adam ihtiyar karısına danışır şöyle bir karara vardılar: Bu son masraftı ve öküzin boynuna bağlanan paranın yüzüne bakmak akıl işi değil¹.* Парча таржимаси оригиналга жуда яқин чиққан, мақолларнинг сўзма-сўз таржимаси туркчада тушунарли, ишончли чиққан бўлса-да, таржимоннинг айрим хусусларга эътиборсиз бўлгани, сал шошилиб иш тутгани сезилади. Чунончи, аслиятда Қобил бобонинг қишлоқ оқсоқоли, яъни аминнинг олдига боришга қарор қилганлиги (ҳали бормаганлиги) айтилган бўлса-да, таржимада чолнинг аминнинг қабулига кирганлигига урғу берилган. Ёки аслиятда “қанча пул олиб борса бўлади” дейилган бўлса, таржимада “қанча пул олиб бориши лозим эди” дейилади. Бундан ташқари, туркчага бир мансаб номи бўлган “амин” сўзи (хос сўз) сифатида таржимасиз ўгирилган. Туркларга нотаниш бўлган бу сўзга изоҳ берилмаган (амин – 1. Ўрта Осиё хонликларида даҳа бошлиғи ёки қишлоқ оқсоқоли; 2. Бозорларда солиқ ундирувчи амалдор; бозор оқсоқоли; чоризм даврида Фарғона водийсида сайлаб қўйиладиган қишлоқ оқсоқоли²). Парчадаги “Чол-камтир кенгашиб” бирикмасининг туркча таржимасини тескари ўгирсак қуйидаги дағал бирикма (“Кекса одам қари хотинига маслаҳат солиб”) юзага келади. “Ҳўкизни бўйнидан боғлаб берадиган чиқим” деганда адиб, «айтилган харажат

¹ Kahhar A., Hikâyeler, Çeviren Filiz Demirci, Toshkent, Mumtoz so‘z, 2010, s.41.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдди, 1-жилд: - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.



килингандан кейин хўкизнинг топилиши аниқ”, яъни кафолат таъминланишини таъкидлаган, бироқ таржимон бу бирикмани ҳам сўзма-сўз, жўнгина қилиб ўгириб қўя қолган.

“Ўғри” ҳикоясида бир нечта дуо, алқов ибораларига ҳам дуч келамиз:

Худо хайр берсин! – 1. Allah hayrini versin! 2. Hayrlisi Allah'tan!;

Худо ярлақасур! – 1. Allah'in yardımıyla! 2. Allah Affetsin!;

Кам бўлманг! – 1. Eksik olmaın! 2. Ben fakir adamım!

Худо ажалга тўзим берсин! – 1. Allah ecele geçit vermesin! 2. Allah can sağlığı versin!;

Умумий қилиб айтганда “Ўғри” ҳикояси бошдан охир ижтимоийликка йўғрилган кучли бадий асар. Адиб икки саҳифага ўша давр жамиятига хос барча муаммоларни қудратли сўз воситасида сиғдира олган. Масалан, кўйидаги парчада ўша давр жамияти инсонининг ташқи қиёфаси, синфий жиҳати ўз аксини топган: “Қобил бобо яланг бош, яланг оёқ, ятакчан оғил эшиги ёнида туриб дағ-дағ титрайди, тиззалари букилиб-букилиб кетади: кўзлари жавдирайди, ҳаммага қарайди, аммо ҳеч кимни кўрмайди. Хотинлар ўғрини қарғайди, ит ҳуради, товуқлар қақаглайди. Кимдир шундай кичкина тешикдан хўкиз сигишига ақл шионмаслиги тўғрисида кишиларга гап маъқуллайди”¹. Қобил бобо портрети, унинг жисмоний ва руҳий ҳолати, қишлоқ аҳолисининг норозиликлари санъаткорона акс эттирилган ушбу кичик парча 1-туркча таржимада кўйидагича берилган: “Kabil dede yalın baş, yalın ayak, ağılın kapısının yanında tir-tir titriyordu. Dizleri bükülüp bükülüp gidiyordu; gözleri karardı, herkese bakıyordu ama hiç kimseyi görmüyordu. Kadınlar hırsız lanetlediler, it uluyor, tavuklar gıgırdanıyordu. Kimse bu kadar küçük delikten öküzün nasıl sığmış olabileceğine akıl sır yerdiremiyordu”².

2-таржима: “Kabil dede yalın ayak, başı kabak, üzerinde uzun bir gecelikle oğlunun kapısının önünde durmuş, tir-tir titriyordu, Dizleri sanki bükülüp bükülüp kırılıyordu. Gözleri etrafa bakınıyordu. Herkese bakıyordu ama hiç kimseyi görmüyordu. Kadınlar hırsıza beddualar ediyordu. Köpek havlıyordu. Tavuklar gıdaklıyordu. Kimileri de bu kadar küçük delikten öküzün nasıl sığıdığına inanmadığı hakkında etraftakilere laf anlatıyordu”³.

Адиб ўз фикрини, ҳукмрон синф вакилининг оддий меҳнаткашларни масхаралашига бўлган нафратини кучли ҳажвга йўғрилган диалог воситасида ифодалайди: “Амин чинчалогини иккинчи бўғинигача бурнига тиқиб кулди. – Йўқолмасдан олдин бормиди? Қандақа хўкиз эди? – Ола хўкиз. – Яхши хўкизмиди ё ёмон хўкизмиди? – Қўш маҳали... – Яхши хўкиз

¹ Қаҳҳор Абдулла; Ҳикоялар. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. www.zyouz.com.

² Kahhar A., Hikâyeler, Çeviren Filiz Demirci, Toshkent, Mumtoz so‘z, 2010, s.41.

³ Kahhar A., Hırsız, Çeviren Mahir Ünlü. <https://www.edebi.net/index.php/edebieserler/komik-f-kralar/44-secilmis-yazilar/3860-abdullah-kahhar-hirsiz-hikaye>.



бирова етакласа кета берадимми? – Бисотимда ҳеч нарса йўқ... – Ўзи қайтиб келмасмикин?.. Биров олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган эканда!.. Нега йиғланади? А? Йиғланмасин...”¹

1-таржимаси: “*Amin parmağını ikinci boğumuna kadar burnuna sokup güldü. – Yok olmadan önce var mıydı? Nasıl bir öküzdü? – Ala öküz... – İyi öküz müydü, kötü öküz müydü? – Çift vaktinde... – Bu iyi öküz birisi iteklese gider miydi? – Yelimde ayağımda başka bir şey yok... – Kendisi dönüp gelmez mi ki?.. Birisi alıp gitse dönüp geliver, deyip tembihlemedin mi yahu!.. Neden ağlanıyor? A? Ağlanmasın...*”² Юзаки караганда, туркча таржима равон чиққанга ўхшайди. Аммо матнга чуқурроқ кириб борилса, таржиманинг қай савияда амалга оширилгани аён бўлади. Масалан, аслият парчасидаги “амин” сўзи таржимада бир реалия сифатида қолдирилган, аммо унга изоҳ берилмаган, “чинчалок” таржима қилинмаган, “йўқолмасдан” сўзи ҳам айнан (“йўқ бўлмасдан” деб) таржима қилинган. “Қўш маҳали” бирикмасини таржимон умуман тушунмаган (“қўш” сўзининг “қўш хўкиз”, “ер хайдаш” маъноларини билмаган). Бирикманинг маъносини англаш учун таржимоннинг ўзбек тилини билиши кифоя қилмайди. Ёки таржимон “етакламок” феълини ҳам ўзича “итеклемек” деб қолдирган (ҳолбуки, ҳозирги туркча луғатда бунақа феъл мавжуд эмас). Шунингдек, “бисотимда” сўзи ҳам “*elimde ayağımda*” деб нотўғри ўтирилган, уни турк тилида “*elde avuçta*” деб бериш мумкин еди. Қолган жумлалар таржимаси ҳам талабга жавоб бермайди.

Диалогнинг 2-таржимаси қуйидагича: “*Muhtar küçük parmağını ikinci boğumuna kadar burnuna sokup güldü. – Kaybolmadan önce var mıydı? Nasıl bir öküzdü? – Ala öküz... – İyi öküz müydü yoksa kötü mü? – İki de... – İyi öküz, birisi tutup götürse gider mi? – Başka malım yok... – Kendisi dönüp gelmez mi acaba?.. Birisi alıp gittiyse geri dönsün, diye bırakmaz ya!.. Niye ağlıyorsunuz? Ne? Ağlamayın*”³. М.Унли диалогни яхши ўтирган. Таржимада муаллиф услуги деярли бера олинган, бироқ у ҳам “Қўш маҳали” бирикмасини тушунмаган (“*İki de...*” (маъноси: “иккаласи ҳам”) деб таржима қилган).

Юқоридаги камчиликларни ҳисобга олиб диалогнинг қуйидаги таржимаси таклиф этилади: “*Muhtar serçeparmağını ikinci boğumuna kadar burnuna sokup güldü. – Kaybolmadan önce var mıydı? Nasıl bir öküzdü? – Ala öküz... – İyi öküz müydü yoksa kötü mü? – Biliyorsunuz yerleri ekime hazırlama mevsimi, işte... – İyi öküz, birisi tutup götürmek isterse gider mi? – Elde avuçta bir şey yok... – Kendisi geri dönmez mi acaba?.. Birisi alıp götürürse, hemen geri dönmelisin, diye tembihlememiş miydiniz?.. Neden ağlanıyor? Aaa? Ağlanmasın...*”

¹ Қаҳҳор Абдулла; Ҳикоялар. –Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. www.zyouz.com.

² Kahhar A., Hikâyeler, Çeviren Filiz Demirci, Toshkent, Mumtoz so‘z, 2010, s.42.

³ Kahhar A., Hırsız, Çeviren Mahir Ünlü. <https://www.edebi.net/index.php/edebieserler/komik-f-kralar/44-secilmis-yazilar/3860-abdullah-kahhar-hirsiz-hikaye>.



Умуман тўғри таржима қилиш учун сўз ёки бирикманинг мавжуд синонимларидан энг моси танлаб олиниши керак. Баъзан қардош тилларда ҳам бир хил маънода ишлатилган сўз ва ибораларнинг тузилиши, шакли ва образли асослари бутунлай бошқача бўлиши, баъзан уларга контекст ичида бир эмас, бир неча бирикма мувофиқ келиши табиийдир.

Хулоса. Ўзаро яқин тилларга таржима қийинчиликларининг А.Қаҳҳор асарларининг турк тилига таржималари мисолида ўрганилиши мавзуга янги-ча ёндашиш ҳисобланади. Таржималардаги чигалликлар сабабини ёритиш, асл нусхага хос тил унсурларининг берилиши масалаларини тадқиқ этиш кечиктириб бўлмас вазифалардан саналади. Шу нуқтаи назардан ушбу мақола ўзбек адабининг сўнгги йилларда туркчалаштирилиб нашр этилаётган асарларини жиддий ўрганиш, таржималарни танқидий кўриб чиқиш йўлидаги ишлардан ҳисобланади. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, таржималарнинг зарурат туфайли амалга оширилаётгани бадий ижодга зид нарса. Зеро, таржима тақдирини бундай зарур шарт-шароитлар эмас, балки таржимоннинг истеъдоди, савияси, тажрибаси, маданияти, диди, услуби ҳал этмоғи, бу соҳага ҳам жиддий эътибор берилиши ва уни бадий таржиманинг умумий муаммоларидан ажратиш қўймаслик керак.

СОДИҚОВА ШИРИН

Филология фанлари номзоди, ТДШУ

АЛЛАМБЕРГЕНОВ АНВАР

Ўқитувчи, ТДШУ

Ижодкор бадий изланишларида талқин, таҳлил ҳамда тасвирнинг ўзига хослиги

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек модерн шеърляти, хусусан, бу йўналишнинг нешиқадам вакилларида бири Гўзал Бегим ижоди ҳақида сўз боради. Шоира ижодидидаги ранг баранглик, талқин, таҳлил ва тасвир ўзига хослиги шеърлари таҳлили орқали кўрсатиб берилади. Бетакрор таибеҳлар, ўхшатишу қиёслашлардаги оригиналлик, маъно қатламлари яъни кўп маънолилик бир сатр орқали ўнлаб хулосалар чиқаришига имкон берувчи мисралар шеърлардан олинган мисоллар орқали кўрсатиб берилади. Қадимий ва бой, ҳаётий ва фалсафий мушоҳадаларга тўла, бадийят бўёқдорлиги билан тўйинган ўзбек шеърлятининг янги ўзани замонавий модерн шеърлятидаги қолиб-лашмаган йўсинга эга намуналари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилади. Шу билан бирга модернизм бўйича ўзбек адабиётшунослигида ўз сўзига эга етук олимлар, соҳанинг моҳир мутахассислари томонидан билдирилган фикрлар иқтибос сифатида келтирилган. Иқтибос тарзида олинган фикрлар шеърлар ва улардан олинган парчалардан чиқариладиган хулосаларни тасдиқлашига ва мустаҳкамлашига хизмат қилади. Мақола якунида таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда тегишли хулосалар чиқарилади.



Таянч сўз ва иборалар: шеър, сўз, оҳанг, модернизм, модерн шеърят, туйғу, руҳият, ўзига хослик, талқин, таҳлил, тасвир.

Аннотация. В данной статье речь идет об узбекской современной поэзии, в частности о творчестве Гузаль Бегим, одной из ведущих представительниц этого направления. Разнообразие, интерпретация, анализ и образность творчества поэта демонстрируются посредством анализа стихотворений. Уникальные метафоры, аналогии и сравнения, смысловые пласты, то есть полисемия, стихи, позволяющие по одной строке сделать десятки умозаключений, проиллюстрированы примерами из стихотворений. В новой сущности узбекской поэзии, наполненной древними и богатыми, жизненными и философскими наблюдениями, насыщенными художественным колоритом, подробно говорилось о нестандартных формах современной поэзии. При этом цитируются мнения, высказанные ведущими учеными и специалистами в области модернизма в узбекской литературе. Представления, полученные в виде цитат, служат для подтверждения и подкрепления выводов, сделанных из стихотворений и извлеченных из них отрывков. В конце статьи делаются соответствующие выводы из анализа.

Опорные слова и выражения: Поэма, слово, тон, модернизм, современная поэзия, эмоция, психика, оригинальность, интерпретация, анализ, образ.

Abstract. This article deals with Uzbek modern poetry, in particular, the work of Guzal Begim, one of the leading representatives of this trend. The diversity, interpretation, analysis and imagery of the poet's work are demonstrated through the analysis of the poems. Unique metaphors, analogies and comparisons, layers of meaning, that is, polysemy, verses that allow us to draw dozens of conclusions through a single line, are illustrated by examples from poems. The new essence of Uzbek poetry, full of ancient and rich, vital and philosophical observations, saturated with artistic coloring, was discussed in detail about the non-standard forms of modern poetry. At the same time, the opinions expressed by leading scholars and experts in the field of modernism in Uzbek literature are quoted. The ideas obtained in the form of quotations serve to confirm and reinforce the conclusions drawn from the poems and the passages drawn from them. At the end of the article, appropriate conclusions are drawn from the analysis.

Keywords and expressions: Poem, word, tone, modernism, modern poetry, emotion, psyche, originality, interpretation, analysis, image.

Шеър сўз, маъно ва оҳанг ўлчамини ўзгартиради, шеър ижод мантиғи ҳаётий ақидага тенглашади, шеър тасвир руҳияти ифода мустақиллигини бошқаради, шеър кўнгил изҳори руҳ фалсафасини тўлдиради, шеър воқеаланган туйғу ҳиссий идрокни ҳосил қилади, шеър тасаввур муқоясаси ҳолатни расмийлаштиради, шеър монологлашган онг диалоглашган муносабатларни алоқалантиради, шеър таҳлил маърифати талқин давомийлигига қоришиб кетади. Аслида “шеър ичидаги сўз бошқа сўзлар билан мустаҳкам алоқада – у бошқа сўзга ё тенгланади, ё зидланади, ё тобеланади... маъно сўз сўзга уриштирилганда воқе бўлади”¹. Айнан моҳият яхлитлашуви лирика табиатини белгилайди. Тўғрироғи, руҳий кечинма сажиясида нутқ малакаси бадийлашади.

¹ Куронов Д Мутолаа ва идрок машқлари. Т.: Akademnashr, 2013. –Б. 139.



Поэтик шакл ҳамда ҳаётий мазмун уйғунлигида онг марказлашувини ҳисобга олсак, масала залвори ойдинлашади. Шу маънода, тасвир ва ифода бирикувини далолатлаш бевосита эстетик конструкция зиммасига тушади:

Кеча бахт қаршисида
 бугун сўл ёнида ўтирдим
 эртага ўнг ёнига олар мени бахт².

Ўзбек модерн шеърятининг пешқадам вақилларидан бири Гўзал Бегим модернча талқинида тасвир руҳияти уч ўлчамга солинади. “Кеча-бугун-эртага” - туйғу замонда зичлашган моҳияти. У ижодкор фитратида рамзлаштирилган мушоҳада яхлитлигини тавсифлайди. Шеърый матнда тимсол маъно ва тасаввурни бир-бирига яқинлаштириши эътироф этилган ҳодиса. “Бахт” тушунчаси қамрови кенг. Алоқалантирилган учлик муносабати (кеча-бугун-эртага) идрок сезгини ҳаракатга келтиради. Шоира нуқтаи назарини ижтимоий ва ахлоқий мавқе тайин этади. Айнан фалсафа ва поэтик тафаккурни уйғунлаштирган ижодкор конструкцияга турфа жихатдан ёндашади. Ғоя ўзгарувчанлиги бадиий ифода қабариклигини долзарблаштиради. Шунингдек

Булутли кунларни кетяпман алдаб
 Қовоғи уюлган деворбанд шодлик
 Ёмғирга айланар иссиқлаган вақт
 Кўзлари қизарган қадам кундузги¹

Шеър фалсафасидаги мантиқий қамров бир чизикда туташини Гўзал Бегим шеърларида кам учрайдиган ҳолат. Вокенинг мантиқий давомийлиги орадаги узликсизлик таъминланганлиги ижодкор услубини таъминловчи омил бўлиб ҳисобланади. Юқорида келтирилган сатрларни сўзма сўз шарҳлашдан йироқ-дамиз, лекин умумий маъно тасаввурини ҳосил қилиш учун бу сатрларни умумий тарзда шарҳланишни тақозо этади. “Булутли кунларни кетяпман алдаб” яъни ғам қайғуни, енгаётган лирик қаҳрамон сўзлари бу. “Қовоғи уйилган деворбанд шодлик” шодликка элтувчи йўл машаққати ҳеч гап эмас дийлаётгандек. “Ёмғирга айланар иссиқлаган вақт” шеърятда ёмғир илҳом тимсоли, илҳом рамзи ҳисобланади, шундай мушкулотлар мени азобга солаётгани йўқ аксинча илҳом бераёпти вақт ўтиши сари қайғулар кўпайиши сари мен илҳомланётирман маъносидаги сатрларни кўришимиз мумкин. Шеър якунидаги сатр негадир мавҳумлик мамлакатидан бери келмаётгандек бизнинг назаримизда “Кўзлари қизарган қадам кундузги” кишини ўйга толдиргувчи қайсидир маънода бемаъни шеърнинг бемаъни сатридек туйилади бу жумлалар, аслини олганда асл

² Гўзал Бегим Мажнунсоат. –Т.: Akademnashr, 2012. – Б.29.

³ Гўзал Бегим Мажнунсоат. –Т.: Akademnashr, 2012. – Б.53.



модерн шеър талаби ва қолипсизлик, қоидасизлик низомига бўйсундирилиб ёзилган шеър.

“Ҳамиша бўлганидек, соддалик оддийлик томон қадам ташлашнинг ўзи бўлмайти модернизм санъатни идрок этиш осон эмас. Бизлар роппа-роса бир аср мобайнида модерн руҳидаги асарлар куршовида яшаб келаётган бўлсакда, унинг лолу-хайрон услуби моҳиятини ҳали-ҳамон тўлалигича англаб ета олганимиз йўқ. Бу борада мусаввирлар айбдор эмас. ... ижодкор мавжуд воқеликни ўзгартириб ўтирмайти, балки уни яна ҳам қуюқроқ ранглар билан тасвирлайти. Модернизм шу жиҳатдан олганда реализм ўрнини эгаллагани йўқ, аксинча, уни чинакам тўғри йўналишга буриб юборти. Ва бу замонавий ижодий услубда ижод қилган ҳар бир даҳо санъаткорнинг асарлари бизларга ўзига хос қутилмаган таъсирини кўрсатти”¹, - дея ёзади файласуф А.Генис.

Аслида шеърятда асосий нарса туйғу ва ҳиссиётга йўғрилган ҳаётий ҳикмат ифодасини беришдир. Унда воқеалар тасвири ҳиссиёт ифодаси туйғулар самимияти муҳимдир. Самимий лирик сўз ҳатто реал воқелик ҳодисаларига қараганда ҳам инсон руҳиятига кучлироқ таъсир кўрсатиш мумкинлиги психолог олимлар томонидан илмда аллақачон исботланганлиги маълум:

Мен асли, кум эмас қуёшсоатман
Яралганман вақтнинг оқ шеърларидан
Томиримга ўйиб ёзилган сўзни
Ўчириб турибман мунг қулгуч билан¹

Кўп асрлик тарихга эга шеърят ўзининг салобати, вазминлиги билан инсонларни эзгуликка чорлаб, уларни кўнглига йўл топиб келаётганлиги билан алоҳида таъкидлаб айтишга арзигулик мавзудир. Гўзал Бегимнинг юқоридаги сатрларини сўзма сўз шарҳласак талқин, таҳлил ва табдил аро кесишган нуқтани топишга ҳаракат қилсак “Мен асли, кум эмас қуёш соатман” дейти. Тарихга назар ташласак вақтни ўлчаш учун инсоният турли хил усуллардан фойдаланган, мисол учун сояга қараб вақтни аниқлаш, кумсоатга қараб вақтни аниқлаш каби турлари мавжуд бўлган. Буларнинг энг дастлабкиси қуёшсоатдир яъни қуёш нурлари тушиб турадиган жойга соя берувчи жисми қўйиш ёрдамида вақтни аниқлаганлар, бу вақт ўлчовидан булутли кунларда ва куннинг кеча қисмида ундан фойдаланиш имконийтати бўлмаган. Шундан сўнг вақтни ўлчаш учун турли хил кўринишдаги соатлар ишлаб чиқарилган булар сирасига кумсоат, сувсоат ва ҳакозоларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Шоира сатрида “Мен асли, кум эмас қуёш соатман” деганини қўйидаги маъноларда тушинишимиз мумкин бу мисрада бир пайтнинг ўзида уч хил маъно ҳам мангулик ҳам ўткинчилик ҳам ягоналик кўрсатилаётгандек гўё. Қуёш+соат= қуёшсоат қуёш абадиятга дахлдор самовий жисм, соат эса вақт ўлчов бирлиги яъни вақт дегани,

¹ Генис А. XX асрнинг етакчи услуби // Жаҳон адабиёти, 2002. 11-сон, 157-158-бетлар.

¹ Гўзал Бегим Мажнунсоат. –Т.: Akademnashr, 2012. – Б.60.



вақт эса югрик-ўткинчидир. Яъна бир маъноси қуёшсоат соатларнинг дастлаб-гиси эканини бошқа турдаги соатлар кашф қилингунга қадар бир неча аср мобайнида унга мурожаат қилинганлиги бизга аён яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки соатларнинг барча хилларини қайта яшаш мумкин лекин қуёшсоатни яшашнинг умуман иложи йўқ. Биз айтмоқчи бўлган учинчи хил маъно оқлик, поклик ва самимийлик яккалик бирдоналикка негаки қуёш осмон фарзанди, шундай экан у ўзини мумтозликка дахлдор эканини ҳам абадий эканлигини ҳам ва ниҳоят бир дона “аргенал” эканлигини ҳам айнан шу сатри орқали исботламоқчидай, уқтириб ўтмоқчидай бизнинг назаримизда. Шеърнинг кейинги сатрига назар соладиган бўлсак унда олдинги сатрдаги маниқийлик давом этади: “Яралганман вақтнинг оқ шеърлариданъ бу сатрни шарҳлаш учун ҳам яна тарихга мурожаат қиламиз. Мумтоз адабиётимизда яъни лирикада ғазаллар аруз вазнида, вақтлар ўтиши натижасида аралаш ҳолда шеърлар бармоқ вазнида, сарбаст шеърӣй шаклида, оқ шеър шаклида шеърхонларга тақдим этилган. Адабиётдан хабардор кишиларга аёнки бармоқ ҳам сарбаст ҳам қадимийликка дахлдор шеърӣй ўлчовлардан лекин бугунги кунда аруз вазнида ёки бармоқ вазнида шеър ёзиш урф эмас деган фикрдан мутлақо йироқдамиз, бушунчаки шеърни шарҳлаш учун келтирган мисолимиз холос. “Яралганман вақтнинг оқ шеърларидан” шиддат билан ривожланаётган замонимиз янгиланишни талаб қилмоқда биздан, шунингдек шеърӣятимизда ҳам аввалар аруз вазни кейин бармоқ вазни сўнг эса оқ шеър ва ниҳоят модернизм йўналиши яралгани каби, яъни модернизмнинг яралишида оқ шеърни тасири катта эканлиги такидланмоқда. Уни биз сайқалланиш кўрк топиш деб тушинишимиз мумкин, юқоридаги икки мисра орқали ўзини қадимийлик, навқиронлик ва ягоналик мужассамиман дейди. “Томиримга ўйиб ёзилган сўзни” бу сатрни шарҳлашдан олдин томир сўзини яъни бу қон томирими ёки туб илдиз, негиз маъносидаги томирми шуни аниқламоғимиз керак. Агар илдиз негиз маъносидаги томирга моҳият юклайдиган бўлсак “ўйиб ёзилган сўз” нима экан деган ҳақли бир савол пайдо бўлади. Бу сўз тириклик, мангулик деган сўз эмасмикан, бундай хулосага келишимизга туртки бўлган омил юқоридаги сатрлар. Балки бу Навоӣй ҳазратлари айтганидек “ғароӣйб кимё” эмасмикин яъни ишқ илдиз томирига ишқ деб ёки тириклик, мангулик деб ёзилган бўлса туб негизим ишқ, мангулик эмасми? Бу сатр ҳам биринчи сатрдаги каби тарихийликни талаб қилади. Нега деганда қуёшсоат давридан бери “томирига ўйиб ёзилган сўз” унга ҳамроҳ эмасми? Агарда қон томирига ўйиб ёзилган сўз ишқ ёки тириклик, мангулик бўлса бунда қонимда, жонимда ишқ ва тириклик, мангулик бор дегани, албатта. Лирик қаҳрамон аввалим ҳам, азалим ҳам ишқ мен ишқни тараннум қилувчиман, бу ишқ мангулик деб ўз фикрини исботламоқчидир балким? “Ўчириб турибман мунгкулгич билан” олдинги сатрлардаги шарҳларга яхшилаб эътибор берган бўлсангиз бу сатрни ўқиб хайрон қолишингиз табиӣй. Нега энди илдизи ишқ, мангулик ва тириклик бўлган томирларидан қонидаги нарсаларни ўчиришга уринаяпди нега айнан мунгкулгич билан. Мунг+кулгич=мунгкулгич, хазинлик, маюслик ва ғамгинлик билан



қийналган ҳолда ўчиришга уринатапди, ўзини мажбурлаб кулишга ҳам чоғланаётди. Нега ўчирмоқчи у ўзини қадимийман деди мумтозман деди балки шунинг учун ҳам “енди менга ишқни ким қўйибди-ю мангулик нега зарур” демоқчидир. Синовли ҳаётнинг шамолу довулларида, бўронларида чарчади томиримдаги бу сўзни мунг ва кулгич билан яъни қутилаётганига қувонч-у кетаётганига ғашлик бордек дилида. Қайта қайта мурожаат қилаётганимиз тарих зарварақларида неча юз миллионлаб шоирларнинг ҳадсиз ҳисобсиз ижод намуналари битилган булар орасида ИШҚ ҳақидагилари кўлам жиҳатдан бошқа мавзуларга қараганда анча салмоққа эга. Гўзал Бегим айланиб юрувчи сайёр мавзунини яъни ИШҚ талқинининг ўзига хос тарзда модернча табдилини берди биз эса юқоридаги тарзда таҳлил қилдик.

Мусийқийлик, оҳанг, ритм, бўғин, туроқ, вазн, қофия шеърнинг гўзал ва жозибатор чиқиши учун зарур омиллар бўлиб ҳисобланади. Бугунги ўзбек модерн шеърияти маъно ва мазмун кўламдарлигида анъанавий шеъриятдан қолишмаган ҳолда бутун бир бошли маънони сиқиклик билан уч тўрт сўзда ифодалаш орқали, шеъриятда тақозо қилинган ва юқорида кўрсатилган унсурларни парчалаб ташлади. Айниқса ҳозирги кунда ўзбек шеъриятида кенг қулоч ёйиб улгурган модернизм, постмодернизм каби оқимлар бунга кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Бугунги шеърият ҳар бир шеърхонни ўз қўнглига яқинлаштирди унинг адоқсиз лабиринтларини пурвиқор чўққиларини, тубсиз теранликларни хусусан ҳар бир қалбнинг нақадар поёнсиз ва серқирра эканлигини акс эттиради. Унинг ҳар бир қирраси олам ҳадислари қадар мураккаб ва жилвагар эканлигини англатади. Ҳар бир шоир ҳар бир ёзувчи боринки ҳар бир санъаткор ўзига хосликка эга бўлгани сингари Гўзал Бегим ҳам ўз созига, ўз овозига, ўз йўналишига эга бўлган ижодкорлардан бири. Унинг қаламига мансуб шеърларни ўқир экансиз ҳаёлингизда аллақандай ғалатиликлар жумбушга келади, лекин бундан сира ажабланишнинг кераги йўқ негаки “модерн шеър ўқувчи онгига муайян мано ташимайди, унинг кайфиятига турли тамондан тасир ўтказади холос. Зотан, модернизм моҳиятида ўша “ғалатилик” бор”. Шоиранинг илк тўплами “Сукунат жаранглари” га киритилган “Урғули бўғинлар” рукни остидаги мисраларга эътибор қаратайлик:

СЕН МЕН У
МОҲИЯТ ИЗЛАЙМИЗ
БИР БИРИМИЗДАН¹

Бу мисраларни ўқиб одатий шеър ўқигандай завқ олиш қийин, бироз эринчоқ шеърхон бўлса умуман бош қотириб ўтирмайди ва сен мен у нинг моҳияти очилмасдан қолади. Айнан шулар модернизмга хос хусусиятлардан бири.

СЕН МЕН У (Сен-юррак, мен-ақл, у-ишқ. Сен-орзу, мен-умид, у-армон. Сен-машук, мен-ошиқ, у-рақиб. Сен-худо, мен-банда, у-шайтон. Сен-висол, мен-ҳижрон, у-рашк. Сен-шеър, мен-қалам, у-илҳом. Сен-ой, мен-куёш, у-



осмон. Сен-хаёт, мен-умр, у-ўлим. Сен-ўтмиш, мен-бугун, у-келажак.) Моҳият излаймиз бир биримиздан. Юқорида такидлаганимиздай изланаётган моҳият ҳар бир учликда бўлиши мумкин ва ҳар қандай талқин қилиниши мумкин. Сен –илм, мен-толиб, у-мақсад, инсон дунёга келдими ниманидир топади, ниманидир йўқотади, ниманидир излайди шу изланаётган нарса моҳият эмасми? Гўзал Бегимнинг қисқа сатрларда, кенг қўламли қилиб берилган мазмунни тушинган шеърхон ўйлар қуршовида қолади ва ўзича “сен мен у” дан моҳият ахтаришга тутинади ва топган пайтида қалбидаги мудраётган туйғулар уйғонгандек бўлади. Зотан шоиранинг бу каби шеърларига мудроқ туйғуларни уйғутувчи бонг сифатида қарашимизга асосимиз бор. Кўплар учун Гўзал Бегимнинг бу каби шерлари, умуман модерн руҳида ёзилган шеърларнинг барчаси қандайдир мантиксиздек туйилади лекин модерннинг ўзи ана шу мантиксизликда мантиқ яшириш дегани.

Қорачиғимни кўз ёшлар тирнайди
вазифасин унитар юрак
кафтим
фақат кафтим
шарҳлаб турар чизикларини¹

Кўздан ёш оқиши ҳеч қандай оғриқларсиз амалга ошиши мумкин бўлган жараён эканини ҳисобга олсак “тирнайди” сўзини қўлланишида жиддий бир асос борлигини фаҳимлаймиз. Бу сўз маънони кучайтириш, ҳолатни обрзли тасаввур қилишимизга ёрдам бериш учун қўлланганлигини англаймиз. Демак англашиладики қорачиқларини тирнашга ботинаётган кўз ёшлар оддий кўз ёшлар эмас. У алам изтироб кўз ёши у муҳаббат ва нафират ўртасидаги кўз ёш ҳисобланади. Юракни унитган вазифасини англаш учун олдин юракнинг вазифалари нималардан иборат эканлигини билиб олишимиз зарур бўлади. Юрак бутун организмга қон ҳайдаб турувчи инсон танасидаги марказий аъзолардан бири ҳисобланади. Ундан ташқари юрак мавҳум лекин инсон ҳаётидаги энг муҳим бўлган туйғулар севги, меҳр, муҳаббат каби покиза туйғуларни туйишимизда ёрдам берувчи бош омиллардандир. Кафтдаги шарҳланаётган чизиклар эса умр йўлимизнинг харитасидир. Тирнаётган кўз ёш, юракнинг унитган вазифаси, шарҳланаётган чизиклар. Умумий равишда булар ҳаёт қонуниятлари ҳақидаги тушинчалардек бизнинг наздимизда.

Яна азонгача тўлқинлар расми
Яна азонгача йиртиқ сукунат
Яна азонгача томчилар аксим
Яна азонгача азондир ҳикмат

¹ Гўзал Бегим “Сукунат жаранглари” Тошкент, 1998. Б 27



Гўзал Бегим шеърлари марказида қалбан ва ақлан руҳият доимийлигига интилган инсон туради. Унинг ҳар бир ўйи ҳар бир фикри ҳар бир қилажак ҳаракати ана шу инсон руҳиятига монанд ва таалуқли. Тун хасталар ва ошиқлар ҳамроҳи, тун барча нарсаларни яширгувчи хилқат, тун янги кун бошламаси учун замин, тун азонлар дебочаси. Айтилганидек такрор шеърнинг сийқасини чиқариши ёки ўқувчини зериктириши, маънонинг йўқолишига олиб келиши мумкин, лекин бу шеърда бу нарсалар сезилмайди. Гўзал Бегим шеъриятидаги мантиқдан ташқари, мавҳум руҳий кечинмалар тасвирида ўзбек модерн шеърляти ақл билан англаб етишнинг тор имкониятларини қўнгил билан туйиш ҳисобига кенгайтириб бераётганлигининг яққол далилидир. “Яна азонгача” дея тақидланган ҳар мисрадаги маъно мазмунни англаш ва моҳиятини очиш учун биздан кўп “куч” талаб қилинадигандек, бироқ мисраларни қайта қайта ўқиганимизда ундаги мантиқ бизга ўзини “фош” қилади эътибор қилайлик “яна азонгача тўлқинлар расми” кўзлардан тўлиб оқаётган ёш тўлқинни эслатади. “яна азонгача йиртиқ сукунат” нозик ўхшатиш сукунат бўлсаю ўзи йиртиқ бўлса беманиликдай туйилади лекин бунинг акси, тинч ва осуда лекин хотиралар билан бирга, хотиралар сукунатни бузаётгандай. “яна азонгача томчилар аксим” акс нимада кўринишини ўйлаб кўрайлик кўзгуда, сувда, кўзгу томчилишини тасаввур қилолмаймиз, лекин сув томчилайди бу томчилаётган акс лирик қаҳрамон кўз ёшларидир. “яна азонгача азондир ҳикмат” азон вақти хуш саодат зикрлар, ибодат вақти ихчам ўхшатишлари билан теран маънони англашимиз мумкин.

Муаллиф мусаввируна бўёқлар ёрдамида қисматни сувратлайди. Ҳақиқат ва ёлғон орасидаги кураш (яъни “яна азонгача”) аслида шоира қалбида кечади. Кечинма қамрови ҳамда унинг поэтик талқини ижодкор дунёқарашидан озикланади.

Модерн шеър хусусияти ва умумлашма ўртасидаги чамбарчаслик муаммо даражаланишини ҳосил қилади. Биринчидан, туйғу ва онг матний воқеланиши грамматик қонуниятлардан эстетик идрокка ўтади, иккинчидан, ҳиссий илғам ҳамда аклий тафаккур боғламини сўз маърифати тайин этади, учинчидан, бадий ифодада баён шакли тизими ва адабий-ижодий жузвлар ўзаро тўқнашади, тўртинчидан, талқинда компонентлараро тарихий муқобиллиги ички рақобатга киришади, бешинчидан, тасвирда ўзигахосликни белгилаш учун ижодкор салоҳиятини баҳолаш, олтинчидан, табдилда замонлар ва маконлар бирлигини аниқлаш ва давр ҳамда мавзу юзасидан шарҳлаш

Инсон ҳаёти туганмас сиру синоатларга бой. Ҳар бир киши мавжудлик майдони ўз ҳолича яхлит бир китобдир. Инсон қалби эса мана шу саҳифаларни ёғдулантириб, нурлантириб турувчи мўъжизакор хилқат саналади. Инсон ҳаётини ҳамиша турфа тақдирларга дучор қилувчи қалб моҳияти жуда мураккаб, дунёда эзулик ва ёвузлик, садоқат ва хиёнат, меҳр ва зулм каби тушунчалар бир-бири билан ёнма-ён яшар экан, инсон қалби ҳаёт мана шу соҳиллари аро ўзини ўзи яратиб, ишғол қилиб, кашф этиб боради. Қалбнинг бу кураш



йўлидаги юпанчи, ҳамроҳи фақат шеърят. Шеър ва қалб бир-бирига эгизак тушунчалар. Шоира дунёни англаш учун ўзи билан шеър тилида сўзлашади ва шу туфайли борлигини, ижодий “мен”ини намоён қилади. Дунёда кўнгил билан тиллашиш саодатига эришиш неъматини моддийлаштира олиш салоҳияти фақатгина шоирларга берилган.

Ижодда модернистик тамойил устуворлиги шундаки, шоира ҳодисани поэтик идрок этиш билан чекланиб қолмайди, балки унда ижодий ёндошув ҳамда эстетик баҳолаш мезонларини уюштиради. Жорий муносабат тасвир шиддати уйғунлигини таъминлаш баробарида таҳлил тўлақонлигини ҳам далолатлайди. Туртки кескинлиги ёхуд ифода тўқнашуви бадий мақсадни аниқлаштирадиган омил, унда муҳокама табиатини англаш тадқиқ сахнига чиқади. Талқин, таҳлил ҳамда табдилда кечадиган жараён аслида, бир-бирини инкор қилувчи қутблар, (ёки аксинча) теран фалсафагина бу нукталарни жипслаштиради. Зеро, поэтик идрок тизими яхлитлик асосига қурилади, эстетик унсурларнинг зиддиятию уйғунлиги унинг етакчи бадий хусусиятига эврилади. Бинобарин, жанр тақозоси ва нутқ жорийлиги тараққий топаётган ижод табиатини шарҳлайди.

Тасвир ва ифода қатламлари тиғиз жойлашуви, давр, муҳит ва шахс зиддиятлари фалсафий теранлигини ёритиш тамойили шоира ижодида кўйидаги поэтик жиҳатлар жамулжамига олиб келади: а) бадий идрок ҳамда публицистик талқин зиддиятини уйғунлаштириш; б) ҳам воқелик солномасини, ҳам қахрамон руҳиятини мутаносибликда таҳлилга йўналтириш; в) обективлаштирилмаган тасвир қуюқлиги; г) ривоя моҳияти ўз етакчилик мавқеини йўқотиши. Табиийки, мавжуд ҳолатда нутқ бадий вазифадошлиги ҳам ўлчамини ўзгартиради. Бунинг натижаси ўлароқ, зиддият ҳамда уйғунлик алоқалантирилган сажияси муҳокама мағзини тайин этади. Муаллиф адабий талқинида инсон (субъектив ибтидо) ва воқелик (объектив интиҳо) тасаввур яхлитлигига эврилади. *Кузатиш(талқин), шарҳлаш(таҳлил) ҳамда баҳолаш (табдил) аро* уйғунлик ижодкор алоҳидалигини белгиладиган асосий омил.

Гўзал Бегим шеърий матнида кўнгил эрки масаласи ғоят кенг ва рангин қирраларда воқе бўлади. Бадий асар табиати, ижод психологияси, адабий жараён тамойиллари билан омукта кузатилгани боисдан у образлар қатмига, сўз санъаткори тафаккур тарзига, ижодий индивидуаллигига сингдириб юборилади. Айнан ана шу қалбга “мутелик” ошноликка айланиб, ҳамкор-ҳамнафас ҳолатида инсон қувонч-шодликлари ва дард-аламларини ифодалайди: ҳаёт, шахс, жамият ҳақидаги теран мушоҳадлар тусини олади. Сўз санъати намуналари шу тариқа қадриятлар мақомига эга бўлади: фалсафий, ахлоқий-маърифий мазмун-моҳияти билан ижтимоий аҳамият касб этади ҳамда қайта идрокда баҳоланган эстетик ҳодисага айланади.

Мазмун-моҳиятга кўра нафис сўз санъати вужудга келган кўхна замонлардан бери лирика олам билан одамни бадий-эстетик ўрганишдаги ингичка салоҳияти билан бадий маданиятимиз тарихида салмоқли ўрин тутади.



Лирика ҳиссий нафосати, фикрий теранлиги боис, адабиёт бошқа турлари силсиласида нуфузи ўзгача. У олам билан одам юрагини забт этган кечинмалару мушоҳадалар уйғунлигида юзага келган обектив моҳияти билан гўзал. Шу боис, халқимиз маънавий ҳаётини, шахс фикрий-ҳиссий камолотини, миллат ижтимоий-маданий такомилени мукаммал лирикаси тасаввур этиш қийин. Шоира шеърлятида ҳам мазкур ёруғ хусусиятлар устувор. Бадиий тафаккур табиатидаги сифат ўзгаришлари ўзига хос бадиий шакллар ва ифода усуллари хилма-хиллигини тақозо этади. Ҳар бир авлод шоирлари образлар тизими бир-бирига ўхшамаганидек сўз санъаткорлари лирик қаҳрамонлари ҳам ҳар бир шеърда бетакрор йўсинда фикрлайди. Жорий ҳолат ҳар бир иждоқ авлоди бадиият тарихидаги ўзлик қиёфасини белгилаб бериш баробарида, шоирлар индивидуал дунёсини ҳам тайин этади. Олам сир-синаотлари, инсон руҳияти турфа иқлимларини теран идрок этиш борасида ҳам Гўзал Бегим тинимсиз бадиий изланишлар олиб бормоқда.

ОЧИЛОВ ОЗОДЖОН

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, ТДШУ

Хитой мумтоз шеърлятининг ритмик парадигмаси

Аннотация. *Хитой замонавий ва мумтоз шеърляти ўртасида бир қанча фарқлар мавжуд бўлиб, энг яққол кўзга ташланадиган жиҳатлардан бири шеър ритмикасига нисбатан қўйилган қатъий қонун-қоидалар билан боғлиқдир. Танг даврига келиб (милодий VII асрдан бошлаб) ритмга катта эътибор берилиб, айниқса, биринчи оҳанг мослигига алоҳида аҳамият қаратилди. Оҳанглар асосида ҳосил қилинувчи ритмик шеърлят Танг даврига келиб тўла шаклланди ва бир қатор қатъий қоидалар ишлаб чиқилди. Бу қоидалар 20-асрнинг бошларига қадар амалда бўлди. Қуйида юқорида таъкидлаб ўтган қадимги шеърлятга хос ритмик парадигманинг хос хусусиятларини атрофлича кўриб чиқамиз, бу эса бизга 19-аср охирига келиб Хитойда авж ола бошлаган янги шеърлят ислоҳотларининг моҳиятини англашга йўл очади.*

Таянч сўз ва иборалар: *замонавий шеърлят, мумтоз шеърлят, ритм, оҳанг, янги услуб.*

Аннотация. *Есть несколько различий между современной и классической китайской поэзией, и один из самых ярких аспектов связан со строгими правилами, накладываемыми на ритм стихотворения. К периоду Тан (с 7 века н.э.) большое внимание уделялось ритму, особенно гармонии первого тона. К танскому периоду полностью сформировалась ритмическая поэзия, основанная на мелодиях, и был выработан ряд важных правил. Это заведение действовало до начала 20 века. Ниже мы более подробно остановимся на характерных чертах ритмической парадигмы античной поэзии, о которой говорилось выше, что дает нам представление о новой поэтической коррекции, развивавшейся в Китае к концу XIX века.*

Опорные слова и выражения: *modern poetry, classical poetry, rhythm, tone, new style.*



Abstract. *There are several differences between modern and classical Chinese poetry, and one of the most obvious is related to the strict rules imposed on the rhythm of the poem. By the Tang period (from the 7th century AD), much attention was paid to rhythm, especially to the harmony of the first tone. Rhythmic poetry based on melodies was fully formed by the Tang period and a number of strict rules were developed. These rules were in force until the beginning of the 20th century. Below we will take a closer look at the characteristic features of the rhythmic paradigm of ancient poetry. These features will help us understand the essence of the revolutionary poetry reforms that began to flourish in China at the end of the 19th century.*

Keywords and expressions: *new poem, poetic revolution, baihua, evolution, literary schools.*

Хитой замонавий ва мумтоз шеърияти ўртасида бир қанча фарқлар мавжуд бўлиб, энг яққол кўзга ташланадиган жиҳатлардан бири шеър ритмикасига нисбатан қўйилган қатъий қонун-қоидалар билан боғлиқдир. Хитой анъанавий шеъриятининг ривожланиш тарихи икки босқичдан иборат: биринчи босқич Танг давригача бўлган шеърият бўлиб, бу босқич шеъриятида оҳанглар мослиги, мисраларда бўғинлар мослиги каби қоидаларига амал қилишга уриниб келишган бўлсада, бироқ оҳангларнинг ўзаро мослиги борасида ҳамон қатъий қоидалар шаклланмаган эди. Шу сабабдан ҳам бу босқич шеъриятини нисбатан эркин бўлган деб баҳолаш мумкин. Танг даврига келиб (мелодий VII асрдан бошлаб) иккинчи босқич бошланди. Бу икки босқич ўртасидаги фарқ айнан вазн хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бу босқич шеъриятида вазнга катта эътибор берилиб, айниқса, биринчи оҳанг мослигига алоҳида аҳамият қаратилди. Оҳанглар асосида ҳосил қилинувчи вазнли шеърият Танг даврига келиб тўла шаклланди ва бир қатор қатъий қоидалар ишлаб чиқилди. Бу қоидалар 20-асрнинг бошларига қадар амалда бўлди. Қуйида юқорида таъкидлаб ўтган қадимги шеъриятга хос ритмик парадигманинг хос хусусиятларини атрофлича кўриб чиқамиз, бу эса бизга 19-аср охирига келиб Хитойда авж ола бошлаган янги шеърият ислохотларининг моҳиятини англашга йўл очади.

1. Шеърда иероглифлар сонининг қатъийлиги. Янги услуб шеърияти таркиби вазнли шеър ва тўртликдан иборат. Вазнли шеър одатда саккиз мисрадан ташкил топади. Шунингдек, мисралар сони саккизтадан ошувчи шеърий шакллар ҳам мавжуд бўлиб, 160 қаторгача етиши мумкин, бироқ мисралар сони албатта жуфт бўлиши шарт. Янги услубдаги шеърларнинг ҳар мисраси асосан беш ёки етти бўғинли бўлиши унинг асосий ва муҳим шартларидан бири (хитой тилида бир иероглиф бир бўғинга тенг) ҳисобланади.

花(1)间(2)一(3)壶(4)酒(5), 独(1)酌(2)无(3)相(4)亲(5)。

举(1)杯(2)邀(3)明(4)月(5), 对(1)影(2)成(3)三(4)人(5)。(李白)

Ушбу шеърий парча беш бўғинли шеър бўлиб, ўз навбатида, ҳар бир мисра беш иероглифдан ташкил топган.



2. Қофия. Қадимги хитой шеъриятида қофия ҳақида сўз очишдан олдин хитой тилида бўғин ва унинг таркиби хусусида тўхталиб ўтмоқ лозим. Хитой тилида бўғин одатда инициал (shengmu) ва финал (yunmu)нинг бирикуви орқали юзага келади. Бўғиннинг биринчи ундош товуши инициал, қолган қисми эса финалдир. Масалан, 唐 иероглифининг транскрипцияси táng, бу ерда t инициал, áng эса бўғиннинг финал қисми ҳисобланади. Хитой поэзиясида (қадимги, замонавий) айнан финалларнинг ўзаро мослиги асосида қофия ясалади. Масалан, 唐 táng, 狼 láng, 章 zhāng, 苍 cāng каби сўзларнинг барчасида финал ang ва улар ўзаро қофиядошдир. Иероглифлар транскрипциясида мавжуд a, e, o унли товушлари билан тугаган бўғинлардан олдин i, u, ü каби товушлар қўшилиб келиши мумкин. Масалан, ia, ua, uai, iao, ian, uan, üan, iang, uang, ie, üe, iong, ueng ва ҳ.к. Бунда i, u, ü хитой тили фонетик қоидаларига биноан воситачи товуш ҳисобланади ва воситачи товушлари турлича бўлган бўғинлар ҳам ўзаро қофиядошдир. Масалан:

昼出耘田夜绩麻 (ma),
村庄儿女各当家 (jia)。
童孙未解供耕织，
也傍桑阴学种瓜 (gua)。(范成大)

麻, 家, 瓜 сўзларининг финали a, ia, ua, финаллар тўлиғича бири-бирига мос бўлмаса-да, улар қофиядош.

Айрим ҳолларда қадимги шеъриятда баъзи бўғинларнинг ҳар қандай қоидага мос келмаслигини кузатиш мумкин. Ванг Ли бунга сабаб сифатида қуйидагиларни кўрсатади: тил тараққий этади, ўз навбатида, товушларда ўзгаришлар рўй беради, биз қадимги шеъриятни ҳозирги давр транскрипция қоидаларидан келиб чиқиб ўқиганимизда, табиий равишда ўхшаш бўлмаган жиҳатларга дуч келамиз¹. Масалан:

远上寒山石径斜(xie),
白云深处有人家(jia)。
停车坐爱枫林晚，
象叶红于二月花(hua)。(杜牧)

xie билан jia, hua ўзаро қофиядош эмас, бироқ қадимда 斜 иероглифи xia тарзида талаффуз қилинган².

Қадимги Хитойда махсус қофия луғатлари (韵书) яратилган бўлиб, бундай луғатларнинг пайдо бўлиши асосан Хан сулоласи (мил. авв.206 - мил. 220 йиллар) даврига тўғри келади³. Танг даврида яратилган қофия луғати нисбатан мукамал тузилганлиги боис кейинги даврларда ижод

¹ 王力: 诗词格律 —北京: 中华书局, 2000. 第3页.

² 辞海: —上海: 上海辞书出版社, 1999年, 第四卷, 第2357页.

³ Ўша манба. -Б.: 2654



қилган шоирлар учун ҳам асосий қўлланма сифатида қолаверди. Шу сабаб ҳам тилда товуш ўзгаришлари ҳисобга олинмади ва қофия борасида баъзи ноқисликлар юзага келди¹.

3. Оҳанг. Хитой тилининг ўзига хослиги ундаги оҳанг билан белгиланади. Товушнинг баланд-пастлиги, кўтарилиши-пасайиши, чўзиқлиги - қисқалиги хитой тили оҳанглари хосил қилади. Ҳозирги хитой тили (путунгхуа) ва қадимги хитой тилидаги оҳангларда баъзи фарқлар мавжуд.

Тўрт оҳанг ва бўғин муносабати бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қофиялар китобида келтирилган маълумотларга суянадиган бўлсак, икки ёки ундан ортиқ сўзнинг финаллари ўзаро қофиядошлик учун мос келса-да, бироқ уларнинг оҳанглари ўхшаш бўлмаса, бундай финаллар қофиядош ҳисобланмайди, бу каби бўғинлардан шеъриятда қофия сифатида фойдаланишнинг иложи йўқ.

Бир иероглифнинг икки хил ўқилиши ўз навбатида, икки маъно англатишига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Қадимги хитой тилида бундай ҳолат ҳозирги даврга қараганда жуда кўп учрайди². Масалан, 为 иероглифи феъл сифатида фойдаланилганда биринчи оҳангга, кўмакчи вазифасида келганда эса тўртинчи оҳангга хосдир.

Баъзи иероглифлар аслида биринчи оҳангга хос бўлиб, кейинчалик улар тўртинчи оҳангга ўзгарган, бироқ маъно хусусияти сақланган. Чунончи, 望 (wang), 叹 (tan), 看 (kan) каби иероглифлар шу туркумга оид.

Иккинчи босқич қадим шеъриятининг оҳанглар мослиги борасидаги қоидалари бир оз мураккаб бўлиб, оҳангларнинг ягона вазифаси шеърнинг мусиқийлигини таъминлашдан иборатдир. Қадимги хитой тилида 平仄 pingze термини мавжуд бўлиб, шеър вазнларини хосил қилади ва оҳанглар мослигини юзага келтиради. Қадимги хитой шеъриятида оҳанглар икки гуруҳга ажратилган. Биринчиси, 平 ping биринчи оҳанг, яъни чўзиқ оҳангни англатган; иккинчиси, 仄 ze иккинчи (оҳанг талаффузи паст овоздан юқорига), учинчи (оҳангнинг тўлқинли талаффузи) ва тўртинчи (оҳанг талаффузи юқоридан пастга)лардан ташкил топади. Оҳанглар қуйидаги асосларга кўра иккита гуруҳга ажратилган: Ping оҳангида товуш талаффузининг кўтарилиши ва пасайиши кузатилмайди, у нисбатан чўзиқ; ze оҳанглар гуруҳи эса ўзида учта оҳангни мужассамлаштириб, товушларнинг кўтарилиши, пасайиши, қисқа талаффуз каби меъёрларни қамраб олади.

4. Бешлик ва еттилик вазн. Қадимги услуб шеъриятида мисраси беш ёки етти бўғиндан иборат шеър шакллари ривожланган, Танг даврига

¹ 王力: 诗词格律, -北京: 中华书局, 2000. 第 4 页.

² Ўша манба: -Б.: 6.



келгач, уларга нисбатан белгиланган қоида ва мезонлар қатъийлашиб, бешлик ҳамда етилик вазн, деб аталганди.

Бешлик ва етилик вазннинг ҳосил бўлиши борасида сўз юритишдан олдин, янги услубга хос оҳанглар муносабати ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Оҳанглар мослашуви фақат икки хил кўринишида намоён бўлиши мумкин (қуйида “—” белгиси *ping*ни, “|” белгиси *ze* ни англатади) :

— — || || — —

Бу фақат тўрт бўғинли шеърларга хос бўлиб, беш бўғинли шеърларга юқоридаги асос сақлаб қолинган ҳолда яна бир оҳанг қўшилади (қўшилган оҳанг остида “.” белгиси билан кўрсатилади) ва қуйидагича ҳосил қилинади:

(а) | | — — |
(в) — — — | |

(б) — — | | —
(г) | | | — —

Бу тўрт асосий оҳанглар мослашуви бўлиб, (а) ва (в) да *ze* оҳанги мисра охирида келган бўлса, (б) ва (г) да *ping* оҳанги мисра охирида воқеланмоқда. Қофия одатда *ping* оҳангига мослашади, ҳар байт биринчи мисрасининг сўнги албатта *ze* билан тугаши, иккинчи мисра эса *ping* оҳанги билан якунланиши шарт. Шу сабабдан ҳам (а) ва (в) шакллари фақат биринчи мисрада, (б) ва (г) шакллари эса фақат иккинчи мисрада қўллаш мумкин. Янги услуб шеърлятида байтнинг иккинчи мисраси албатта *ping* оҳангида бўлиш кераклиги талаби қўйилгани учун одатда байтлар (а)+(б) ёки (в)+(г) кўринишида бўлади. Шеърнинг биринчи мисраси қайси оҳанг шаклидан бошланишига кўра беш бўғинлик шеърнинг икки шакли юзага келади:

(1)

(а) | | — — | , (б) — — | | —

(в) — — — | | , (г) | | | — —

(а) | | — — | , (б) — — | | — .

(в) — — — | | , (г) | | | — —

(2)

(в) — — — | | , (г) | | | — — .

(а) | | — — | , (б) — — | | — .

(в) — — — | | , (г) | | | — — .

(а) | | — — | , (б) — — | | — .

Баъзан беш бўғинли шеърнинг қофияси биринчи мисрадан бошланиши мумкин. Қофия биринчи мисрадан бошланар экан, ўз-ўзидан бу



мисранинг сўнги *ping* оҳанги билан тугаши шарт. Демак, бундай ҳолатда оҳанглар мослашувининг тубандаги икки кўриниши юзага келади:

- (1)
 (г) |||— —, (б) — — ||—.
 (в) — — — ||, (г) |||— —.
 (а) ||— — |, (б) — — ||—.
 (в) — — — ||, (г) |||— —.
 (2)
 (б) — — ||—, (г) |||— —.
 (а) || — — |, (б) — — ||—.
 (в) — — — ||, (г) |||— —.
 (а) || — — |, (б) — — ||—.

Янги услуб беш бўғинли шеърларнинг оҳанглар мослашув мезони юқоридаги ана шу тўртта шаклга асосланади. Таъкидлаш лозимки, айрим ҳолларда қофияни тўла таъминлаш учун мисра охиридаги сўз оҳанги тўсқинлик қилганда, талаффузи бир хил, аммо оҳанги бошқа, матнга алоқадор бўлмаган сўзлардан фойдаланиш ҳам кузатилади. Бу ҳолат хитой мумтоз шеърятини таржима қилиш жараёнида изланувчидан алоҳида билим ва малакани талаб этади.

Етти бўғинли шеърларнинг оҳанг мослашуви айнан беш бўғинли вазн сингари бўлиб, қандай шакл қўлланишига мувофиқ равишда ҳар бир мисра бошига дастлабки икки оҳангга зид *ping* ёки *ze* кўшиб борилади:

- (а) ˊ ˊ | | — — | , (б) !! — — | | — .
 (в) ! | — — — | | , (г) ˊ ˊ | | | — — .

Етти бўғинли шеърлар оҳанг мослашувининг тўртта шакли ҳам айнан (а), (б), (в), (г) ларнинг ўзаро алмашинуvidан юзага келади.

Қадимги мумтоз шеърятнинг ритмик парадигмаси асосан юқорида санаб ўтилган хусусиятларга эга бўлиб, асрлар давомида кичик-кичик ўзгаришлар билан бўлсада, XX асрга қадар амалда бўлиб келди. Чинг империясининг сўнгги йилларига келиб халқ манфаатларига зид келувчи анъаналар, феодал тартибларга қарши ҳаракатлар юзага кела бошлади. Бу ҳаракатлар адабиётда, хусусан шеърятда ҳам пайдо бўлиб, қадимги шеърятга хос мураккаб қонун-қоидалардан воз кечиш, янгича, эркин, халқона шеърятга интилиш билан намоён бўлди ва сўнгги Чинг империяси истибдодига қарши кўтарилган исённинг маънавий рамзига айланди.

Шу тариқа XX асрнинг бошларига келиб ижтимоий таназзул жиддий тус олди, инқилоб ғоялари жадаллашиб бораверди. Илғор зиёли қатлам бундай пайтда адабиётни ислоҳ қилиш заруриятини янада чуқурроқ англаб етишди. Тилдаги ўзгаришлар табиий равишда шеърятнинг ҳам эврилишини келтириб



чиқарди. Гонг Зижэн, Лянг Чичао каби шоирлар оғзаки нутқ ва от сўз туркумига оид янги сўзларни шеъриятга киритди, Хуанг Зунсян “Оғзим айтганини қўлим ёзади” шиори асосида ижод қилди, Ма Чюнвунинг шаклан эркин бўлган шеърияти пайдо бўлди. Уларнинг шеърияти қадимги хитой шеърияти анъаналарини йўққа чиқара бошлади. Яна бир нарса аҳмиятга молик, империянинг сўнгги йилларида шеърият фольклор қўшиқларнинг ритми, лексикаси, тили, қофия эркинлиги, гап тузилиши, халқоналиги каби хусусиятларини сингдира бошлади. Бу адабиётдаги улкан “ўтиш даври” эди. “Байхуа”да шеър ёзишни ақлга сиғдириб бўлмас, ҳаттоки кечириб бўлмас хато ҳисобланган замонда янги шеъриятни ислох қилиш анча мураккаб ҳодиса бўлишига қарамай, бир қатор ижодкорлар ўз қарашларини баралла айтишни бошлади. Айрим ижодкорлар Лю Язининг қарашлари ортидан эргашди: “Адабиёт инқилоби, инқилоб бизнинг сийратимизда, суратимизда эмас. Сурат эскича, сийрат янгича бўлиши даркор...шеърий асарларнинг манбаси бир аммо ўзани бошқадир”. Янги замон тафаккури ва инқилоб руҳияти зимдан етилиб келаётган бўлсада, тил ва классик қоидаларни сақлаб қолишга қурашаётганлар ҳамон кўп бўлиб, янги шеъриятни, янги мазмун, янги руҳият, янгича услубни оммалаштириш мураккаб кечди. Эски услуб, эски шакл ёрдамида янги мазмун ифодалашга уринишлар шиддат билан борди, амалда муваффақиятсизликка учради. Шундай бўлсада, Лонг Чуанминг таъкидлаганидек, янги мазмун эски қолипларда берилиши билан бир қаторда шеърият аста секинлик билан янги шакл томон ҳаракатланаётган эди¹.

НАЗАРОВА АФЗУНА

Таянч докторант, ТДШУ

Спужмай Зарёб ҳикояларида сюжет ва ғоявий мазмун уйғунлиги масаласи

Аннотация. Мазкур мақола таниқли афғон ёзувчиси Спужмай Зарёб ижодига мансуб ҳикояларни ўрганишига бағишланган бўлиб, унинг “Хуснихат муаллими” ва “Мустақиллик кўшиғи” номли ҳикояларида сюжет қуриши услубини очиб бериши ҳамда ғоявий мазмунини тадқиқ қилишига қаратилган. Мавзунини ёритишида анализ-синтез, чоғиштирма-қийосий, тарихийлик методларидан фойдаланилди. 20-аср афғон адабиётида насрнинг инъикоси ҳақида Спужмай Зарёб ижоди, хусусан, унинг ушбу икки мақоласи таҳлили орқали маълумотга эга бўлиши мумкин. Ҳикоялардаги ёзувчининг сюжет яратиши услуби, ҳикоя ғоясини очиб беришида сюжетни ташкил қилувчи воқеаларнинг бир-бири билан боғланиши йўллари, воқеалар занжирининг ўсиб бориши босқичлари тадқиқ этилади. Ёзувчи ҳикояларда инсон руҳиятини очиб беришида психологик конфликтдан фойдаланган бўлса, жамият ва инсон ўртасидаги муноса-

¹ 龙泉明: 《中国新诗流变论 1917-1949》, 人民文学出版社, 1999 年版, 第 20 页。



батларни кўрсатиб беришида характерлараро конфликтлардан фойдаланган. Шу орқали афгон жамияти, оддий афгон оилаларидаги муносабатларни, турмуш тарзини очиклаган. Ёзувчининг ҳикояларида конфликтлар билан бир қаторда портретлардан, тасвирий ифодалардан ҳам моҳирона фойдаланилган бўлиб, булар ҳикоя гоёсини теранроқ очиб беришига хизмат қилган. Шунингдек Спужмай Зарёбнинг ушбу ҳикоялари хотиралар асосида қурилган бўлиб, унда туш ва ҳаёлий тасвирлар ҳам ўрин олган. Мақолада ёзилиши даврига кўра узоқ бўлмаган ушбу икки ҳикоя қиёсан таҳлил этилиб, сюжет қурилиши билан бир қаторда ҳикояларнинг гўявий мазмунидаги ўхшаш ва фарқли томонлари ёритиб берилган. Гоёвий жиҳатдан ҳикоялардан бирида инсонпарварлик улуғланган бўлса, иккинчисида ватанга муҳаббат, уни улуғлаш тарғиб этилган. Таҳлил асносида ушбу гўявий мазмуннинг ҳикоя сюжети билан қанчалик уйғунликка эгаллиги очиб берилган. Бундан ташқари ёзувчи ушбу ҳикоялари орқали дарийзабон адабиётда модернистик оқимнинг ифода услубини қўллаган ҳолда янги давр дарийзабон адабиётига муносиб ҳисса қўшиганига ҳам гувоҳ бўламиз.

Таянч сўз ва иборалар: Спужмай Зарёб, сюжет, “Ҳуснихат муаллими”, “Мустақиллик кўшиги”, ровий, хотира ҳикоя, конфликт, портрет, инсонпарварлик, ватанпарварлик.

Аннотация. Статья посвящена изучению рассказов известного афганского писателя Спуджмая Зарёба, раскрытию методики построения сюжета и изучению идейного содержания его рассказов «Наш учитель каллиграфии» и «Песня независимости». При освещении темы использовались анализ-синтез, сравнительно-сравнительный, исторический методы. Об отражении прозы в афганской литературе XX века можно узнать из анализа творчества Спуджмая Заряба, в частности, двух его статей. Исследуется авторский стиль повествования в рассказах, способы, которыми события, составляющие сюжет, соотносятся друг с другом в раскрытии идеи рассказа, и этапы развития сюжетной цепочки. В то время как автор использовал психологический конфликт, чтобы раскрыть человеческую психику в рассказах, он использовал межличностные конфликты, чтобы показать отношения между обществом и человеком. Таким образом афганское общество раскрыло отношения и образ жизни обычных афганских семей. Помимо коллизий, в рассказах автора умело использованы портреты и образные выражения, которые позволили глубже раскрыть идею рассказа. Эти рассказы Спужмая Зарёба также основаны на воспоминаниях и включают сны и фантастические образы. В статье дается сравнительный анализ этих двух рассказов, которые не так велики, как на момент написания, и подчеркиваются сходства и различия в идеологическом содержании рассказов, а также в структуре сюжета. Идеологически одна из историй прославляет человечество, а другая пропагандирует любовь к Родине и ее прославление. Анализ выявляет актуальность этого идейного содержания для сюжета рассказа. Из этих историй мы также можем видеть, что автор внес достойный вклад в литературу на языке дари новой эпохи, используя модернистский стиль выражения в литературе на языке дари.

Опорные слова и выражения: Спуджмай Заряб, сюжет, «Наш учитель каллиграфии», «Песня независимости», рассказчик, воспоминание, конфликт, портрет, человечность, патриотизм.

Abstract. The article is devoted to the study of the stories of the famous Afghan writer Spujmay Zaryob, the disclosure of the plot construction technique and the study of the ideological content of his stories "Our Calligraphy Teacher" and "Song of Independence". When covering the topic, analysis-synthesis, comparative-comparative, historical methods



were used. You can learn about the reflection of prose in Afghan literature of the twentieth century from the analysis of the work of Spujmay Zaryab, in particular, two of his articles. The author examines the author's style of storytelling, the ways in which the events that make up the plot relate to each other in revealing the idea of the story, and the stages of the development of the plot chain. While the author used psychological conflict to reveal the human psyche in stories, he used interpersonal conflicts to show the relationship between society and the individual. In this way, Afghan society revealed the attitudes and lifestyles of ordinary Afghan families. In addition to collisions, in the author's stories, portraits and figurative expressions are skillfully used, which allowed deeper to reveal the idea of the story. These tales of Spuzhmaya Zaryob are also based on flashbacks and include dreams and fantasy imagery. The article provides a comparative analysis of these two stories, which are not as long as at the time of writing, and highlights the similarities and differences in the ideological content of the stories, as well as in the structure of the plot. Ideologically, one of the stories glorifies humanity, while the other promotes love for the Motherland and its glorification. The analysis reveals the relevance of this ideological content for the plot of the story. From these stories, we can also see that the author made a worthy contribution to Dari literature of the new era, using the modernist style of expression in Dari literature.

Keywords and expressions: Spudjmay Zaryab, plot, "Our teacher of calligraphy", "Song of Independence", narrator, recollection, conflict, portrait, humanity, patriotism.

Кириш. Афғонистоннинг таниқли қаламкаши, замонавий наср намоёндаларидан бири Спужмай Зарёб (Рауф) 1949-йил Афғонистоннинг Кобул шаҳрида дунёга келган. Адабиётга бўлган қизиқиши ортидан эрта ёшдан ҳикоялар ёзишни бошлаган Спужмай Зарёб, кейинчалик ҳикояларида ўзига хос услуб ва бадииятга эга бўлган характерни мужассамлаштирган, шу билан бирга дарийзабон адабиётга модернизм, символизмни киритган илк ёзувчилардан бўлди.

Адибанинг ижодига қизиқиш ва изланиш Ўзбекистон миқёсида, афғоншунос олим – филология фанлари доктори, профессор Р.Иномхўжаевнинг "Афғонистон дарийзабон адабиёти II"¹ номли монографиясида бир қатор ҳикоялари таҳлили билан ёритиб ўтилган. Хусусан, Спужмай Зарёбнинг бугун биз таҳлилга тортган "Ҳуснихат муаллимимиз" ҳикоясини Р.Иномхўжаев бирмунча тадқиқ қилган, биз бу таҳлилни кенгроқ тадқиқ этишга ҳаракат қилдик. Аммо "Мустақиллик қўшиғи" номли ҳикояси ҳали тадқиқ этилмаган манба ҳисобланади.

Мақсад ва вазифа. Замонавий афғон адабиётида ўзига хос услуб ва мазмунга эга бўлган Спужмай Зарёбнинг "معلم مشق ما" – "Ҳуснихат муаллимимиз" ва "ترانهء استقلال" – "Мустақиллик қўшиғи" номли ҳикояларини таҳлил қилиш орқали ўша давр адабиётига назар солиш, ҳикояларининг сюжет ва ғоявий мазмунининг қанчалик уйғунлигини очиқ бериш асосий мақсадимиз ҳисобланади. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, ушбу тадқиқотимиз олдида қўйилган вазифалар қуйидагилардан иборат:

¹ Р.Иномхўжаев. Афғонистон дарийзабон адабиёти II. Т.: Шарк, 2018. – 205-216б



- Спужмай Зарёбнинг “Хуснихат муаллимимиз” ҳикоясида сюжет куриш услубини очиб бериш;
- Адибанинг “Мустақиллик қўшиғи” ҳикоясида сюжет курилишини ўрганиш;
- Спужмай Зарёб ҳикояларида ўхшаш ва томонларини кўрсатиб бериш;
- Ҳикоялардаги ғоявий мазмун ифодаланишини аниқлаш.

Усуллар. Мазкур мақолани таҳлил қилишда илмий билишнинг тарихийлик, мантиқийлик методларига мурожаат қилинди, шу билан бирга эмпирик ва назарий тадқиқот методларидан, ҳамда чоғиштирама-қиёсий методидан кенг фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида Спужмай Зарёб (Раъуф)нинг “Қобил саҳроси” ҳикоялар тўпламидан олинган “Мустақиллик қўшиғи”¹ ва “Савр шабадалари” тўпламидан олинган “Хуснихат муаллимимиз”² номли ҳикояси методологик манба бўлиб белгиланди.

Натижалар ва мулоҳаза. Спужмай Зарёб Францияда адабиётшунослик соҳасида ўқиб юрган кезларида ғарб, ҳамда Америка адабиёти билан ошно бўлди ва кейинчалик бу ошнолик излари унинг асарларида акс этди. Хусусан, дастлаб ғарбда пайдо бўлган модернизмнинг дарий ҳикоянавислигида ҳам акс этиши, дарий адабиётшунослигида мумтоз адабиётдан фарқли ўлароқ, мазмун ва ғояни теранроқ очиб бериши, кенг камровлилик, инсон омилининг устунлиги ва ҳис-туйғуларни очиқ ифодаланиши билан омmani жалб қила олди.

Форс адабиёти бўйича француз мутахассиси Майкл Барри Спужмайнинг "Бизни тинглайдиган деворлар" китоби посткриптида “Исми “тўлин ой ”деган маънони англатувчи Спужмай, икки шоир – сургунда вафот этган Халилий ва ўлдирилган Мажруҳ билан бир қатордаги бизнинг давримизнинг энг буюк афғон ёзувчиларидан биридир” – деб ёзди³. (Шу ўринда, ўрганишлар натижасида айтиб ўтиш жоизки, Устоз Халилий сургунда вафот этмаган, балки 70-йиллар охирида мамлакатдаги сиёсий тузум унинг эътиқодига тўғри келмай ўзи мамлакатини тарк этади ва дастлаб Германияга, сўнг АҚШга ва 80-йиллар бошида Пешовар (Покистон)га бориб, ўша ерда умрининг сўнггигача умргузаронлик қилиб, 1987-йил 5-майда вафот этади.⁴) Дарҳақиқат, ёзувчининг илк ижод намуналарида мулкый тенгсизлик, оддий афғон оилаларининг турмуш тарзи, жамиятдаги аёлларнинг ўрни каби масалалар қаламга олинган бўлса, кейинги йилларда ёзилган асарларида тинчлик соғинчи, осуда ҳаёт ва ватан-

¹ سپوږمى زرياب. دشت قبايل. ايران، 1367. – 56 ص.

² Савр шабадалари. Афғонистон ёзувчиларининг ҳикоялари. Т.:Ғафур Ғулум, 1987. – 115-124 бетлар. Ушбу ҳикоя 1988-йил Москвада ҳам тўплам таркибида “Наш учитель каллиграфии”дарий тилидан рус тилига таржима қилиниб чоп этилган. Караван в горах. Рассказы афганских писателей. Москва. Художественная литература, 1988.

³ The UNESCO Courier, New York, 2001, march. - 48p

⁴ Суфийё Джаннатмир. Социальная тематика поэзии Халилуллаха Халили. Автореф. дис. ... кан. филол. наук. – Душанбе, 2018. – 11 с.



парварлик ғоялари уфуриб туради. Шу орқали адиба афғон миллати кўзгуси орқали бутун дунёда мавжуд бўлган муаммолар ва башарият орзу-истаклари, ғам-андуҳларини кўтариб чиққан.

Спужмай Зарёбнинг бир қатор ҳикояларида ровий сифатида бола образидан фойдаланади ёхуд болалик хотиралари қаламга олинади. Хусусан, биз таҳлилга тортган "معلم مشق ما" – "Хуснихат муаллимимиз" ва "ترانهء استقلال" – "Мустақиллик кўшиғи" номли ҳикоялари ҳам ёзувчининг ўзига хос услубига кўра бола тилидан ҳикоя қилинган. Эҳтимол, бола қалби беғуборлиги-ю шу қалб билан унга етказилган ранж-у аламлар, шодлиг-у кўрқинчлар, орзулар камалагининг таъсир буёқдорлигини яққол сезиш мумкинлиги учун ҳам шу услубни маъқул топгандир, нима бўлганда ҳам бу танлов ўзини тўла-тўқис оқлаган ҳолда ёзувчини мақсадига етказган.

"Хуснихат муаллимимиз" ҳикояси ҳаётий сужет асосида қурилган, ҳикоя қаҳрамонининг болалик хотиралари, хусусан, хуснихат ўқитувчиси ҳақидаги хотиралари билан бўлишади. Шу аснода эътироф этишимиз жоизки, Спужмай Зарёбнинг ҳикоячиликдаги ўзига хос томонларидан бири ҳикоя сюжетида хотира ҳикояларининг ёхуд ҳикояда туш тасвирларининг мавжудлигидир. Унинг бир нечта ҳикояларида ("Мустақиллик кўшиғи", "Қобил саҳроси",) келтиргани каби ушбу – "Хуснихат муаллимимиз" ҳикояси сюжетида ҳам хотираларга жой ажратган. Ҳикоя хуснихат муаллими портретини тасвирлаш билан бошланар экан, қизалоқ наздида, муаллим гарчи кўримсиз, "шилпиқ кўзли"¹ бўлса-да, дунёдаги энг гўзал эркак бўлиб намоён бўлади. Қизалоқ буни шундай изоҳлайди:

*"Хуснихат ўқитувчимизни нега жуда яхши кўришимизни ҳеч биримиз билмасдик. Балки бунинг сабаби хуснихат ўқитувчимиз бизнинг баланд девор билан ўралган, ҳовлиси кенг мактабимизга киришга ҳақли бўлган ягона эркак бўлганидандир; балки хуснихат ўқитувчимиз эркакларнинг сирли дунёсига очилган бирдан-бир дарча бўлгани учундир?.."*²

Спужмай Зарёбнинг 1985-йилда мамлакатда ғалаёнлар авж олган бир даврда ёзилган "ترانهء استقلال" – "Мустақиллик кўшиғи" ҳикоясидаги юқорида келтирилган ҳикоя билан ўхшашлик томонларидан бири шундаки, бу ҳикоя ҳам ҳаётий сужет асосида қурилган, ровий – бола, бу ҳикояда ҳам ровий ўқувчини ўз хотиралари билан таништиради. "Хуснихат муаллимимиз" ҳикоясидан фарқли равишда ушбу ҳикоя экспозитсия билан бошланади. Ровий ҳикоядаги воқеалар қачон ва қай тарзда бошланганини шундай баён қилади:

/واخر سال تعليمی بود. شاید هم ماه های عقرب یا قوس. درست به خاطر ندارم. صنف اول بودم. شیشه های در و پنجره های صنف ما شکسته بود و باد از لای شیشه های شکسته به صنف ما هجوم می آورد و موهای شانه شده و شانه نشده ما را مورد تهاجمش قرار میداد.

¹ Савр шабадалари. Афғонистон ёзувчиларининг ҳикоялари. Т.: Фафур Фулом, 1987. – 116б

² Савр шабадалари. Афғонистон ёзувчиларининг ҳикоялари. Т.: Фафур Фулом, 1987. – 116-б



(*Ўқув йилининг охири эди. Эҳтимол, Ақраб ёки Қавс ойлари. Аниқ эсимда йўқ. Биринчи синф эдим. Синфимизнинг дераза ва эшик ойналари синган эди, шамол синган ойналар орқали бизнинг синфимизга кириб, таралган ва таралмаган сочларимизга хужум қиларди.*)

Сўнг, ҳикоянинг тугун қисми бошланади. Унга кўра ҳикоя сюжети экспозициясида баён қилинган ўша йили деярли барча синфдошлари қаторида ўзининг ҳам имтиҳондан йиқилгани хабарини тугун қисмида воқеа нимадан бошланганини очиклайди. Ҳикоя тугунида меҳнат ўқитувчиси ўқувчиларга имтиҳон куни бирор хунармандчилик буюмини ясаб келишларини айтади. Ҳикоя сюжетининг воқеалар ривожиди боланинг онаси ўқитувчисининг топширигини бажариш учун болага қоғоздан қудуқ ва челақ ясаб беришини айтади. Шунда боланинг ёдига қудуқ билан боғлиқ нохуш хотиралари тушади.

Ҳар икки ҳикоя ҳам консентрик сюжет асосида қурилган. Ҳикоялар сюжетидаги воқеалар сабаб-оқибат қонунияти асосида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ҳаракатга келтирилган. Хусусан, “Хуснихат муаллимимиз” ҳикоясида ровий хуснихат муаллимини нон дўконида кўриб қолиб у ҳақидаги хотиралари ёдига тушса, “Мустақиллик кўшиғи” ҳикоясида меҳнат ўқитувчисининг имтиҳон вазифасини бажариш асносида қудуқ билан боғлиқ хотиралари ёдига тушади.

“Хуснихат муаллимимиз” ҳикоясида воқеалар ривожиди ва кулминацияси бир неча ўринларда алмашилиб келади. Қизчанинг тасавурида хуснихат муаллимнинг ягона гўзал эркак бўлиб намоён бўлганидан, бувиси энг гўзал эркак ҳақида эртак айтиб бераётганда дилида ва тилида ўша муаллим гавдаланаверади. Бунга жавобан бувиси “*аёллар ёиланиб турадиган ишлитқ кўзларга ошиқ бўлармиди?*”¹ – деб истехзо билан гапиради ва ўз тасавуридаги гўзал эркак сиймосини тасвирлашда давом этади. Юқорида келтирилган тасвир ҳикоя сюжетида воқеалар ривожиди бўлиб хизмат қилиб, сўнг ўз ўрнини ҳикоя авжиги бўшатиб беради: Буни эшитган бобоси бувисини бошлаб сўқиб беради. Шу ўринда Спужмай Зарёб ҳикояга бобо образини киритиши билан “анъанавий оилалар муаммосига имо қилиб ўтганини сезиш мумкин.”² Шу билан бирга ёзувчи ровий тасвирлаган объект орқали кампир образиди мисолида умри давомида севмаган инсониди билан бирга яшашга мажбур дунё аёллари ҳасратини ва бобо образиди талқинида “*аёлини ўз тасавурида эрига кўра чиройли санаган эркакка нисбатан рашқ қилган эркак муаммоси*”³ ни кўрсатиб берган. Ҳикоянинг кейинги воқеалар ривожиди ровийнинг муаллими тўғрисидаги болалик хотираларини эслаши билан давом этади. “Ҳикоя ичида ҳикоя” усулида ёзилган бу ҳикоялардаги туш тасвири ёки хотираларни ёдга олиши ҳикоялар сюжетида аҳамиятли ўринни эгаллаган. Масалан, “Хуснихат муалли-

¹ Савр шабадалари. Афғонистон ёзувчиларининг ҳикоялари. Т.: Фафур Фулом, 1987. – 117-б

² Р.Иномхўжаев. Афғонистон дарийзабон адабиёти II. Т.: Шарқ, 2018. – 209б

³ Р.Иномхўжаев. Афғонистон дарийзабон адабиёти II. Т.: Шарқ, 2018. – 209б



мимиз” ҳикоясида келтирилган туш тасвири ҳикоя сюжетида иккинчи авжи бўлади, шунингдек ҳикояда ровийнинг қалбида чуқур из қолдирган инсоннинг йиллар ўтса-да қайсидир жиҳатлари билан ҳаётида мавжудлиги инъикоси бўлиб хизмат қилган. Ҳикоя авжи ва воқеалар ривожининг алмашилиб келиши ҳикоя мазмунининг турли жабҳаларини очиб беришда катта ҳисса қўшган. Қайси бир ўринда оилавий муносабатларни очиб берган бўлса, бошқасида инсон психологияси, шахсияти ҳақидаги сезимларни пайқаш мумкин.

“Мустақиллик қўшиғи” ҳикояси “Ҳуснихат муаллимимиз” ҳикоясидан фарқли, сюжет босқичлари такрорланмайди. Ҳикояда келтирилган ровийнинг онаси ясаб берган “қудуқ ва челақ” билан боғлиқ ғамгин ҳикоясини эслаши эса ҳикоянинг воқеалар ривожини қисми бўлиб, ровий уларнинг ҳовлисидаги ўша қудуғи, отасининг қудуқни тозалатиш учун олиб келган ишчилардан бирининг қудуққа тушиб кетиши, уни қудуқдан олиб чиққандаги тасвир ваҳималари бола онгида чуқур из қолдиради ва шундан кейин бола қудуқ деганда доимо ўша қудуқ ва унга тушиб кетган, олиб чиқилганда лой билан бурканган “ажабтовур ва қўрқинчли”¹ нарсага ўхшаб кўринган ишчилардан бири кўз олдида гавдаланаверади.

Ҳикоя авжи ҳикоянинг имтиҳон куни баён қилинган саҳнасида юз беради. Унга кўра ўқитувчи ва бола ўртасида характерлараро конфликт юзага келиб, боланинг онаси ясаб берган, бола шуурида ғамгин хотира бўлиб қолган “қудуқ ва челақ” меҳнат ўқитувчиси томонидан “қийшиқ” ясалган, “мияларинг қотиб қолган”² – деб таҳқирланади. Ваҳоланки она - бола учун ушбу кўл меҳнати йиллар давомида уйининг тўридаги тоқчадан жой олган нафис санъат намунаси бўлиб қолади.

یک بار معلم رسم و کاردستی ما با آواز زیری فریاد زد:

- این چیست؟

با آوازی که انگار از قعر چاه می برآمد گفتم:

- چاه و دلوش.

معلم رسم و کاردستی با تقلید از من گفت:

- چاه و دلوش! تا بگویی کاردستی، همه تان میدوید و چاه می سازید و دلوش.... مغزهای تان

سنگ شده است.

چهار طرفم را دیدم، مادرم را می پالیدم. می خواستم خودم را در اغوشش پنهان کنم. مادرم آنجا

نبود.

گریه آلود گفتم:

- سبزه هم دارد.

باز فریاد زد:

- سبزه هایش را چی کنم. در سبزه هایش خودت بچر تا سیر شوی. این چاه هم کج است. می بینی

یا نی؟

¹ سپوژمی زریاب. دشت قابیل. کابل. 1367 ه (1988م) – 61ص

² سپوژمی زریاب. دشت قابیل. کابل. 1367 ه (1988م) – 67ص



به عمق دشنامش پی نبردم. به چاه خیره شدم اما هیچ کجای آن به نظرم کج نیامد همان طور سپید
دل انگیز بود.
معلم رسم و کاردستی آن را از دستم قاپید و به کنج صنف پرتاب کرد. شاید هم برای تبریه خود
گریه آلود گفتم:
- مادرم ساخته!
- مادرت بد کرده!
ضربه اش کاری بود. اشک در چشمانم خانه کرد.

(Яна бир бор расм ва меҳнат ўқитувчимиз бор овози билан бақирди:

- Бу нима?

Қудуқ тубидан келатган овозга ўхшаш овоз билан гапирдим:

- Қудуқ ва челақ

Расм ва меҳнат ўқитувчимиз менинг овозимга тақлидан деди:

- Қудуқ ва челақ! Қўл санъати дейдиган бўлсангиз, ҳаммангиз
боринглар, қудуқ ясанглар ва челақ... мияларингиз қотиб қолган.

Атрофимга қарадим, онамни қидирдим. Ўзимни қучоғига яширишни
хоҳлардим. Онам у ерда йўқ эди.

Йиғламсираб дедим:

- Майсалар ҳам бор.

Яна бақирди:

- Майсаларингни нима қиламан. Майсаларингни ўзинг егин, қорнинг
тўйсин. Бу қудуқ ҳам қийшиқ. Қўрјасанми ё ёқми? Унинг қўпол ҳақорати
маъносини англаб етмадим. Қудуққа тикилдим. Лекин ҳеч бир жойи қийшиқ
қўринмади, менга оппоқ ва ёқимли кўринарди.

- Расм ва меҳнат ўқитувчимиз уни қўлимдан юлиб олди ва синф
бурчагига иргитди. Ўзимни оқлаш учунми йиғламсираб дедим:

- Онам ясади!

- Онанг ёмон иш қилибти!

Унинг зарбаси ўз ишини қилди. Кўзларим ёшга тўлди.¹⁾

“Бадий асар сюжети воқеалардан, воқеалар эса персонажларнинг хатти-
ҳаракатлари, ўзаро мураккаб муносабатлари, зиддиятларидан таркиб топгани
боис ҳам уни ҳаёт зиддиятларини умумлаштирувчи воқеалар тизими сифатида
таърифланади. Сюжет билан конфликт орасида иккиёқлама алоқа кузатилади:
бир томондан, сюжет конфликтларни умумлаштириб намоён қилади, иккинчи
томондан, конфликт сюжетни ҳаракатга келтирувчи асосий куч саналади.”² Ҳи-
кояларда сюжетни ҳаракатга келтиришда асосий куч бўлиб хизмат қилувчи –
конфликтлар ҳам талайгина. Ушбу ҳикояларда ўқувчи характерлараро ва
психологик конфликтга рўбарў келади. Чунончи, “Хуснихат муаллимимиз”
ҳикоясида кампир эртақ айтиб бераётганда ровий билан бўлган суҳбатида
давомида, сўнг кампир ва бобо ўртасида, ровий ва қўшниси ўртасида харак-

¹ سپوزمی زریاب. دشت قابیل. ایران، 1367. – 67 ص.

² Д. Куронов. Адабиёт назарияси асослари. Т.: 2018. – 1766



терлараро конфликт, ҳикоя сўнгида ровийнинг кечинмалари билан бўлган курашда психологик конфликт пайдо бўлади.

“Мустақиллик қўшиғи” ҳикоясида эса, меҳнат ўқитувчиси ва ўқувчилар ўртасида, ўқитувчи ва ровий ўртасида характерлараро конфликт вужудга келса, онаси “қудуқ ва челақ” ясаб бераётганини билганидан сўнг ровийнинг руҳиятида юз берадиган воқеалар асносида психологик конфликт юзага чиқади.

Ҳар икки ҳикояда ҳам тасвирланган портретлар ҳикоя ғоясини очиб беришга элтувчи йўллардан бири бўлиб хизмат қилади. Хусусан, “Хуснихат муаллимимиз” ҳикояси аввалида келтирилган хуснихат муаллимининг портрети ровийнинг гўзаллик тимсоли сифатида қизчани орзулар оламига элтган бўлса, йиллар ўтиб новвойхонада кўриб қолганида тасвирланган ўша хуснихат муаллими аввалгисидан тубдан фарқ қилган ҳолда, ғариб, бечораҳол аҳволда ровийнинг “умр – ўткинчи”лиги тўғрисидаги ғамгин кечинмаларига сабаб бўлади. “Мустақиллик қўшиғи” ҳикоясида меҳнат фани ўқитувчиси орқали эса ёзувчи бошқаларнинг ҳаётига бепарво, ўз ишига ҳам масъулиятсиз, лоқайд, инсон меҳнатини кадрламайдиган, бадфёъл аёл қиёфасини акслантиради. Ёзувчининг ушбу қахрамони “Хуснихат муаллимимиз” ҳикоясидаги ровийнинг қўшниси образига ўхшашиб кетади. “Пакана, семиз, бошининг кўпроқ қисмида сочи йўқ”, “доим терлаб, иссиқдан нолиб юрувчи”, “Мустақиллик қўшиғи” ҳикоясидаги меҳнат фани ўқитувчисидан фарқли доим кулиб юрадиган бу қўшни образи орқали Спужмай ҳар бир хатти-ҳаракатини тасвирлаши билан ҳаётда шундай бепарво, бугуни билан яшайдиган, умрини олди-қочди нарсалар билан ўтказиб юборадиган лоқайд инсонлар борлиги ҳақидаги таассуфларини сўзлар ёрдамида чизиб беради.

Ёки биз юқорида келтирган “Хуснихат муаллимимиз” ҳикоясидаги кампир образи портретида унинг “мунгли бир ҳасрат”¹ янглиғ нигоҳлари орқали “бутун дунёдаги барча аёлларнинг, ҳам тирикларининг, ҳам дунёга келадиган аёлларнинг ҳасрати ўша ҳорғин ва меҳрибон икки кўзда”² мужассам бўлганини тасвирласа, бу образга яқин бўлган “Мустақиллик қўшиғи” ҳикоясидаги ровийнинг онаси тимсолида оддий афғон аёли – яъни ўзини фақат оиласига бағишлаган, саводи ҳам йўқ бўлган, ҳаёти давомида фақатгина ўзининг онасидан ўрганган “қудуқ ва челақ”нигина ясашни биладиган, аммо шу билан бирга эътиқоди кучли, меҳрибон ва оилапарвар аёлни тасвирлайди.

Шу ўринда Спужмай Зарёбнинг ҳикояда халқнинг диний қарашларини ҳам кўрастиб ўтганини айтиш лозим. Афғонистон тарихи бўйича юксак натижаларга эришган Виктор Григориевич Коргун ўзининг “Афғонистон тарихи XX аср” номли китобида 1964-йилдаги Конституциянинг 7-моддасида “Қирол

¹ Савр шабадалари. Афғонистон ёзувчиларининг ҳикоялари. Т.:Ғафур Гулом, 1987. – 1176

² Савр шабадалари. Афғонистон ёзувчиларининг ҳикоялари. Т.:Ғафур Гулом, 1987. – 1176



ислом дини асосларининг ҳимоячиси...”¹ – деб ёзилганини эътироф этган. Ушбу конституция 1973-йилги давлат тўнтариши натижасида амал қилиши тўхтатилиб², 1977-йил янги конституция ишлаб чиқилган³ ва бунинг оқибатида мамлакатда реформалар ўтказилиб, бора-бора мамлакатда ички вазият кескинлашган. Булар давлат томонидан ислом динига қарши атеистик сиёсат юритилиши, дин уламоларига нисбатан тазйиқ ва қатағонлар оқибатида дин уламолари халқни ҳукуматга қарши қайраб, оммавий нозорозиликлар ҳамда жиҳод эълон қилишига олиб келади⁴.

Спужмай Зарёб ушбу “Мустақиллик кўшиғи” ҳикоясида ўша даврдаги оддий халқ диний қарашларини тасвирлаган. Яъни ҳикоя ёзилган даврда (1985-йилда) гарчи, мамлакат конституцияси ва аҳолининг айрим қатлами орасида атеистик руҳ кезиб юрган бўлса-да, оддий халқ ҳамон ислом дини ақидаларига бўйсунган ҳолда, ўз эътиқодларидан кечинмаган. Биз буни ҳикояда кудукқа тушиб кетган эракни юқорига олиб чиқишганда уни ўзига келиши учун ёнида туриб онасининг Қуръони Каримни кўтарганча Оллоҳдан унга хайир беришини сўраб турганида, аёл билан бирга ровийнинг отаси ва бошқа ишчилар ҳам осмонга қараб қўл кўтариб, Оллоҳдан яхшилик тилаши эпизодида кўришимиз мумкин:

قرآن را باز کرده بلند گرفته بود انگار آن را به کسی در آسمان نشان دهد به سوی آسمان می دید و می گفت:

- تو خودت خیر کن، الهی خیر الهی خیر....

(*Қуронни очиб баланд кўтарган эди. Шу ҳолатда осмонда кимгадир кўрсатганга ўхшаб юқорига юзланиб айтарди:*

- *Ўзинг хайир бер, илоҳи хайир... илоҳи хайир*)⁵

Бундай диний муносабат “Ҳуснихат муаллимимиз” ҳикоясида ислом дини аҳкомларига кўра қизлар ва ўғил болаларнинг алоҳида ўқитилиши, шу сабабдан ҳам ровийнинг ҳуснихат муаллими мактаб ҳовлисига қира оладиган ягона эрак инъикосида ўз ифодасини топган.

“Ҳуснихат муаллимимиз” ҳикояси сюжетида ечим орқали Спужмай ўзи баён қилмоқчи бўлган мақсадини радио орқали собиқ ўқитувчининг ўлими хабарини эълон қилиши ва бу хабарни эшитган ровийнинг руҳиятида юз берувчи тушқин сезимлар, пушаймонлари, кўчада эса ҳаёт “бозор” каби ўтиб кетаётгани манзаралари билан изҳор қилади. Ёзувчи “Ҳуснихат муаллимимиз” ҳикоясида келтирилган қаҳрамонлар портрети, уларнинг ички кечинмалари, конфликтлар, ҳар бир детал орқали дунё бир бозор эканлиги, унда ҳар хил

¹ Коргун В.Г. История Афганистана XX век. Москва. 2004. – 329с

² Маннонов А.М., Абдуллаев Н.А., Рашидов Р.Р. Афғонистон тарихи (ўқув қўлланма). Т.:2018. – 209б

³ Маннонов А.М., Абдуллаев Н.А., Рашидов Р.Р. Афғонистон тарихи (ўқув қўлланма). Т.:2018. – 210б

⁴ Маннонов А.М., Абдуллаев Н.А., Рашидов Р.Р. Афғонистон тарихи (ўқув қўлланма). Т.:2018. – 217б

⁵ سپوږمى زرياب. دشت قابيل. ايران، 1367. – 61 ص.



одамлар келиб кетишлари, япроқлар бир куни хазон бўлиши, бугун бор бўлган киши эрта йўқлиги, умр дарё каби оқиб кетиши ҳақидаги афсусларини келтириб, муҳими инсонийликнинг сақланиб қолиши чорловига гувоҳ бўламиз. Адиба бу фикрларини ҳикоя сўнггида шундан ифодалайди: “Нега инсон табиати шундай экан? Бир-биримизни тез унутиб қўймаймизми? Куни кеча хуснихат муаллими бизга ҳаёт дарсларини ўтарди. Энди бўлса...”¹

Спужмай Зарёбнинг “Мустақиллик кўшиги” ҳикояси ечими “Хуснихат муаллимимиз” ҳикояси билан фарқли жиҳатлари бор. Фарқлилиги шундаки, “Мустақиллик кўшиги” ҳикоясида ёзувчи унинг мақсадидан келиб чиққан ғояни ҳикоя экспозициясидан токи ечимгача ошқор қилмайди. Ўқувчи ҳикояни ўқиётганда ўқитувчи ва ровий ўртасида келиб чиққан конфликт ва унга элтувчи воқеалардан ҳикоя сўнггида бошқа бир қиссадан ҳисса кутаётганини пайқаймайди. Ёзувчи ҳикоя ғоясини унинг ечимида шундай очиқлайди:

Ровий имтиҳондан ўта олмайди, айнан меҳнат фанидан ўта олмаганини онасига айта олмайди (ахир она-бола ясаган “қудуқ ва челақ” жуда чиройли чиққанига ва меҳнат фани имтиҳонидан ўтишига қаттиқ ишонган эдилар). Имтиҳондан ўта олмаганини эшитган онаси ҳайрат билан қайси фан деганда, ровий беихтиёр форс тили дейди, онаси яна-да ажабланади.

- هرروز که میخواندی...

و با تقلید از من ادامه داد:

- گریه سوی خاک ما - دشمن نا پاک ما... بی فایده آخرش هم ناکام شدی.

مادرم راست میگفت این ترانه را از وقتی برای من درس داده بودند، همیشه بلند بلند میخواندم.

و از آن لذت میبرد. نامش «ترانهء استقلال» بود و از آن بسیار خوشم می آمد. نمیدانم که از آن به خاطر خود ترانه خوشم می آمد یا به خاطر تصویر پسرک خوش قد و بالایی که با خوشحالی بیرق سه رنگ افغانستان را به دست گرفته بود و انگار سوی ما میدید و این ترانه را میخواند.

(- Ҳар куни дарс қилардингку ...

Ва менга тақлидан давом этди:

- Келса агар еримизга - бизнинг нопок душманамиз... Бефойда, охир-оқибат мағлуб бўласан.

Онам тўғри айтди, бу кўшиқни бизга ўргатишигандан бери мен уни ҳар доим баланд овозда айтардим ва бундан ҳузурланардим. Унинг номи “Мустақиллик кўшиги” эди, ва у менга жуда ёқарди. Кўшиқнинг ўзи менга ёққаниданми ёки қўлида Афғонистоннинг уч рангли байрогини хурсанд тутган ва бизга қараб, шу кўшиқни куйлаган келишган баланд бўйли бола қиёфаси ёқдимми, билмайман.)

Боланинг онаси бола ҳар куни шу кўшиқни баралла, тутилмай куйлаб юргани сабаб ўгли форс тилини мукамал билади деб ўйларди, гўёки бутун форс тили шу кўшиқда мужассам. Бу кўшиқ форсча ватан ҳақидаги кўшиқ бўлиб, унда ватан мадҳи куйланарди, болаларни ватанпарварликка ундарди.

¹ Савр шабадалари. Афғонистон ёзувчиларининг ҳикоялари. Т.: Фафур Ғулом, 1987. – 1246



Ўқувчилар бу кўшиқни доимо куйлаб юришади, шу сабабли ҳам ровий бу кўшиқни шундай изоҳлайди:

شاید هم آن زمان بی آنکه خود مان بدانیم عشق به وطن را تجربه میکردیم و پرستیدن آن را می
آموختیم به خاطر همین این ترانه را حق و نا حق جا و بی جا می خواندیم.

(*Балки ўша пайтда, билмаган ҳолда, биз Ватанга бўлган муҳаббатни бошдан кечирганмиз ва унга сизгинишни ўргандик, шунинг учун биз ушбу кўшиқни маврид-бемаврид куйларверардик.*)

Спужмай Зарёб ҳикоянинг асосий ғоясини ечимда очиқларкан, ўқувчини ватанпарварликка, ватанни улуғлашга чорлайди. Нафақат қандайдир катта ишлар ёки ноёб меъморлик, санъат ишларини яшаш, катта ишларни амалга ошириш орқали балки, тўрт қатор шеър билан бўлса-да ватанни севишга ундайди.

Хулоса. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, турли мавзулардаги бу икки ҳикояда адибанинг сюжет қуриш услубида ўхшашликлар анчагина кузатилади, аммо давр талаби, жамият муаммоларини юзага чиқариш орқасидан ғоявий мазмун ўзгариб боради.

Ҳикоялар мазмунини очиб беришда конфликтлардан унумли фойдаланилган. Юқорида таҳлилга тортилган ҳикояларида, асосан, психологик ва характерлараро конфликтларга рўбарў келган бўлсак-да, ёзувчининг бошқа ҳикояларида, хусусан, “Қобил саҳроси” ҳикоялар тўпламида қаҳрамонлар ва ўша давр ўртасида кечадиган курашлардан иборат ижтимоий конфликтларга ҳам дуч келамиз.

Биз бугун таҳлилга тортган ушбу ҳикояларда Спужмай Зарёб ғарб адабиётидан андоза олган ҳолда қаҳрамонларнинг ҳиссий-эмоционал кечинмаларига, уларни янада теранроқ очиб бериш мақсадида туш, хаёл ва хотира унсурларини киритишга аҳамият қаратиб, афғон адабиётига янги йўналишдаги ҳикоя намуналарини олиб кирган. Ҳикоялардаги портретлар ҳам қаҳрамонлар характерини, афғон оилалари ҳаёт тарзини, жамият муаммоларини акс эттиришда эътиборли рол ўйнаган.

Умуман, таҳлил қилинган ҳикоялар Спужмай Зарёбнинг ўзига хос, серкирра ёзувчилик маҳоратини яққол кўрсатиб бериш билан бирга ўқувчини инсонпарварликка, ватанпарварликка, ўзаро меҳр-муҳаббатли бўлишга ундайди.



БОЛТАБОВЕВА ХУЛКАРОЙ

Ўқитувчи, ТДШУ

Турк-ўзбек маърифатчилик адабиётининг назарий асослари

Аннотация. Мақолада XX аср бошларида Туркия ва Ўзбекистондаги янгилашни ҳаракатлари, унинг асосий намояндалари Меҳмед Акиф Эрсўй ва Абдурауф Фитрат ижоди қиёсан ўрганилади. Турк-ўзбек маърифатчилик адабиётининг назарий асослари қиёсий адабиётшунослик тамойилларидан келиб чиқиб белгиланади. Бу адабиётга таъсир этган Фарб омиллари ҳақида умумий маълумот берилади.

Таянч сўз ва иборалар: янгилашни ҳаракатлари, Меҳмед Акиф Эрсўй, Абдурауф Фитрат, турк-ўзбек маърифатчилик адабиёти, назарий асос, қиёсий адабиётшунослик, тамойиллар, Фарб омиллари, умумий маълумот.

Аннотация. В статье рассматриваются движения обновления в Турции и Узбекистане в начале XX века, сравнительно изучается творчества их главных представителей Мехмеда Акифа Эрсоя и Абдурауфа Фитрата. Теоретические основы турецко-узбекской просветительской литературы определяются на основе принципов сравнительного литературоведения. Также дается обзор западных факторов, повлиявших на просветительскую литературу.

Опорные слова и выражения: движения обновления, Мехмед Акиф Эрсой, Абдурауф Фитрат, турецко-узбекская просветительская литература, теоретическая основа, сравнительное литературоведение, принципы, западные факторы, общее сведение.

Abstract. In this article the renewal movements in Turkey and Uzbekistan in the beginning of the XX th century, the works of its main representatives, Mehmed Akif Ersoy and Abdurauf Fitrat are comparatively studied. The theoretical foundations of Turkish-Uzbek enlightenment literature are determined based on the principles of comparative literary studies. There is given an overview of the Western factors that influenced this literature.

Keywords and expressions: renewal movements, Mehmed Akif Ersoy, Abdurauf Fitrat, Turkish-Uzbek Enlightenment literature, theoretical framework, comparative literary studies, principles, Western factors, general information.

Маърифатчилик адабиёти Европада XVII-XVIII асрларда кенг кулоч ёзган бўлишига қарамасдан, унинг илдизлари Шарқда, тўғрироғи, исломий адабиётда вужудга келган эди. “Маърифат” (مَعْرِفَات) тушунчаси асосида арабча “аърафа” (عَرَفَ) сўзи ётади, унинг “билим”, “илм олиш” каби маъноларни англатиши маълум. Бу ўзак сўздан “маориф”, “маърифат”, “ирфон” ва бошқа тушунчаларни ифодаладиган сўзлар ҳам ясалганки, уларнинг ҳамма маънолари тамоман маърифат тушунчаси билан боғлиқдир [18:567.]. Турк мумтоз адабиётида ҳам ушбу атаманинг айни мана шу жиҳатларига эътибор қаратилгани,



асрлар давомида адабиёт инсон билимини оширишга йўналгани, таълим-тарбия куроли бўлгани учун ҳам у “таълимий адабиёт” деб юритилган.

Турк адабиёти тарихида “Янги адабиёт” 1839-2000 йиллар дея эътироф этилади [11:131-179]. Бу умумий ном остида Танзимот даври, “Сарвати фунун” адабиёти, “Миллий адабиёт”, “Жумхурият даври” ва “Модерн адабиёт” каби адабий даврлар бирлаштирилади. Демак, илдизи XI аср адабий манбаларига бориб уланадиган маърифатчилик адабиёти хоҳ Туркия турк адабиётида бўлсин, хоҳ Марказий Осиёдаги туркий адабиётда бўлсин бир булоқдан, яъни исломий манбалардан озиқланиши турк ва ўзбек олимлари томонидан асосланган. Жаҳон адабиётшунослигида “Илк турк ислом адабиёти” деб номланадиган адабий сарчашма миллий адабиётлар тараққиёти сари XX аср бошларига Меҳмет Акиф Эрсўй ва Абдурауф Фитрат яшаб ижод қилган даврларга келиб уланади. “Сарвати фунун” ва “Миллий адабиёт” атамалари англаган адабий даврда маърифатчилик етакчи хусусият касб этганини Шиносий, Номик Камол, Зиё Пошо, Аҳмад Мидҳад [8:43-76], Холид Зиё, Меҳмет Рауф [11:76], Меҳмет Акиф, Якуб Қадрий, Зиё Кўкалп, Меҳмет Амин Юрдакул, Умар Сайфиддин, Аҳмет Ҳикмат [1:183-233] ижодларини тадқиқ этган олимларнинг қарашлари мавжуд. Чунки маърифат масаласи умумтурк адабиётида бирор давр ёки ҳудуд доирасида чекланиб қолмаган, балки миллий адабиётларнинг ўзак масалаларидан бири бўлиб келган.

XX аср бошлари маърифатчилик адабиётининг илдизлари исломий адабиётдан, турк тилидаги маърифий адабиётга бориб тақалиши баробарида унинг назарий жиҳатдан шаклланиши ва дунё миқёсида эътибор топишида Ғарб маърифатчилигининг ҳам муайян ўрни бор.

Турк олимларининг қайд этишича, Танзимот фармони “Низоми жадид” (“Янги Низом”) номи билан тарихга кирган бўлиб, унда ёзилишича, “Усмонли ҳукумати бу фармон билан ички ишларда ҳозирги ҳаётга доир фикрлар келтириб, “Мажалла” ва “Маданий қонун”, “мадраса” ва “янги мактаб”ни барпо этишга чиқарди“ [11:29]. Меҳмет Акифнинг “Сафаҳот” асарида тилга олинган “мактаб ва мадраса ислоҳоти” мана шу қонунда кўрсатилган моддаларнинг XX аср бошлари ҳаётидаги аксидир. Танзимот низомида XVIII асрдан фаол алоқага киришилган Истанбул-Париж дипломатик муносабатларининг натижаси ўлароқ Волтер, Руссо, Дидро асарларининг турк тилига ва Котиб Чалабий, Меҳмет Чалабий асарларининг франсузчага таржималари тилга олинган [11:23].

Турк-ўзбек маърифатчилик адабиёти XX аср бошларига келиб, алоҳида адабий жараён сифатида туркий адабиётлар майдонида чиқди. Ўзбек жадид адабиёти билан Танзимот ва Жумхурият даври турк адабиёти ўртасидаги қатор ўхшашликлар ҳақида фикрлар билдирилди.

Шу билан бирга XVIII асрдаги Европа, хусусан, француз маърифатчилигининг умумий ва фарқли жиҳатлари ҳақида бир неча тадқиқотлар эълон



килинди [16:8]. Маърифатпарварлик ҳаракати Ғарбий Европа мамлакатлари ичидан илк марта Францияда бўй кўрсатди. “Маърифатпарварлик” атамаси эса инглиз шоири Жон Милтоннинг “Йўқотилган жаннат” достонида кўлланди ва у феодал-подшоҳлик тартиботларига қарши Францияда амалиётга киритилди. Ғарб адабиётида ўзигача ҳукм сурган классицизм (қатъий поэтика) ва сентиментализм (ҳис-туйғу) қарашларига қарши ўлароқ майдонга чиққан маърифатпарварлик ҳаракатини Вольтер, Монтескне, Кондиляк, Ламетри, Руссо, Дидро, Бомарше, Бюффон каби адиб ва файласуфлар давом эттирдилар ва унинг бутун Европа бўйлаб кенг тарқалишига сабаб бўлдилар [15:42-44]. Айрим чекланишларга қарамай маърифатпарварлик адабиёти роман, қисса, ҳикоя, мактуб, саёҳатнома жанрлари тараққий топишига адабий замин ҳозирлади.

Француз адабиётида Волтернинг “Соддадил”, “Кандид ёки некбинлик” қиссаларида фалсафий қарашлар етакчилик қилган бўлса, Монтескенинг “Форс мактублари” эпистоляр жанрда яратилган бўлишига қарамай, юксак бадиияти билан ажралиб туради. Ж.Ж.Руссонинг “Эмил ёки тарбия”, Д.Дидронинг бадиий ижоди (“Роҳиба” романи) билан бирга унинг француз энциклопедиясини яратишдаги фаолияти, бу ишга нафақат ўз юртдошлари, балки инглиз ва олмон адиб ва олимларини ҳам жалб қилганлиги маърифатчилик адабиётида алоҳида қадрланади. Инглиз саргузашт ва рамзий романчилигининг етук намуналари Ж.Свифтнинг “Гулливвернинг саёҳатлари”, Д.Дефонинг “Робинзон Крузо” асарларининг замирида кишилик тарихида ёввойи инсоннинг маданийлашиш тарихи ва бу йўлда илм-маърифатнинг ўрни алоҳида улуғланишини кузатамиз. Германияда Лессинг, Шиллер ва Гётенинг асарлари олмон маърифатчилигининг юксак намуналари сифатида тарғиб қилинган, инсоннинг жаҳолат, зулм, шайтоний ҳислар устидан ғалабаси фақат илму фаннинг натижаси ўлароқ талқин қилинган [2:477-480].

Ғарбий Европадаги маърифатчилик оқими Усмонли давлатига французлар билан яқин маданий ҳамкорлик, дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши, Париждаги каби Ван комитетининг тузилиши ва бошқа маърифий ислохотлар орқали кириб келган ва XIX асрнинг ўрталаридаги Танзимот даври, маданий ислохотларнинг амалга оширилиши бу ҳамкорликнинг маълум маънодаги натижалари ўлароқ юзага чиқди.

Россия ҳукмронлиги остида эзилаётган туркий халқларнинг маърифатга интилиши, бир томондан, юртдаги азалий маърифат масканлари, мактабу мадрасалар, уларда адабий таълимга кенг эътибор берилиши билан бирга юртда зарур сиёсий ислохотлар ўтказилиши лозимлиги, таълим муассасаларининг ислоҳ қилиниши даврида Боғчасаройдан етишиб чиққан машхур адиб ва олим Исмоилбей Гаспирали (1851-1914)нинг алоҳида ўрни бор. Унинг “Фарангистон мактублари”, “Дору-р-роҳат мусулмонлари” (“ўзбекчада “Фароғат ўлкаси” деб эҳтиётлик билан таржима қилинган) асарларида



гарчи воқеа бевосита Онадўли ёки Туркистонда кечмаган бўлса ҳам асар қаҳрамонлари Мулла Аббос ёки бошқа муаммоли жиҳатлари билан Шарқ ислом мамлакатларида озод ва тараққий этган давлат қуриш орзуси билан суғорилган. Бу орзунинг илдизи, бир жиҳатдан, илк мусулмон Ренессансининг асосчиларидан бири Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асаридаги маърифатли инсон ғояси билан боғланса, иккинчи жиҳатдан, аввал мусулмон ўлкаси бўлган Андалусия (ҳозирги Испания ва Португалия ўрнидаги ислом давлати) ноиттифоқлик туфайли кофирлар мамлакатига айлангани надомат билан тасвирланади. Роҳат ва фароғат ўлкасининг XX аср бошларига келиб, илму маърифатдан чекиниши, қироллик тузуми орқали тараққиётдан ортда қолаётгани сабабларига ҳам асардан етарлича изоҳлар топиш мумкин [10:9]. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, И.Гаспирали асарида Фарангистон бежиз тилга олинмайди ва унинг қаҳрамони Мулла Аббоснинг характерида ёки фароғат ўлкаси тасвирида Волтернинг “Кандид ёки некбинлик” асарининг таъсирини сезмаслик мумкин эмас. Волтер ақлга мувофиқ келадиган ижтимоий тузум сифатида хаёлий Элдорадо мамлакатини олади, унингча, Элдорадо – жаннатмакон жой, мамлакат аҳолиси бой, қироли ҳам маърифатли, инсонпарвар. Бу юртда гўзал шаҳарлар, илм-фан масканлари талайгина. Аммо Элдорадога борадиган йўл тоғлар, баланд қоялар билан тўсилиб ётибди, унга бошқа юртларнинг одамлари етиша олмайдилар. Айни етишиш усули сифатида Волтер илм ва маърифатни белгилайди ва қаҳрамонига ҳам у мамлакатга эришишга йўл топиб беради. И.Гаспиралининг “Дору-р-роҳат мусулмонлари” асарида шунга яқин воқеа тасвир этилса-да, энди унда Андалус каби ислом диёри ва маърифатга эришишнинг тасаввуфий йўли кўрсатилган. Бу асарни Фитрат Истанбулдалик вақтида (1909-1914) қрим татар туркчасидан форс тилига таржима қилиши айни асарнинг XX аср бошларида Туркияда ҳам маълум ва машхур бўлганини асослайди [3:31].

Европа маърифатчилиги XVIII асрда Д.Дидро раҳбарлигида “Энциклопедия” даврига етиб келган экан, бу бир-икки илм соҳасининг даражаси эмас, балки миллатнинг маърифий даражасини белгиловчи омилдир. Шунинг учун ҳам Дидро энциклопедиясига нисбатан “бахт тўғрисидаги билимлар мажмуи” деб қаралган ва худди илк турк адабиётида “Қутадғу билиг”га нисбатан айтилганидек, “бахт келтирувчи билимлар хазинаси” айни қомус бўлиши лозимлигини турк ойдинлари англаб етганлар. Натижада XX аср бошларида Шамсиддин Сомийбекнинг “Қомуси аълам” (“Қатта қомус”) ва “Қомуси туркий” китоблари нашр этилиши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, “давр қомуси” изоҳи билан айтиладиган айрим асарлар ҳам борки, турк адабиётида улардан нисбатан дастлабкиси Меҳмет Акиф Эрсўйнинг “Сафаҳот” асари бўлди.



Европа маърифатчилигининг амалий ифодаси француз ва инглиз адабиётида бўй кўрсатгани билан маърифатчиликнинг назарий асослари Германияда яратилди. Гердернинг “Танкидий мулоҳазалар”, “Санъат фалсафаси” ва Лессингнинг “Лаокоон ёхуд шеърий санъат чегарасида”, “Гамбург драматургияси” асарларида маърифатчиликнинг бадий ифодаси, санъат асарининг моҳияти, адабий-назарий тафаккурнинг бир миллий қобик ичида яшаши мумкин эмаслиги сингари ғоялари Европа маърифатчилиги асосларини ташкил қилади. Бу ғоялар Шиллер драмалари, Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари”, “Фауст” каби оламшумул асарлари орқали дунёга чиқди. Аини мана шу адибларнинг ўзаро ёзишмаларида илк бор “жаҳон адабиёти” истилоҳи қўлланилди ва бу адабиёт Шарқ ва Ғарб, Европа ва Осиё, идеалистик ва материалистик, насроний ва исломий каби моддий фарқланишларга нисбатан инсон ва унинг маърифати тантанасини кўрсатувчи умумжаҳон адабиёти мавжудлигини тан олди.

Ғарб маърифатчилигига хос яна бир хусусиятни қайд этиш лозим. Уларда Шарқ мавзуси, айниқса, мусулмон Шарқи, Ислом уйғониши ва Шарқ мумтоз адабиётига мурожаат қилиш бошқа даврлардагига нисбатан кучли бўлди. Монтескенинг “Форс тароналари”, Волтернинг “Муҳаммад”, “Заира” қиссалари, Расиннинг “Боязид” драмаси, Гёте юқорида тилга олинган “Шарқу Ғарб девони” орқали турли жанрлар ва талқинлар воситасида Шарққа мурожаат этдилар. Уларнинг айримлари танкидий руҳ билан суғорилган, айримлари дини мубини исломнинг моҳиятини яхши англамасликлари натижасида нотўғри хулосаларга бордилар. Бироқ бу жараён XIX аср романтизм адабиётига ҳам кўчиб ўтганини Байроннинг “Шарқ дostonлари”, Виктор Гюгонинг “Шарқ мотивлари” каби асарлари мисолида кўриш мумкин. Санъатнинг тарбиявий роли, маърифий аҳамиятига урғу берилди, демократия ижодкорнинг асосий тамойилига айлантирилди. Бадий асар қаҳрамонларига нисбатан “табий одам” ғояси билан илгари сурилиб, маърифий инсонга хос ахлоқий, маънавий, ижтимоий сифатлар маърифатчилик адабиётидаги қаҳрамонлар қиёфасида ўз ифодасини топди [14:19]. Француз адабиётидаги маърифатчиликни ўзида мужассам этган В.Гюго, Д.Дефо, А.Дюма, Лессинг, Ж.Ж.Руссо асарлари турк тилига таржима этилиб, нашр қилинди [11:25]. Турк маърифатчилари янги адабиёт яратиш иштиёқида бўлгани учун Ғарбдаги бу асарлардан бебаҳра қолмади. Бу асарларни таржима этганлар ҳам мана шу миллий адабиётнинг фаол вакиллари эдилар. Аҳмад Мидхат афандининг “Қиссадан ҳисса”, “Латойифи ривоят” (1870), Эмин Ниҳатнинг “Мушоаратнома” (1873) асарларида Ғарб адабиётидаги маърифий ғоялар, “табий қаҳрамонлар” таҳлил этилди ва турк адабиётининг ҳам ғарбона жанрлар, услублар ҳисобига бойиб бориши лозимлиги уқтирилди [11:26].



Дастлаб барча туркий халқлар учун муштарак бўлган мумтоз адабиётда кейинроқ Европа маърифатчилиқ адабиётида қузатилган ва XX аср бошлари турк ҳамда ўзбек жадид адабиётига таъсирини масалаларини қузатганда, адабий алоқалар ва адабий таъсирга оид назарий манбаларга мурожаат этамиз. Мумтоз адабиётга ворислик масаласи янги турк адабиётида ҳам, ўзбек жадид адабиётида ҳам устувор йўналиш касб этишини қузатиш мумкин. Бу борада қиёсий адабиётшунослик ютуқларидан фойдаланган ҳолда, хусусан, словак олими Д.Дюришин “Адабиётни қиёсий ўрганиш назарияси” китобида ҳар бир адабиёт ўз қобиғига ўралиб якка ҳолда тараққий эта олмаслигини улар учун умумий бўлган адабий назариялар парадигмасини яратиш лозимлигини уқтириб ўтганди [7:25-31]. Олим китобида “Ички алоқалар” номли махсус боб келтириб, унда бевосита ва билвосита таъсирланиш ҳоллари мавжудлигини ажратиб кўрсатади. Бевосита таъсирланишда икки объект: таъсир қилувчи ва таъсирланувчи иштирок этиши мумкин; билвосита таъсирда учинчи объектга эҳтиёж туғилади ва бу объект биринчи ва иккинчи объектларни боғловчи вазифасини бажаради [5:118-119]. Адабий таъсир назариясида ижодкорлараро муносабат бевосита амалга ошиши мумкин (буни Д.Дюришин “генетик алоқадорлик” деб атаган), даврлараро муносабатда эса бевосита таъсирдан ташқари, “таъсир этувчи” ва “таъсирланувчи” ўртасида учинчи объект орттирилиши мумкин экан [6:6-10].

Биз ўзбек жадид адабиётининг Европа маърифатчилиқ адабиётидан таъсирланишини мана шу каби турк адабиёти воситасида амалга оширилганини қузатамиз. Бундан ташқари, айрим улуғ даҳолар тажрибалари, уларнинг ижодий тамойиллари бир миллат ёки минтақа ва адабий муҳит худудидан тошиб чиқиб, бутун дунё маданиятига ўз таъсирини ўтказиши ҳам мумкин. Бу ходисани биз айни Меҳмед Акиф Эрсўй ва Абдурауф Фитрат ижодий меросида қузатамиз. Ушбу анъана ва адабий таъсирнинг адабиётлараро кесимида ўрганилиши лозим бўлган масалалардан бири бўлиб, адабий анъана ва ворислик муаммосини ўрганишда кўпроқ олимлар туркий адабиётларнинг ўзаро муносабатида иш кўрадилар.

Румин олими А.Диманинг “Қиёсий адабиётшунослик тамойиллари” [4] тадқиқотида таъсир ва ўзаро таъсирланиш масалалари жаҳон компаративистикаси нуқтаи назаридан таҳлил этилган бўлиб, муаллиф назарида типологик ўхшашликлар ва миллий адабиётлар ўзига хослиги адабиётларнинг қиёсий таҳлили орқали юзага келади. Адабиётлар қиёсланаётганда “европацентризм”ни асос қилиб олиб, бир адабиётни “таъсир этувчи”, иккинчисини эса “таъсирланувчи” деб кўрсатиб бўлмайди. Таъсирланиш жараёни миллий адабиётларнинг ички контекстида кечади. А.Диманинг қарашларини таҳлил этган проф. В.Кулешов бу жараёнда Яқин Шарқ мамлакатлари ва Осиё адабиётини фақат “таъсирланувчи” деб кўрсатиш хато саналишини ёзади. Масалан, биз Еваропа адабиётларини форс ёки араб адабиёти билан қиёслар



эканмиз, бу адабиётларнинг ўзига хос заминда тараққий этганини ва ўзининг минг йиллик анъаналари борлигини унутмаслигимиз керак. Ана шундагина қиёсланиш жараёни холис кечади ва бир адабиётнинг иккинчиси устидан “юқори”лиги эмас, балки муайян жараёнда улардаги умумий ўхшашликлар борлигини кузатамиз. Бунинг натижасида эса бир томонлама таъсирланиш эмас, балки ўзаро ижодий мулоқот таҳлил объектига айланади [13:10].

Ҳақиқатан ҳам ушбу қарашларни тадқиқотнинг назарий асослари сифатида белгилар эканмиз, Меҳмед Акиф Эрсўй таъсири орқали Фитратда маърифий қарашлар шаклланди, деган қарашдан йироқмиз. Абдурауф Фитрат Истанбулга келиб Меҳмед Акиф билан учрашгунга қадар унинг маърифий қарашлари шаклланган, “Сайҳа”, “Мунозара” асарлари гарчи Истанбулда нашр этилган бўлса ҳам улар Фитратнинг Бухородалиқ даврида форс тилида яратилган, фақат Истанбулдаги эркин муҳитда бу асарларни чоп этиш учун имконият туғилган.

Худди шу каби акад. Н.Каримов олмон олимаси Зигрид Клейнмихелнинг “Алишер Навоий ва Аҳмад Пошшо” тадқиқоти хусусида тўхталар экан, “шу вақтга қадар XX аср туркий халқлар адабиёти, шу жумладан, ўзбек адабиёти ва фолклори билан шуғулланиб келгани учун унинг Навоий ижодига қизиқиши ва айниқса, ўзбек адабиётшуносларига номаълум бўлиб келган ўзбек-турк адабий алоқалари тарихини муҳим бир саҳифасини ёритиб бериши камина учун кутилмаган янгилик бўлди”, деб ёзади [12:18,23].

Алишер Навоий ижоди барча туркий халқлар адабиёти учун маҳорат мактаби саналгани каби ўзбек жадид адиблари ҳам XX аср бошларида турк адабиётига юзландилар. Бу даврда Истанбул барча туркий халқлар ва адабиётларни ўзида бирлаштирган, янги тараққийпарвар ғояларни илгари сурувчи бир илмий-маърифий бошкент вазифасини бажарди. Айни шу заминда туркчиликнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий асосларини ишлаб чиққан Зиё Кўкалпнинг “Туркчиликнинг асослари” дастурий қўлланмаси яратилди [9]. Ислохотчилик ғоялари ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олгани каби диний соҳада ҳам Жамолиддин Афғоний, Муҳаммад Абду каби ислохотчилар ғоялари майдонга чиқди. Фитрат Истанбул университетининг талабаси ўлароқ мана шу каби ислохотларнинг ичида яшади, Меҳмет Акиф сингари улуғ адиблар билан танишди, улар асос солган нашрларда қатнашди. Илк асарларини форс тилида ёзиб, муайян доирадагина Ҳожи Абдурауф номи билан танилган адиб, Истанбул фаолиятдан сўнг туркий дунёнинг пешқадам адибларидан бири бўлган Абдурауф Фитратга айланди. Туркистон маърифатчилари олдида турган энг муҳим масала эски тартибларни бартараф этиш ва янги ижтимоий-иқтисодий тузум ўрнатиши учун йўл очиш эканлигини Фитрат Истанбул мисолида англаб етди.



МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК //
 ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ И ТЕКСТОЛОГИЯ //
 SOURCE STUDY AND TEXTOLOGY

АЛИМОВА РАХИМА

Тарих фанлари номзоди, доцент, ТДШУ

Туркистон генерал-губернаторлигидан Кошғарга жўнатилган савдо карвони хусусида (архив ҳужжатлари мисолида)

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Миллий архиви тарихий фондидида сақланаётган Туркистон генерал-губернаторлигининг Шарқий Туркистон шаҳарлари – Кошғар, Ёркенд ва Хўтон билан савдо алоқаларига доир қимматли маълумотлар, Ака-ука Биковскийлар савдо уйининг ишончли вакили Василий Никитиннинг савдо карвони билан Қўқон хонлиги ва Терак-довони орқали Кошғарга ва у ердан Ёркенд ҳамда Хўтанга бориб қайтганлиги билан боғлиқ жараёнлар, Кошғар бозорларида сотилаётган хориж давлатлари, хусусан, Россиянинг завод ва фабрикаларида тайёрланган товарлар ва уларнинг турлари, нарх-наволари тўғрисидаги статистик кўрсаткичлар ҳар томонлама ўрганилади ва таҳлил қилинади.

Kalit so'zlar: Кошғар, Ёркенд, Хўтон, Василий Никитин, Россия, элчилик, манзиллар, Ёқуббек, Терак йўли, Терак-Довон, Олой йўли, Кошғар бозори, Лондон компаниялари, Рус товарлари,

Аннотация: Статья посвящена всестороннему изучению сведения о посольствах и торговых связях Туркестанского генерал-губернатора с городами Восточного Туркестана – Кашгаром, Яркендом и Хотаном, которые хранятся в историческом фонде Национального архива Узбекистана, рассматриваются отчет доверенного торгового дома Быковских, Василия Никитина, о движении его с караваном через Кокандское ханство и Терек-Даванский перевал в Кашгар и о поездке оттуда через Яркенд в Хотан, анализируются статистические показатели торговых отношений в Кашгаре, сведения о разнообразных товарах, также о ценах и сортах товаров зарубежных и Российских фабрик.

Ключевые слова: Кашгар, Яркенд, Хотан, Василий Никитин, Россия, посольство, местность, Якуббек, Терекская дорога, Терек-Даван, Алайская дорога, Кашгарский рынок, компании Лондон, русские товары.

Abstract: The article is devoted to a comprehensive study of information about the embassies and trade relations of the Turkestan Governor General with Kashgar, Yarkand and Khotan which are stored in the historical fund of the National Archives of Uzbekistan, the report of the trusted trading house of the Bykovskys, Vasily Nikitin, on his movement with a caravan through the Kokand Khanate and the Terek-Davan pass to Kashgar and about a trip from there through Yarkand to Khotan, analyzes the statistical indicators of trade relations in Kashgar, information about various goods, as well as about prices and varieties of goods of foreign and Russian factories.



Keywords: *Kashgar, Yarkend, Xotan, Vasily Nikitin, Russia, embassy, area, Yakubbek, Terek road, Terek-Davan, Alai road, Kashgar market, London companies, Russian goods.*

Шарқий Туркистон Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк ипак йўлидаги муҳим худуд бўлганлиги туфайли доим йирик давлатларнинг эътиборини тортиб келган. Шу нуқтаи назардан Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олинган худудларида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топган дастлабки даврларданок, у Шарқий Туркистоннинг йирик шаҳарлари - Кошғар, Ёркенд, Хўтан билан элчилик ва савдо алоқаларини олиб боришга ҳаракат қилган. Дипломатик ва савдо-сотик муносабатлари тарихига оид айрим муҳим маълумотлар Ўзбекистон Миллий архиви фондларида сақланмоқда. Ўзбекистон Миллий архиви тарихий фондлари ҳужжатлари орасида Кошғар билан элчилик алоқалари тўғрисида ёзишмалар йиғма жилдлари мавжуд. Айниқса, улар орасида XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Кошғардан Тошкентга келган ёки Тошкентдан Кошғарга жўнатилган элчиликлар билан боғлиқ ёзишмалар ўрин олган¹.

Архив ҳужжатлар орасида 1875 йилда Ёқубхон²нинг Одессадан Тошкент орқали Кошғарга товарлар билан жўнатилган Кошғар элчилиги³, 1875 йилдаги Ака-ука Биковскийлар савдо уйининг ишончли вакили Василий Никитиннинг савдо карвони билан Қўқон хонлиги ва Терак довони орқали Кошғарга, у ердан Ёркенд ва Хўтанга бориб қайтганлиги билан боғлиқ ҳужжатларда қимматли маълумотлар ўрин олган. Мазкур савдогарнинг ҳисоботидан ўрин олган Қўқон ва Кошғар оралиғидаги манзиллар ва масофалар, Кошғар, Ёркенд ва Хўтон шаҳарларидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, савдо-сотик муносабатлари билан боғлиқ хабарлар катта аҳамиятга эга. Маслаҳатчи

¹ 1-фонд, 19-рўйхат, 237-иш; 1-фонд, 19-рўйхат, 366-иш; 1-фонд, 20-рўйхат, 8210-иш; 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш; 17-фонд, 1-рўйхат, 487-иш; 17-фонд, 1-рўйхат, 9985-иш; 17-фонд, 1-рўйхат, 10019-иш.

² Ёқубхон - асли исми Муҳаммад Ёқуббек (халқ орасидаги лақаби – Бодавлат, Оталиқ ғозий) Қўқон хонлигининг ҳарбий ва давлат арбоби, 1865-1877 йилларда Еттишаҳар давлатининг ҳукмдори бўлган. 1864 йилда Шарқий Туркистонда Манжур империясининг зулмига қарши мустақиллик учун курашлар натижасида бу ерда бешта хонлик (Или, Кошғар, Хўтон, Кучор, Урумчи) юзага келади. Шундай вазиятда Қўқон хонлигига қарашли бўлган Кошғар тарафдан муҳим хабар келади, бу ерда хитой-манжур босқинчиларига қарши кураш олиб бориш ва Қўқон хонлиги худудларини сақлаб қолиш зарурати туғилади. Натижада 1865 йилда Ёқуббек бу давлатга ворис бўлган Бузрукхўжага қушбеги қилиб тайинланиб, Кошғарга юборилган. У Бузрукхўжанинг давлат ишларига қобилятсизлигидан фойдаланиб, ҳокимиятни ўз қўлига олган. Ёқуббек дастлаб Бузрукхўжа ва бошқа хўжалар номидан иш юргизиб, 4 хонликни (Кошғар, Хўтан, Кучор, Урумчи хонликларини) бирлаштириб, Еттишаҳар давлатини тузган. Или султонлигини 1871 йилда руслар босиб олган. Хитой Шарқий Туркистондаги ички зиддиятлардан фойдаланиб, 1878 йилда Еттишаҳар давлатини тугатган². Шундай қилиб, 1759 йилда Шарқий Туркистонда ўрнатилган Хитой ҳукмронлиги 1878 йилда қайтадан тикланган.

³ 1-фонд, 20-рўйхат, 8210-иш.



Вейнбергнинг 1875 йил 27 ноябрдаги 251-сонли билдиришномасида Ака-ука Биковскийлар савдо уйининг ишончли вакили Василий Никитиннинг Туркистон генерал-губернаторлигининг биринчи марта ўз савдо карвонини Хўтанга жўнатиш, шу билан Шарқий Туркистоннинг узоқ ва номаълум жойларида рус савдоси учун йўл очиш вазифасини муваффақиятли ва сидқидилдан бажарганлиги учун уни тақдирлаш таклифи киритилган эди¹. Василий Никитин маслаҳатчи Аркадий Аркадьевич Вейнберг номига ёзган 1875 йил 21 ноябрдаги хатида шу йили март ойида Тошкентдан карвон билан Қўқон хонлиги ҳудудлари орқали Кошғарга бориб қайтиш бўйича унга берилган кўрсатмасига асосан Ёқуббекнинг қўл остидаги ҳудудларда, хусусан Кошғар, Хўтан ва бошқа жойларда яшовчи аҳоли билан танишиши, ҳудудларнинг машҳур кишилари, ташқи савдо муносабатларининг аҳволи ҳамда аҳоли ҳўжалиги бўйича маълумотлар тўплаши маълум қилинган эди².

“Е.Биковский ўғиллари билан” савдо фирмасининг ишончли кишиси Василий Никитьевич Никитиннинг Туркистон генерал-губернатори вазифасини бажарувчиси Генерал-лейтенант Герасим Алексеевич Колпаковский номига ёзган хатидаги маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкин-ки, у савдо карвони билан 1875 йилнинг 10 мартада Ўш шаҳридан Кошғарга жўнаганлиги аён бўлади. Василий Никитиннинг хабарига кўра, Қўқон хонлигининг охириги чегараси ҳисобланган Терак Қоровули деб аталган жойда, Терак доवони яқинида қирғизларнинг сартар уруғи кўчманчилик билан яшаганлиги айtilган³. Сартар қирғиз уруғи ўзбошимчалиги ва Қўқон хонига бўйсунмаганлиги эътироф қилинган. Василий Никитин Ўшдан Кошғаргача ҳар бир отга 9 пуддан товар ортилган 60 та отда карвон билан йўлга чиққан⁴.

Шу даврда Қўқонни Кошғар билан боғлайдиган иккита карвон йўли бўлган. Бири Терак довони⁵ орқали, иккинчиси Олой йўли орқали борадиган йўл. В.Никитин 1875 йил 30 мартда Терак тоғ тизмалари орқали ўтадиган Терак довони карвон йўли билан Бодавлат Ёқуббекка қарашли Кошғарга етиб борган. Бу йўл йилда бир марта юриш учун қулай бўлган. Февралнинг ўрталаридан то 1 апрелга қадар тоғлардаги қорлар ҳали эриб улгурмаганлиги боис йилнинг шу даврида Кошғарга борса, ёки Кошғардан Ўшга келса, карвон талофотсиз ўз мақсадига эришиши баён қилинган. Шунинг учун Қўқон хони ва Кошғар ҳукмдори ўзининг савдогарларига йилда бир

¹ 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. 1-1 об.-варақлар.

² 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. –2-2 об.-варақлар.

³ 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. –3-варақ.

⁴ 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. –3 об.-варақ.

⁵ Терак довони баланд бўлиб, доимо, ҳатто ёзда ҳам қор бўронлари бўлиб туради. - Қаранг: Ч.Ч.Валиханов. Маршрут из Кашгара в Ташкент Казанского татарини Измаила Абдулметжитова в 1859 году. // Ч.Ч.Валиханов. Собрание сочинений в пяти томах. Т. 3. Алма-Ата, 1984. – С. 260.



марта савдо карвонлари билан шу йўлдан юришга рухсат берган. Ч.Ч.Валихоновнинг ёзишига кўра, Кошғардан Қўқонгача масофа 400 верстни ташкил қилиб, у ерда алоқа ҳеч қачон тўхтамайди¹. Кошғарга борадиган иккинчи йўл Олой йўли деб аталган. Олой йўли тоғ тизмаларининг юқори қисми орқали ўтган йўл бўлиб, 1 майдан юриш учун қулай бўлган. Бу пайтда тоғнинг чўққи қисмларида қор эриган бўлиб, қатнов анча қулай бўлган, чорва учун ўтлоқлар емишга тўла бўлиб, бу ерларда Қўқон хонлигига қарашли қирғизлар яшаган². Улар қиш бошланишида қишлаш учун биринчи карвон йўлидаги дарага кўчиб ўтадилар ва у ерда Олой йўли очилгинга қадар, ёзгача яшайдилар.

Шуни таъкидлаш лозим-ки, Терак довони Хитой билан Ўрта Осиё ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган³.

Савдогарнинг ёзишига кўра, йўлга чиққан карвон Ўшдан то Кошғаргача Терак довони орқали 12 мартдан то 30 мартгача 17 кун йўл юрган. Ч.Ч.Валихоновнинг ёзишига кўра, Терак йўли орқали Қўқондан Ўш орқали Кошғаргача 18 кунлик йўл бўлган⁴. В.Никитин Ўшдан чиққандаги йўлда учраган 1-манзил Мади (Моду) деб аталган. Бу ерда Қўқон қоровули бўлиб, бу масофа 11,5 тош⁵ келган, йўл бутунлай текис ва қумли, суви яхши, ичимли бўлган. В.Никитин карвон йўлидаги 15 та манзил номлари (Мади, Калаванқул, Қоплонбек, Фулжа, Қўрғон, Сўфи ёки Мусулмон Қоровули, Зира, Катта Куночо, Қўк-сув, Икизай, Зигин, Уксалур (Оқсалур), Минзюл, Кошғар), улар оралиғидаги масофалар, шу жойларнинг ҳудудий ҳолатлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар беришга эътибор қаратган. Эслатиб ўтиш керак-ки, В.Никитин 13-манзил Уксалур тўғрисида ёзиб, йўлнинг юмшоқлиги, у ерда бек, закотчи ва 400 та дунганлик солдатлар турганлиги ҳақида маълумот беради. Ч.Ч.Валихонов “Уксалур”ни “Оқсалур” шаклида ишлатади. Бу йўл тоғли жойлардан ўтади, Оқсалур катта дарё бўлиб, қирғоқлари қуюқ ўрмон билан қопланган, хашак сероб ва яхши. Бу ерда қирғизларнинг чўнбағиш қабиласи кўчиб юради дейилади⁶.

В.Никитин йўлида учраган ҳамма нарсаларга эътибор билан қараган. Кошғар тўғрисида ёзар экан, шаҳар атрофи уч дарвозали баланд девор билан

¹ Ч.Ч.Валиханов. Об устройстве фактории в Кашгаре и о дорогах в Кашгар //

Ч.Ч.Валиханов. Собрание сочинений в пяти томах. Т. 3. Алма-Ата, 1984. – С. 297.

² 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 3 об.-варак

³ Ш.Қўлдошев. Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон: сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар. – Тошкент, “Akademnashr”, 2021. – В. 65.

⁴ Чокан Валиханов. О состоянии Алтышара, или Шести восточных городов китайской провинции китайской провинции Нан-лу (Малой Бухарии), 1857-1859 годах // Чокан Валиханов. Избранные произведения. – М.: Наука, 1987. – С. 114.

⁵ Тош – 1 тош 8 верста тўғри келади. 1 верст – 1,0668 кмга тенг (Бу масофа ўлчов бирлиги аҳоли яшайдиган пунктлар орасидаги масофани аниқлаш учун ишлатилган).

⁶ Ч.Ч.Валиханов. Маршрут из Кашгара в Ташкент Казанского татарини Измаила Абдулметжитова в 1859 году. // Ч.Ч.Валиханов. Собрание сочинений в пяти томах. Т. 3. Алма-Ата, 1984. – С. 257.



ўраб олинганлиги, уни Бодавлат Якуббекнинг сиёсий амалдори ва савдогар Мир Қосимбой Салихўжаев кутиб олганлигини баён қилган. Мир Қосимбой Салихўжаев Тошкентга бир неча марта элчилик таркибида келиб кетган. У билан Ёркенд саройи ва Илчи Саройга боришган. Илчи Сарой пишиқ ғиштдан қурилган, ҳамма шароитларга эга¹.

Ёкуббек Кошғардан 8 верст² узоқликда жойлашган ўз қароргоҳида В.Никитинни қабул қилган. Савдогарнинг илтимоси билан унинг Хўтан ва Ёркендга боришига ва эркин савдо қилишига рухсат берилган. У ўша вақтда Кошғарда бўлган чет эллик савдогарлар Соип ва Лондон компаниялари билан Хўтанга борган. В.Никитин чет элликларнинг товарлари тўғрисида берган маълумотларига кўра, уларнинг хилма-хил гулли ва қирмизи рангли, аммо ювилганда ранги ўчадиган читлари, кўк чой, дока (оқ кисея), шакар, обакидандон, бир стволли 350 та қурол ва бир нечта тўппонча, жами 304 минг кумуш рублик моллари 650 отга юкланган³. Николай у ерда кўқонлик савдогарни учратган, у товарларнинг сифатига қарамасдан 30 минг червонга⁴ молларни сотиб олганлигини маълум қилади. Товарларнинг нарх-наволари хусусида қип-қизил читнинг 1 аршини⁵ $2\frac{1}{2}$ танга, кўк чой 15 танга (1 танга 15 коп.), шакар 5 червонга баҳоланган. Хорижлик савдогарлар Кошғарда бу товарлар нархларининг баландлиги, читлар ранги ўчиб кетадиган энг сифатсиз матолар бўлганлиги туфайли, уларни сота олмаганлигини хабар қилган. Кўқонликлар ҳам бу товарларни сотиб олмаган, шунинг учун Кошғар бозорларида бу фаранги читлар тўғрисида хунук хабарлар тарқалган дейди. Шунинг учун улар бундай сифатсиз читларни сотиб олмайди ва Россия читлари эса ўнгмайдиган, арзон бўлганлиги учун, уларни сотиб олади, дейди⁶. Шу ўринда Ч.Валихоновнинг маълумотларини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Унинг ёзишига кўра, Кошғарга Европа маҳсулотлари, масалан тиник қизил, алвон рангли швейцария читлари, франция ва англия читлари, инглиз ва америка коленкорлари Бухоро орқали келтирилган. Бу товарларнинг Кошғарда сотилаётган нархлари тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган. Хусусан, Швейцарияда ишлаб чиқилган читлар 22 ярдаси 6 золотихга сотилган, Манчестер фабрикаларида тўқилган инглиз читлари 28 ярда узунликда 14 $\frac{1}{2}$

¹ 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 6-6 об.-варақлар.

² верст - 1 верст 1,0668 км.га тенг, 8 верст 8,534 км.га тенг.

³ 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 8 об.-9 - варақлар.

⁴ Червон - Россиянинг тилло тангаси. Дастлаб бу танга тахминан 3,3—3,5 грамм тиллога тенг бўлган. Шу ўринда Ч.Ч.Валихонов асарига эътибор қилинса, Шарқий Туркистонда савдо-сотик ишларида мис тангалар билагн бирга кўқон ва бухоро червонлари ҳам қўлланилган. Чокан Валиханов. О состоянии Алтышара, или Шести восточных городов китайской провинции китайской провинции Нан-лу (Малой Бухарии), 1857-1859 годах // Чокан Валиханов. Избранные произведения. – М.: Наука, 1987. – С. 224.

⁵ Аршин - қадимги узунлик ўлчов бирлиги; ўлчами 65,2 смдан 112 смгача тенг бўлган.

⁶ 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 9-9 об. - варақлар.



вершкаси 1 ½ золотихга сотилган¹. Шундан кўриниб турибдики, Ёқуббек узок мамлакатлардан сифатсиз ва қиммат товарларни олишни хохламаган. В.Никитиннинг айтишига қараганда, бу ердан ўтган йили Афғонистонлик савдогарлар керакли товарлар ва рус мануфактура товарларидан намуна олиб кетган, аммо йўл яхши эмаслиги сабабли хануз улардан хабар йўқлигини ёзган. Ўтган йили Афғон элчилари Ёқуббек вилоятининг ҳамма шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиқиб, йўлда жойларнинг топографик харитасини чизиб олган. Улар Афғонистондан Хўтанга борадиган бошқа йўл бормикан деб, Қоратокқача айланиб чиққан. Аммо, ҳеч нарсани аниқлай олмай Ёркенд орқали олдинги Тибет йўли билан қайтиб кетган.

Ҳужжатларда Кошғар бозоридаги савдо-сотик жараёнлари, бозор нархлари Қўқон ҳудудларидан товарлар кам келаётганлиги сабабли икки баробарга ошиб кетганлигини маълум қилади. Бу эса Россиянинг Қўқон хонлиги ҳудудлари учун олиб борган ҳарбий ҳаракатларининг оқибатидир. Ҳужжатда Кошғар бозорида Россиянинг Гречина, Щудров, Непалков, Кокушкин ва Каретников фабрикаларида тўқилган матоларнинг турлари, нархлари, матонинг эни, сифати тўғрисида маълумотлар берилган. Ўша даврда Кошғарга чит матолари келтириб сотилган. Читлардан кўпроқ қизил ранглиси талабгор бўлиб, бир бўлак чит (42 аршин) 40-43 червонга сотилган. Бир бўлак ёки замонавий тилда бир тўп чит 42 аршинга тенг бўлган. Третьяков ва бошқа фабрикаларнинг 1-навли читлари 50 дан 55 червонгача нархланган. Коновалов фабрикасида тўқилган оқ миткал хом сурпи, Баранов фабрикасининг юпка бўзлари ва қирмизи рўмоллари, Морозов фабрикасининг матолари, кошенил қизил бўёғи, маржон, марваридлар, Ремезов ва Осипов фабрикаларида тўқилган қора ва қизил мовутлар, чўян қозонлар, чинни пиёла, симоб, гугурт ва бошқа товарлар, уларнинг нархлари билан боғлиқ статистик маълумотлар тўлиқ ёритилган².

Ёркенд бозорларида савдо қилаётган хориж савдогарлари, хусусан, Лондоннинг савдо компаниялари ва уларнинг товарлари тўғрисидаги маълумотлари эътироф қилинган³. Унинг келтирган далилларига асосланиб айтиш мумкинки, XIX асрнинг 70-йилларида Ёркендда хориж давлатларидан Афғонистон, Россия ва Англия савдо компаниялари ҳам фаолият олиб борган.

В.Никитиннинг ҳисоботлари статистик маълумотларга бойлиги билан ўқувчилар эътиборини тортади. У Кошғардан Хўтангача масофа 39 тош, яъни 312 верст, йўл асосан қумли бўлганлигини маълум қилган. Бундан ташқари Хўтандаги олтин конлари, бир йилда 1.100.000 қумуш рублик 1000 дона ёмби ковлаб олиними, 1 млн. рублик ипак тўқилиши ва кўплаб

¹ Чокан Валиханов. О состоянии Алтышара, или Шести восточных городов китайской провинции китайской провинции Нан-лу (Малой Бухарии), 1857-1859 годах // Чокан Валиханов. Избранные произведения. – М.: Наука, 1987. – С. 214.

² 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 12-12 об. - варақлар.

³ 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 8 об. - варақ.



кимматбаҳо тошлар ковлаб олиниши тўғрисидаги маълумотлари Хўтаннинг ер ости бойликларга ниҳоятда бой эканлигидан далолат беради. Статистик маълумотлар орасида Кошғардаги пул бирликлари, уларнинг қиймати билан боғлиқ хабарлари ҳам диққатга сазавордир¹.

Хўтон аҳолиси жуда меҳнаткаш бўлиб, ғаллачилик билан шуғулланган, турли навли матолар тўқиган, бир йилда 10 минг пудгача ипак етиштирган, ипак ва яримипак матолар тўқиган, бу йилдан бошлаб шойи, дарул ва бекасам тўқилиб бозорларда сотилган. Чорвачиликда қўйчиликка алоҳида аҳамият берилган, улар қўй жунгидан кийгиз тайёрлаб, Қўқонга экспорт қилган. Гилам, каноп қошлар тўқишган. Хўтанда пайшанба куни катта бозор, жума куни кичикроқ бозор бўлган². Хўтан бозорида маҳаллий товарлар – мато, ярим ипак мишура матолари, хом ипак, қўйлар, эшак, қўй гўшти, қўй ёғи, буғдой уни, арпа ва бошқа товарлар сотилган³.

Ҳисоботнинг аксарият қисмини Кошғар бозоридаги Россиянинг хилма-хил товарлари, хусусан, матолари, матоларнинг ранглари, уларнинг сифати, нархлари билан боғлиқ маълумотлар ташкил қилади⁴. Савдогарнинг Кошғар бозоридаги Қўқон ҳудудлари орқали келтирилган Россия товарлари билан бўладиган савдо муносабатларига алоҳида урғу бериб ёритиши табиий ҳол эди. Василий Никитиннинг ҳисоботида Россиянинг Кошғар билан савдо алоқаларини ўрнатишдан манфаатдорлик ҳисси яққол кўзга ташланади. Шунинг учун Третьяков, Коновалов, Морозова, Овсянникова, Салтыков ва Шереметевлар, Шинкова ва бошқа фабрикаларнинг товарлари, уларнинг сифати ва нархлари тўғрисида келтирилган маълумотлари келажакда амалга ошириладиган савдо-сотик ишларини ривожлантиришга хизмат қилиши назарда тутилган эди⁵. Кўриб ўтганимиздек, Россия давлати Қўқон хонлигини босиб олгандан сўнг, унинг таркибида бўлган Кошғарда ҳам Россия савдосини йўлга қўйиш мақсади йўлида ҳаракат қилган кўринади.

Василий Никитин икки ой Хўтанда бўлиб, Россия эҳтиёжларига мос келадиган товарларни сотиб олган, хусусан, қўй момиғи, оқ қўй жуни. Унинг ёзишига кўра, бу товарларни Россияга ҳеч ким олиб боришни ўйлаб ҳам кўрмаган экан. Яхши жунларга Россия аҳолисининг эҳтиёжи жуда катта бўлган. Василий Никитин ўзи билан бирга бир йилда икки марта болалайдиган 13 дона йирик оқ қўй, 3 та тибетнинг кичик отларини олиб кетган⁶. У Хотандан Кошғарга келиб, сотиб олган товарларини отларга

¹ 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 8 об.-10 об.- варақлар.

² 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 19 об. - варақ.

³ 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 19 об.-20 - варақлар.

⁴ 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 11-12- варақлар.

⁵ 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 12- варақ.

⁶ 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 20 об. - варақ.



юклаб Россияга жўнатган. Ўзи эса, Норин ва Тўқмоқ орқали 11 сутка юриб, Тошкентга қайтиб келган¹.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Миллий архиви фондларида сақланаётган Туркистон генерал-губернаторлигининг Кошғар билан элчилик ва савдо алоқаларига доир қимматли архив ҳужжатлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Кошғар шаҳридаги хориж товарлари билан савдо-сотик муносабатлари, бозорлардаги товарлар ва уларнинг турлари, нарх-наволари тўғрисидаги маълумотлари эса ташқи иқтисодий муносабатлар масаласини ёритишда алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, Кошғар бозоридаги Россия фабрикаларида тайёрланган хилма-хил товарлар, матолар, матоларнинг ранглари, уларнинг сифати, нархлари билан боғлиқ маълумотлари ўша даврда Кошғарни Россия ўз манфаатлари доирасида синчиклаб, алоҳида деталларигача аҳамият бериб ўрганганлигидан далолат беради.

АРИПОВА ЗУҲРА

тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Ўрта аср Миср хотин-қизларининг ижтимоий ҳаёти

Аннотация. Ушбу мақолада Мисрда мамлуклар ҳукмронлиги даврида (1250-1517) аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, уларнинг мамлук султонларига таъсири ва мамлуклар давлатининг вужудга келишига ўзига хос сабаб бўлиши – Миср маликаси Шажара ад-дур ҳақидаги маълумотлар тадқиқ этилган.

Маълумки, 1250 йилда Султон Туроншоҳнинг ўлиmidан сўнг, Мисрнинг эътиборли кишилари тахтга Шажарат ад-дурни лозим кўрадилар. У 80 кун давомида Мисрни бошқарган. Ислом давлатларида “ҳукмдор аёл киши бўлиши мумкин эмас” – деган қараш бор. Сарой мулозимлари унинг ҳукмронлигига қарши бош кўтара бошлаганлигини сезгач, у бош кўмондон Ойбекка турмушга чиқади. Му‘из ад-дин Ойбек ат-Туркманий 1250 йилда тахтга ўтиргач, энди бевосита мамлуклар бошқаруви даври бошланган. Аёллар мамлук султонлари қасрида улуғланган ва уларни “хотин” деб аташган. Аёллар эркаклар каби суфий тариқатларга эргашиганлар. Султон Хушқадамнинг хотини Хунд Шакарбой бадавия тариқатининг ҳомийси сифатида танилган. Ўша давр ёзувчилари ўз асарларида аёлларни васф этишган. Аёллар асосан бозорда харид қилиши, тўй маросимларида қатнашиши учунгина кўчага чиқшиган.

Мақолада Мисрда мамлуклар ҳукмронлиги даврида аёлларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, диний ҳақ-ҳуқуқлари, уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли экани таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: Миср, мамлук, султон, баҳрий, буржий, тарих, аёл, қиз.

Аннотация. Эта статья содержит информацию о роли женщин в общественной жизни во время правления мамлюков в Египте (1250-1517), их влиянии на мамлюкских султанов и царицу Египта Шаджара ад-дур, которая и способствовала созданию

¹ 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 20 об. - варақ.



государства мамлюков. Статья основана на трудах ряда средневековых арабских историков. Известно, что в исламских странах существует мнение, что женщина не может править государством. После смерти султана Тураншаха в 1250 году видные люди Египта увидели необходимость в возведении Шаджарат-ад-дур на престол. Она правила Египтом в течение 80 дней. Когда она поняла, что придворные начинают бунтовать против её правления, она вышла замуж за главнокомандующего Ойбека. И когда в том же 1250 году на трон возшел Муад ад-Дин Ойбек ат-Туркмани, начался период прямого правления мамлюков. Во дворцах мамлюкских султанов женщины прославляли и называли «хотун». Женщины в тот период были последователями суфийских сект наравне с мужчинами. Хунд Шакарбой, жена султана Хушкадама, известна как покровитель секты бедавия. Писатели того периода описывали женщин в своих произведениях. Женщины проводили свое время в основном за стенами своих жилищ и выходили за пределы дома в основном за покупками на рынок и на свадьбы.

Ключевые слова: Египет, мамлюк, султан, бахриты, бурджиты история, женщина, девушка.

Abstract. This article contains information on the role of women in public life during the reign of the Mamluks in Egypt (1250-1517), their influence on the Mamluk sultans, and Queen of Egypt Shajaratu-d-dur, which contributed to the creation of the Mamluk state. The article is based on the works of many medieval Arab historians. It is known that in Islamic countries there is an opinion that a woman cannot rule the state. After the death of Sultan Turanshah in 1250, prominent people of Egypt saw the need for the ascension of Shajaratu-d-dur to the throne. She ruled Egypt for 80 days. When she realized that the courtiers were beginning to rebel against her rule, she married commander-in-chief Oybek. And when Muad ad-Din Oybek al-Turkmani ascended the throne, the period of direct rule of the Mamluks began. In the palaces of the Mamluk sultans, women were glorified and called "hotun". Women at that time were followers of Sufi sects along with men. Hund Shakarboy, the wife of the Sultan of Hushkadam, was known as the patron of the Badavia sect. Writers of that period described women in their works. Women spent their time mainly in their homes and went outside mainly for shopping at the market and for weddings.

Keywords: Egypt, mamluk, sultan, fringes, Burjits, history, woman, girl.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, шубҳасиз, оиланинг, оилада эса аёлнинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари, биринчи галда, оила даврасида, она тарбияси билан шаклланади. Миср ижтимоий, сиёсий тарихида аёлларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг оилага бўлган муносабати, ижтимоий ҳаётдаги ролини ўрганиш муҳим омиллардан биридир. Лекин баъзи маълумотларга кўра, ўзга юртларда ҳукмронлик қилган хоразмлик деб, эътироф этиладиган аёллардан бири Шажара ад-Дур бўлиб, келиб чиқиши тўғрисида тахминлар кўп, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси Туркон-хотун саройида тарбия олганлиги, мўғуллар истеълоси даврида оиласи билан қочганда йўлларда дарбадарликда қолиб кетиб, чўрига айланганлиги тўғрисида араб тарихчиларининг



тахмини бор¹. Ўрта аср тарихчиси ал-Мақризий томонидан Шажара ад-Дурнинг туркийлардан бўлганини, у Султон Солиҳ Айюб томонидан сотиб олинган ва Султон унга уйланиб, озод қилмагунча паст мавқеда бўлгани ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, у келиб чиқиши жиҳатидан мамлукларга яқин ва Мисрдаги “Мамлук султонларининг биринчи вакили”, - деб билган². Шоир, адабиётшунос Маҳкам Маҳмуд шу даврни ўрганган турк олимаси Баҳрия Учоқнинг Шажара ад-Дурнинг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотларни қуйидагича келтиради: Малика Шажарнинг келиб чиқиши араблардан эмасди. У Абдуллоҳ деган туркийлардан бўлган кишининг кизи бўлиб, чамаси, қирғин жангларда отаси ўлгач, чўри сифатида бадавлат хонадонларга сотилган. Ўрта аср одатларига кўра, энг гўзал чўрилар султонларга, амирларга ва ҳатто халифаларга совға қилинган. Малика Шажар қудратли давлат раҳбари – малика ал-муслимийн даражасига етганида ҳам халифага чўрилик пайтларини унутмай, олтин, кумуш тангаларга ўзининг исми ёнига “*ал - Мустасимийа*”, деган сўзни қўшиб зарб эттирган, бу билан у халифа ал-Мустасимнинг чўриси эканлигини тан олган³. 1250 йилда Султон Туроншоҳнинг ўлими Мисрда хавф солиб турган Людовик IX ва мўғулларнинг таҳдиди вақтига тўғри келди. Бу эса, ўз навбатида, ушбу таҳдидларга қарши туришни талаб қилар эди. Шунда Ал-Мансур минтақасида 1249-1250 йилларда француз кироли Людовик IX қўшинларини енгилда баҳрий мамлук қисмлари кучли эканликларини намоён қилдилар. Шундай қийинчилик даврида Мисрнинг эътиборли кишилари тахтга Шажара ад-Дурни лозим кўрадилар. Шажара ад-Дурни Аббосий халифа Муста‘сим биллоҳ Бағдоддан Қоҳирага Нажм ад-дин Айюбийга совға сифатида юборган эди. Айюбий тахтга ўтиргач, Шажара ад-Дурнинг ҳам мартабаси ошди, уни Айюб қулликдан озод қилиб, ораларида фарзанд туғилгач, Малик Солиҳ унга расман уйланди ва шу сабабли, Шажара ад-Дур малика мақомини олди. Фарзандларига Халил деб исм қўйдилар. Малика ҳаттоки, жанг майдонларида ҳам доимо эридан айрилмасди. Фарзанди Халил сабабли уни “*ал-маликат исматуд-дийн Шажар ад-дур*” (малика дур дарахти), “*би малика-т- ил-муслимин волида т-ил-малик Халил*” (муслмонларнинг маликаси, подшоҳ Халилнинг онаси), –деб атардилар.

Шажара ад-Дур салтанатида дуч келган биринчи муаммо бу – Димьятни эгаллаб олган салибчилар муаммоси эди. Шажара ад-Дур марҳум султон Солиҳ Нажм ад-Дин Айюбнинг Бейбарс, Оқтой, Ойбек, Қутуз каби туркий лашкарбошилари ва амирлари ёрдамида салбчиларга қарши шиддатли

¹ Ходжаева Р. Мамлуклар даври араб адабийоти (XIII-XV асрлар). –Ташкент: “Hilol Mediya”, 2013.– В. 113-114

² Тақий ад-Дин ал-Мақризий. *As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk*. Bayrut: Dar al-kutub al-ilmiya. 1997. – В. 361. (Bundan keyin: al-Maqriziy. *As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk*.)

³ Маҳкам Маҳмуд. Малика Шажар қисмати. <https://ziyouz.uz/matbuot/mustaqillik-matbuoti/mahkam-mahmudov-sharqning-hukmdor-ayollari-1991>



курашиб, улар устидан ғалаба қозонган. Шундай қилиб, Султона Шажар ад-Дур дуч келган хавф таъсиридан халос бўлишга муваффақ бўлди. Бирок буларнинг барчаси Шажара ад-Дурни ўша даврдаги сарой аъёнлари уни қўллаб-қувватлаши учун етарли эмас эди, янги Султонани, биринчи навбатда, аёл киши эканлиги боис ҳам, мусулмонлар ўзларига аёл ҳукмронлик қилишини хоҳламаганлар. Афтидан, Шажара ад-Дур бу ҳолатни ҳис етиб, у сарой аъёнларига яқинлашишга ҳаракат қилиб, уларга мартабалар ва совға-саломлар берган, шу билан бирга, улар ишончи ва унга нисбатан меҳрини қозониш мақсадида солиқларни камайтирган ва, умуман олганда, яхши сиёсатни ўрнатган¹. Унинг исми мусулмонлар маликаси ва содиқларнинг бош қўмондони Султон ал-Мансур Халилнинг онаси сифатида, танга устига “Ал-Мустасимийа Солихийя” шаклида ёзилган. Эҳтимол, Шажара ад-Дур ўзи асли келиб чиқиши жория бўлганига, айюбийлар наслдан келиб чиқмаганлигини ҳис қилган бўлиши мумкин. Шунинг учун у ҳукм чиқаришга қонуний жиҳатдан ҳақ-ҳуқуқи йўқ эди. Шажара ад-Дур, бир томондан, “Умм Халил Ал-Солихийя” деган номни оқлашга интилган бўлса, бошқа томондан турмуш ўртоғи Айюбийлар сулоласи шаънини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган². Шажара ад-Дурнинг номи Бағдоддаги халифа номидан кейин Миср масжидларида хутба вақтида зикр этилган, олтин тангаларга зарб қилинган. Бу тангалардан биттаси Лондондаги Британия музейида сақланиб келмоқда³. У 80 кун давомида Мисрни бошқарган. Бу сана бўйича ҳам тафовутлар бор. Баъзи манбаларда 3 ой деб ҳам ёзилган. Унинг бош маслаҳатчиси амир Ойбек эди. Маълумки, ислом давлатларида “ҳукмдор аёл киши бўлиши мумкин эмас” деган қараш бор. Мусулмон умматининг раҳнамоси бўлган Бағдоддаги Аббосий халифа ал-Мутаъсим аёл кишининг давлатни бошқаришига фатво бермайди ва жиддий норозилигини билдиргач, у бош қўмондон Ойбекка турмушга чиқишга мажбур бўлади. Му‘из ад-дин Ойбек ат-Туркманий 1250 йилда тахтга ўтиргач, энди бевосита мамлуклар бошқаруви даври бошланган.

Унинг тимсоли ҳозир ҳам ўзига тадқиқотчилар, санъаткорлар эътиборини жалб этмоқда, унинг исми билан кўчалар аталган, у тўғрисида китоблар ёзилмоқда, кинофильмлар, телеспектакллар яратилмоқда, романлар битилган, шу жумладан, машҳур ёзувчи Жиржи Зайдоннинг “Шажара ад-Дур” романи ҳамда Муҳаммад Арйоннинг худди шу ном билан ёзган

¹ Ibn Iyas Muhammad ibn Ahmad. Kitab tarix Misr al-mashhur bi bada'i-z-zuhur fi viqa'i-d-duhur. Al-Qahira: kutub al-hay'a al-misriya. 1982. – B. 89 (Bundan keyin: Ibn Iyas. Kitab tarix Misr al-mashhur bi bada'i-z-zuhur fi viqa'i-d-duhur.)

² ‘Abd al-Fattah Ashur. Al-‘Asr al-mamalik fi Misr va-sh-Sham. Al-Qahira. Dar an-nahda-l-arabiya. 1965. – B. 13.

³ Ahmad Muxtor Al-‘Ibodiy. Qiyom davlat al-mamolik al-uvla fi Misr va-sh-Shom.–Iskandariya: Al-muassasa shabbob al-jomi'a, 1982. – B.119



романлари мавжуд¹. Ойбек ат-Туркманий 1257 йилгача Миср тахтида султон Ойбек ал-Муъизз номи билан ҳукмдорлик қилган. Аммо қатъиятли Шажара ад-Дур ҳамон давлат ишларига аралашаргани боис, ҳукм учун курашда иккалови ҳам фожеали ҳалок бўлганлар.

Мамлук султонлари даврида мисрлик аёллар нафақат кўлларига хина кўйишган, балки тирноқларини қизил бўёқ билан бўяшган, бу ҳолат баъзи хорижий саёҳатчиларнинг эътиборини тортган. Бундай кўриниш кўплаб аёллар танасининг турли қисмлари билан безатилган татуировкадан фарқ қилган². Бу даврда агар аёллар кўчага чиқишни хоҳлашса, энг чиройли кийимларини кийиб, ўзида бор барча безакларни тақиб, хушбўй ҳидли атирлардан сепиб кейин чиққанлар³. Бу тақинчоқлар орасида янтардан ишланган “анбария” деб аталадиган заргарлик буюми ҳам бўлган⁴. Шунингдек, қимматбаҳо балдоқ (ҳалқа)лардан ҳам фойдаланганлар⁵. Икки кўлларига жавоҳирлар билан безатилган билакузук таққан⁶. Ва бошида олтин ва марваридлар билан безатилган “асаиб” деб аталувчи тақинчоқ бўлган. Бу тақинчоқ отларнинг терисидан ишланган бўлиб, тасмага ўхшаш фақат чиройли безак берилган эди⁷. Мамлук султонлари даврида жамиятдаги аёлларнинг мавқеига келсак, мамлуклар тоифасида бўладими ёки бошқа одамларми, аёлларга жуда ҳурмат кўрсатилган. Мамлуклар аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, “خوند” – “хунд” ва “خاتون” – “хотун” каби номлар билан атганлар. *Хунда* номи султонларнинг хотинларига хос бўлган, лекин баъзи жойларда катта табақа аёлларга нисбатан ҳам қўлланилган. *Хотун* сўзига келсак, у, дастлаб, малика, амира деган маънони англатади, кейинчалик эса умуман, аёл, ёки хоним маъносида ҳам ишлатилган. Ўзбек тилида “хотин” сўзи аёл⁸ маъносида қўлланилади. Улар, шунингдек, султонларнинг қизлари, хотинлари ва опа-сингилларига ёзган ёзишмаларидан уларга турли

¹ Xodjaeva R. Mamluklar davri arab adabiyoti (XIII-XV asrlar). – Toshkent: “Hilol Mediya”, 2013. – B. 114 Abu Abd al-lah bin al-Hoj al-Molikiy. Al-Madhal ila tanmiya al-A’mol bitahsiyn an-niyat bat-tanbih ala ba’d al-bad’I bal-a’void. J.2. Al-Qahira. Maktaba dor at-turas. 2007. – B.167

² Abu Abd al-lah bin al-Hoj al-Molikiy. Al-Madhal ila tanmiya al-A’mol bitahsiyn an-niyat bat-tanbih ala ba’d al-bad’I bal-a’void. J.2. Al-Qahira. Maktaba dor at-turas. 2007. – B.167

³ al-Maqriziy. As-Suluk fi ma’rifa davla al-muluk. J.2. – B.536

⁴ Taqiy ad-Din al-Maqriziy. Kitob al-mavo’iz va al-i’tibor bi-zikr al-xutat va al-osor. J.3. –Buloq: Kaston Viit, 2002 – B.166

⁵ al-Maqriziy. As-Suluk fi ma’rifa davla al-muluk. J.2. – B.536

⁶ al-Maqriziy. As-Suluk fi ma’rifa davla al-muluk. J.2. – B.528

⁷ Ibn Tag’riberdi Abu al-Mahosin. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira. J.9 – Lubnon: dor al –kutub al-ilmiya, 1992 – B.176 (Bundan keyin: Ibn Tag’riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira.)

⁸ O’zbek tilining izohli lug’ati : 5 jildli : 80 000 dan ortiq so’z va so’z birikmasi. // A.Madvaliev tahriri ostida. –Toshkent: “O’zbekiston milliy entsiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2006-2008. – B.415



хил хурмат, эҳтиром изҳорлари берилган¹. Мамлук султонлари аёлларга пул ва мол-мулк беришга ваъда бермай, ҳаттоки “агар биз ҳар бир аёлнинг хоҳиш-истаклари, кийимлари, улар хоҳлаганидек уйлар билан таъминлашимиз керак бўлганида эди, уларнинг истакларини рўйхатини ўзини ёзиш учун бир нечта жилдли китоб ёзишимиз керак бўлар эди”, – деб айтганлар. Ўрта аср тарихчиси аз-Зоҳирий фикрини давом эттириб, “Биз “хунд” лардан бири вафот этганида, унинг бойлиги ҳисоблаб кўрилганида атиги олти юз минг динар бор эди”, – деб ёзади². Бу билан аз-Зоҳирий мамлук султонлари аёлларига катта миқдорда маблағ бермаганлигини тасдиқлайди. Султон ан-Носир Муҳаммаднинг кизи эса, Амир Таранинг хотини бўлгач, ундан жуда катта бойлик мерос қолган. Ушбу бойликлар қирқ минг дирҳам ёки ўша вақтдаги икки минг Миср динарига тенг эди³. Баъзи султонлар ўз ҳарамидаги аёлларни, одатда, Гизада ва бошқа жойларда бўладиган тадбир, маросимларга олиб боришган. Бунда султон ҳарамидаги аёллар отлар устига кўйилган махсус бўялган ипак матолар билан ўралган фойтунларда борганлар⁴. Уларнинг отларини амирлар бошқариб, улардан кейин кўплаб амирлар, мамлуклар, ходимлар ушбу аёлларни кузатиб юрганлар.

Агар султоннинг хотини ёки онаси Ҳаж сафарига борадиган бўлса, султон бу маросим учун жиддий тайёргарлик кўриб, уларни олиб юришга мўлжалланган махсус замбарак тайёрлаттирган. Уларни кузатиб бориш учун Султон қарвон ҳозирлатиб, уларга ҳамроҳлик қилишни энг сара амирларга буюрган⁵. Ҳаж маросимларини бажариб, Мисрга қайтган онаси ёки хотинини султон уни Қоҳира ташқарисида кутиб олишга чиққан, сўнг бу амални бажарган онаси ёки хотини учун буюк байрам сифатида нишонлашга буюрган⁶. Шунингдек, амирлар уларга қимматбаҳо совғалар ва ҳашаматли буюмлар ҳадя этишган⁷. Агар султон ҳарамидаги хотинларидан бири касаллиги ҳақида хабар топса, ўша заҳоти унинг ҳолидан хабар олгани борган. Агар Султон хотинининг касаллигини даволаш учун шифокор “ҳаво алмаштириши” зарур эканлигини тавсия қилса, шунда у Булоққа бориб, Нил дарёси жозибасидан баҳра олишига рухсат берган⁸. Даволаниб, шифо топгач, Султон катта байрамни нишонлар, бу тадбирга аёлни табриклаш учун давлатнинг ҳурматли вакиллари, сарой аъёнлари, шу жумладан

¹Shahob ad-Din al-Qalqashandiy. Subh al-a'sha fi sinaot al-insho. –Qohira: Dor al-Kutub.J.7. 1914-1919. – B.166

²Xalil ibn Shahin az-Zohiriy. Zubdat kashf al-mamolik va bayon at-turuq va-l-masolik. –Qohira: Dor al-arab li-l-bustoniyy, 1988. – B.121

³al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.2.– B.777

⁴Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira.J.6– B.256-257

⁵Taqiy ad-Din al-Maqriziy. Kitob al-mavo'iz va al-i'tibor bi-zikr al-xutat va al-osor. J.4. –Buloq: Kaston Viit, 2002 – B. 250

⁶al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.2. – B.235

⁷Ibn Iyas . Kitob tarix Misr al-mashhur bi bada'i-z-zuhur fi viqa'i-d-duhur. J.2. – B. 50-51

⁸O'sha asar. B. 49



амирлар, қозилар ташриф буюришган. Унинг дарвозаси олдида ноғора ва табил чалувчилар тўпланганлар. Кейин Хунд олов, шам ва чироклар билан ўралган ажойиб манзара куршовида ҳамда орқасида амирларнинг хотинлари ва канизаклар билан қалъадаги уйига қайтган¹. Аммо агар Султон ёки амирларнинг хотинларидан бири вафот этса, барча амирлар марҳуманинг руҳи учун Қуръон тиловати қилганлар. Султон ёки амир кўпинча марҳума хотинининг руҳига бағишлаб, камбағал ночорларга хайр-эҳсон ва маблағларни тарқатар эди². Агар Султон хотинларидан бири ҳомиладор бўлса, у бутун эътиборини шу туғилажак бола ўғил бўлишига, тахт вориси бўлиб, унинг ишларини давом этиради, деган умидда ўша аёлга қаратарди. Агар у хоҳлаган нияти амалга ошса, у ҳолда янги туғилган чақалоққа бағишлаб катта байрам ўтказилар эди. Онасини эса, улуғлаб, Байт Заркаш доирасига ўтказиб, унга ҳурмат кўрсатганлар. Бу тадбир етти кеча-кундуз ўтказилиб, аёлга мукофот сифатида минглаб динорлар берилган³. Бу аёлларга бўлган ҳурмат фақат султонлар ва улар амирларининг аёллари билан чегараланмаган. Миср султонлари даврида Миср халқининг аёлларга бўлган ҳурмати баланд бўлгани тўғрисида далиллар мавжуд.

Бунинг энг яхши исботини одамлар ўзларининг аёллари ва қизларига – “ست الخلق” – “Ситту ал-хулқ” – “олти хулқ, олти борлиқ”, “ست الحكام وست الناس” – “Ситту ҳуккам ва ситту ан-нос” – “олти ҳукмдор ва олти одам”, “ست القضاة” – “Ситту ал-қадот ва ситту ал-кулл” – “қозиларнинг олтитаси ва ҳамма нарсанинг олтитаси” каби мағрурлик, мақтов, улуғлаш каби кўплаб номлар берилишида кўриш мумкин⁴. Агар аёллардан бири йўлга чиқса, агар унинг эри қодир бўлса, у эшак ва унга ҳамроҳлик қилиши учун хизматкор олиб келган. Бу вақтда ёзилган асарларда аёлларнинг камчиликлари ҳақида кўп айтилмаган, аксинча, кўпчилик манбаларда уларни мақташган. Масалан, Ўрта аср тарихчиси ас-Саховий замонасининг аёлларидан бирини “етақчилик, ишонч ва маҳоратга эга” деб тавсифлаб, “ўлимидан кейин ўзини гўзал машҳадда кўради”, – деган⁵. Шунга қарамай, мамлук султонлари даврида аёл кишининг Миср жамиятидаги ўрнини тасвирлашда, у эракнинг шериги ва ҳаётда унинг ўнг қўли, жамиятдаги муносиб мавқега эга эди, деб айтиш мумкин.

¹ Ibn Tag'riberdi Abu al-Mahosin. Muntaxabot min havodis ad-duhur fi mada al-ayyom va ash-shuhur / al-Muhaqqiq Muhammad Kamol ad-Din Izzu ad-Din. – Qohira: Olam al-Kutub, 1990. – B.226.

² al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.2.– B.165- 171

³ Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira. J.6– B.119

⁴ Abu Abd al-lah bin al-Hoj al-Molikiy. Al-Madhal ila tanmiya al-A'mol bitahsiyn an-niyat bat-tanbih ala ba'd al-bad'I bal-a'void. J.2. Al-Qahira. Maktaba dor at-turas. 2007. – B.237

⁵ Muhammad ibn Abd ar-Rahmon as-Saxoviy. Ad-duval lomi' fi ay'yon al-qarn at-tasi'. J.12.– Bayrut: Dor al-Jayl, 1992. – B.4. (Bundan keyin: as-Saxoviy. Ad-duval lomi' fi ay'yon al-qarn at-tasi'.)



Мамлук султонлари даврида жамоатчилик томонидан топилган камчиликлардан бири баъзи қозилар томонидан иш кўриб чиқилганда “агар эркак ва унинг рафиқаси орасида бўлаётган муаммо кўтарилган бўлса, аёл ғалаба қозонган”. Ҳижрий 792 йилда Амир Минташ ва Султон Зоҳир Барқук ўрта-сидаги ғалаён пайтида Амир Минташ султоннинг сингилларини хибсга олишга буйруқ берган. Сингиллари ва уларни жорияларини кўлга олиб, Қоҳира кўчаларида судрашган, бу манзарани кўриб турган гувоҳлар: “...аёлларни йиғиси бутун шаҳарни тутиб кетганди”, – деб тасвирлаганлар¹. Бундан тушунамизки, мамлуклар даврида Миср жамиятида аёллар қобилятли бўлишига қарамай, ҳозирги замон даражасидаги гендер тенглигига етиб бормаган. Бунинг асосий сабаби, аёлларга замонавий нуқтаи назардан ёндашувда. Ўрта асрларда Аллоҳ аёлни фақат завқ ва эксплуатация учун яратган, деган тушунча бўлган. Бу фикр ўша вақт одамлари катта пул эвазига бемалол аёлларни сотиб олишида яққол намоён бўлади. Султон ан-Носир Муҳаммад тўртта аёлга уйланган, ҳарамида эса 1200 та жорияси бўлганини кўриш мумкин². Амирлар, умуман олганда, ҳар бир киши ўз маблағига қараб, жорияларни сотиб олишда мамлук султонларига тақлид қилганлар. Ўрта асрларда икки хил рангдаги жориялар бўлган: оқ ва қора. Султон ас-Солиҳ ‘Имод ад-дин Исмо‘ил оқ танли жориялардан кўра, қора танли жорияларни сотиб олишни афзал кўрган³. Жориянинг нархи ва уй ишларидаги қадр-қиммати унинг гўзал, меҳрибон, овозининг мулойимлиги, соғломлиги каби фазилатларга боғлиқ бўлган⁴. Ушбу даврда Қоҳира кул бозорларида “чорва моллари сотилгани каби куллар ва жориялар сотилувчи бозор ҳам бўлган. Ҳар бир чорва бозорида бўлгани каби, кул бозорларида ҳам даллол бўлиб, у ҳам чиройли юз ёки ёқимли овозли жорияларни намойиш этган. Султонлар бу даллоллардан олган пуlining ярим миқдори ёки воситачиликка тенг солиқ ундирганлар ва бу солиқ ҳижрий 715 йилда Носир Муҳаммад ибн Қаловун бекор қилингунига қадар сақланиб қолди”⁵. Кўпинча, бир хонадон хўжайини ўз жориясига уйланган. Қозилар аввал жорияни никоҳ шартномаси тузишдан олдин озод қилиниши кераклигини таъкидлаганлар. Озод қилгачина, никоҳ ўқилишига рухсат берилган⁶. Кўпгина жорияларнинг исмлари замонавий манбаларда тез-тез учрайди, чунки улар султонлар ва амирларнинг саройларида муҳим роль ўйнаган.

¹ Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira. J.5. – B.492; as-Saxoviy. Ad-duval lomi' fi ay'yon al-qarn at-tasi'. J.12. – B.4

² Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira. J.9. – B.210

³ al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.2. – B.733, Ibn Iyas. Kitab tarix Misr al-mashhur bi bada'i-z-zuhur fi viqa'i-d-duhur. J.2. – B.134

⁴ Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira. J.5 – B.492

⁵ O'sha asar. J.9 – B.45

⁶ Ibn Hajar al-'Asqaloniyy. 'Anba' al-g'umr bi 'anba' al-'umr. J.7. Al-majlis al-A'la li-sh-shuun al-islamiya, 1998. – B.496



Султонлар жорияларнинг баъзиларига уйланишгач, худди Султон Хушқадам ва Султон Ашраф Барсбай ҳукмронлиги даврида содир бўлгани каби жориялар “خوند الكبرى” – “Хунд ал-кубра” – “буюк хотин” мақомига эга бўлганлар¹. Яна шундай ҳодисалардан бирига тўхталсак. Хаванд Тўғой, ал-Хаванд ал-Кубра номи билан ҳам танилган аёл Султон ан-Носир Муҳаммаднинг канизаги эди. Кейинчалик у севимли хотинига айланди. Ўз гўзаллиги билан танилган Тўғой катта кучга эга бўлдики, ўрта аср тарихчиси ал-Макризийнинг айтишича, Султон учун ерни ўпгани каби, баъзи қози ва амирлар унинг олдида ҳам ерни ўпишар эди. Тўғой Султон Носир Муҳаммадга ўғил туғиб бергани учун, Унга “Умм Анук” исмини беришган. Тўғой 749 йилда вафот этди ва ўзидан катта бойлик қолдирди.

Баъзи ўрта аср тарихчилари “Ўша даврда, биз бир одам унга хизмат қилиши учун жория сотиб олганини эшитганмиз, ўша канизак ўзи борган хонадон хонимидан нафратланиб, унга ҳасад қилиб, ўша соҳибани ўз хўжайинига ёмон кўрсатиб, ўлдиртирган ҳолат ҳам бўлган”, – деб ёзганлар².

Мамлук султонлари даврида Мисрда жамият ҳаётидаги аёлларнинг улушига келсак, бу, шубҳасиз, диққатни жалб қиладиган катта нисбатдир. Бунинг сабаби, ўша даврда аёлларга хос бўлган ижтимоий тўсиқларга қарамай, улар жамоат ҳаётига катта ҳисса қўшганлар. Ўрта аср тарихчиси Абд ар-Раҳмон ас-Саховий ўзининг “Ад-дуваъ-ломиъ фи аъён ал-қарн ат-тасиъ”(IX асрнинг машхур кишилари ҳақида ёрқин нур”) китобида аёлларнинг мингдан ортиқ неъматларини тилга олган³. Султон Инол сингари баъзи султон ва ҳукмдорлар ўз хотинларининг “чиройли” сўзлари таъсири остига тушиб қолган ҳолатлар ҳам бўлган⁴. Ибн Тағрибердининг сўзларига қараганда, Султон Инолнинг рафиқаси Хунд Зайнаб Султонга ширин сўзлар билан “Султоннинг ҳар бир совға ва пора олишини Сизнинг саҳий ҳиссангиз”, – деб таърифлаган⁵. Шунингдек, Ибн Ийёс бундай бошқарувни “мамлакат ишларини якка ҳолда бошқариш” лозим деб атаган⁶. Бундай тавсифлар баъзи мамлук аёлларига ўхшаш ҳолатдир. Масалан, Султон Ал-Ашраф Зайн ад-дин Ша‘боннинг онаси, Султон Ал-Ашраф Сайф ад-дин ибн Барсбойнинг рафиқаси ҳокимият ишларига аралашар эди⁷.

Султон ва амирларнинг аёллари давлат ишларига аралашгани ва давлат сиёсатини бошқаришда иштирок этгани ҳақида кўплаб далиллар мавжуд. Ушбу мисоллардан биринчиси, ўрта аср тарихчилари “хулқи қийин, кучли,

¹ Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira. J.7.– B.738

² al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.2.– B.872, Ibn Iyas. Kitab tarix Misr al-mashhur bi bada'i-z-zuhur fi viqa'i-d-duhur. J.2. – B.134

³ as-Saxoviy. Ad-duval lomi' fi ay'yon al-qarn at-tasi'. J.12. – B.12

⁴ O'sha asar. J.12.– B.54-55

⁵ Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira. J.7– B.465

⁶ Ibn Iyas. Kitab tarix Misr al-mashhur bi bada'i-z-zuhur fi viqa'i-d-duhur. J.2.– B.189

⁷ al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.4. – B.479.



айёр аёл” деб таърифлаган Шажара ад-дурдир¹. Миср тарихидаги энг оғир даврларида мамлакатни мўғуллар ва салибчилардан қутқариб, ўз ишларини бошқаришда аёл бўлишига қарамай мардонавор хукмронлик қилган, шунингдек, султон ўрнини эгаллаб ва саксон кунни ўтказди, бу даврда у жуда хушмуомалалиги ва бой ақл-идрокли эканини намоён этди.

Худди шундай воқеа 676/1277 йилда мамлуклар султони Ас-Саъид Баракатхон ва унинг амирлари ўртасида тортишув бўлганида, Султон онасини амирлар билан музокарага юборган. Улар аёл кишига бўлган барча хурматларини кўрсатишиб, унинг таклифларини кўриб чиқишиб, ушбу музокаранинг натижалари тўғрисида хабардор қилиш учун Султон Ас-Саъид Баракатхон ёнига қайтиб келишади².

Ал-Мақризий 737/1337 йилда баъзи волийлар савдогарларни молларини мусодара қилиши ва уларга қилинган ишларни эслатиб ўтади. Амирларнинг кўпчилиги савдогарни авф этиш учун чиқишади, лекин Султон улардан ҳеч бирини эшитмайди, шунда Султон ан-Носир Муҳаммаднинг хотини Ситту Ҳадақ савдогарга қилинган адолатсизликка қарши тургач, унинг фикрини эшитиб, кўриб, дарҳол, аёлининг хоҳишини бажаради³. Ибн Ҳажар Султон ан-Носир Муҳаммаднинг хотини малика Тўғой ҳақида гапириб, ўша аёл сабаб, буғдойдан олинган солиқ тури бекор қилинган⁴. Бу каби воқеалар мамлук хукмронлиги даврида бир неча бор такрорланган. Бунда султонларнинг аёллари ўзлари ва амирлар ўртасида келиб чиққан низоларни бартараф этиш учун музокаралар ўтказганлар. Ўша давр аҳли аёлларнинг кучи ва таъсирини англаб етгач, ўзларини эҳтиёжларини амалга оширишда уларга воситачилик қила бошладилар. Агар савдогар давлатнинг масъул шахсларига даъво қила олмаса, йўлини қидириб, султоннинг ҳарамига шикоятини юбориб, унинг дарров эҳтиёжлари қондирилди⁵. Ас-Саховий Балқийний илми тўғрисида гапириб, ўзининг мавқеига рафиқаси Хунд ал-Узма сабаб эришганини ёзган⁶.

Мамлуклар даврида мамлук қони бузилмаслиги учун маҳаллий аҳоли қизларига эмас, фақатгина туркий жорияларга уйланишга рухсат берилган. Кейинчалик, черкес хукмронлари даврида бу чекловлар ҳам аста-секин ўз кучини йўқотган.

Аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни айрим давлат ишларига аралашиб билан чекланиб қолмай, улар илмий ва диний ҳаётда ҳам фаол иштирок этдилар. Тарихда кўплаб аёллар машғул бўлган соҳалар ҳақида маълумотлар

¹Ibn Iyas. Kitab tarix Misr al-mashhur bi bada'i-z-zuhur fi viqa'i-d-duhur. J.1.– B.91

²Ibn Tag'riberdin. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira. J.7– B.266-267

³al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.2. – B.412

⁴Ibn Hajar al-'Asqaloniyy. 'Anba' al-g'umr bi 'anba' al-'umr. J.7. Al-majlis al-A'la li-sh-shuun al-islamiya, 1998. – B.101

⁵Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira. J.7 –B.166

⁶as-Saxoviy. Ad-duval lomi' fi ay'yon al-qarn at-tasi'. J.12.– B.25



келтирилган. Мамлук султонлари даврида улар нахв ва сарф бўйича илм олиб, шеър ёзганлар¹. Аёллар ўша даврдаги фақиҳлардан, муҳаддис, уламолардан кўп илмларни ўрганганлар², лекин фикҳ, ҳадисшунослик билан шуғулланганлари ҳақида маълумотлар кам.

Кўпинча аёллар сув бўйлари, денгиз қирғоқлари, Нил дарёси бўйлари ва бошқа ўйин-кулги, ҳар хил томошага мўлжалланган жойларга борардилар, бу ерларга аёллар борса, ҳаё пардаси кўтарилишини инобатга олиб, қози ва дин пешволари аёлларни бундай жойларга бормасликка чақирардилар³. Шунинг учун баъзи султонлар аёлларни кўчаларга олиб чиқишга ёки қабрларга, хийбонларга боришига тўсқинлик қилишга ҳаракат қилардилар. Аммо бу тақиб фақат бирмунча вақтга чўзилди, шундан сўнг вазият олдинги ҳолатга қайтган⁴. Бу 741/ 1438 йилда содир бўлганидек, Миср ва Қоҳирада барча аёлларга уйларида чикмаслиги, бирон-бир аёл кўча ёки бозор майдонидан ўтмаслиги ҳақида мурожаат қилинган. Агар кимда-ким чиқса, ўлдириш билан таҳдид ҳам қилинган. Аксарият аёллар, қизлар, қари хотинлар кўчага чиқишдан ўзларини тийган. Кимда-ким кўчага чиққан бўлса, кўринган аёлларни калтаклашган. Қўрқитиш орқали бу масалани ҳал қилишмоқчи бўлганлар. Бу ҳодисадан кейин бирон-бир йўлда биронта аёл ҳам кўринмаган. Кўплаб бевалар ва ёлланма меҳнат билан шуғулланувчи аёллар сони камайиб кетган. Бу иқтисодиётга жиддий зарар келтириб, кўплаб маҳсулотлар, жумладан, аёллар кийим-кечаклари ва атторлик савдоси узилиб қолган⁵. Мамлуклар жамиятида ёки ўрта асрлардаги бошқа ислом жамиятларида, аёллар чекланган касблар турлари бўйича фаолият юритганлар. Аёллар кўпроқ аёллар ҳаётига бевосита боғлиқ хизматлар билан шуғулланганлар. Улар тўлғоқ тутган ҳомиладор аёлларга доялик қилганлар, аёлларнинг сочларини чиройли турмак қилишга хизмат қилувчи аёллар сартарошлари ҳам бўлган. Агар аёл киши вафот этса, унга ғассолалар (юувчилар) майитни ювиб, қафанлаб беришган. Аёллар ҳаммомлари, касалхоналарда хизматчи вазифаларини келтириб ўтиш мумкин. Шунингдек, турмушга чиқаётган қизларни безашда кўмак берувчи гўзаллик ходималари ҳам бўлган. Бу касблар ичида доялар ва сартарош аёллар катта миқдорда маош олишган. Кийим-кечак билан савдо қилувчи аёллар тўқимачилик саноатининг ривожланишида ҳам ҳал қилувчи роль ўйнаган бўлиб, уларнинг миқдорлари ўша пайтда, асосан, бой оилалар бўлганлар.

¹ Ibn Hajar al-‘Asqaloniyy. ‘Anba’ al-g‘umr bi ‘anba’ al-‘umr. J.4. Al-majlis al-A‘la li-sh-shuun al-islamiya, 1998. – B.395

² Badr ad-Din al-Ayniy. Aqd al-Jamon fi tarix ahl az-zamon. J.2. – Qohira: Daar al-kutub al-qavmiya, 2010. – B.207

³ Abu Abd al-lah bin al-Hoj al-Molikiy. Al-Madhal ila tanmiya al-A‘mol bitahsiyn an-niyat bat-tanbih ala ba‘d al-bad‘I bal-a‘void. J.2. Al-Qahira. Maktaba dor at-turas. 2007. – B.17-23

⁴ al-Maqriziy. As-Suluk fi ma‘rifa davla al-muluk. J.4.– B.423,729

⁵ Ahmad ‘Abd ar-Roziq. Al-Mar‘a fi Misr al-mamlukiya. Qohira: al-hay‘a al-misriya al-oma lil-kitob, 1999. – B.48



Маҳоратни талаб қилмайдиган касблар ҳам бўлиб, улардан энагалар янги туғилган чақалокларни кўкрак сути билан боқиш, уни парваришлаш хизматини бажарган. Бу вазифани кўпроқ жориялар бажаришган. Шунингдек, аёллар маҳорат талаб қиладиган бир неча касблар бўйича эркаклар билан рақобатлашган. Қизларга таълим беришда эркаклар билан бир қаторда, аёл муаллималар ҳам бўлган. Эркак ва аёл безакчиларга келсак, улар турли хил хизматларни тақдим этган. Аёллар учун флеботомия (қон кетишига асосланган даволаниш) ва ҳижома (ортиқча қонни олиб ташлаш) кабиларни, шунингдек, тишларни тозалаш ва оқартириш каби хизмат турларини ҳам аёллар бажарганлар.

Муҳаммад Саҳри Баршавийнинг ёзганидек, Мамлук султонлигидаги энг машҳур мамлук аёлларидан бири Шажара ад-Дурнинг меъморчилик ва санъатга бўлган қизиқиши Қоҳирада бадий ижоднинг буюклиги ва меъморий ютуқлардан гувоҳлик берадиган иккита мақбара қурилишида намоён бўлади. Улардан биринчиси Ас-Солиҳ Нажм ад-дин Айюб мақбараси бўлиб, 648/1250 йилда Ас-Солиҳийа мадрасаси ёнида рафикаси Шажара ад-Дурр томонидан ан-Нуҳҳасийн (Ал-Муизз ад-Дин Ал-Фотимий) кўчасида барпо этилган. У Қоҳиранинг Ал-Халифа кўчасида, Аҳмад ибн Тўлун масжиди майдонида жойлашган. Шажара ад-Дурр ҳам 656/1258 йилда вафот этганида шу ерга дафн этилган. Султон ан-Носир Муҳаммад ибн Қаловуннинг рафикаси Ал-Хунд Тўғой ал-Кубра 749 /1348 йилда Амир Тоштемир ас-Соқий ерларида хонақоҳ ташкил этган бўлиб, у вақф маблағлари ҳисобидан қурилган. Султон ан-Носир Муҳаммад ибн Қаловуннинг қизи Темур ал-Ҳижазийа Боб ал-Вазир кўчасида ал-Ҳижазийа мадрасасини қуриб, унга китоб жавони, минбар қўйган. Шунингдек, у жума куни хитоб қилиш учун минбар қўйдириб, ичкарасига гумбаз қурдирган бўлиб, у ерга ўзи дафн этилган. Мадраса ёнида у мусулмон етим болалар ва таълим изловчилар учун у ерда яшаб, ўқишга мўлжаллаб хоналар қурдирган¹. Султон Ан-Носир Муҳаммад ибн Қаловуннинг мураббияси Ас-Саййида Хадақ 737/1336 йилда масжид қурдирган.

Юқорида шаҳарлардаги аёллар ва уларнинг жамоат ҳаётидаги улуши ҳақида айтиб ўтилди. Қишлоқ ҳаётига келсак, бу мамлуклар даврида қийин бўлган Уларнинг ҳаёт тарзи машаққатли бўлиб, эрини ишларига қарашган. У дарёдан ёки оқимдан ичимлик суви олиши, у билан кийимларни ювиши, уйга ичимлик суви олиб келиши керак. Бунга кўшимча равишда, болаларини эмизиши, эри ва оиласи учун овқат тайёрлаши, нон, фул таоми ва байсар² пишириши керак эди¹. Мисрдаги мамлуклар жамиятдаги аёллар

¹ <http://www.shbabmisr.com/mt~132888>

² Ful arablarning loviyadan pishiradigan taomi Yusuf bin Muhammad bin Abd al-Javvad bin Ash-Sharfiniy. Hazzu al-Qahuf fi sharh qasiyd Abi Shodif. – Buloq, 1890 – B.54



ўзларининг мавжудлигини, бу жамиятдаги ўринларини диний ва хайрия муассасаларини барпо этиш орқали намойиш этганлар.

Мамлуклар ўз аёлларини шарафлаб, уларга миннатдорлик туйғуси билан қарашган, бу уларга берилган номларда ҳам кўринади. Масалан: “بركة الدولة” – “барака ад-Давла” – давлатнинг баракаси, “بركة المملوك” – “барака ал-мамлук” – мамлукнинг баракаси, “بركة السلاطين” – “барака ас-салаатийн” – султонлар баракаси, “جلال النساء” – “жалал ан-ниса” – аёллар кўрки, пулғворлиги, “الجهة الكريمة” – “ал-жиҳа ал-карийма” – раҳмдил томони, “الجهة الشريفة” – “ал-жиҳа аш-шарийфа” – олижаноб томони, “خاتون” – “Хотун” – “хотин”, “خوند” – “Хунд” (хотин), “الجليلة” – “ал-Жалила” – буюк, кўркам, “الدار” – “ад-даар” – “уй”, “الستارة” – “ас-Ситара” – “пана жой”, “سليمة ملوك” – “Салийла мулук ва ас-салатийн” – Султон насл-насабини давом эттирувчи, “غسن الإسلام” – “Ғусн ал-ислам” – “исломнинг шоҳи”, “فروع الشجرة” – “фуру аш-шажара аз-закийя” – “гўзал дарахтнинг новдаси”, “القوة عين” – “қувва айн ал-мулук ва ас-салатийн” – “султон ва подшоҳларнинг кўз қуввати” – каби номлар билан аташган. Бу исмларни султонларнинг қизлари, хотинлари ва сингиллари билан ёзишмаларида ҳам кўриш мумкин.

Бу асрда аёллар масаласи мураккаб ва нозик мавзулардан саналади. Айниқса, Шарқда аёлларнинг оилавий, ижтимоий ва маиший ҳаётига тегишли бўлган ҳаёт тарзи шарқий урф одатлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Энг қизиғи, зикр этилган аёлларнинг барчаси этник жиҳатдан келиб чиқиши туркий бўлгани сабабли, улар жамиятда туркий анъаналарнинг узок вақт сақланиб қолишига катта ҳисса қўшганлар.

Демак, кўпгина жориялар, гўзал ва оқиллиги билан малика даражасигача кўтарилиб, ширин муомаласи, жозибадорлиги билан Мисрдаги барча амирларни мафтун этиб, ўзига бўйсундира олган.

¹ Yusuf bin Muhammad bin Abd al-Javvad bin Ash-Sharfiniy. Hazzu al-Qahuf fi sharh qasiyd Abi Shodif. – Buloq, 1890 – B.54



ҚОДИРОВ ЗИКРИЛЛОХОН

катта ўқитувчи, ТДШУ

Салжуқийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт

Аннотация. Мазкур мақола Салжуқийлар давридаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт мавзусига бағишланган бўлиб, бунда Салжуқийлар давлатидаги мавжуд ижтимоий қатламлар, яъни кўчманчилар, қишлоқ аҳолиси, шаҳарликлар ва уларнинг яшаш тарзи, жамиятда тутган ўрни, ер эгаллиги тизими, иқтисодий ҳаёт, солиқ ва божхона тўловлари, савдо, таълим-тарбия жараёнлари ва адабий муҳит ҳақида сўз юритилади. Жумладан, Кўчманчи туркий қабилалар ва уларнинг давлат билан муносабатлари, уларнинг тўлаган солиқларининг моҳияти ва миқдори, яшаган ҳудудлари, ҳаёт тарзи, ишлаб чиқарган маҳсулотлари, Салжуқийлар жамиятида энг катта қисми ташкил этган қишлоқ аҳолиси ва деҳқонларнинг яшаш тарзи, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий ҳолатлари, уларнинг географик жойлашувига кўра бир-биридан фарқи, ер эгаллиги тизими (иқто, хирожий, уирий ва мирий), солиқ тизими, суғориш тизими, Салжуқийлар даврида шаҳар маданиятининг ривожланиши, йирик шаҳарлар ва улардаги ҳаёт тарзи, шаҳарларнинг таркибий қисми (ички қалъа (кўҳандиз), асосий шаҳар (шаҳристон) ва ташқи мавзелар (работ)), ҳунармандчилик ва тўқимачилик саноати, миллий-урф-одатлар, диний байрамлар, халқаро ва ички савдонинг ривожланиши, ободонлаштириш ишлари ва меъморчилик, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданий соҳалардаги ютуқлар, адабий муҳит каби масалалар турли манбаларда келтирилган маълумотлар асосида таҳлил қилинган.

Шунингдек, Салжуқийлар даври ижтимоий ҳаётининг асосида ташкил топган икки ташкилот: вақф ва аҳилик ташкилотлари ва улар тасарруфидаги карвонсарой, шифохона, зовия (кичик хонақоҳ), работ, булоқ, кўприк ва турли устахоналар фаолиятига доир маълумотлар ҳам келтирилган.

Салжуқийлар давлати ўз даврида куч ва бойликдан ташқари, ижтимоий муассасаларнинг фаровонлиги, маданият, санъат, адолат, ҳавфсизлик ва тиббий хизмати билан донг таратган. Салжуқийлар давлати тарихи ҳамда ундаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётни тадқиқ қилиш Марказий ва Ғарбий Осиёдаги давлатчилик тарихини батафсил ўрганишга хизмат қилади ва алоҳида тадқиқ қилиниши лозим бўлган мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади.

Таянч сўз ва иборалар: Салжуқийлар, кўчманчилар, Маликишоҳ, султон Санжар, Низомулмулк, Марв, кўҳандиз, шаҳристон, работ, иқто, вақф, аҳилик, карвонсаройлар.

Салжуқийларда давлат хазинасидан фойдаланадиган табақа вакилларида ташқари барча одамлар раият деб номланган. Улар солиқларни тўлашга, давлат ҳокимияти ва унинг вакили бўлганларга бўйсунушга мажбур эдилар. Раият учун расмий равишда тан олинган мазҳаб ва тариқатлардан бошқа диний гуруҳларга кўшилиш, турли қонунлар қабул қилиш ва тартибни бузиш оғир жиноят ҳисобланган. Бошқа томондан, ҳукмдор ҳам раиятнинг ҳаёти, мол-мулки ва шарафини ҳимоя қилишга мажбур эди. Кўплаб расмий ҳужжатларга кўра, раият ҳукмдорга Аллоҳнинг омонати эканлиги таъкидланган. Шу билан бирга мутасаддилар ва амирлардан уларга нисбатан адолатли муносабатда бўлишлари ҳамда уларга нисбатан адолатсиз талаблар қўймасликлари талаб



қилинган.¹ Ушбу жуда катта омма ичида бир-биридан сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатидан фарқ қилмайдиган иқтисодий ҳамда ижтимоий жиҳатдан турли синфлар мавжуд эди. Буюк Салжуқийлар давлати учта йирик ижтимоий қатламдан иборат эди.

1. Кўчманчилар. Оммавий равишда Жайхун дарёсидан ўтиб Эрон ҳудудларига кирган туркларнинг катта бир қисми Ўғуз қавмига мансуб кўчманчи қабилалар эди. Эҳтимол, Онадўлида XIV асрнинг бошларида тайёрланган аноним Ўғуз луғатида турк сўзи “қишлоқи, кўчманчи, қишлоқ одами, чодирда яшовчи одам” ва турклик сўзи “қишлоқлик, қишлоқ ҳаёти, чодир ҳаёти” маъносида қўлланилгани эътиборга лойиқдир.² Уларнинг сони оз бўлса ҳам, қарлук, уйғур ва қипчоқ каби бошқа турк қабилалари ўғузлар билан бирга Эрон ҳудудларига киришди. Кўчманчилар қабилаларга бўлинган. Қабилаларнинг давлат билан муносабатлари ва улар тўлаган солиқларнинг моҳияти ва миқдори бир-биридан фарқли эди. Чорвачилик билан шуғулланган кўчманчилар фойдаланган яйловлари учун давлатга махсус яйлов солиқларини тўлашган. У қабилалар устидан назорат ва тартибни сақлаш учун масъул этиб бир давлат одами тайинланарди.³

Кўчманчи турклар Хуросоннинг шаркида ва шимолида, Элбрус тоғларининг жанубий этакларида, Ироқи Ажамнинг шимоли-ғарбий қисмида ва Озарбайжонда тўпландилар. Бу ерлар Эрон ҳудудидаги ҳаёт тарзи учун энг мос жойлар эди. Энг муҳим бойликлари қўй ва от сурувлари эди. Бир арман манбасига кўра, Салжуқийларнинг жанговар отлари қаттиқ туёқлари ва бургутдек тезкорлиги билан ҳайратга соларди. Шунингдек, кўчманчилар икки ўрқачли туяларни ҳам боқишгани маълум. Абулфазл Муҳаммад ибн Хусайн Байҳақийнинг туркманларни “туя чўпонлари” деб аташи, уларнинг бойликлари орасида туя муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Кўчманчиларнинг асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари гўшт, сут ва жун эди. Кигиз, жун кийим ва гилам каби буюмлар тайёрлашда ишлатиладиган жун муҳим савдо маҳсулоти сифатида қадрланарди. Чорвачиликдан ташқари, овчилик ҳам кўчманчилар хўжалигида маълум ўринни эгаллаган.

Салжуқийларнинг ҳарбий ютуқлари янги туркман қабилаларининг Эрон ҳудудига кириб келишига замин яратган бўлса-да, уларнинг оммавий равишда бу ҳудудларга кириб келишлари қишлоқ ва шаҳар ҳаётига катта зарар етказди. Салжуқийлар даври шоири Амъаки Бухорий Султон Алпарслонга ёзган мақтовларида Эроннинг туркманлар томонидан ҳароб қилинганлигига эътибор қаратиб, мамлакатни шоҳ томонидан қайта тикла-

¹ Muntajabuddin Bediy, *Atabat ul-kataba* (nshr, Muhammad Qazviniiy – Abbos Iqbol), Tehron 1329 hsh., 20, 23-24, 29, 41, 56-betlar.

² *Eski Oğuzca Sözlük: Bahşayış Lügati* (haz. Fikret Turan), İstanbul 2001, s. 105, 169.

³ Muntajabuddin Bediy, *Atabat ul-kataba* (nshr, Muhammad Qazviniiy – Abbos Iqbol), Tehron 1329 hsh., 80-82, 84-85-betlar.



наётганини таъкидлаган.¹ Салжукий султонлари туркман қабилаларини Хуросон шаркида ушлаб туриш ёки уларни шаҳар маданиятига энг кам зарар етказадиган ҳолатда Озарбайжон орқали Византияга юборишга ҳаракат қилдилар. Салжукийларнинг ўтроқ Эрон маданиятини ҳимоя қилиш мақсадида кўчманчи қавмдошларига қарши туришлари, туркманларни биров вақт ўтиши билан Салжукийлар давлатига қарши туришига олиб келди ва Султон Санжар даврида ўғузлар қўзғолони ҳамда кейинчалик Хуросоннинг таназзулга учрашида муҳим рол ўйнади.² Бошқа томондан, Низомулмулкнинг Сиёсатномасидаги баъзи қайдларда ҳам туркманлар ҳис қилган ноқулайликни очиб беради. Ундан ташқари, туркманларнинг ғарбга йўналтирилганлиги уларга Озарбайжон ва Онадўлида тўпланишга ёрдам берди ва уларга янги ватан эшикларини очди.

2. Қишлоқ аҳолиси. Қишлоқ аҳолиси ва деҳқонлар Салжукийлар жамиятида аҳолининг энг катта қисмини ташкил қиларди. Буюк Салжукийлар ҳукмронлиги даврида Хуросон ва Марказий Эрон ҳудудларига кўчманчи туркий қабилаларнинг кўчиб келишига шароит яратилиши, бу ҳудудлардаги зироатчилик билан шуғулланган деҳқонларга салбий таъсир кўрсатди. Шунингдек Салжукий-Ғазнавий урушлари ҳам Хуросондаги қишлоқ хўжалигига катта зарар етказди. Байҳақийнинг таъкидлашича, Байҳақ ва унинг атрофидаги писта дарахтлари яхши ёнганлиги сабабли қиш мавсумида фойдаланиш учун ғазнавийлар қўмондони амир Хожиб Субоши томонидан туяларга юкланган ва Ғазна шаҳрига олиб кетилган.³ Мамлакатда сиёсий барқарорлик ўрнатилгандан ва иқто тизими жорий қилингандан сўнг қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитлари нисбатан яхшиланди. Деҳқонларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий ҳолатлари, уларнинг географик жойлашувига кўра сезиларли даражада бир-биридан фарқ қилар эди. Салжукийларгача қишлоқларда катта ерларга эгалик қилган ва “деҳқон” деб ном олган бой одамлар ўзларининг имтиёзларини сақлаб қолишган. Қишлоқ аҳолисининг катта қисмини ерсиз кунлик ишчилар, улуш эгалари ёки майда ер эгалари ташкил этарди.

Ерлар хирожий, ушрий ва мирий каби турларга бўлинган. Хазинага тегишли бўлган ва иқто тарзида бошқарилган мирий ерлари Низомулмулк даврида тугатилиб, отлик қўшинларга тегишли ерларга айлантирилди. Ушбу тизимда ер ва унда ишлайдиган одамлар аввалгидек давлат назорати остида эди. Ерга ишлов берадиган киши ерга фақат вақтинчалик эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжат ва фақат ишлов бериш шарти билан эгалик қила оларди. Бу ерлар унинг вафотидан кейин фақат эркак авлодига мерос бўлиб ўтган. Деҳқон ердан олган маҳсулоти учун солиқни иқто эгасига, ёки вақфга

¹ Am‘ak-ı Buhârî, *Dîvân* (nşr. Saîd-i Nefîsî), Tahran, ts., s. 188.

² Enverî, *Dîvân* (nşr. M. Takî Müderris-i Razavî), Tahran 1337-40 ҳş., I, s. 201- 205; Hâkânî-yi Şîrvânî, *Dîvân* (nşr. Cihangîr Mansûr), Tahran 1375 ҳş., s. 105-107, 179-180.

³ Beyhakî, *Târiḥ* (Behmenyâr), s. 273.



берилган бўлса, тегишли вақф фондига тўлаган. Амирларга ва таниқли кишиларга тегишли бўлган иқто фақат тегишли хизматлари эвазига берилган ва иқто эгаси хизматдан бўшатиладиганда, иқто олиб қўйилган. Хукмдор вафот этганида ёки ўзгарганда, барча иқтоларнинг гувоҳномалари янги хукмдор томонидан янгиланган. Ерга боғланган одамлар шаҳар аҳолиси сингари қонуний равишда озод эдилар. Иқтолар эгалари халқдан маълум миқдордаги солиқдан ортганини талаб қила олмаганлар. Халқ ҳар доим султонга ёки буюк девонга мурожаат қилиши мумкин эди. Иқто эгаси қонунларга бўйсунмаган ҳолларда, унинг иқтоси олиб қўйилган. Салжуқийлар солиқ тизимининг асосини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан олинадиган солиқлар ташкил этарди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида янги тақмоқларнинг ташкил этилиши ва уларнинг ишлаши янги қишлоқ хўжалиги қонуни пайдо бўлишига олиб келди. Хуросон ва Ироқдаги олимлар маҳаллий урф-одатлар ва қишлоқ хўжалиги масалаларини ислом ҳуқуқи тамойиллари асосида қайта туздилар, шу тариқа ушбу соҳада узоқ вақтгача амал қиладиган янги қонун яратилди.

Дехқончилик қадимги даврлардан бошлаб ривожланган суғориш тизимига асосланиб ташкил этилган. Дарёлар каналларга бўлинган ва ҳар бир дарёдан максимал даражада фойдаланилган. Султон Маликшоҳ ва Санжар даврида Ироқ, Хуросон ва Хоразмда янги суғориш каналлари очилди. Маълумотларга кўра, Марв ва унинг атрофидаги сувларни тартибга солишга масъул бўлган миробнинг қўл остида 12000 киши ишлаган. Янги суғориш каналлари туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ошди, ишлаб чиқаришнинг кўпайиши қишлоқлар ва шаҳарларнинг ўсишига ва шаҳарларда тижорий ҳаётнинг ривожланишига ёрдам берди. Хуросонда, айниқса, Мурғоб канали томонидан суғориладиган Марв текисликларида етиштирилган маҳсулотлар минтақада аҳоли сонининг кўпайишига олиб келди. Бу ерда етиштирилган пахта қишлоқ ва шаҳарларда тўқимачилик саноатининг ривожланишига туртки бўлди.

3. Шаҳарликлар. Салжуқийлар шаҳар маданияти ривожланган Хуросонда ўзларининг давлатларини, фақат ўтроқ ҳаёт ва шаҳар маданиятига нисбатан ҳимоя муносабатини шакллантира олганларидан кейингина барпо эта олдилар. Салжуқийлар давлатининг биринчи сиёсий маркази Хуросоннинг энг муҳим шаҳри Нишопур эди. Ушбу даврда тахминан 1680 гектар майдонни эгаллаган Нишопур аҳолиси 110-220 минг орасида эди. Нишопур Тўғрул Бей даврида давлатнинг ғарб томон кенгайтириш сиёсати натижасида ўз ўрнини Рай шаҳрига бўшатди ва Султон Маликшоҳ даврида пойтахт Райдан Исфаҳонга кўчирилди. Бу даврда Исфаҳон Салжуқийлар давлатининг энг йирик шаҳрига айланди. Султон Санжар Салжуқийлар тахтига ўтирганидан сўнг, давлат маркази Марв шаҳрига кўчирилди, Исфаҳон эса бир муддат Ироқ Салжуқийлар давлатининг пойтахти бўлиб қолди. Султон Санжар даврида Марв шаҳри Салжуқийлар маданий ҳаётининг энг муҳим маркази



бўлган. Ушбу даврда ривожланишнинг энг юқори даражасига етган Марв аҳолиси тахминан 150 минг кишини ташкил этган. Ушбу шаҳарлардан ташқари Ҳирот, Балх, Қазвин, Ҳамадон, Язд, Қум, Мароға, Бағдод, Аҳваз ва Мосул йирик аҳоли пунктлари бўлган. Салжуқийларга бўйсунган давлатлар чегарасида бўлган Бухоро, Самарқанд, Ғазна, Дамашқ, Ҳалаб ва Урфа каби муҳим шаҳарларни буларга қўшиш мумкин.

Салжуқий шаҳарлари учта асосий қисмдан иборат эди: ички қалъа (қўхандиз), асосий шаҳар (шаҳристон) ва ташқи мавзелар (работ). Бозорлар ва савдо марказларининг аксарияти шаҳар марказида эмас, балки работда жойлашган. Катта шаҳарлардаги ҳар бир қўчада маълум бир савдогарлар гуруҳига ажратилган ёпиқ жойлардан иборат йирик бозорлар мавжуд эди. Шаҳарларда вақфлар, шифохоналар ва турар жойлар кенг тарқалган эди. Салжуқийлардан олдин йирик шаҳарларда маъмурий вазифалар ва бойлик имкониятлари билан катта куч ва таъсирга эга, келиб чиқиши эронлик ёки араб бўлган бой аристократ (таниқли) оилалар ташкил топган. Ушбу оилалар фавқулудда вазиятларда шаҳар тақдирини белгилаб беришган. Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Байҳақий, Нишопурнинг таниқли ва обрўли кишилари шаҳар аҳолисини Ғазнавийларга қарши Салжуқийлар ҳукмронлигини қабул қилишга ундаганлигини тушунтиради.¹ Шаҳар ва қишлоқларда мулкка эгаллик қилган ва бир-бири билан қариндошлик алоқаларини ўрнатган бу оилалар Салжуқийлар даврида ўзларининг мустаҳкам мавқеларини сақлаб қолишга муваффақ бўлишди. Бу даврда шаҳар зодагонларига янги оилалар қўшилди, масалан Исфаҳонда шофийлар учун йўлбошчи бўлган Хўжандий, Нишопурда ҳанафийларга йўлбошчи бўлган Саидий ва Бухорода катта мавқега эга бўлган Али Бурҳон оилалари. Ушбу оилалардан жуда камчилигининг келиб чиқиши туркийлардан бўлган. Петрушевский томонидан олиб борилган тадқиқот, XII аср ўрталарида Хуросоннинг Сабзавор шаҳридаги қирқ битта зодагон оиласидан йигирма тўрттаси араб, ўн иккитаси эронлик ва фақат битта оила туркийлардан эканлигини тасдиқлайди. Худди шундай натижани Буллетнинг Нишопур шаҳрига оид тадқиқотида ҳам кўриш мумкин. Ушбу оилаларнинг баъзилари Салжуқийлар марказий ҳокимиятининг заифлашиши билан сиёсий воқеаларда ҳал қилувчи кучга айланди. Маъмурий, илмий ва ҳуқуқий вазифалар, одатда, сулолавий ўзгаришлардан кейин ўз мавқеларини сақлаб туришга қодир бўлган зодагонлар оилалари қўлида эди. Бу ҳолат шаҳар маъмуриятида ўз сўзига эга бўлган ва сиёсий ҳокимият заифлашган вақтларда ҳукмронлигини сиёсийлаштирган бошлиқлар учун ҳам тегишли эди.

Йирик шаҳарларда хорижий давлатлар билан катта миқдордаги савдотикни амалга оширадиган бой ва нуфузли савдогарлар синфи шаклланди. Баъзи давлат одамлари ва сулола вакиллари ўз пулларини савдогарларга

¹ Beyhakī, *Tārīḥ* (Behmenyār), s. 728.



фойдаланиш учун беришган. Гарчи улар жуда ажойиб ҳаёт кечирган ва катта кучга эга бўлган бўлса-да, савдогарларга давлат протоколида деярли жой йўқ эди. Ўрта ва кичик тижорат билан шуғулланган савдогарлар, ўрта ва кичик дўкон эгалари ҳамда хунармандлар оммаси шаҳарларда алоҳида-алоҳида уюшма сифатида ташкил этилган. Хунармандчилик шаҳар иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Чинничилик, темирчилик, бўёқ саноати ва қоғоз ишлаб чиқариш жуда ривожланган. Тўқимачилик дастгоҳлари, темир печлар, терини қайта ишлаш устахоналари, қоғоз фабрикалари, чинни ва шиша каби махсулотлар ишлаб чиқарадиган печлар ва ишлаб чиқариш цехлари бутун мамлакатга тарқалди. Пахта ва ипак тўқиш шаҳарларда энг даромадли соҳага айланди. Хусусан, Хуросон ва Мовароуннахрнинг пахта ва жун матолари бу даврда машҳур бўлиб, улар экспорт қилинарди.

Шаҳарларда камбағаллар, ишсизлар ва дайдиларнинг катта гуруҳлари ҳам учрарди. Ўзаро махсус бир ташкилот тузган бу гуруҳлар, иложи борица муаммолар чиқаришдан қайтмас эди. Ундан ташқари, ички курашлар ва тасодифий ҳужумлар пайтида, бу гуруҳлардан баъзан ёлланма аскарлар сифатида фойдаланишган. Булар XII асрда Хиротда “ринд”, Тус каби баъзи бошқа Хуросон шаҳарларида “айёр” деб номланган. Маълумки, ўрта аср ислом дунёсида “шуттар” ва “фитян” каби номлар берилган.

Салжукий шаҳарлари диний фаолият жиҳатидан жуда фаол эди. Одамлар, одатда, ўз динларига ва баъзан ҳатто мазҳабига кўра ҳар-хил маҳаллаларда яшардилар. Сунний ислом мазҳабларидан ташқари XI аср охирида Эронда ўз фаолиятини кучайтирган Исмоилийлар Салжукийлар сулоласи вакиллари ўртасидаги тахт курашларидан фойдаланиб, катта шаҳарларда яхшигина куч тўпладилар. Заҳириддин Нишопурий ва Ровандийнинг хабар беришича, Исмоилийларнинг тарғиботи натижасида биргина Исфахонда ушбу мазҳабга кирганлар сони 30 мингга етган. Салжукий шаҳарларида мусулмонлардан ташқари маъжусий, насроний ва яҳудийлар ўзларининг муҳим диний гуруҳларини ташкил этган эдилар.

Катта шаҳарларда ғалаба тантаналари пайтида ва ҳукмдорларнинг тахтга ўтириш маросимида чорсу ва бозорлар тўлдирилди, ҳар жойда ғалаба тоқлари қурилди.¹ Диний байрамлардан ташқари, қадимги Эрон маданиятининг муҳим кунлари бўлган Наврўз ва Меҳржон ҳам халқ орасида жонли равишда яшаб, катта тантаналар билан нишонланарди.²

Кенг ҳудудда сиёсий барқарорликка эришиш, янги сув каналларини қуриш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва савдонинг ривожланиши туфайли иқтисодий ҳаёт юксак даражага кўтарилди. Мовароуннахр, Хоразм, Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Сурия ва Онадўлида савдо қарвонлари хавфсиз ҳаракатланиши таъминланган. Шаҳарларда ишлаб чиқарилган товарлар

¹ İbnü'l-Esîr, *el-Kâmil* (trc. Abdülkerim Özeydin), İstanbul 1987, X, 174.

² Muhtârî, *Dîvân* (nşr. Rükneddin Hümâyûn Ferruh), Tahran 1336 ҳş., s. 115-121, 284, 290, 309; Muizzî, *Dîvân* (nşr. Nâsır Heyyirî), Tahran 1362 ҳş., s. 623, 630.



савдо йўллари орқали кўплаб жойларга бемалол сотиларди. Карвонларнинг хавфсизлиги одатда ҳарбий соқчилар томонидан таъминланган. Салжукийлар томонидан савдо йўлларига берилган аҳамият, айниқса, Онадўлида анча ривожланган ва халқаро савдонинг ривожланишига ёрдам берган.

Султон Маликшоҳ даврида барча тижорат солиқлари ва божхона тўловлари 600000 динорни ташкил этарди. Илҳонли даври муаллифи Ҳамдуллоҳ ал-Муствафийнинг “Рисола-и Маликшоҳи” асаридан олинган маълумотга кўра вилоятларнинг марказга тўлаган солиғи 215 миллион динорга етарди.¹ Ушбу миқдор, XIV асрнинг бошларида худди шу худудларни бошқарган ва Ҳазонхон амалга оширган ислоҳотлардан сўнг атиги 21 миллион динорга етказилиши мумкин бўлган Илҳонийлар давлатининг солиқ тушумларидан ўн баробар кўп эди. Бу Салжукийларнинг иқтисодий қудрати асрнинг сўнгги чорагида қанчалик юқори даражада эканлигини кўрсатади. Ушбу таққослашда Илҳонли динори кумушга, Салжукий динори олтинга ишора қилишини ҳисобга олиш керак. Вилоятлар ва тобе давлатлардан олинадиган солиқлардан ташқари, Византия давлати ҳам Султон Маликшоҳ даврида Салжукийларга солиқ тўлаган.² Мамлакатда баъзи солиқлар эвазига ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, йирик вақфлар ва хайрия ишлари ташкил этилган. Ёқут ал-Ҳамавий Султон Санжарнинг Марвда бунёд эттирган ва султоннинг қабрини ҳам ўз ичига олган катта мажмуаси ҳақида сўз юритган.³ Салжукийлар даврида яратилган иқтисодий ҳаёт туфайли ижтимоий фаровонлик ошди ва соғлиқни сақлаш, таълим ва маданий соҳаларда катта ютуқларга эришилди. Низомулмулк даврида Нишопурда биринчи Салжукий касалхонаси ва кейин бошқа касалхоналар очилган. Салжукий султонлари, хонимлар ва муҳим давлат арбоблари кўплаб шифохоналар қурдирдилар. Бу даврда армия таркибида дорушшифодан ташқари кўчма касалхоналар ташкил этилди.

Таълим-тарбия жараёнлари шаҳарларда кенг тарқалган мадрасаларда олиб бориларди. Марв, Нишопур Бағдод, Исфаҳон ва Рай каби шаҳарларда кўплаб мадрасалар ва йирик кутубхоналар мавжуд эди. Ёқут ал-Ҳамавий Марвда ўнта катта кутубхона борлигини ва дунёда ноёб бўлган ушбу кутубхоналардан 200 жилдик китобларни ўқиш учун уйга олиб бориш мумкинлигини айтади.⁴ Бундан ташқари, Салжукий султонлари саройларида хусусий кутубхоналар бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Салжукийлар даврида Амидулмулк ал-Кундурий ва Низомулмулк вазирлик давридан бери расмий ёзишмаларда форс тилидан фойдаланилган ва кўплаб адабий асарлар ҳам шу тилда ёзилган. XII асрда яшаб форс тилида ижод

¹ Müstevfi, *Nüzheti'l-kulûb* (Strange), s. 27.

² İbnü'l-Esîr, *el-Kâmil* (trc. Abdülkerim Özeydin), İstanbul 1987, X, 154.

³ Yâkût, *Mu'cemü'l-büldân* (nşr. F. Wüstenfeld), Leipzig 1867 → (ed. Fuat Sezgin), Frankfurt 1994, III/1, s. 231; IV/1, s. 509.

⁴ O'sha yerda, IV/1, p.509-510.



килган Ҳамидий ўз асарини ўқувчининг қизиқишига қараб форс тилида ёзганлигини таъкидлайди. Саҳлон ас-Савий ҳам Султон Санжарнинг истагига кўра ёзган “ар-Рисалатус-Санжария” номли асарининг кириш қисмида давлат арбоблари ва раёсат қўмондонларининг тушунишлари осон бўлиши учун ўз асарини форс тилида ёзганлигини таъкидлайди. Араб тили эса, аввалги даврларга нисбатан самарадорлигини йўқотди, аммо илм-фан, ҳуқуқ ва таълим тили сифатида ўз ўрнини сақлаб қолди.

Буюк Салжуқий султонларининг рағбатлантириши ва қўллаб-қувватлаши билан Эрон адабиётининг таниқли намояндалари бу даврда муҳим асарлар яратдилар. Бугунги кунда Эрон адабиётининг етакчи асарлари қаторига кирган кўплаб китоблар Салжуқий султонлари ҳомийлигида ёзилган. Низомулмулк томонидан Султон Маликшоҳ учун ёзилган Сиёсатнома ислом дунёсидаги энг яхши намуналардан биридир. Ғаззолий Султон Муҳаммад Тапар номига ўзининг “Насихатул-мулк” номли асарини ёзди. Султон Санжар даврида Абул-Музаффар Ҳибатуллоҳ ибн Ардашир ибн Қайқубод томонидан ёзилган “Тухфатул-мулк фиъл-бах” асари Салжуқий султонларининг илтимосига биноан ёзилган. Ушбу асарларга қўшимча равишда Салжуқийларнинг келиб чиқиши ҳақида ёзилган ва муаллифи номаълум бўлган форсча назмий услубда ёзилган “Маликнома”, султон Маликшоҳга атаб ёзилган муаллифи номаълум “Рисола-и Маликшоҳий”, шоир Абу Тохир Хотуний томонидан ёзилган “Тарих-и Ол-и Салжук”, Али Қазвиний томонидан Султон Санжарга атаб ёзилган “Мафаҳирул-Атрок”, Муиззий томонидан Султон Санжарга атаб шеърини услубда ёзилган “Сияр-и Футуҳи Султон Санжар” ва яна Султон Санжарга атаб ёзилган муаллифи номаълум “Санжарнома” каби асарлар бизнинг замонамизгача етиб келмаган. Бундан ташқари, фақат Салжуқийлар тарихи билан боғлиқ асарлар ҳам ёзилган (Салжуқнома).

Манбалар Султон Маликшоҳ, Санжар, Сулаймоншоҳ, Тўғрул II ва Малик Тўғоншоҳ каби сулола аъзоларининг Эрон шеърятини яхши кўрганликларини ва бу соҳада адабий дидга эга эканликларини очиб беради.¹ Маликшоҳ, Санжар, Сулаймоншоҳ ва Тўғрул II каби султонларга тегишли бўлган баъзи форсча рубоийлар ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Бир ривоятга кўра, Ироқнинг охириги салжуқий ҳукмдори Тўғрул II Хоразмшоҳларга қарши курашда мағлубиятга учраганидан сўнг, жанг майдонида Шохномани ўқиётганда ўлдирилган. Султон Алпарслон даврида, Бурҳоний, Султон Маликшоҳ ва Санжар даврида Амир Муиззий “маликуш-шуаро” унвони билан танилган ва бу даврда Салжуқийлар султонлари кенгашларида Эрон адабиётининг кўплаб таниқли шоирлари иштирок этган. Маълумки, Султон Санжарнинг қизи Моҳмалак Хотин вафот этганидан кейин марсия

¹ Nizâmî-i Arûzî, *Çehâr Makâle* (nşr. Mirza M. Kazvîni), Leiden 1910, s. 43; Enverî, *Dîvân* (nşr. M. Takî Müderris-i Razavî), Tahran 1337-40 ҳş., II, 610; Avfî, *Lübâb*, I, 34; Devletşah, *Tezkiretü 'ş-şu 'arâ'* (nşr. Muhammed Ramazânî), Tahran 1366 ҳş., s. 58-59.



ёзиш учун Амбак-и Бухорийни Моввароуннахрдан хузурига чақиртирган. Бу орада шоир ёзган марсиясини ўгли Ҳомидий орқали Салжуқийларнинг пойтахти Марвга юборади.¹ Салжуқий султонларидан ташқари, Салжуқий маликлари ҳам шоир ва адибларга ҳомийлик қилганлар. Низоми Арузий Салжуқий шаҳзодаси Малик Тўғоншоҳ ибн Алпарслон шоир Азраки Ҳаравийга битта шеъри учун 500 динар берганлигини таъкидлайди.² Маълумки, даврнинг етакчи шоирлари Амир Муиззий, Умар Хайём, Адиб Собир, Амбаки Бухорий, Анварий, Санойи, Абдулвоси Жабалий, Ашраф Ғазнавий ва Азракий Салжуқийлар саройи билан доимий алоқада бўлганлар. Ушбу шоирлардан ташқари, Салжуқийлар даврида тарбия топган бошқа муҳим шоир ва адиблардан Ломий Гургоний, Носир Хусрав, Масъуд Саъдий Салмон, Низоми Ганжавий, Ҳокони Ширвоний, Абу Тохир Хотуний, Абувардий, Авҳадуддин Анварий, Асириддин Ахсикатий, Зоҳир Фарёбий, Жамолиддин Исфаҳоний, Рафиуддин Лунбоний ва Шарафиддин Шафравихи Исфаҳонийларни кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, вазир ва давлат арбоблари ҳам шоирларга ҳомийлик қилиб, уларнинг адабий фаолиятини ривожлантиришига ўз ҳиссасини қўшганлар. Фахриддин Асъад Гургоний (1054-55) “Вис у Ромин” номли шеърий асарини Салжуқий вазир Амидулмулк ал-Кундурийга атаб ёзган. Ушбу асарнинг кириш қисмида Тўғрул Бейга атаб мадҳия ёзган. Маълумки, вазир Низомулмулк ўз даври олимлари, шоирлари ва адибларини ҳимоя қилган. Али ибн Ҳасан ал-Бохарзий “Димятул-қаср” номли асарига даврнинг таниқли шоирлари томонидан Низомулмулкка атаб ёзилган кўплаб мадҳияларни киритган. Султон Санжарнинг вассали Хоразмшоҳ Отсиз, Муҳаммад ибн Умар ар-Розиёнийнинг “Таржимонул-балоға” асарига қизиққан ва шунга ўхшаш асарларни ёзишни рағбатлантирган ва бу воқеаларнинг барчаси Салжуқийлар даврида Эрон адабиётида “сабки Салжуқий” деб номланган янги адабий услубнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Хулоса қилиб айтганда, Салжуқийлар даври ижтимоий ҳаётининг асосида икки ташкилот пайдо бўлган. Булардан биринчиси вақф ташкилоти, иккинчиси аҳилик. Буларнинг ҳар иккиси ҳам ижтимоий ташкилотларнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатиб, давлатнинг бу соҳалардаги юқини сезиларли даражада енгиллаштирган. Вақф ташкилотига боғлиқ бўлган ўлкада одатда карвонсарой, шифохона, зовия (кичик хонақоҳ), работ, булоқ, кўприк ва йўллар қурилган. Айниқса Онадўлида жуда чиройли ва тартибли карвонсаройлар бўлган. Карвонсаройлар йўловчи ва савдогарларнинг ҳар қандай эҳтиёжларини қондирган, жонини ва молининг ҳам хавфсизлигини таъминлаган. Яна бу ерларда тақачи, тикувчи ва шифокор-табиб қабилар ташриф буюрувчилар учун доимий равишда хизмат кўрсатишган. Онадў-

¹ Am‘ak-i Buhârî, *Dîvân* (nşr. Sa‘id-i Nefîsî), Tahran, ts., s. 14-15.

² Nizâmî-i Arûzî, *Çehâr Maqāle* (nşr. Mirza M. Kazvîni), Leiden 1910, s. 44.



лидаги карвонсаройларда ҳар қандай йўловчи мусулмон ёки ғайримуслим 3 кун давомида тўловсиз қолиши мумкин бўлган.

Салжуқийлар иқтисодиёти деганда энг биринчи кўз олдимизга қуйидагилар келади: деҳқончилик, чорвачилик, тижорат ва саноат. Бутун дунё мамлакатларида иқтисодиётни ҳаракатлантирган, янгиликларга сабаб бўладиган унсур тижоратдир. Зотан тижорати бўлмаган иқтисодиётларнинг ўсиши ва яшамоқлиги имконсиздир. Тижоратнинг пойдевори бўлган хунармандлар, айниқса Онадўлида Аҳийлик номи остида ташкил этила бошланди. Аҳийлик ташкилоти хунармандларнинг барча ҳуқуқий масалаларини тартибга солар, уларнинг ривожланишини таъминлар, қолаверса, ижтимоий кўмаклашув бирлиги сифатида вазифани бажарарди. Бу жиҳатдан Онадўли турк маданиятининг ривожига катта ҳисса қўшган.

Салжуқийлар даврида ҳомашёси чорвачилик ва деҳқончиликка мос ва унга таянган бир саноат барпо этилган эди. Айниқса, қўйлар юнгидан тайёрланган кийим кечак тайёрлаш урфга айланган. Жун фақатгина кийим кечак эмас, балки уй хўжалигида ишлатиладиган ашёларнинг ҳам ҳомашёси эди. Мисол учун, палас, гилам, қалин матолар, қоп ва шунга ўхшаш ашёларнинг асосий манбаси эди. Жундан ташқари тикувчиликда пахта, ипак, туя жуни ва эчки жуни ҳам ишлатиларди. Айниқса, Туркистон шаҳарларининг жунли, пахтали, ипакли матолари, Бухоронинг жойномозлари, Хуросоннинг камарлари жуда машхур эди. Самарқанднинг қумуш тақинчоқлари, Тошкентнинг эгар ва жабдуқлари атрофдаги ўлкаларда жуда қадрланган. Келиб чиқиши Хитой бўлган чиннини ислом дунёсига тарқатган ҳам Салжуқийлардир. Булардан ташқари, туркларнинг яна бир муваффақиятли бўлган саноат тури маъдан қазиб олиш соҳаси эди. Кўмирни қазиб олиб ёқилғи сифатида фойдаланганлар ҳам Салжуқийлардир. Турклар қурол-яроғ борасида ҳам шуҳрат қозонишган. Айниқса, Фарғона водийсида қурол-яроғ ишлаб чиқариш жуда ривожланган. Ишлаб чиқарилган қуроллар Византия чегараларигача экспорт қилинган.

Давлат ғазнасига тушадиган асосий тушумлар тижоратчилардан олинган солиқлар, карвонлардан олинган божхона солиқлари, қарам давлатлардан олинган солиқлар, чорвачилик билан шуғулланган кўчманчилар ва Ўғуз бекликларидан олинган товон пуллари ҳамда иқто солиғидан иборат эди.

Салжуқийлар ўзларининг 250 йиллик тарихи давомида, ривожланган давлат ва жамият тизимига эга эдилар. Ўз даврида шарқ ва ғарбда Буюк Салжуқийлар давлатидан устун давлат бўлмаган. Бу устунликни улар соҳиби бўлган муассасалар ва иқтисодий кучдан олганлар. Бир томондан Шарқий Рим (Византия) империяси сиёсий кучини бартараф этган Салжуқийлар, аввало тижорат ва йўловчилар ҳавфсизлигини таъминлаган карвонсаройлари, қолаверса ўша даврнинг энг илғор билим ва тажрибаларига эга касалхоналари билан даврнинг энг ривожланган мамлақати эди. Улар фақатгина хазинага келиб тушган пулларнинг кўплиги ва уруш майдонларидаги ғалабалари билан



мақтанишмасди. Ўша даврда Салжуқийлар деганда билим, маданият, санъат, адолат, ҳавфсизлик ва тиббий хизмати ёдга тушарди. Салжуқийлар мамлакати куч ва бойликдан ташқари, ижтимоий муассасаларнинг фаравонлиги ва бахтлилик ўлкаси эди. Шу сабабдан, Салжуқийлар султонлари вафот этганда мусулмонлар билан бирга кўплаб ғайри муслимлар ҳам аза тутишарди. Салжуқийлар давлати таназзулидан кейин ҳам уларнинг муассасалари, урф-одатлари ва дастурлари яшашда давом этди. Ҳатто, дунёнинг энг буюк уч давлатларидан бири бўлган Усманийлар давлати ҳам Салжуқийларнинг меъроси сифатида ташкил топган.

КОБИЛОВА ГУЛЖАХОН

Ўқитувчи, ТДШУ

Формирование современной корейской культуры

Аннотация. «Формирование современной корейской культуры».

Данная статья посвящена истории становления и развития современной культуры Кореи. В статье, прежде всего, раскрывается понятие терминов «культура», «массовая культура» и «современная культура», приводятся умозаключения по поводу того, что культура – это показатель, так называемый измеритель сознания и ценностей человека и общества в целом. Массовая культура, в свою очередь, стала ведущей культурной формой и под влиянием процессов глобализации она превратилась в феномен общемирового масштаба. Посредством культурной интеграции, взаимообменом друг с другом обычаями, традициями, искусством, технологиями и их видоизменением в соответствии с современными взглядами и ценностями и формируется современная культура, которая открывает перед учёными новые области исследования.

Также в работе рассматриваются актуальность данной темы, особенности формирования традиционной корейской культуры, факторы, повлиявшие на её трансформацию и преобразование в одну из направлений современной массовой культуры. Прежде чем рассматривать современный феномен, в исследовании приводится краткая история поэтапного развития культуры с древнейших времён до наших дней. В работе также приводится ряд ученых историков, культурологов-корееведов, как узбекистанских, так и зарубежных, и их научные труды в сфере корееведения, и на основе их анализа выполнено данное исследование. Особое внимание уделяется анализу современного феномена культурной волны Южной Кореи – халлю, его экономическому содержанию, государственной политики направленной на поддержку и развитие корейской культуры, территориальной популяризации, как явления, представляющего собой уникальное сплетение противоположных начал: традиционных восточных (конфуцианских) и западных культурных ценностей, обретающее своих ценителей по всему миру, в том числе и в Узбекистане, как универсальная культура. Особенность и новизна данного феномена также в том, что отличие от соседних восточных культур как, например, китайская, японская или



индийская, представляя которые у человека, в первую очередь, перед глазами всплывает картина именно традиционной классической эпохи, то в случае с Кореей более популярно представление нынешней современной постиндустриальной эпохи. Жителям Южной Кореи удалось найти такое соотношение традиций и инноваций, которое в наилучшей степени отвечает требованиям современного развития страны.

Ключевые слова: Корея, культура, история, развитие, корейская волна-халлю, конфуцианство, Восток и Запад, современность, популяризация, индустриализация, глобализация.

Аннотация. Ушбу мақола замонавий корейс маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихига бағишланган. Мақолада, биринчи навбатда, "маданият", "оммавий маданият" ва "замонавий маданият" атамаларининг маъноси очиб берилган, маданиятни – инсон ва умуман жамиятнинг онг ва қадриятлари кўрсаткичи эканлиги ҳақида хулосалар берилган. Оммавий маданият, ўз навбатида, етакчи маданият шакли даражасига етди ва глобаллашув жараёнлари таъсирида у глобал ҳодисага айланди. Маданий интеграция натижасида, урф-одатлар, анъаналар, санъат, технологияларни бир-бири билан алмашиши ва уйғунлашиши, ҳамда уларни замонавий қарашлар ва қадриятларга мос равишда ўзгартириши орқали замонавий маданият шаклланади, бу эса олимлар учун янги тадқиқот йўналишларини очади.

Мақолада, шунингдек, ушбу мавзунинг долзарблиги, анъанавий корейс маданиятининг шаклланиши хусусиятлари, унинг ўзгариши ва замонавий оммавий маданият соҳаларидан бирига айланишига таъсир кўрсатган омиллар муҳокама қилинади. Замонавий ҳодисани кўриб чиқишдан олдин тадқиқотда қадимги даврлардан ҳозирги кунгача бўлган маданиятнинг босқичма-босқич ривожланишининг қисқача тарихи келтирилган. Мақолада, шунингдек, ўзбек ва чет эллик бир қатор тарихчи, маданиятшунос ва корейшунос олимлар ва уларнинг корейшунослик соҳасидаги илмий ишларидан иқтибос келтирилиб, уларнинг таҳлили асосида ушбу тадқиқот амалга оширилди. Жанубий Корея маданий тўлқинининг замонавий ҳодисаси – Халлю, унинг иқтисодий мазмуни, корейс маданиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришига қаратилган давлат сиёсати, ҳудудий оммалаштириши, қарама-қарши тамойилларнинг ўзига хос уйғунлигидан иборат ҳодиса сифатида таҳлил қилишига алоҳида эътибор қаратилган: анъанавий Шарқ (Конфуций) ва Ғарб маданий қадриятлари умуминсоний маданият сифатида бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ўз муҳлисларини топмоқда. Ушбу ҳодисанинг ўзига хослиги ва янгилиги шундаки, хитой, япон ёки ҳинд каби қўшни Шарқ маданиятлари ҳақида тасаввур қилганда инсоннинг кўз ўнгида биринчи навбатда, анъанавий классик даврнинг сурати пайдо бўлади, Корея эса, улардан фарқли ўлароқ, ҳозирги замонавий постиндустриал даврнинг машҳур маданий вакили. Жанубий Корея халқи мамлакатнинг замонавий тараққиёти талабларига энг мос келадиган анана ва инновацияларнинг шундай мувозанатини топшига муваффақ бўлди.

Таянч сўз ва иборалар: Корея, маданият, тарих, тараққиёт, Корея тўлқини – Халлю, Конфуцийлик, Шарқ ва Ғарб, замонавийлик, оммалаштириши, санъатлаштириши, глобаллашув.

Abstract. This article is devoted to the history of the formation and development of modern Korean culture. The article, first of all, reveals the concept of the terms "culture", "mass culture" and "modern culture", provides conclusions about the fact that culture is an indicator, the so-called measure of consciousness and values of a person and society as a



Аннотация. Почта алоқа соҳаси барча давлатлардаги каби Ўзбекистон Республикасининг ҳам миллий иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий инфратузилмасининг муҳим элементларидан бири ҳисобланиб, ягона ахборот тизимини ривожлантириши ва уни қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга миллий иқтисодиётнинг муҳим сегментларини ривожлантиришига хизмат қилиши билан бир қаторда, миллий иқтисодиётнинг ажралмас қисми сифатида эътироф этиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Истиқлол йилларида Ўзбекистон почтаси тизимида туб ўзгаришлар рўй берди. Ўтган давр мобайнида соҳа ривожини учун бир қатор Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармонлари қабул қилинди. “Ўзбекистон почтаси” очиқ акциядорлик жамиятининг вилоят ва туман алоқа бўлимларини моддий техник базаси мустаҳкамланди. Ишлаб чиқариши ривожини ҳамда хизмат кўрсатиши турларини сифат жиҳатидан янгиликларни жорий этишини қамраб олди.

Мамлакатимиз аҳолисига бундай қулай ва сифатли хизмат кўрсатиши нафақат вилоят марказларидаги алоқа бўлимлари томонидан, балки вилоят туман алоқа бўлимлари орқали ҳам амалга оширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси мамлакатда амалга ошириляётган ижтимоий-иқтисодий янгилианишларга мантиқий мос келмоқда ва жаҳондаги ахборот хизматлари соҳасининг жараёнларига муваффақиятли кириб бормоқда. Шу билан бир қаторда Республикадаги деярли барча алоқа бўлимларида янги хизмат турлари ташиқил қилинди ҳамда янги иш ўринлари сонини ошишига эришилди. Мамлакатимиз аҳолисига сифатли хизмат кўрсатиши тизими йўлга қўйилди. Почта алмашинувлари нафақат республикамиз ичида, балки қўини ва хорижий давлатлар билан ҳам амалга оширилмоқда.

Почта хизмати ўрнини Интернет ҳам, электрон почта ҳам боса олмайди. Аксинча, улар почта хизматлари учун янги қулай имкониятларни яратиб берди. Биз турли хил алоқа воситалари бир-бирини тўлдириб турган даврда яшаётимиз. Почта майдони фақатгина онлайн режимида харид ва таклиф қилувчиларга, балки янги технологиялардан фойдаланишини билмайдиган ва ташиқи дунё билан алоқада бўлиши учун ҳаётида зарур аҳамиятга эга бўлганларга ҳам керакли хизматларни кўрсатади. Шу билан бир қаторда почта алоқаси мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириши ва мустаҳкамлаида фуқароларнинг турмушини яхшилаида ва маиший қулайликларни оширишида муҳим ўрнига эга эканлиги мазкур мақолада кўрсатиб ўтилган.

Таянч сўз ва иборалар: Бутунжаҳон почта иттифоқи, Халқаро тезкор почта, электрон пул жўнатмалари, O'zbektelekom, гибрид почта, тезкор почта, курьерлик хизмати, UNISAVDO, Тошкент почтамми, UzPost.

Аннотация. Сфера почтовой связи считается одним из важных элементов национальной экономической, социальной и политической инфраструктуры Республики Узбекистан, как и во всех странах, как неотъемлемая часть национальной экономики, помимо развития единая информационная система и ее поддержка, а также служащие развитию важных сегментов народного хозяйства признаются целесообразными. За



годы независимости в почтовой системе Узбекистана произошли коренные изменения. За прошедший период для развития отрасли принят ряд постановлений и Указы Президента Республики Узбекистан, Кабинета Министров Республики Узбекистан. Укреплена материально-техническая база областного и районного отделений связи открытого акционерного общества «Узбекистан почтаси». Он охватывал развитие производства и внедрение качественных новшеств в виды услуг.

Предоставление такой удобной и качественной услуги жителям нашей страны осуществляется не только отделами связи в областных центрах, но и через областные и районные отделы связи. Все это логически согласуется с проводимыми в стране социально-экономическими реформами и успешно встраивается в процессы мировой сферы информационных услуг. На ряду этим практически во всех отделениях связи республики были организованы новые виды услуг и достигнуто увеличение количество новых рабочих мест. Налажена система оказания качественных услуг населению нашей страны. Почтовый обмен осуществляется не только внутри нашей республики, но и с соседними и зарубежными странами.

Ни Интернет, ни электронная почта не могут заменить почтовую службу. Наоборот, они создали новые возможности для почтовых услуг. Мы живем в эпоху, когда различные средства коммуникации дополняют друг друга. Почта оказывает необходимые услуги не только интернет-покупателям и продавцам, но и тем, кто не умеет пользоваться новыми технологиями и не имеет в своей жизни необходимого значения для общения с внешним миром. На ряду с этим, в данной статье предоставлены, что почтовой связи принадлежит важная роль в развитии и укреплении экономики нашей страны, в улучшении жизни граждан и повышении бытового комфорта.

Ключевые слова: Всемирный Почтовый Союз, Международная экспресс-почта, электронные денежные переводы, Узбектелеком, гибридная почта, экспресс-почта, курьерская служба, UNISAVDO, Ташкентское почтовое отделение, UzPost.

Annotation. The postal service is considered one of the important elements of the national economic, social and political infrastructure of the Republic of Uzbekistan, as in all countries, as an integral part of the national economy, in addition to the development of a unified information system and its support, as well as serving the development of important segments of the national economy, are recognized as appropriate. During the years of independence, fundamental changes have taken place in the postal system of Uzbekistan. Over the past period, a number of resolutions and Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan, the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan have been adopted for the development of the industry. The material and technical base of the regional and district communication departments of the open joint-stock company "Uzbekistan pochta" has been strengthened. It covered the development of production and the introduction of quality innovations in the types of services.

The provision of such a convenient and high-quality service to the residents of our country is carried out not only by communication departments in regional centers, but also through regional and district communication departments. All this is logically consistent with the ongoing socio-economic reforms in the country and is successfully integrated into the processes of the global sphere of information services. Along with this, practically in all post offices of the republic, new types of services were organized and an increase in the number of new jobs was achieved. A system has been established to provide quality services to the population of our



country. Postal exchange is carried out not only within our republic, but also with neighboring and foreign countries.

Neither the Internet nor email can replace the postal service. On the contrary, they created new opportunities for postal services. We live in an era when different means of communication complement each other. The post office provides the necessary services not only to Internet buyers and sellers, but also to those who do not know how to use new technologies and do not have the necessary importance in their lives to communicate with the outside world. Along with this, this article provides that the postal service plays an important role in the development and strengthening of the economy of our country, in improving the lives of citizens and increasing domestic comfort.

Key words: *Universal Postal Union, International Express Mail, Electronic Money Transfers, Uzbektelecom, Hybrid Mail, Express Mail, Courier Service, UNISAVDO, Tashkent Post Office, UzPost.*

Кириш: Мамлакатимизда мустақиллик йилларида почта алоқа тизими соҳасида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Дунёнинг аксарият давлатлари қатори мамлакатимизда ҳам миллий почта операторлари кўплаб хат-хабарлар ҳажмини кескин қисқариши, рақамли хизматларнинг ўсиши каби муаммоларга дуч келди. Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб “Ўзбекистон почтаси” АЖ раҳбарияти ва жамоси почта алоқаси миллий оператори фаолиятининг сифат жиҳатдан янги услубларини жорий этиш, почта алоқа хизматлари ва логистика тизимини модернизация қилиш ва бозорда унинг фаолияти мавқеини оширишга доир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, аънавий хизмат турларидан ташқари аҳолига қулайлик яратиш учун почта алоқа бўлимлари ва филиалларида коммунал хизмат, телефон, электр-энергия учун ҳақ тўлаш, мол-мулкни суғурта қилиш, лотарей билетлари харид қилиш, почта орқали жўнатиш ва олиш, электрон почтадан фойдаланиш сингари бир қатор янги хизмат турлари ташкил этилди. Соҳага доир янги инфратузилмалар яратилди. Бундай янгиланишлар почта алоқа тизимининг янги босқичга кўтарилишини ва ривожланиш жараёнларини аҳолининг ижтимоий-маданий ҳаётидаги туган ўрнини алоҳида мавзу доирасида тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Почта алоқаси орқали хабарларни тезкор етказиш, давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш, фуқароларда юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш турли халқлар ўртасидаги ҳамжихатликни таъминлашдаги ўрнини алоҳида мавзу доирасида тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Шунингдек, почта алоқаси орқали юборилаётган хабарларнинг аниқлиги ҳар бир мамлакатнинг ижобий имиджини шаклланишидаги роли медиа тадқиқот марказларида таҳлил этиб борилмоқда.

Мақсад ва вазифа: Мустақиллик йилларида республикаимизда почта алоқа тизими соҳасида бўлган ўзгариш ва янгиланишларни тизимли асосда комплекс ҳолда тадқиқ этиш. Тадқиқот учун танлаб олинган даврдаги почта алоқа бўлимлари ривожланишига таъсир кўрсатган асосий омилларни аниқлаш. Алоқа соҳасининг энг муҳим бўғини ҳисобланган почта алоқа тизимида янги



техника ва технологияларни кириб келишидан кўзланаётган асосий мақсадларни кўрсатиб бериш. Ўрганилган масалалар юзасидан амалий аҳамиятга молик таклиф ҳамда тавсиялар бериш.

Усуллар. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда почта алоқа тизимининг янги босқичга кўтарилиш ва ривожланиш жараёни ҳамда унинг аҳоли ҳаётидаги ўрни тарихийлик тамойилига амал қилинган ҳолда тадқиқ қилинган. Тадқиқотда илмий таҳлилнинг анализ ва синтез, даврийлик, тарихий ва тавсифий ёндашувлар каби усуллардан фойдаланилди.

Натижалар ва мулоҳаза.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон почтаси тизимида ва фаолиятида туб бурилишлар даври бўлди. Ўтган давр мобайнида барча аҳоли пунктлари почта корхоналари тармоғи билан қамраб олинди. 1991 йилда почта алоқаси ва матбуот тарқатиш корхоналари таркибидаги бўлимлар негизида почта алоқаси мустақил бирлашмаси ҳамда уларнинг вилоят ва туман бўлимлари ташкил этилди. Аҳолининг ва халқ хўжалигининг почта алоқаси ва матбуот хизматида бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқ қондириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ва алоқа воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг 1992 йил 28 февралдаги 34-сонли буйруғига кўра 1992 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг “Ўзбекистон почтаси” почта алоқаси ва матбуотни тарқатиш давлат корхоналари концерни Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузилиши белгилаб берилди¹. Ўзбекистон почтаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, 1992 йилда электр алоқа тармоқларидан ажралиб чиқди. Шу йили “Ўзбекистон почтаси” концерни ташкил топди, 1994 йил 24 февралда у Бутунжаҳон почта иттифоқи аъзолигига қабул қилинди².

1994-1995-йилларда ёрдамчи хўжалик корхоналари, саноат, лойиҳалаш, қурилиш, моддий-техник таъминот, автотранспорт хизмати ва матбуот тарқатишлар давлат тасарруфидан чиқарилди. Ҳукуматимиз томонидан алоқа корхоналарини даромаддан олинадиган солиқлардан 2000 йилгача озод қилинди. Корхоналар ихтиёрида қолган маблағлар почтанинг моддий техник базасини ривожлантиришга йўналтирилди. Ўша вақтда Республика почта корхоналари даромадларининг 21 % и асосий почта хизматлар кўрсатишдан, 14 % и матбуот тарқатишдан, 32,7 % и нафақа тўловларидан, 32,3 % и ноанъанавий хизматлардан келган³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 июлдаги “Ахборот тизимлари соҳасини қайта ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1823-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-

¹ ЎзМА, М-2007-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 1-варак.

² Мавланов, Ў., Ахмедов, С., Умаров, Б. Ўзбекистон почтаси тарих ва тараккиёт. — Тошкент: Маънавият, 2014 – Б.130.

³ Абдуллаев Ф. Ахборот тизимларнинг кенг майдони. Алоқа дунёси, 2001 1(2). – Б.7.



масининг 1997 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳақида”ги 380-сон қарорига асосан “Ўзбекистон почтаси” Давлат акциядорлик компанияси ташкил этилди¹.

2002 йилда Почта алоқаси корхоналарида 11,23 млн. хат, 62,1 млн. газета ва журналлар, 60 минг жўнатма, 565 минг сўзлашувлар ва 170 минг телеграмма қабул қилинди, Почта алоқаси корхоналари орқали 31 млрд. сўм пенсия ва нафақалар тўланди. 2003 йилда “Ўзбекистон почтаси” давлат-акциядорлик компаниясига таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят бошқармалари, Халқаро почта, Халқаро тезкор почта, “Ўзбекистон маркаси” акциядорлик жамияти, 185 алоқа узели ва 3012 алоқа бўлимлари мавжуд бўлганди.

2008 йилгача жаҳоннинг 80 та давлати билан почта алмашинувлари амалга оширилди. Аҳоли тўловларини амалга ошириш мақсадида операторларнинг иш жойлари “O‘zbektelekom” акциядорлик компанияси биллинг тизимига уланган. Электрон пул жўнатмалари тизимига 216 почта алоқалари бўлимлари уланган бўлиб, барча республика минтақа ва туманлари марказларида мазкур хизматни амалга ошириш имконияти яратилди. Халқаро электрон пул жўнатмалари алмашув бўлимлари очилган².

2009 йил охирига келиб 202 та аҳоли пунктлари кўчма почта бўлимлари билан қамраб олинди³. 2010 йилда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ томонидан ISO 9001:2008 халқаро стандартлар талабига мувофиқ, Сифатни бошқариш тизимини жорий этилганлиги ва қўлланилаётганлиги тўғрисидаги DQS халқаро сертификация тармоғи ҳамда Ўзстандарт агентлигининг миллий сертификатлари топширилди⁴. 2013 йилда почта алоқаси объектларида автоматлаштирилган тизимга боғланган иш ўринлари сони 1879 тага етказилиб, шундан хизмат кўрсатишда фойдаланилаётган иш ўринлари 1298 тани ташкил этган, 2012 йилга нисбатан бу кўрсаткич мос равишда 21,0% ва 11,1%га кўпайган⁵. 2015 йилда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг миллий оператори этиб белгиланган⁶.

2018 йил 19 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 5349-сонли фармонида Ўзбекистонда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишнинг янги механизмларини жорий этиш юзасидан изчил иш олиб борилиши таъкидланди. Шунингдек, соҳадаги баъзи камчиликлар

¹ Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 380-сонли қарори.

² Infocom.uz — Тошкент, 2009. — № 10. — Б.5.

³ Infocom.uz — Тошкент, 2009. — № 12. — Б.10.

⁴ Маҳкамова Н, Бабаджанов Х. Ўзбекистон тарихи. — Тошкент : Алоқачи, 2020. — Б.192.

⁵ Infocom.uz — Тошкент, 2013. — № 1. — Б.20.

⁶ Юсупов И. Ўзбекистонда алоқа тизимининг таракқиёти тарихи (Хоразм вилояти мисолида). Бухоро: Дурдона, 2022. — Б.59.



кўрсатилиб ўтилиб, уларнинг ечимлари, соҳа олдидаги истиқболли вазифалар сифатида белгилаб берилди¹. 2018 йилдан “Ўзбекистон почтаси” АЖга банк ва суғурта хизматларини кўрсатиш ҳуқуқи берилди².

Мамлакатимизда почта алоқаси соҳасида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина, хусусан, 2016-2020 йилларда “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти томонидан матбуот тарқатиш ҳажми 3 баробарга камайиб, унинг жами матбуот тарқатишдаги улуши 13 фоизни ташкил этди. “Ўзбекистон почтаси” фаолиятида буюртмали хатни бир вилоятдан бошқа вилоятга етказишда кечикиш ҳолатлари қузатилганди. 2020 йилга келиб “Ўзбекистон почтаси” АЖ тизимида мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган 2 мингдан зиёд бўлинма, 7 минг нафар ходим фаолият олиб борган. Лекин йиллар давомида эътибор берилмагани оқибатида почта хизматининг ўрни пасайиб кетди³.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан 2019 йилнинг 9 ойида 10 та янги хизмат жорий этилган. Жумладан, қатор интернет дўконларидан харид қилинган товарлар почта орқали етказиб берилган. Россия, Қозоғистон ва қатор Европа мамлакатларига почта жўнатмалари етказиб берилмоқда, “Гибрид почта” хизмати йўлга қўйилди.

131 та почта алоқаси объектларида тезкор почтани қабул қилиш-жўнатиш ишлари ташкил этилиб, ушбу хизмат йўлга қўйилган объектлар сони 325 тага етказилди. 111 та почта алоқаси объектларида курьерлик хизмати йўлга қўйилган, объектлар сони 268 тага етказилди. Электрон тижорат орқали сотиб олинган товарлар жойланган почта жўнатмаларини етказиб бериш хизмати ривожлантирилиб, умумий оғирлиги 102,4 тонналик 1,5 миллионта буюртма қабул қилингани ва 1,0 млн доллардан зиёд даромад олинган. Бунинг натижасида “Ўзбекистон почтаси” АЖ 2019 йилнинг 9 ойида 109,6 млрд сўм даромад олган ва йилни зарарсиз якунлади⁴.

2020 йилда аҳолининг почта алоқаси хизматларидан фойдаланиши учун қулайликлар яратиш мақсадида 38 та почта алоқаси боғламаси ва 88 та алоқа бўлимининг фаолияти қайта тикланди. Натижада 275 та янги иш ўрини яратилди. Амалга оширилган ишлар натижасида почта алоқаси объектлари орқали 60 дан ортиқ турдаги тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилди ва ўтган йилга нисбатан 1,6 баробар кўп тўловлар қабул қилинди. Шу билан бирга, устама тўловли почта жўнатмаларини етказиб бериш хизмати тикланиб, 2020 йил якунига қадар 19 миллиард сўмлик жўнатмалар етказиб берилди. 2020 йилга келиб Республикамиз жаҳоннинг 96 та мамлакатлари билан почта айрибошлаш ишларини амалга оширмоқда.

¹ Маҳкамova Н, Бабаджанов Х. Ўзбекистон тарихи. — Тошкент : Алоқачи, 2020. – Б.193.

² Мирзақулов Т. Тараққиёт сари муҳим қадамлар // "Хабар" газетаси, 2018, 23 февраль, 8 (1326). – Б.2.

³ Daryo.uz.6.10.2020 й.

⁴ Kun.uz. 7.11.2019 й.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан 23 та почта алоқаси объектида давлат хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилди. Бир дона автомат конвертлаш ускунаси синов тариқасида “Тошкент почтамти” филиалида ўрнатилди. Миллий онлайн савдо майдончасига тadbиркорларнинг ишлаб чиққан маҳсулотларини жойлаштириш бўйича 30 нафар тadbиркор билан шартномалар тузилди¹. Шунингдек, ҳозирги кунга қадар тижорат банклардан кредит ва лизинг маблағларини жалб этган ҳолда почта ва курерлик жўнатмаларини, даврий матбуот нашрларини ва бошқа жўнатмаларни марказдаги почта саралаш бўлимидан олиб, олувчиларга етказиб бериш (бунда алоқа бўлимлари почта жўнатмаларини етказиб бериш фаолияти билан шуғулланмайди) амалиётини жорий этиш мақсадида 240 та электроскутер сотиб олинди ва иш жойларига берилди. Почта алмашинувларни амалга оширишда фойдаланилаётган автотранспортлар сони эса 388 тага етди.

“Гибрид почта” хизматидан фойдаланиш бўйича 50 дан ортиқ ташкилотлар билан шартномалар тузилди. Шунингдек, ушбу хизматни ривожлантириш ва иш унумдорлигини ошириш ҳамда почта жўнатмаларига ишлов бериш жараёнида қўл меҳнатини қисқартириш мақсадида, 2 та “Neopost” автомат конвертлаш ускунаси харид қилиниб, Тошкент шаҳрида синов тариқасида ишлатилмоқда.

Мижозлар номига келган почта жўнатмаларини олиши учун мўлжалланган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи 30 та автоматлаштирилган комплекслар - (почтаматлар) сотиб олинди ҳамда Тошкент шаҳридаги 13 та почтамат почта алоқаси объектиларига ва аҳоли гавжум ҳудудларга, 17 та почтамат Андижон, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Нукус, Навоий, Самарканд, Наманган, Фарғона (3та) ва Урганч шаҳрига ўрнатилди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини онлайн сотиш ва мижозларга етказиб бериш имкониятини берувчи “UNISAVDO” бренди остида Миллий онлайн савдо майдончаси 2021 йил феврал ойидан бошлаб тўлиқ ишга туширилди. Шунингдек, май ойидан мобил иловаси ишга туширилди².

2021 йилда “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти таркибида 14 та ҳудудий филиал ва битта ихтисослаштирилган “Халқаро почтамт” филиали, 162 та почта алоқаси боғламлари ва 1783 та алоқа бўлимларини бирлаштириб, почта жўнатмаларини ўз вақтида етказиб беришда учта авиа, 275дан ортиқ автомобил почта ташиш йўналишлари бўйича фаолият юритмоқда. Сўнги бир йил ичида эса 9 та почта алоқаси боғламлари фаолияти қайта йўлга қўйилди, 20 та бутунлай янги почта алоқаси бўлими очилди. Ўз навбатида 70 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Хизмат сифатига эътибор берилиб, республикамиз

¹ "Хабар" газетаси, 2021, 5 февраль 5 (1479). – Б.2.

² Абдуллаев Н. “Ўзбекистон почтаси” 240 та электроскутер сотиб олди. "Хабар" газетаси, 2021, 9 июл 27(1501). – Б.2.



шаҳарларидан тортиб олиш чекка ҳудудларида яшовчи аҳолига хат-хабар, жўнатмалар ва вақтли матбуот нашрларини бир хил вақт оралиғида етказилишига эришилмоқда¹.

2021 йил 14 декабр санасида “Ўзбекистон почтаси” АЖ ребрендингни амалга оширди ва айнан шу санадан бошлаб UzPost брендига ўтди. “UzPost”нинг мавжуд ахборот тизимлари янгиланди, тўловларни қабул қилиш ва пул ўтказмалари бўйича автоматлаштирилган тизим янгиланиб, AVVAL бренди остида ишга туширилди ҳамда унинг мобил иловаси ҳам яратилди. Бугунги кунда мазкур тизимда 60 дан ортиқ тўловларни қабул қилиш имконияти мавжуд. Ҳозирда республиканинг чекка ҳудудларида яшовчи аҳоли учун 930 га яқин почта алоқа объектларида 30 турдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилган. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини онлайн сотиш ва миқдорларга етказиб бериш имкониятини берувчи UNISAVDO бренди остида Миллий онлайн савдо майдончаси 2021 йил март ойидан бошлаб тўлиқ ишга туширилган. Электрон тижорат билан шуғулланувчи тадбиркорларга қулайликлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳрида, Андижон вилоятининг Асака туманида, Бухоро вилоятининг Вобкент туманида ва Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида логистика маркази қурилиши бошланди.

Шунингдек, “Гибрид почта” тизими такомиллаштирилиб, Ягона миллий тизим жорий этилди. Гибрид почта хизматининг афзаллиги шундаки, давлат органлари ва ташкилотлари почта жўнатмаларини конвертга солиш, унга марка ёпиштириш, олувчининг манзилларини ёзиш ва почтага олиб келиш вазифаларидан холи бўлишади. Бунинг натижасида почта жўнатмасини етказиб беришдаги назорат муддатлари қисқаришига эришилди, яъни аввал почта жўнатмалар энг чекка ҳудудда яшовчи аҳолига 6-8 кун ичида етказиб берилган бўлса, эндиликда 1-2 кун ичида амалга ошириляпти. Бугунги кунда 100 дан ортиқ давлат органлари ва ташкилотлари ушбу хизматдан фойдаланиб келмоқда. Гибрид почта жўнатмаларининг ҳажми 2020 йилга нисбатан 2021 йилда 2 баробар кўпайиб, 3,5 миллион донани ташил этганди².

2022 йилда “Ўзбекистон почтаси” АЖ таркибий жиҳатдан 165 та туман ва шаҳар почта алоқаси тармоқлари, 1803 та почта алоқаси бўлимларидан (улардан 1358 таси қишлоқ жойларида) иборат бўлган 14 та минтақавий филиаллар, 4 та ихтисослаштирилган филиаллар – “Халқаро почта”³, “Халқаро тезкор почта”, “Ўзбекистон маркаси”, “Матбуот тарқатиш”ни ўз ичига олади. Шу билан бирга, республика ҳудудида почта жўнатмалари мунтазам равишда 3 та авиа, 303 та автомобил йўналишлари бўйича етказиб берилмоқда³.

¹ Мансуров Д. “Ўзбекистон почтаси” АЖ: Хизматлар тезкор ва сифатли бўлиши шарт. // “Хабар” газетаси, 2021, 28 май, 21 (1495). – Б.12.

² “Хабар” газетаси, 2022, 25 март, 12 (1538). – Б.3.

³ “Хабар” газетаси, 2022, 18 март, 11 (1537). – Б.3.



1. Хулосалар:

1. “Ўзбекистон почтаси” АЖ “Ўзбектелеком” таркибидан чиқарилиб, республика аҳолиси ва корхона ташкилотларга алоҳида хизмат кўрсата бошлади, почта алоқа бўлимларининг тизими янгиланди ҳамда ахборот коммуникация жиҳозлари билан таъминланди.

2. Почтани хавфсиз ва тез етиб боришини таъминлаш учун темир йўл ва ҳаво транспорти орқали хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш зарур ҳисобланади.

3. Бугунги кунда почта хизматларини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш имконсиз ҳисобланади. Шу сабабли анъанавий почта хизматларини рақамлаштириш, почта жўнатмаларини қабул қилиш, мониторингини олиб бориш ва етказиб бериш жараёнларини такомиллаштириш учун почта хизматлари жараёнларини рақамлаштириш тизимини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

4. Келгусида электрон тижорат орқали сотиб олинadиган товарларни почта тармоғи орқали етказиб бериш ишларини кенгайтириш ҳамда трансчегаравий Интернет-савдони ривожлантириш орқали Ўзбекистон почтаси жамияти даромадларини янада кўпайтириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

5. “Ўзбекистон почтаси” АЖ веб сайти (WWW.pochta.uz) каби унинг филиалларида ҳам замонавий веб сайтлар яратилса, миқдорларга янада кенгрок шарт-шароитлар яратилган бўларди.

АБДУХАЛИЛОВА АЗИЗА

докторант, ТДШУ

Хива хонлигида солиқ ҳисобидан йиғилган маблағларининг сарф этилишига доир

Аннотация. Мазкур мақолада XIX аср охири – XX аср бошлари Хива хонлиги солиқ тизимида тадқиқ этилишида асосий манбалар гуруҳини ташкил этувчи Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган “Хива хонлари архиви” ҳужжатлари орасида салмоқли ўрин эгалловчи sanoқ дафтарлари таҳлил этилган. Хонликда солғут, закот ва ушр ҳисобидан хазинага келиб тушган маблағ ва маҳсулотнинг сарф этилишига доир тавҳижа дафтарлари ўрганилиб, солиқ ҳисобига йиғилган пуллар сарой ҳаражатларидан ташқари бошқа соҳаларга ҳам йўналтирилган. Жумладан, давлат мудофааси учун ҳарбий хизматчилар маоши, қўини давлатлар билан элчилик алоқалари, маданий- диний соҳа ривожини учун, хусусан, масжид ва мадрасалар қуриши ҳамда дин уламоларига, толиби илмларга маош каби соҳаларга сарфланган. Шунингдек, солиқлар ҳисобидан тўлган хонлик газнаси янги ерларни ўзлаштириши ва ободонлаштириши мақсадида ҳам сарфланганлиги аниқланди.



Таянч сўз ва иборалар: Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви, солгут, закот, уиур, Хива давлат хужжатлари, саноқ дафтарлари, тавҳижа дафтари, қўнук.

Аннотация. В данной статье анализируются налоговые тетради, занимающие значительное место среди документов “Архива Хивинских ханов”, хранящихся в Национальном архиве Узбекистана, которые составляют основную источниковую группу в исследовании налоговой системы Хивинского ханства конца XIX – начала XX веков. В ханстве изучались средства, поступающие в казну за счет солгута, закята и дахьяка, и тетради тавхиджа о потреблении продуктов, а деньги, собранные за счет налогов, переводились в другие области в дополнение к дворцовым расходам. В частности, на оборону государства, заработную плату военнослужащих, связь с соседними странами, на развитие культурной и религиозной сферы, в частности, было потрачено на такие направления, как строительство мечетей и медресе, а также на заработную плату религиозникам, студентам. Также было установлено, что ханская казна, которая была наполнена налогами, также тратилась с целью освоения и улучшения новых земель.

Ключевые слова. Национальный архив Республики Узбекистан, солгут, закят, уиур, государственные документы Хивы, налоговые книги, тетрадь тавхиджа, конук.

Annotation. This article analyzes tax notebooks that occupy a significant place among the documents of the “archive of Khiva Khans” stored in the National Archive of Uzbekistan, which constitute the main source group in the study of the tax system of the Khiva Khanate of the late XIX – early XX centuries. The khanate studied the funds that came to the treasury at the expense of solgut, zakat and tithes, and tawhij's notebooks on food consumption, and the money collected from taxes was transferred to other areas in addition to palace expenses. In particular, for the defense of the state, the salaries of military personnel, communication with neighboring countries, for the development of the cultural and religious sphere, in particular, it was spent on such areas as the construction of mosques and madrassas, as well as on salaries for religious scholars, tolibi sciences. It was also found that the khan's treasury, which was filled with taxes, was also spent in order to develop and improve new lands.

Keywords. National Archive of the Republic of Uzbekistan, solgut, Zakat, ushr, Khiva state documents, tax books, tawhija notebook, konuk.

Кириш. Дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида мамлакат бюджети даромадлар қисмининг асосий манбаи ҳисобланиб, ҳамма замонларда унинг йиғимига жиддий эътибор қаратилган. Бугунги кунда ҳам солиқлар молиявий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида давлат даромадини қайта тақсимланади ва аҳоли учун зарур турли ижтимоий хизматлар шакли орқали билвосита фуқароларга қайтарилади. Солиқлар иқтисодиётни тартибга солиш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш каби функцияларни бажарар экан, у ижтимоий соҳа хизматлари тури ва сифатининг ошиши, атроф муҳитнинг ифлосланиши, миллий муҳофаа харажатлари билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожланади.

Усуллар. Бугунги кунда тарих фани олдида турган асосий вазифалардан бири тарихий тадқиқотларни холислик ва объективлик асосида, махсус қолиплардан холи ёзиш эканлигини инобатга олган ҳолда тадқиқ этилаётган



мазкур илмий муаммонинг ечимини манбалар таҳлили асосида холисона топишга ҳаракат қилдик.

Натижалар ва мулоҳаза. Қўнғиротлар даври Хива хонлигида солиқ тизими тарихи ўз дарви учун мукамал ташкил этилган тузилма бўлиб, бугунги кунга қадар сақланиб қолган ҳужжатлар солиқ йиғиш жараёни марказлаштирилганлигидан дарак беради. Солиқ йиғиш жараёни учун хонликнинг уч юқори амалдори - қўшбеги, девонбеги ва меҳтар масъул бўлган. Солиқ амалиёти бошланишидан олдин хон томонидан имзоланган муборакнома шаҳарларга йетказилган ҳамда мироб, оқсоқол ва бийлар томонидан мазкур жараёнга тайёргарлик ишлари бошланган. Маҳаллий бошқарув идоралари ходимлари кўмагида масжид қавмлари кесимида солиқ тўловчи хўжаликлар аниқланган¹.

Солиқ амалиёти шу тариқа бошланиб, қўшбеги, бек ва меҳтар оқо санок дафтарларида олдиндан ёзиб олинган солиқ тўловчи хўжаликлар ва аниқ белгиланган миқдордаги солиқ йиғиб бўлингач, ҳисоблаб чиқилиб сўнг хонлик ғазнасига юборилган.

Хонлик ғазнасига келиб тушган, солиқлар ҳисобидан йиғилган маблағларнинг қандай мақсадларда сарф этилганлиги тўғрисидаги фикрлар ва мулоҳазаларда узоқ вақт давомида хазина фақат хоннинг шахсий эҳтиёжлари учун хизмат қилган, деган аниқ исботланмаган қараш устувор бўлган. Собиқ совет даври адабиётларида солиқ амалиёти шавқатсизлик билан амалга оширилганлиги, меҳнаткаш аҳоли, деҳқонларнинг камбағаллашувига сабаб бўлаётган солиқлар сарой маишати учун ишлатилган, деб бўртирилган ҳолда шарҳланиб келинган. Мазкур тадқиқот ишимизда бу ҳулосанинг тарихий ҳақиқатга қанчалик яқинлиги, аҳолидан йиғиб олинган солиқ тушумларидан ижтимоий таъминот, давлат хавфсизлиги йўлида сарф этилмаганми ёки фақат шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланилганлигини аниқлаш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архивидан сақланаётган YUNESKO “Жаҳон хотираси” дастури рўйхатига киритилган “Хива хонлиги девонхона ҳужжатлари”да Хива хонлиги Қўнғиротлар сулоласи даврига оид санок дафтарлари сақланади. XIX аср ўрталаридан 1920 йилгача бўлган даврни ўз ичига олувчи ушбу солиқ тушумлари дафтари, расмий ҳужжатлар турига киради. Санок дафтарлари масжид қавмлари кесимида солғут ва давлат ерларидан олинган ушр ҳисобига хазинада йиғилган маблағлар ва маҳсулотларнинг миқдори билан бир қаторда, уларнинг сарф этилишига доир маълумотлар ҳам қайд этиб борилган ва бу турдаги ҳужжат тавҳижа дафтари номи билан юритилган .

¹ Абдухалилова А.Э. XIX аср охири – XX аср бошлари Хива хонлиги солиқ маъмурияти // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. –Хива 2022.–№2 –Б.221-224



Тавжиҳа дафтари – давлат ғазнасидан сарфланган маблағлар, ойлик маошлар ва бошқа сарф ҳаражатлар, дон маҳсулотлари тушумидан иборат бўлган ва Хива хонлигида хароҷот дафтари номи билан ҳам юритилган¹

Тадқиқотимиз доирасида муҳим саналган тавжиҳа дафтарлари хонлигининг асосий даромади ва унинг қай тариқа йўналтирилганини аниқлаш имконини берувчи ҳужжат саналади. Бугунги кунда Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган “Хива хонлари девонхона ҳужжатлари” фондида ўрин олган 24 та йиғма жилдда XIX аср иккинчи ярми XX бошларига оид ҳужжатларда Хива хонлари девонхонасида юритилган сарф ҳаражатлар қайдномалари мавжуд. Биз томонимиздан ўрганилган мазкур турдаги архив ҳужжатлари солиқлар ҳисобидан йиғилган маблағнинг асосан, хон саройи ҳаражатлари, давлат амалдорлари ва ҳарбийлар маошлари, давлат муҳофазаси, элчилик масаласи, табиий офатларни бартараф этиш, диний-маданий соҳаларга ажратилган.

Хива хонлиги давлат тузилишига кўра мутлақ монархия ҳисобланган, хон бошқа жабҳалар каби, давлат молиясини ҳам мустақил бошқарган ва сарой ҳаражатлари ҳам ўз навбатида солиқлардан тушган пуллар ҳисобидан қопланаган. Хусусан, “*Минг доғи уч юз ўттуз учлонжи йил Моҳи шаъбондан бошлаб ҳар турлуқ ўрунларга берилган хароҷотнинг дафтари*” арк учун зарур маҳсулотлар озиқ овқатдан тортиб, кийим кечак, ўтин, кўмир, шам ва бошқалар ҳам солиқ қайдномаларида йиллар кесимида ойма ой сарой ҳаражатлари ёзиб борилган. “Моҳи шавволда маҳрамхона ҳаражатлари. Паҳлавон маҳрамга шам била кўмири учун 7 тилло, Муҳаммад назар ошпазга ўтин учун 5 тилло, Сувчиға бир тилло, яна бир қанд била, бир қоғоз чой берилди- 2 тилло”. Кейинги саҳифаларда сарой аҳли кийим кечаклар ҳисоби юритилади. “Тўққўз арчин шоҳи атлас 25 танга, ўн кўша ипакли рўмол 2 тилло, бир бўлак оқ тўрма тўрт ёрим тилло, икки бухор шоҳи тўққўз ёрим танга, уч ҳўқанд шоҳи 7 тилло 6 танга, бир қамарли чакмон пули 14 тилло².”

Бу каби маълумотлар Хива хонлиги ер эғалиги ва давлат бошқаруви масаласини тадқиқ этган академик М.Й Йўлдошев томонидан тасдиқланади. Муаллиф фикрича, XIX аср Хива давлат ҳужжатлари, солиқ дафтарлари орасида сарой ҳаражатларини кўрсатувчи дафтарлар талайгина бўлиб, кундалик рўзғор ҳаражатларидан тортиб, турли шахсларга берилган инъомлари сарой учун сарфланган маблағлар ўз аксини топган. Ушбу дафтардан куйидаги парчада меҳтар оқо томонидан ислом динининг муқаддас байрами Қурбон хайити муносабати билан қилинган сарой ҳаражатлари акс этган. “Ийди Қурбонни хароҷоти. Хон ҳазратимизга бир асл чакмон, бир бухор шоҳи тўн тиктуруб берилди, хароҷоти йетмиш етти тилло, Отажон тўраимизга ҳам бир асл чакмон ила бухори тўн пули олтмиш етти тилло...”³

¹ Султонов Ў. Мусулмон мамлакатлари дипломатикаси. –Т.2019. –Б.82

² ЎзР МА. И-125-фонд, 1-рўйхат 598-йиғма жилд.

³ XIX аср Хива давлат ҳужжатлари. II том. М.Й Йўлдошев таҳрири остида. –1960. –Б.392



Рўйхат шу тарзда давом этирилиб, хон ва унинг оила аъзолари учун сарфлардан иборат.

Хонликда солиқлар ҳисобидан сарфларган яна бир тармоқ давлат хизматчилари, сарой амалдорлари, девонхона мирзаларига маош, шунингдек, вилоят ҳокимлари ва оқсоқол ва бийларга рағбат пули сифатида сарфланган. Мазкур маълумотни тасдиқловчи “Хива хонлари архиви”даги ҳужжатда девонхонада фаолият юритувчи мирза (девон) ларга берилган ойлик маош тўрисида батафсил ёзиб қўйилган. Унга кўра, Мулла олта девонни ойлиги 45 манот, Мулла Иброҳим девонга 45 манот, Каримбергон девон 30 манот яна ёрим, Назар Юсуф девон, Дурди девон, Хўжа Аҳмад девон ва яна 4 девонга 45 манотдан, яна икки мирзага 18 ёрим ва 10 ёрим манотдан ҳақ манот. Жами девонхона ҳароҷотлари 1402 манот ва ихоҳ сифатида 1334 кичик тилло¹. Шунингдек, хон томонидан ойлик маош тайин этилмаган амалдорлар- ҳокимлар, бий ва оқсоқолларга турли совғалар тўн, қилич, пичоқ ва баъзан пул маблағдари рағбатлантириш мақсадида бериб берилган².

Давлат амалдорлари учун санок дафтарларининг 1272 йил моҳи рамазон, балиқ йилмига мувофиқ *нисф пули*³ берилган ёддошт номли ҳужжатда турли лавозим эгалари: Ҳаким оталиқ, Искандар иноқ, шоҳмурод иноқ, Бий оқо, Раҳматулло ясовулбоши, Абдурахим маҳрамга эллик тиллодан нисф пули берилганлиги қайд этилган⁴.

Хива хонлиги ғазнасидан энг кўп маблағ давлат муҳофаси учун навкарларга ойлик маош сифатида сарфланган. Тавҳижа давтарларида навкарларга берилган маош ва қўнуқ пуллари, урушда ҳалоқ бўлган отлари учун товон пуллари бериб берилган. “Бобо юзбошига юз ўн тўккуз тилло, Така Насафбек бошлиқўн саккиз отлига 18 кунлик қўнуқи учун ҳар кунда уч тиллодин 54 тилло, Мурод Баҳодир била Сихҳат Баҳодирбошлиқ 26 отлисиға 5 кунлик қўнуқ учун 22 тилло, яна така Давлат Назарбекка 10 кунлик қўнуқ учун 10 тило, яна шаввол ойининг аввалидин бошлаб 22 отлисиға 1 кунлик қўнуқ учун 36 тилло 6 танга, тўпчиларнинг қўнуқи учун, Бобо халифа мингбоши бошлиқ шамҳоллар учун 40 тилло берилди.”⁵.

Навкар ва сипоҳиларга катта миқдордаги ерлар инъом этилган, ерларининг маълум қисмини солиқдан озод қилинган. Хива хонлигидаги ўзига хос *отлиқ* ер эгаллиги ва шу ном билан атлувчи ўлчов бирлигининг вужудга келиши ҳам навкарларга маош тариқасида берилган ер миқдори номидан келиб чиққан. Одатда иш юритиш ҳужжатларида ойлик маош ёки бошқа ҳолларда берилган пулларнинг манбаи ҳам кўрсатилган. Жумладан, “Сумбуланиг ўн учлонжиси панжшанба кунидан бошлаб, Тошҳовузга обо

¹ ЎзР МА И. 125-фонд, 1-рўйхат, 585-йиғма жилд.

² ЎзР МА И. 125-фонд, 2-рўйхат, 103-йиғма жилд.

³ Хива хонлигида хон томонидан бир йўла маош.

⁴ ЎзР МА И. 125-фонд, 1-рўйхат, 602-йиғма жилд.

⁵ ЎзР МА И. 125-фонд, 1-рўйхат, 554-йиғма жилд.



юзбоши била 799 тилло такаларнинг кўнуқи учун бериб юборилди. 400 тиллосин кўшбеги оқодин олдуқ, 100 тиллосин Гурлон солғути даракидин меҳтар оқодин олдуқ 100 тиллосин сакахонанинг пийдасидин олдуқ. Мазкур тиллодин икки юз доғи бир тиллосини чавдурларнинг кўнуқи учун учун Отаниёзбойға бердуқ”¹.

Солиқ ҳисобига йиғилган маблағлар асосий қисмини сарой амалдорлари ва ҳарбий хизматчилар учун маош сифатида ҳам тақсимланиши давлат хавфсизлиги ва бошқарувни мустаҳкамлар зарурати билан боғлиқ эди. Зеро, ислом солиқ асосларини ёритувчи “Китоб ал харож” асарида ҳам солиқларни сарфланишида бир улуш давлат хавфсизлиги йўлида сарфланиши лозим, деб таъкидланган ². Шундай экан, кўчманчилар ҳужумларидан ҳимояланиб туриш ва давлат ҳарбий қудратини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш учун ҳарбийларга яхши маош ва қуноқ пули, аслаҳалар учун маблағлар ажратилиб турилган.

Хива хонлиги Кўнғиротлар даври солиқларда йиғилган маблағларни маданий-диний соҳалари ривожини учун ҳам сарф этилган. 1872 йилда Хивада Саид Муҳаммад Раҳимхоннинг буйруғи билан қуриб битказилган мадрасага катта миқдорда ер вақф қилиб берилган. Шу билан бирга мадраса қурилиш ишлари битгандан сўнг хонлик хазинасидан илм аҳлга эътибор тариқасида совғалар берилади ³. Албатта, бу ҳам солиқлардан тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган.

Архив маълумотларидан хижрий 1331 йилга доир харажатлар дафтарыда Хивада қурилиши бошланган Олия мадрасаси қурилиши учун барча сарф харажатлари солиқлар ҳисобидан амалга оширилганлиги гувоҳи бўламиз. “Хом карфиж учун 381 тилло, 2 танга, яна хом карфиж (ғишт) учун 22 тилло, яна бир юз доғи 5 тилло, ҳар турлуқ нимарсалар учун 71 тилло, устоларга 10 тиллодин 12 тилло, яна карфиж...”⁴ Юқоридаги манбада мадраса қурилиши учун зарур ҳом ашё ва устоларга берилган ҳақнинг ҳам хонлик даромадининг асосий манбаи бўлган солиқ маблағларидан амалга оширилган.

Давлат хазинасидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш хусусан, табиий офат оқибатлари бартараф этиш, ирригация иншоотлари таъмирлаш, бегарда қатнашган қозучиларга ҳақ бериш мақсадларида ҳам фойдаланилган. Бу ўринда хонликнинг 1910 йилда қилинган харажатлари орасида Кўҳна Урганчда қилинган харажатлар 506 тилло, Кўҳна Урганчдаги канални қазувчиларга қилинган харажатлар 1000 тилло, сув тошқини муносабати билан қилинган

¹ 14.Йўлдошев М.Й. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. –Т.1959. –Б.364

² 9.Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Куфий. Китоб ал харож. Таржимон А.Маннапова. –Т.2021. –Б.140

³ 11. XIX аср Хива давлат ҳужжатлари. II том. М.Й.Йўлдошев таҳрири остида. –1960. –Б.392

⁴ ЎзР МА И. 125-фонд, 2-рўйхат, 546-йиғма жилд.



харажатлар 1284 тиллони ташкил этганлиги ҳамда йиллик бегар жараёнида иштирок этувчилар учун ҳақ берилганлигини аҳамиятлидир [11:13].

Давлатга қарашли ерларда солғут ўрнинга маҳсулот кўринишида олинган ушрнинг сарфланиши ҳам саноғ дафтарларида қайд этилиб борилган.

Ўзбекистон Миллий архиви Хива хонлари девонхона ҳужжатлари Давлар ерларидан маҳсулот кўринишида олинадиган даҳякнинг қайдномалари сақланган бўлиб, тадқиқот мавзуимиз доирасида ўрганилган ҳужжат матнида дон маҳсулотларининг йиғилиши билан бирга сарфланишига оид маълумотлар ҳам учрайди. Ҳижрий 1262-1276 (1845-1848) йилларда оид дафтарда қайднома 1262 –ҳижрий йилқи йилига мувофиқ Рафаниқдаги хон ерларидан 4360 ботмон, Султон Махмуд тўра ерларидан 440 ботмон, жами 4800 ботмон ғалла йиғилган. Қайдномалар шу тариқа давом эттирилиб, ҳудудлар кесимида қанча миқдорла ғалла, шоли, мош, кунжут, жўхори ва бошқалар маҳсулотлар олинганлиги ёзиб борилган. Саног дафтарининг 6 вароғидан бошлаб, йиғилган маҳсулотларнинг сарфланишига оид маълумотлар, ажратилган ушр миқдори тўғрисида маълумотлар келтирилади. Ушр ерларидан олинган солиқнинг тақсимланишига мушриф маъсул бўлганлигини мазкур фонддаги тавхижа дафтарларидаги маълумотлар тасдиқлайди. Мушриф томонидан ушр берилганлар турли тоифа кишиларни ташкил этади. Уларнинг аксарият қисми дин уламолари, мударрис-у толиблар эгаллайди. Масалан, Ота Ниёз маҳрам томонидан Худай бахши ва Мухаммад хожиларга берилган ушр миқдори 120 ботмон ғалла, 10 ботмон кунжут ёки Мулла Кутлуғ Муродга 76 ботмон буғдой берилди¹.

Шунингдек, Хива хонлари архиви ҳужжатлари хонга тегишли бўлган хосса ерларидан олинган солиқ қайд дафтарларида давлат ерларидан ҳам солиқ қайд этилганлиги тўғрисида қуйида ўрганилган ҳужжат матнида Катта боғни ғалласи ҳисоби юритилган. Ушр ерларидан олинган даҳяк ҳисобидин жаъми буғдойни 256 ботмон, шул буғдойни 25 ботмони буғдойи даҳяк берилди, 22 ботмони ушр берилди. Катта боғ учун 10 ботмон буғдой тақсим берилди. Холис бўлиб қолғони 139 ботмон².

Хива хонлари архив ҳужжатларини тадқиқ этган П.Иванов ишларида ҳам ушр солиғи учун йиғилган маблағларнинг сарфланишига доир ўрганилган 1847-1848 йилларга оид ҳужжатда Мухаммад Каримбек, Меҳди кулибек, Ота Ниёз маҳрам, Худайберган маҳрамларнинг тўплаган ғалласи миқдори ёзиб борилган. Кейинги ўринларда солиқдан йиғилган маҳсулотнинг Хусайн Мушриф томонидан Мулла Хўжа Ниёз, Мулла Абдурахмон маҳдум, Мулла Аваз, Мулла Абдулла, Мулла Раҳмонкулиларга 34 ботмон буғдой берилган. Яна исмлари келтирилган беш муллага 61 ботмон ғалла, икки корига 60

¹ ЎзР МА И. 125-фонд, 2-рўйхат, 400-йиғма жилд.

² ЎзР МА И. 125-фонд, 2-рўйхат, 418-йиғма жилд.



ботмон буғдой берилган¹. Ушр хисобидан мударрисиларга ва толиби илмларга ҳам улуш ажратилиб турилган.

Шунингдек, даҳякдан дин уламоларидан ташқари фаррошлар ва дуғмалар (қуллар)га ҳам ушр тарқатилган. Гулбанбоғнинг етти дуғмаси ва икки боғбонига 216 ботмон буғдой берилган.

Мисол тариқасида, Якуб маҳрам томонидан Оқ Муҳаммад юзбоши Муҳаммад Сафар юзбошига 120 ботмон буғдой берилган. Ушрнинг сарфланиши кейинги ўринларда ҳам айнан шу тариқа даво этирилган. Дафтар якунида жами йиғилган миқдор ва ҳолис қолгани 9028 ботмон буғдой ва бунинг ҳаммаси мадраса эҳтиёжлари учун тақдим қилинган².

Шунингдек, давлатнинг ташқи алоқаларини олиб борувчи элчилар таъминоти ҳам солиқлардан тушган маблағлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. “Отаниёзбекка Бухороға элчиликка кетганда олтмиш тилло берилди. Бухоро элчисига йўл озукаси учун йигирма беш тилло берилди³.”

Хулоса. Юқорида ўрганилган тарихий ҳужжатлар таҳлида Хива хонлигида давлатнинг асосий даромад манбаи бўлган солиқларнинг сарф этилишига оид миъалумотларни кўриб чиқдик. Мазкур манбалар асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, ғазнадаги солиқлардан келиб тушган даромадлар қуйидаги мақсадларга сарф этилган:

- Хазинадан катта миқдордаги маблағ ҳарбий ҳаракатлар, навкарлар таъминоти, ойлик маошлари ва кўники учун сарфланган. Шунингдек, жангда ҳалок бўлган навкарнинг оила аъзосига моддий ёрдам ёки жангда ўз отини йўқотган навкар учун товон пули тўлаб берилган.
- Солғут ҳисобидан шунингдек, сарой амалдорлари учун маош беришда фойдаланилган. Сарой хизматчиларига ойлик маошдан ташқари рағбатлантириш мақсадида тўн ва бошқа совғалар берилган.
- Хонликда қурғоқчилик, ҳосилсизлик, сел кетиши ва бошқа турли табиий офатлар даврида давлат томонидан солиқ олинмаган. Бундай табиий офатлар натижасида лой тўлган ариқларни тозалаш, қазувчи ва қочуга чиққан ишчиларга ҳақ тўлаш, сув тошқини билан боғлиқ харажатларга ҳам хазинадан маблағ сарфланган. Зеро, шариятда ҳам ердан сув узилиб қолса, сел кетиб сув босиб қолса ёки экинга бирор офат етса, унда хароҷ олинмайди, деб белгиланган.

¹ Иванов П. Архив хивинских ханов XIX в. исследование и описание документов с историческим введением. – Ленинград. 1940. – С.119

² Ўша жойда.....–Б.117

³ XIX аср Хива давлат ҳужжатлари. II том. М.Й Йўлдошев таҳрири остида. –1960. –Б.13



- Кўшни давлатлар билан элчилик алоқалари билан боғлиқ харажатлар ҳам солиқлардан тушган даромад ҳисобидан қопланадиган.
- Ислом устуни бўлган масжид ва мадрасалар таъмири ва янгиликларини барпо этиш фақат вақф даромадлари билан чекланиб қолмасдан, юқорида Саид Мухаммад Раҳимхон мисолида солиқлар ҳисобидан мадраса бунёд этилганлигини гувоҳи бўлдик. Мадрасаларда ушр ҳисобидан толиби илмларга ойлик маошлар бериб борилган.

Юқорида қайд этилган соҳалар билан бир қаторда сарой харажатлари ҳам мавжуд бўлиб, озиқ-овқат, кийим-кечак, фахрли меҳмонлар учун ҳадьялар, кўмир, шам ва бошқалар учун ҳам солиқ маблағларидан сарфланган. Уларнинг барчасига меҳтар томонидан маблағ ажратилган ва тавхижа дафтарида қайд этиб борилган.



ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР // МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ // INTERNATIONAL RELATIONS

ZANG HONGYUAN

Lanzhou University PhD Candidate

Problems and prospects of the project of china-kyrgyzstan- uzbekistan railway

Annotation. It is necessary to consider the possible mutual benefits not only for the three states that are directly involved in the project, but also the benefits for enhanced regional integration. This article will provide a number of recommendations for problems and prospects of the project of China-Kyrgyzstan-Uzbekistan Railway.

The need for such transport links should be seen in the light of both Uzbekistan's and Kyrgyzstan's economic under-development and having enhanced transport links to the wider world could go a long way towards revitalizing these struggling economies. For both landlocked states, (in Uzbekistan's case 'Double Landlocked') connecting to the outside world has been a big issue since gaining independence from the Soviet Union in 1991. Central Asia inherited a railway network that in many cases left the newly independent states with transport infrastructure gravitating more towards Moscow than with the rest of the region (or even with other parts of their own countries). Additionally, in the case of Kyrgyzstan more than Uzbekistan.

